

Насимхон Раҳмонов

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИ
ТАРИХИ**

(Энг қадимги даврлардан XV асрнинг
биринчи ярмигача)

Дарслик

Ҳажми 3

Насимхон Раҳмонов

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ

(Энг қадимги даврлардан XV асрнинг биринчи ярмигача)

Дарслик

Ҳажми 3

-69435-

ДУШ
Алматы, 2021

“Ж. А. ТӘШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТ”
АҚПАРАТТЫҚ БІЛІМ БЕРУ ОРТАЛЫҒЫ
КІТАПХАНА

УДК 821.512.133.0
ББК 83.3 (5 Узб)
Р 24

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор **Ҳамидулла Болтабоев**

Тақризчилар:

Филология фанлари доктори, профессор **Саидбек Ҳасанов**.

Филология фанлари доктори, профессор **Бокижон Тўқлиев**.

Р 24 Раҳмонов Н.

Ўзбек адабиёти тарихи (Энг қадимги даврлардан XV асрнинг биринчи ярмигача): дарслик. Ҳ.З. / Раҳмонов Н. – Алматы: ЭСПИ, 2021. – 260 с.

ISBN 978-601-342-833-8

Мазкур қўлланма ўзбек адабиётининг энг қадимги даврларидан XV асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни камраб олган. Қўлланмада биринчи марта қадимги туркий миф ва афсоналар, исломгача бўлган давр ёзма ёдгорликлари ўзбек халқининг адабий ёдгорликлари ва ёзма манбалари сифатида батафсил ёритилган. Ўзбек адабиёти тарихи манбалари янгича даврлаштириш тамойиллари ва адабий эстетик ҳамда диний-фалсафий нуқтан назардан таҳлил қилинган, шу пайтгача диний асар сифатида қаралиб, адабиёт тарихидан ўрин олмаган ёзма ёдгорликлар ҳам ўзбек адабиёти тарихининг нодир ёдгорликлари сифатида ўрганилган. Мазкур қўлланмада, аввалги қўлланмалардан фаркли равишда, ҳар бир ижодкорнинг ва бадий асарнинг адабий-эстетик жиҳатларига асосий эътибор қаратилган.

УДК 821.512.133.0
ББК 83.3 (5 Узб)

ISBN 978-601-342-833-8

© Раҳмонов Н., 2021
© ЭСПИ, 2021

СЎЗ БОШИ

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва адабиёт тарихига муносабат. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳамма соҳалар катори, маънавий жараёнга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Маънавий жараён маълум бир мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта рол ўйнаб келган ва шундай бўлиб қолади. Мамлакатнинг руҳан барқарор, соғлом фикрли авлодлари маънавий жараён туфайлигина ўз гоъларини, ақидаларини яратиб, авлоддан-авлодга ўтказиб келган.

Шарк азалдан маънавий жараён бешиги эди. Қадимги Шумер, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Турон халқлари яратган моддий-маънавий ёдгорликларни эслаб ўтишнинг ўзи кифоя. Айниқса, Туронзаминнинг осори-атиқалари, ёзув маданияти, архитектура иншоотлари ҳамон жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Зотан “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да шундай дейилади: “...сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради”.¹ Дастурда айtilган бу камчиликлар ўзбек мумтоз адабиётини олий таълим тизимида ўқитишга ҳам бевосита ва билвосита алоқадордир. Айниқса, дастурда “Халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш”²га қаратилгани ўзбек мумтоз адабиётини олий таълим тизимида ўқитишга алоҳида эътибор бериш заруриятини келтириб чиқаради. Чунки Дастурда таъкидланган “халқнинг бой ва маънавий мероси”нинг катта қисмини ўзбек мумтоз адабиёти намуналари ташкил қилади. Икки минг йиллик тарихга эга мумтоз адабиётни изчил ўргатадиган қўлланманинг йўқлиги ҳам “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да қўйилган таъкидларни амалга оширишни бир оз қийинлаштирмоқда.

¹ Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. — “Истиқлол” нашриёти шўба корхонаси Бош таҳририяти. Тошкент-2004, 10-б.

² Юридик тўплам. 17-б.

Ўзбек адабиёти тарихи, умуман, ўзбек тили ва адабиёти фанларига ҳукуратимиз томонидан алоҳида эътибор берилётгани ҳам бу фаннинг олий таълим тизимида, қолаверса, жамиятимизда катта маъкега эга эканини кўрсатади. Хусусан, 2016 йилнинг 13 май куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан чиқарилган “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида” Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонда таъкидланишича, “Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак – миллатнинг руҳини йўқотмакдур” деган ҳикматли сўзлари ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди”. Шунингдек, Фармонда ўзбек тилининг қадимий илдиизга ва бой тарихга эга экани, узок тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтгани тўғрисида ҳам айтилган.

Қўлланмада юқоридаги фармон ва қарорлардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир даврдаги адабий тилнинг адабий манбаларни шакллантиришдаги ролига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

“Ўзбек адабиёти тарихи” курсини ўқитиш мунтазам равишда адабиётшунослик ва методика фанларига доир сўнги ютуқлар билан бойитиб борилиши талаб этилади. Акс ҳолда, талабаларнинг мумтоз адабиёт тарихи ҳақидаги тасавурлари адабиётшунослик фани тараққиётидан ортда қолиб кетади. Шунингдек, бўлажак филологлар эгаллаган билимларини ёш авлодга ўргатишнинг самарали дидактик усулларидан беҳабар қолишлари мумкин. Ёш филологлар эртанги кунга яроксиз эски адабий қарашлар тизими билан курулланиб қолмасликлари учун кўп асрлик тарихга эга ўзбек адабиётига тамомила янгича нуқтаи назардан ёндашиш зарурияти пайдо бўлди. Чунки бизда, шу вақтга қадар, умуман, адабиёт тарихини, хусусан, мумтоз адабиёт тарихини соғлом илмий асосларда ўрганиш тамойиллари ишлаб чиқилмаган эди.

Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихи ўтмишда алоҳида муқтакил фан ва яхлит тизимли бадий-эстетик ҳодиса сифатида эмас, балки энг етук адабий сиймоларнинг алоҳида асарлари кўпроқ бадий маҳорат нуқтаи назаридан локал йўсинда ўрганиб келинган бўлса, Шўро даврида адабиётга синфий-партиявий нуқтаи назар билан

қараш оқибатида бир миллатнинг ягона адабиётига бир-бирига зид бўлган иккита адабиёт сифатида қаралди.

Ўзбек адабиётини даврлаштириш тамойиллари. Шўро даврида миллий адабиётни даврлаштириш муаммосига ҳам соғлом тафаккур позициясидан ёндашилмай, адабиётнинг санъат ва эстетик ҳодиса эканлиги ҳисобга олинмади. Шунинг учун ҳам адабиётнинг таракқиёти тўлиғича жамият тарихидаги даврларга мос келадиган босқичлардан иборат деб қаралди. Адабий шахсиятларга муносабат, бадиий матнлар таҳлили ва талқини бобида ҳам синфий-партиявий ёндашув устувор бўлди. Бу носоғлом ва ғайриилмий ёндашувларни бартараф этиш, бўлажак филологларнинг адабиётшуносликдаги энг сўнгги ва соғлом илмий қарашлардан хабардорлигини таъминлаш учун ҳам «Ўзбек адабиёт тарихи» курсини тамомила янгича илмий қарашлар тизимига таянилган, адабиёт тарихига олдингиларга ўхшамайдиган нуқтаи назардан ёндашилган йўсинда ўрганиш ва ўргатиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Назаримизда, ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш учун мезон сифатида маълум бир адабий-тарихий жараёни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ. Масалан, исломгача бўлган даврдаги адабий жараён ислом давридаги адабиётдан ҳам мазмунан, ҳам пайдо бўлиш жиҳатидан фарқ қилади. Ислоmgача бўлган даврдаги адабиёт шомонлик, буддавийлик, монийлик диний оқимларисиз ривожланиши мумкин эмас эди. Қолаверса, исломдан олдинги адабий ёдгорликларга том маънодаги ёзма адабиёт сифатида қаралмади. Бу даврдаги адабий ёдгорликларнинг ўзига хос мезонлари борлиги ва ана шу мезонлар даврлаштиришнинг асоси бўлиши кераклиги бугунги кунда маълум. Ислоmgача бўлган бир неча диний оқимлар бир ҳудудда фаолият кўрсатаверди. Марказий Осиёда бирин-кетин зардуштийлик, шомонлик, монийлик, буддавийлик оқимлари ўзига хос ёзма адабиётни юзага келтирди. Буддавийлик оқими “Олтун ёруғ”ни, “Майтри смит”ни ва буддавийлик шеърларини, монийлик оқими “Хуастуанифт” (Монийларнинг тавбаномаси)ни ва монийлик шеърларини, шомонлик қадимги туркий афсоналарни юзага келтирди, бу оқим туркий-рун ёзма ёдгорликларига ҳам таъсир этди.

Ана шу фикр-қарашлардан келиб чиққан ҳолда исломгача бўлган туркий адабиётни қуйидагича даврлаштириш мақсадга мувофиқдир:

Шомонлик окимидаги қадимги туркий адабиёт.

Монийлик окимидаги қадимги туркий адабиёт;

Буддавийлик окимидаги қадимги туркий адабиёт.

Биз икки жилддан иборат “Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари”ни³ тузганимизда, ўзбек адабиётини даврлаштириш тамойилларининг ўзига хос жиҳатлари, мезонлари, тамойиллари ҳақида қисқача сўз юритиб, ўзимизнинг даврлаштиришимизни тақдим қилган эдик. Кейинги изланишлар натижасида ўзбек адабиётини даврлаштириш учун фақат бадиий асарларни эмас, балки тарихий-адабий асарларни, соф тарихий асарлар ва уларнинг таркибида истифода этилган маълум адабий жанрларни ҳам жалб этиш лозимлиги маълум бўлди.

Аммо ўзбек адабиётини даврлаштириш учун фақат туркий ёки ўзбек тилидаги асарларнинг ўзи ҳам кифоя эмас. Ўрта Осиёдаги, хусусан, Туронзаминдаги араб тилидаги адабиёт ҳам ўзбек адабиёти тарихида алоҳида даврни ташкил қилиши ҳақида биз ўз қарашларимизни илгари сурган эдик.⁴ Бу давр адабиётини биз «Ғазнавийлар даври адабиёти» деган ном билан аташ мақсадга мувофиқлигини ва бунинг сабабларини ҳам таҳлил қилдик. Ғазнавийлар давлатининг ўз қўли остидаги давлатларда олиб борган сиёсати илмий ва маданий муҳитга кескин таъсир ўтказди. Ғазнавийлар давлатининг илмий, маданий ва адабий муҳити XI асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний меросида намоён бўлади. Айтиш мумкинки, Ғазнавийлар давлатининг бутун ютуқлари, илмдаги, адабиётдаги муваффақиятларини белгиловчи омил – Берунийнинг асарларидир. Энг муҳими, Ғазнавийлар давлати адабиётини алоҳида давр сифатида ўрганишда Берунийга таяниш мумкин. Соддарок қилиб айтганда, *“Ғазнавийлар даври адабиёти”* деган ном остида алоҳида даврни Берунийнинг бадиий адабиётга, адабий жанрларга бўлган муносабати, унинг қарашлари

³ Қаранг: Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, I жилд (энг қадимги даврлардан XIII аср охиригача). Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Н. Раҳмонов, Тошкент, «Фан», 2005; Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, II жилд (XIV-XV аср бошлари), Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Н. Раҳмон, Тошкент, «Фан», 2007.

⁴ Некоторые вопросы периодизации узбекской литературы. «Алтаистика и тюркология» ж., Астана, 2013, №4.

белгилайди. Биз учун муҳими шу – унинг илмий фаолияти, Ғазнавийлар сулоласида яратган адабиёт ва адабиётшуносликка оид қарашлари алоҳида адабий давр ҳақида сўз юритиш имконини берганидир. Шу боис, биринчи навбатда, “Ғазнавийлар даври адабиёти”ни алоҳида адабий давр сифатида баҳолаш эҳтимол, Берунийнинг “Осор ул боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асаридаги адабий жанрлар, адабиётшуносликка оид қўзғатишларига, қолаверса, “Ҳиндистон” асарида афсона ва ривоятларга таянамиз. Шунингдек, Ибн Синонинг “Тайр”, “Соломон ва Ибсол” қиссалари ҳам Ғазнавийлар даври адабиётининг бир қисмидир.

Савол туғилиши мумкин: Беруний биронта асарини ўзбек тилида ёзмаган бўлса, қандай қилиб унинг тарихий-этнографик асарларида келтирилган адабий жанрлар ўзбек адабиётининг мулки деб айта оламиз? Жаҳон адабиётида шу қоида маълумки, тил муаммоси ҳар доим ҳам масалани ҳал қилавермаган. Масалан, Библиянинг Янги Аҳд қисмини яҳудий халқи ўзининг мулки, ўзининг бадиий асарлари, маданий мероси сифатида қадрлайди. Лекин Янги Аҳд асосан юнон тилида етиб келган. Аммо юнонлар ҳеч қачон Янги Аҳд муаллифлигига даъво қилган эмаслар. Бунга ўхшаш мисолларни бошқа халқларнинг қадимги адабиётидан намуна сифатида келтириш мумкин. Биз эса фақат бир мисол билан чекланамиз.

Ўрта Осиёда араб халифалиги ҳукмронлиги даврида туркий ёки ўзбек адабиёти таназзулга юз тутди. Ўрта Осиёда араб халифалиги ҳукмронлиги даврига оид туркий тилдаги ёзма манбалар йўқ. Дарвоқе, Беруний Ўрта Осиёга, хусусан, Мовароуннаҳрда араблар истилосини ва унинг оқибатларини шундай тасвирлайди: “Қутайба Ибн Муслим ал-Боҳилий хоразмликларнинг қотибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини қўйдиргани сабабли, улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар”.⁵

Мана шу далилнинг ўзи ҳам араб халифалиги даврида Мовароуннаҳрнинг маданий аҳволидан дарак беради. Аммо адабий жараён тўхтаб қолмади. Яқин уч аср давомида туркий адабиётнинг

⁵ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, Тошкент, Фан, 1968, 84-бет.

маркази Мовароуннахрдан ташкарида Шарқий Туркистонда, Сибирь ўлкаларида яшади. Бу ўлкалар ислом маданиятидан холи бўлгани учун оғзаки ва ёзма адабиёт қадимги туркий адабиётнинг давоми сифатида яшайверди.

Араб халифалигидан кейин пайдо бўлган Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар сулолаларида вазият тамомила бошқача тарзда намоён бўлди. Сомонийлар сулоласида форс-тожик адабиёти гуллаб-яшнади, Қорахонийлар даврида туркий тил, туркий маданиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ғазнавийлар даври адабиёти” ҳам ўзбек адабиётининг бир бўлаги сифатида ўқитилиши лозим, деб биламиз. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, Илк уйғониш даври вакиллари – Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Рудакий каби олим ва шоирлар ҳам “Ғазнавийлар даври адабиёти” қисмида берилди.

Хуллас, сулолалар тарихи даврлаштиришнинг бир мезони бўлиши мумкин экан. Бундай ҳолда албатта адабий жараёнда жиддий ўзгаришлар бўлиши, янги, такрорланмас адабий муҳит юзага келиши шарт. Машҳур адабиётшунос Н.Маллаев ўз даврида ўзбек адабиётини даврлаштириш ҳақида сўз юритганда, совет мафкураси нуқтаи назаридан адабиёт билан хонлар, сулолалар тарихи ва номи ўртасига қатъий чегара қўйган эди. У ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш тамойиллари ва омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатди: “...адабиёт тарихи халқ тарихининг узвий бир қисми бўлиб, уни даврлаштиришда, бир томондан, жамиятнинг умумий тараққиёт қонуниятларига, иккинчи томондан, адабиёт тараққиётининг ўзига хос хусусиятларига асосланиш лозим”.⁶ Н.Маллаевнинг даврлаштириш тамойиллари бу ўринда аниқ белгиланган. Дарслик муаллифи адабиётшуносликда эришилган ютуқлар, хусусан, адабиётни даврлаштириш тамойилларининг эскича усуллари билан ўзининг даврлаштириш тамойиллари ўртасида тамомила фарқ борлигини далиллашга ҳаракат қилади: “...совет адабиётшунослиги ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш соҳасида йўл қўйилган хатоларга, жумладан, адабиёт тарихи тараққиётини сулолалар ёки подшоларнинг, хонларнинг келиб-кегишлари тарихига қараб даврлаштириш

⁶ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб (XVII асргача) “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент, 1976. 7-б.

майлларига узил-кесил барҳам берди”.⁷ Н.Маллаев маълум даражада ҳақ, у сулолалар ҳукмдорлари билан адабий жараён тақдирини белгилаш тарафдори эмас ва адабиётни даврлаштиришда ҳам тамоида бу тамойилдан Совет даврида воз кечилганини таъкидлади. Аммо масала бошқа ёқда – адабий жараённинг маълум бир хонлик давридаги ўзига хос, такрорланмас хусусиятлари – адабий жараённинг юксалиши ёки таназзули, адабиётга янгича ёндашув даврлаштириш учун тамойил бўлиши керакми ёки йўқми? Шубҳасиз, маълум бир сулолалар ва хонликларнинг адабий жараёни янги ўзанга буриб юборгани аниқ ва бунга мисоллар ҳам кўп. Бу ҳолатни Қорахонийлар сулоласида ҳам, Олтин Ўрда адабиётида ҳам, Темурийлар даври адабиётида ҳам кўриш мумкин. Шу боис биз ўзбек адабиётида маълум сулолалар даврида ўзига хос мезон, тамойиллар, усул шаклланигани учун, адабиётни даврлаштиришда сулолалар тарихига таянамиз ва шу ном билан атаймиз.

Ўзбек адабиётининг илк мумтоз ва ўрта асрлар давридаги боскичларига назар ташласак, яна бир ходисанинг гувоҳи бўламиз. Бу адабий жараённинг узлуксизлиги масаласидир. Адабий жараённинг узлуксизлигини таъминлайдиган омиллар ва воситалар маълум сюжетлар ёки бадиий тасвир воситаларидир. Айтайлик, қадимги туркий адабиётдан илк классик даврга ўтиш жараёнида шундай ҳодисани кузатиш мумкин. Жумладан, қадимги туркий-рун ёзма ёдгорликларини ёзма адабиётнинг намунаси сифатида таҳлил ва талқинлар илк мумтоз адабиётдан узилмасдан, образлар, бадиий тасвирий воситаларида давом этди. Масалан, “Қутадғу билиг” билан туркий-рун ёзувлари ўртасидаги алоқалар шундан далолат беради. Икки давр адабиётининг – исломгача ва исломдан кейинги давр адабиётининг ўртасидаги узлуксизлик даврлаштиришга асло халақит бермайди. Бу ҳолат эса қадимги туркий адабиётни икки даврга - исломгача ва ислом давридаги адабиёт сифатида чегаралаб ўрганишга имкон берди.

Қорахонийлар сулоласи давридаги туркий адабиёт исломгача бўлган туркий адабиётдан фарқ қилади. Гарчи бу даврдаги адабиёт қадимги туркий тилда давом этган бўлса ҳам, адабиётнинг мазмун-моҳияти, адабий таъсир, жанрлар, вазн, ҳуллас, адабий жараён

⁷ Маллаев Н.М. Юқоридаги асар, 8-б.

нуктаи назаридан алоҳида давр сифатида ажратилишини тақозо этади.

Мўғуллар истилоси Марказий Осиёнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётига жиддий салбий таъсир этди. Бу ҳақда айтиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз. Аммо мўғул истилосининг, биринчи навбатда, мўғулларнинг ўзлари учун, иккинчидан, Ўрта Осиё туркий кавмлари учун ижобий томонлари ҳам бўлди. Мўғуллар учун ижобий томони шунда бўлдики, на давлат тизимига, на давлат бошқаруви тизимига, на турмуш маданиятига эга бўлган халқ Ўрта Осиёга келиб, ҳамма нарсани – давлат тузилишини ҳам, давлат бошқарувини ҳам, турмуш маданиятини, маънавий маданиятни, жумладан, ёзув маданиятини ҳам ўрганди. Иккинчидан, адабий жараён тамомила бошқа ўзганга тушди. Эрли халқнинг эҳтиёжларини биринчи навбатда эътиборда тутган мўғул хонлари туркий тилдаги адабиётга эътибор бердилар. Айниқса, Олтин Ўрда давлати туркий тилдаги, аниқроғи, европаликлар “чиғатойча” деб атайдиган эски ўзбек тилидаги адабиёт тараккиётига эътибор қаратдилар. Олтин Ўрда давлатининг пойтахти Сарой шаҳрида эски ўзбек тилидаги адабий муҳит юзага келди. Қул Али, Маҳмуд Али ибн ас-Саройи, Хоразмий, Рабғузий, Қутб ва бошқа қатор ижодкорлар Олтин Ўрда адабий муҳитини шакллантирдилар. Миср мамлуклар давлатидаги (XIII-XVI асрлар) туркий адабиёт ҳам бевосита Олтин Ўрда адабиётининг давомидир.

Олтин Ўрда қулагандан сўнг, ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан бирга, адабий, маданий ва илмий ҳаёт ҳам ўзгарди. Адабий ҳаётдаги ўзгаришлар Темурийлар даври адабиётига замин бўлди.

Темурийлар даври адабиётига оид мазкур қўлланмада таҳлил қилинган асарларни биз юқорида келтирилган мажмуамизнинг 2-жилдида манбашунослик нуктаи назаридан қайтадан кўриб чиқдик. Хусусан, мунозаралар жанрига оид асарларнинг нашрини фотонусхаларига солиштириб, матн тайёрлаш жараёнида йўл кўйилган кўплаб сакталикларни бартараф қила олдик. Талабалар матнни ўқиш жараёнида луғатга эҳтиёж сезмасин деб, матнларни имкон қадар луғат билан таъминлашга ҳаракат қилдик; замон талаблари туфайли тушириб қолдирилган аксарият мумтоз асарларнинг дебочаларини, масалан, номаларнинг ҳамд, наът қисмларини турли манбалардан топиб тиклаб, таҳлил объекти

килиб олдик ва талаба асарни тўлик тасаввур килишига ҳаракат этдик.

Юқоридаги қисқача шарҳлардан шу нарса аён бўладики, адабий жараённинг ўзгариши ва таракқиёти бевосита ва билвосита сулолалар тарихига ҳам, сулолалар ўзгариши билан юзага келган адабий ва маданий муҳитга ҳам боғлиқ экан. Қолаверса, ўзбек адабиёти ҳар бир даврда ўзига хос категорияларга – муаллиф позициясига, мавзуга, ғояга, муаммога, услубга ва х.ларга эга бўлиб, сулолалар тарихи бу категорияларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида муҳим роль ўйнади. Адабий жараёндаги ана шу категорияларни инобатга олган ҳолда, XV асргача бўлган ўзбек адабиёти тарихини куйидагича даврлаштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб қараймиз:

1. Исломгача бўлган туркий адабиёт:

а) Буддавийлик оқимидаги туркий адабиёт.

б) Монийлик оқимидаги туркий адабиёт.

в) Шомонлик оқимидаги туркий адабиёт.

2. Ғазнавийлар даври адабиёти

3. Қорахонийлар даври туркий адабиёти.

4. Олтин Ўрда даври ўзбек адабиёти.

5. Темурийлар даври ўзбек адабиёти.

Умуман, адабий жараёни даврлаштиришда асар ёзилган даврдаги лисоний муҳит бош ўрин тутиб қолмаслиги лозим. Ижодкор яшаган ижтимоий муҳит, адабий категорияларнинг ҳар бир даврда ўзига хосликлари ва бадийлик тамойиллари асосий мезон бўлиши керак. Зотан, юқорида айтиб ўтганимиздек, сулолалар тарихи айни ана шу мезонларга замин ясади.

Биз ўзбек адабиёти тарихини XV асргача қайси омилларга кўра даврлаштириш лозим деган саволга жавоб тариқасида юқоридаги фикрларни ўртага ташладик. Абдурауф Фитрат, Кўпрулизода, Миён Бузрук каби улуғ олимларнинг ўзбек адабиётини даврлаштириш ҳақидаги қарашларига тўхталмадик. Уларнинг ўзбек адабиётини даврлаштиришига муносабатимиз бошқа ишимизда ўз аксини топган.⁸

⁸ Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари. –Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2016.

Қадимги туркий адабиётдан бошлаб адабий жанрларда ва адабий шаклларда ўзгаришлар юз берди. Шу боис булар ҳақида ҳам қисқа назарий билимлар бериш назарда тутилди ва қўлланмага “Илова” берилди. “Илова”ни Гулистон давлат университетининг доценти, филология фанлари номзоди **Музаффар Маматқулов** ёзди. Бу қисмнинг масъул муҳаррири филология фанлари номзоди, доцент **Ваҳоб Раҳмонов**.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Амир Темурнинг Тўхтамишга қарши олиб борган курашидан сўнг, Олтин Ўрда давлати таназулга юз тута бошлади ва тахминан XIV асрнинг 80-йилларида кулади. Аввал айтиб ўтганимиздек, Олтин Ўрда маданий ва адабий муҳити Мисрдаги Мамлуқлар давлатига кўчган эди. Мовароннухр ва Хуросондаги маданий марказ Амир Темур асос солган давлатда қарор топди. Амир Темур ўзи ташкил қилган салтанатни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарорлаштирди, унинг хизмати натижасида маданий ҳаёт янгича мазмун касб этиб, ривожлана борди.

Маълумки, XIV аср бошларида Чиғатой хонлари бутун Мовароуннаҳрда ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Бу бежиз эмас эди, албатта. Мовароуннаҳр учун Чиғатойнинг ҳукмронлик даври муҳим. Зотан, Чиғатой ўз ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Чингизхон фарзандларидаги иқтидорнинг маълум бир кирраларини жуда яхши билгани ҳолда уларга шундай таъриф беради: “Кимнинг кўнглида эзгу истаклари бўлса...Жўжига эргашсин; шохликнинг ҳимояси сифатида ясани, қонун-қонидани, биликни⁹ билишни истаса, Чиғатойга борсин; кимда бағрикенгликка, саҳийликка мойиллик бўлса, ким бойлик ва фаровонлик истаса, Ўқтойга борсин; ким шон-шухратга, жангда қахрамонлик кўрсатишга, шохликларни эгаллаб, оламини итоат эттиришга интилса, Тулуйнинг хизматида борсин” (*Рашидиддин. Юқоридаги асар, 8-б.*). Тарихий манбаларда, хусусан, Рашидиддиннинг “Жомеъ-ут-таворих”ида ва Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”да Чиғатойнинг ақли, қобилиятли, ўзига ҳурматни талаб қиладиган ҳукмдор бўлгани таъкидланади.

Темурийлар салтанатининг вужудга келишида Мовароуннаҳрдаги тарихий-сиёсий шароит муҳим роль ўйнади.

⁹Билик – мўғуллар хитойлардан бир одатни ўзлаштирган эдилар: хитойликларнинг одатларига кўра, хонларнинг гап-сўзлари ёзиб олиниб, уларнинг ўлимидан кейин чоп этилган; хоннинг нутқи сажъли насрда ёзилган. Бу нутқ туркийча “билик” деб аталган. Чингизхоннинг биликлари таълим предмети бўлган эди. Хитойда бир марта тахтга меросхўрлик биликни жуда яхши билган даъвогарнинг фойдасига ҳал бўлган. Чингизхоннинг айрим биликларини Рашидиддин китобнинг охирида келтирган.

XIV асрнинг биринчи ярмида мусулмон маданиятининг Мовароуннаҳрда мустаҳкам қарор топишида Кепак хон (1318-1326) нинг хизматлари катта бўлди. Ҳозирги Қашқадарё вилояти Чигатой хонларининг қароргоҳи бўлиб қолди. Кепакхон ўзи учун бир сарой қурдирди. Бу сарой “қарши” (Ўзбекчада “сарой” демақдир) деб номланди. Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган мўғул ҳукмдорларидан Кепак хон биринчи бўлиб бутун давлат микёсида ўзи номи билан қўйилган тангаларни жорий қилди. Бу пулнинг номи Амир Темур даврида ҳам “кепак” номи билан юритилаверди. Кепакхон мусулмон маданиятининг ривож топишида катта хизмат қилган бўлса ҳам, ўзи мажусийлигича қолди. Унинг укаси Тармаширин (1326-1334) мусулмонликни қабул қилди. Тармаширин акасининг йўлини давом эттириб, кўчманчилик анъаналарига жиддий зарба бера бошлади. Оқибатда Тармаширин ўлдирилди. Шундан сўнг Чигатой хонларининг саройи бир неча йилга Или дарёси бўйларига кўчирилди.

Янгича маъмурий бўлиниш – *туманлар* ҳам айна шу даврда пайдо бўлди. Самарқанд, Бухоро, Эрон туманларга бўлинган эди. Бундай маъмурий бўлиниш, шубҳасиз, давлат қурилиши ва такомиллашувида жиддий роль ўйнади. Жумладан, биргина Самарқанд вилояти Чигатойлар даврида шунингдек, Амир Темур даврида ва XVIII асргача етти туманга бўлинган эди (*Бартольд. Сочинения. V жилд, 33-б.*).

XIV асрнинг 40-йилларида Мовароуннаҳрда, айнан, ҳозирги Қашқадарё худудида яна чигатойлардан Қозонхон ўз ҳокимиятини ўрнатди, Қозонхон Қаршининг ғарб томонида Занжирсаройни барпо қилди. Қозонхон мамлакатда мустаҳкам ҳокимият ўрнатишга қарор қилди. Бунинг натижасида Қозонхон билан орлот, жалоийр, қовчин ва барлос уруғбошилари ўртасида зиддият пайдо бўлди. Барлос уруғидан бўлган Қозоғон кўзғолон кўтариб, мўғул шахзодаларидан бирини хон деб эълон қилди. Ўртада бир неча йил уруш бўлди ва нихоят, 1346–1347 йилларда Қозонхон мағлуб бўлиб, ўлдирилди. Ҳокимият Қозоғон хон қўлига ўтди. Аммо Қозоғон хонга фақат Мовароуннаҳр ҳукмронлиги тегди. Чигатой давлатининг қолган қисмига дуғлат уруғбошиси ҳукмронлик қиладиган бўлди. Форс манбаларида бу бошлиқлар *амир* деб аталган бўлса, туркий қавмлар *бек* ёки мўғулча *нўён* деб аталадиган бўлдилар. Мовароуннаҳр амирлари ҳам, дуғлат амирлари ҳам бир

қонуниятга амал қилдилар: иккаласи ҳам Чингизхон авлодларидан хон тайинлашни ўзларининг ҳокимияти учун қонуний деб билдилар.

Маълумотларга кўра, иккала давлатнинг ҳарбий тузилиши деярли бир хил бўлган эди. Чигатой термини аҳолининг кўчманчи ва кўчманчилик анъаналарини билдириш учун Мовароуннаҳрда сақланиб қолди. Аммо у ерда Чигатой наслидан хонлар қолмаган бўлса ҳам, бу ном темурийлар салтанатининг охириги наслларида, хусусан, Бобур авлодларида сақланиб қолди. Чигатойнинг кўчманчи авлоди ўзларини мўғуллар деб атайдиган бўлдилар. Мўғулистон деган географик ном ана шундан қолган. Умуман, этник ном аслидан узоқлашиб, тамомила бошқа ном ва лақабларни олди (*Бартольд. Сочинения. V жилд, 33-б.*).

Амир Қозоғон ўн икки йил ҳукмронлик қилди. 1358 йили Қозоғон хон ўзининг куёви томонидан ўлдирилди. Қозоғон ҳукмронлиги даври шуниси билан диққатга сазовор бўлдики, ички низолар, чигатой улуси билан мунгуллар ўртасида юз бермади. Қозоғоннинг ўлиmidан кейин ҳокимият унинг ўғли Абдулланинг кўлига ўтди. Абдулла отаси ҳаётлигида Самарқандда яшарди. (Қозоғон эса кўчманчилар йўлбошчиси бўлиб ҳаёт кечирар, ишни Амударё бўйидаги Соли Сарой қишлоғида, ёзни Мунка шаҳрида – ҳозирги Балжувон ёнида ўтказарди.) Абдулла пойтахтни ўзи яшаб турган жойга кўчирмоқчи бўлган эди, лекин бошқа амирлар бунга қарши чикдилар, бу низолар оқибатида уруш келиб чикди, урушда Абдулла ҳалок бўлди. Кейинги йиллар Мовароуннаҳрда доимий исёнлар, фитналар, мўғул хонлари билан муттасил курашлар даври бўлди. Хуллас, бу даврда юз берган асосий воқеалар куйидагилардан иборат:

Мўғул хони Туғлук Темур 1360-1361 йилларда Мовароуннаҳрга юриш қилди, шу пайтда хон томонидан Шаҳрисабз ва Қарши беги қилиб тайинланган Темур илк бор жанг қилди;

Темур Қозоғоннинг набираси Хусайн билан иттифоқ тузиб, мўғулларга қарши кўзғолон кўтардилар. Лекин Хусайн билан Темур Чирчикда (1365 йили) мўғулларга қарши курашда мағлубиятга учрадилар;

XV асрда машҳур шоир сифатида эътироф этилган Қобулшоҳ хон деб эълон қилинди. Қобулшоҳнинг ота-боболари бу дунёдан юз ўгириб, дарвешликни ихтиёр қилган эдилар. Амир Хусайн билан

Соҳибқирон, Қобулшоҳни тахтга ўтқазсак, мамлакатнинг муаммолари барҳам топади, деб ўйладилар ва уни “Турк подшоҳларининг расм-қоидаси бирла”¹⁰ тахтга ўтқаздилар. Лекин кўп ўтмай у тахтдан туширилди ва Одил Султон хон бўлиб тахтга ўтирди;

Хусайн Балхда 1368 йили ўзига атаб қалъа қурдирмоқчи бўлди, Темур эса уни бу ниятидан қайтаришга уринди ва амакиси Абдулланинг тақдирини мисол қилиб келтирди;

Хусайн ва Темур ўртасида кураш кетди. Темур Хусайннинг турк амирлари, айниқса, мусулмон рухонийлари орасидаги душманлари билан иттифок тузди;

Хусайн асирга олиб ўлдирилди;

Балхдаги қалъа йўқ қилинди, пойтахт Самарқандга кўчирилди, у ерда ҳарбий иншоотлар, шаҳар девори қурдирилди (1370 йил).

Шундай қилиб, Темур ўн йил давомида бутун Мовароуннаҳрни эгаллади.

Албатта, Амир Темур шахсияти маданий ҳаёт ривожини учун муҳим омиллардан бири бўлган эди. Амир Темур шахсияти тўғрисида ишончли маълумот Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида бор. У Амир Темурга қуйидагича таъриф беради: “Темур Кўрагон – анораллоҳи бурҳонаҳи, агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеда ўқибдурларким, анингтеқ бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор”.

Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”идаги Амир Темурга оид эътирофини – соҳибқироннинг ғоят нозик таъб бўлгани, шеърни яхши тушунгани ҳақида “Темур тузуклари”да келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Бунинг боиси яна унинг шахсиятига бориб тақалади. “Темур тузуклари”да айтилишича, у илм аҳлига, дин билимдонларига, қиссахонларга алоҳида эътибор бериб, ўзига яқинлаштирган ва бундан кўп манфаатдор бўлган.

Амир Темурдан сўнг у ташкил қилган давлат иккига бўлиниб, Хуросонда Амир Темурнинг ўғли Шохрух (1409-1447 йиллар), Мовароуннаҳрда набираси Улуғбек (1409-1449 йиллар) ҳукмронлик қилдилар. Йирик мамлакат иккига бўлиниб кетган бўлса ҳам,

¹⁰ Қаранг: Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аъзий. Тарихи Рашидий. –Т.: “ЎЗБЕКИСТОН”, 2011, 82-б.

маданий ҳаётда асло узилдиш бўлмади. Аксинча, адабий-маданий алоқалар ривож топиб бораверди. Амир Темурдаги маърифатпарварлик фазилати темурий шаҳзодаларга намуна бўлгани боис, улар адабий-маданий жараён ривожланишига алоҳида эътибор бердилар. Навоий “Мажолис-ун-нафоис”да темурийлар авлодидан етишиб чиққан йигирма икки ижодкорнинг исми-шарифини зикр этади. Бу шоирлар орасида Халил Султон, Улуғбек Султон, Бойсунғур Мирзо, Абулқосим Бобур Мирзо, Шох Ғариб Мирзо ва бошқалар бор. Айниқса, Бойсунғур Мирзо адабиётга ҳомийлик қилибгина қолмай, ўзи ҳам шеърлар ёзди. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун -ул-балоға” (1436-1437 йилларда ёзган) асарида Бойсунғур Мирзонинг бир ўзбекча қитъаси ҳам берилган. Мана ўша қитъа:

Фурқатингда сориг ўлди олмангиз,
Эй мусулмонлар, ярокон ўлмасун.
Ўлмакимдан фикрим онча йўқ турур,
Қўрқарам ўлсам, ярокон ўлмасун.

Шубҳасиз, темурийлар ҳукмронлиги даврида туркий тилли адабиётга алоҳида эътибор қаратилди. Академик В.В.Бартольд келтирган далиллар бу жиҳатдан анча диққатга сазовор. Жумладан, унинг таъкидлашича, темурийлар даври маданий ҳаётида Қобулшоҳ (1366 йили хон деб эълон қилинган ва кўп ўтмай тахтдан туширилган) нинг маълум даражада роли бўлган. Қобулшоҳ туркий тилда шеърлар ёзган. XV асрда ҳам бу шоир анча шуҳрат қозонган. Амир Темурнинг сафдошларидан амир Сайфиддин барлос форс ва ўзбек тилларида шеърлар ижод қилган эди.

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр бу жиҳатдан кўп муваффақиятларга эришгани маълум. Шахсан Улуғбекнинг фанга қўшган ҳиссаси бекиёсдир. У бобоси Темур каби олимлар билан суҳбат қуриб, уларга ғамхўрлик кўрсатиш билан чекланиб қолмади, балки Шарқ тарихида кам учрайдиган ҳодисани – ҳокимият бошқаруви билан илмни бирга қўшиб олиб борди. Замондошлари Улуғбекни бу фазилатлари туфайли Арастунинг шогирди Искандар билан тенглаштирадилар. Навоий “Фарход ва Ширин” достонида айтади:

Ж. А. ТӘШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТ
АҚПАРАТТЫҚ БІЛІМ БЕРУ ОРТАЛЫҒЫ
КІТАПХАНА

Шаҳеким, илм нурин топти зоти,
Анинг то ҳашр¹¹ колди яхши оти.

Сикандар топти чун илму хунарни,
Не янлиғ олди кўргил баҳру барни¹².

Анингтеқ салтанат аҳли кўп эрди,
Қаю бирга не навъ иш даст берди?

Ики минг йил ўтуб юз минг хирадманд,¹³
Бўлуб ҳикматлари бирла баруманд¹⁴.

Темурхон наслидин султон Улуғбек
Ки, олам кўрмади султон анингтеқ...

XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда адабиёт юксалиш босқичига кўтарилди. Бу ҳақда Шайх Аҳмад Гарозийнинг юкорида биз айтиб ўтган “Фунун-ул-балоға” асарида кўплаб шоирларнинг номлари келтирилганки, мавжуд маълумотларга кўшимча сифатида хизмат қилади, айна пайтда баъзи маълумотларга аниқлик киритади. Шайх Аҳмад шеършунослик, хусусан, шарқ мумтоз поэтикаси муносабати билан номлари бизга номаълум бўлиб келган кўплаб туркий ва форсийзабон шоирларнинг номларини адабиёт тарихига олиб кирди. Имон Зиёвуддин Форсий, Жалол Самарқандий, Умид Камолий, Мавлоно Сайфиддин, Муҳаммад Ганжавий каби бир қатор шоирлар Темурийлар даври адабиётида маълум мавқе эгаллаганини англаш мумкин. Айна пайтда Шайх Аҳмад Гарозийнинг ўзи ҳам замонасининг истеъдодли шоири бўлганини мазкур асарида келтирган ғазалларидан биламиз.

Мустаҳкам пойдор давлат, ҳукмдорларнинг адабиётга муҳаббати ва эътибори Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги адабий жараёнга, илм-фан равнакига катта таъсир ўтказгани ҳақиқат. Бу даврда ўзбек ва форс адабиёти ёнма-ён камол топиб борди. Ўзбек адабиёти, бир томондан, ўз аъёналари негизда, иккинчи

¹¹ ҳашр – 1. тўлланиш, катта йиғин. 2. киёмат куни.

¹² баҳру бар – денгиз ва қуруқлик.

¹³ хирадманд – ақли, доно

¹⁴ баруманд – 1 баҳраманд, фойдаланувчи. 2. хосилдор мўл.

томондан, форс адабиёти тажрибалари таъсирида тобора ривож топди. Ўзбек адабиётида янги жанрларнинг пайдо бўлиши ва мавжудларининг такомили ҳам буни тасдиқлайди. Ўзбек насри ва шеъриятида ўзига хос Хуросон усули пайдо бўлди. Бу адабий усулнинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, бадий ва илмий асарлар ифодасида форс, арабий сўз ҳамда иборалардан, атамалардан, форсий тилга хос жумла тузиш қоидаларидан кенг фойдаланилган. Бу ҳолат ўлкадаги этник шароит таъсирида юзага келган эди.

Умуман, Темурийлар даври янгича тафаккур маҳсули бўлган адабиётни пайдо қилди. Кейинги даврларда – Темурийлар салтанати парчаланиб, уч хонлик барпо бўлгандан кейин ҳам, Темурийлар даври адабиёти анъаналари давом этди. Ҳиндистонда Бобурийлар салтанати натижасида юзага келган ўзбек адабиёти ҳам бевосита ва билвосита Темурийлар даври адабиётининг маҳсулидир.

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ “ТҮРТ УЛУС ТАРИХИ” АСАРИ

Режа:

1. “Тўрт улус тарихи”нинг яратилиши.
2. “Тўрт улус тарихи” ва Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-таворих” асаридаги уйғунликлар.
3. Алонкуводан келиб чикқан насллар.
4. Мирзо Улуғбек турк лашкарларининг тузилиши ҳақида.
5. Мўғул Элхонийлар сулоласи.
5. Маҳмуд Торобий ҳақидаги ҳикоят.
6. Жўжи ҳақидаги ҳикоят.

Таянч сўз ва иборалар: *адабий ва илмий муҳит, муқаддима, мўғул ҳукмдорлари, турк қавмлари ва подшоҳлари, Дашти Қипчоқ, илм-фан аҳли, дoston, ҳикоя, туркийча жсир.*

“Тўрт улус тарихи”нинг яратилиши. Мирзо Улуғбек Хуросондаги адабий ва илмий муҳитдан фаркли ўлароқ, турк-мўғул халқлари тарихи билан қизикди. Чингизхон ва мўғул сулоалари тарихининг Темурийлар даврида давом этгани кизиқарли ва диққатга сазовор. Зотан, турк-мўғул қавмларининг кондошлик жихатдан бирлиги ҳақидаги тарих бу даврда маълум эди. Шу чин тарихни кенг оммага етказиш учун зарурат бор эди.

“Тўрт улус тарихи” Мирзо Улуғбекнинг раҳбарлиги остида ва шахсан иштирокида яратилган. Асар 1425 йили ёзиб тамомланган.

Асар “Улус- а- арбаъа – йи Чингизий” (“Чингизийларнинг тўрт улуси”) ва “Тарихи арбаа улус” (“Тўрт улус тарихи”) номлари билан машхур. Асар муқаддима ва *етти* бобдан иборат.

Муқаддима қисмида ўрта асрларда яратилган тарихий асарлар анъанасига кўра, Тангри таоло, унинг элчиси Муҳаммад с.а.в. ва унинг авлодлари шаънига мактов, Одам ато, пайғамбарлар, Нух алайҳиссалом, унинг фарзандлари тарихи баён қилинади. Шунингдек, Одам атонинг ўғли Шис ва унинг ўғли Ануш ҳамда Анушнинг ўғли, неварачеваралари Кайнон, Махлойил, Ахнуш ва б. қатор пайғамбарларнинг фаолияти ҳикоя қилинади.

“Тўрт улус тарихи” ва Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-таворих” асаридаги уйғунликлар. Маълумки, Нух ўғли Ёфас туркий қавмлар тарихида таянч нуктадир. У Абут-турк деган ном

билан туркий халқлар тарихида машхур. Мазкур асарнинг *биринчи бобид*а Ёфас ва унинг Туркистон элида ҳукмронлик қилган авлодлари – Абулжаҳон, Дабқуйхон, Куюкхон ва бошқа мўғул ҳукмдорлари, шунингдек, турк кавмлари ва подшоҳлари – Мўғулхон, Қорахон, Ўғузхон тарихи баён қилинган. Шуниси диққатга сазоворки, асарда келтирилган турк-мўғул уруғлари тарихи ва этник таркиби Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-таворих” асарининг биринчи жилдида келтирилган маълумотлардан кескин фарқ қилмайди. Айнан Ўғузхон ҳақидаги воқеалар ҳам Рашидиддин асаридаги Ўғуз хон воқеалари билан деярли бир. Бу ҳол Рашидиддин фойдаланган ва турк-мўғул халқларига оид бошқа манбаларни Мирзо Улуғбек ҳам синчиклаб ўрганганини далиллайди.

Алонкуводан келиб чиққан насллар. Турк-мўғул халқларининг афсонавий онаси Алонкуванинг таъриф-тавсифи ва “Тўрт улус тарихи”нинг алоҳида воқеаси – *иккинчи боб* бўлиб, Алонкуванинг келиб чиқиши ва ундан тарқалган авлодлар тарихи хикоя қилинади. Алонкувадан келиб чиққан насллар Бузунжор хон, Буко хон, Дутумин хон, Қобулхон, Бойсунғур хон, Ясугай баҳодир ва бошқалардир. Бу наслларнинг ҳар бири подшоҳлиги зикрига Мирзо Улуғбек алоҳида-алоҳида тўхталган.

Мирзо Улуғбек турк лашкарларининг тузилиши ҳақида. Жаҳонгир Чингизхон тарихи бу асарда *учинчи боб*ни ташкил қилади. Бу бобда энг диққатга сазовор ўринлар – Чингизхоннинг бир қатор хонларни мағлуб қилгани, унинг насл-насаби, фарзандлари, эл-улусга жорий қилган ясоқлари (қонунлари) зикри ва у ўрнатган қонунлар туфайли ўғирликка барҳам берилгани, лашкар тузилишига оид воқеалар баёнидир. Жумладан, лашкар тузилиши тўғрисида Мирзо Улуғбек қуйидагича ёзади: “Лашкар тартиби шундай тузилганки, Одам ато замонидан бугунги кунгача бирор подшоҳнинг сипоҳи туркникидек муяссар бўлмаган. Сабру бардош шиддатида ва маълум муддатгача шокирликда яширин ва ошкора ўз ҳокимларига жону дилдан маҳкумлик ва мутеълик қилурлар” (113-б.). Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ва унинг ўғли Жалолиддин билан олиб борган жангу жадаллари ҳам шу бобда кизиқарли тарзда баён этилади.

Чингизхон ўз фарзандларига ва Қорачор нўёнга давлат ишлари борасида васият этиши воқеалари билан *тўртинчи боб* бошланади.

Ўқтойнинг тахтга ўтиргани ва унинг Улуғ юртдаги подшоҳлиги, Ўқтой, Чигатой ва Тулихоннинг Хитойга лашкар тортгани, у мамлакатни эгаллаб қайтаётганларида Тулихоннинг вафот этгани, Ўқтойхондан кейин тахтга ўтирган Куюкхон ҳукмронлиги давридаги воқеалар, ниҳоят, Ўрдойхон ибн Ариғ Темурхон ҳукмронлигигича бўлган ҳодисалар ҳам шу бобда ҳикоя қилинади. Ўқтойдан бошлаб Ўрдойхонгача йигирма бир ҳукмдор тарихи қисқа баён қилинган.

Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжи хон Марказий Осиё тарихида катта мавқе эгаллаган эди. Жўжи наслидан бўлган ўттиз уч хон ҳақида асарда ҳикоя қилинади ва *бешинчи боб*ни ташкил қилади. Жўжи авлодлари Дашти Қипчок (ҳозирги Қозоғистон, Ғарбий Сибирь, Волга бўйи ерлари)ни эгаллаган эдилар. Воқеалар қисқа, Олтин Ўрта пойтахти Сарой шаҳрини қурган Ботухон (Жўжининг ўғли), Баракахон, Ўзбек хон, Жонибек каби ҳукмдорлар тарихи шу бобдан ўрин олган. Темур Маликни ва унинг содик одамларини мўғул лашкарлари қандай таъқиб қилганлари тўғрисидаги кизикарли воқеа ҳам шу бобда ҳикоя қилинган. “Темур Малик бир гуруҳ барқарор одамлари билан шошилмай, душман йўлини тўсди. Ёнидагилар ҳам нобуд бўлгандан кейин унинг қурол-яроғи қолмади. Фақат учта ўки қолганди. Уларнинг ҳам бири синган ва пайконсиз эди. Уч мўғул некомиш билан елиб келарди. Темур Малик ҳалиги синиқ пайконсиз ўқ билан бир мўғулнинг кўзини чоғлаб отди. У кўр бўлиб қолди, қолган иккисига деди: “Бу икки ўқ билан сизларга жавоб бера олурман десам бўлади; қайтингларки, сизнинг тақдирингиз шу ўқларда”. Ул икки мўғул...қайтиб кетди. Темур Малик соғ-саломат қолди ва Хоразмга жўнади” (146-б.).

Мўғул Элхонийлар сулоласи. Эронда мўғул қавмининг Элхонийлар сулоласи ўз ҳокимиятини ўрнатди. Элхонийлар салтанатининг асосчиси Тулихоннинг ўғли Ҳалокухон бўлиб, у Элхон лақабини олган эди. Ҳалокухондан бошлаб ўн икки ҳукмдор сулолани бошқарди. Ҳалокухон тарихига китобда кенгрок ўрин берилган. У Эронда ўз салтанатини барпо қилиш учун курашади, муруватпеша ҳукмдор сифатида шухрат қозонади, мамлакат ободончилиги йўлида кўп ишлар олиб боради. Шу бобдан аён бўлишича, Ҳалокухон илм-фан аҳлига кўп рағбат кўрсатган. Жумладан, Ҳалокухон фармони билан Насриддин Тусий Табризда (мўғул элхонларининг пойтахти) қурган расадхона Ҳалокухондан

колган ёдгорликдир. Шу расадхонада тузилган зиж “элхоний” номи билан машхурдир. Бу воқеалар “Тўрт улус тарихи”нинг *олтинчи бобини* ташкил қилади.

Маҳмуд Торобий ҳақидаги ҳикоят. *Еттинчи* – охири бобда Чигатой улусининг Чингизхон замонидан (1227 йил) Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши (1370 йил) гача бўлган воқеалар ҳикоя қилинади. Бу бобда ҳам диққатга сазовор воқеалар кўп. Шундай воқеалардан бири Маҳмуд Торобий бошчилигидаги халқ кўзғолонидир. Мирзо Улуғбек бу воқеанинг бошиданок Маҳмуд Торобийнинг кимлигини ва асл қиёфасини чизиб беради:

“Сохта шер кўк сўфи кийиб юарди, иккиюзламачилигу айёрликнинг асосларини ирғитди.

Фириб билан тутун тарқатди олчок, уларнинг саломи саловоту рўзадан иборат”.

Торобийнинг эл орасида обрў орттириш усулини Мирзо Улуғбек ҳикоя қиладию Маҳмуд, биринчи навбатда, эркакларни атрофига йиғиб, “Менинг амримдан чикмайсизлар”, деб буюрди. Торобийнинг табобатдан хабардориги сабаб айрим хаста одамлар унга келиб, “гасодиф бўлиб, бир-икки касалга Тангри таоло шифо ҳам берди”. Шу боис омма унга ихлос қўйди ва унинг атрофига йиғилди. Ҳикояда Маҳмуд Торобийнинг халқни қандай қилиб ўзига оғдириб олиш усуллари, авомни нотавонлигидан фойдаланиб, ўзини соҳибкаромат қилиб кўрсатиш усулларини баён қилади. Бухоро шаҳри ташқарисида мўғуллар ва Маҳмуд Торобий ўртасида бўлиб ўтган жангда мўғул аскарларидан бирининг камондан отган ўки Маҳмуд Торобийга тегди ва у жон берди. Аммо унинг ўлимидан ҳеч ким вокиф бўлмади, шу пайтда қаттиқ чанг-тўзон кўтарилиб, одамлар бир-бирларини кўра олмай қолдилар. Мўғул лашкари бу табиий ҳодисани ҳам Торобийнинг кароматига йўйдилар ва жанг қилишдан тўхтадилар. Шайх Торобийнинг одамлари талон-тарожга берилдилар, Талон-тарожни бас қилганларида, шайхнинг йўклиги маълум бўлиб қолди ва “шайхимиз ғойиб бўлибди” деб унинг укаси Мухаммад Алини шайх қилиб кўтардилар. Мўғул лашкари билан Мухаммад Али томонида туриб жанг қилган Бухоро халқи ўртасидаги жангда ҳар икки томондан йигирма минг одам ўлди.

Мўғул лашкарининг қўли баланд келди ва Қорачор нўённинг амри билан Бухорони ғорат қилишдан лашкар ўзини тийди.

Маҳмуд Торобий билан боғлиқ воқеаларни Мирзо Улуғбек келтиришидан шу нарса маълум бўладики, тарихда бу шахс бошчилигидаги халқ қўзғолони золимларга қарши кураш йўлидаги кураш эмас, балки у авом халқни алдов билан ўзига оғдириб олгани ва алдовга лаққа тушган халқ уни Бухоро амири қилиб қўтарганини ҳикоя қилган. Маҳмуд Торобий ўзини авомга қандай қилиб соҳиби каромат қилиб кўрсатгани қуйидаги парчада янада аниқроқ аён бўлади: "...Кейинги жума куни Шайх Маҳмуд Торобий номига хутба ўқитдилар. Имомлар ва Бухоро ақобирларининг барчаси шунда ҳозир қилинди. Уларнинг баъзиларини ўлдирди, баъзиларини сазойи қилди. Ринд ва авбошларнинг барчасини катта эҳтиром билан қабул қилди. Уларга деди: "Сизлар учун ғойибдан курол-яроғ топишга муяссар бўлдим!" Ўша кунларда Шероз томондан бир қарвон келган ва тўрт харвор шамшир олиб келган эди. Бу ҳам одамлар сонининг кўпайиши ва эътиқодига сабаб бўлди". Халқ, бундан ташқари, бойларнинг уйига кириб, молини талон-тарож қилдилар, Маҳмуд Торобий ўлжаларни авбошларга тақсимлаб берди.

Мирзо Улуғбек Маҳмуд Торобийнинг ички дунёси билан ташки ҳаракатлари бир-бирига ниҳоятда мос эканини кўрсатиб берган. Унинг нутқи орқали сохталигини, риёкорлигини очган. Маҳмуд Торобий воқеасини Мирзо Улуғбек алоҳида ҳикоя тарзида ўз асарига олиб кирган.

Шунингдек, мазкур бобда Чигатой улуси билан Элхонийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатлар, Чигатой улусининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида барлос амирларининг роли, Балх ва Андижоннинг қайтадан тикланиши, маъмурий ва маънавий ислохотлар сингари воқеалар ҳам ўрин олган.

Ҳар бир бобда бирон хон ёки муайян тарих ҳикоя қилинар экан, албатта, Мирзо Улуғбек оддий баёнчиликдан қочади, китобхонни жалб қилиш мақсадида, аввало, асар услубига бадиий жило беради; иккинчидан, маълум тарихий воқеалар ёки қаҳрамонларга таъриф бериш мақсадида шеърӣ парчалар келтиради. Умуман, Мирзо Улуғбек бу асарини яратиш билан ижодкорлик маҳоратини намоён қилган. Ўтмишдаги тарихий асарлар айна пайтда бадиий асарлар каби китобхоннинг эстетик эҳтиёжини қондириш учун ҳам хизмат

килганини Мирзо Улуғбекнинг мана шу асари мисолида янада аниқроқ кўриш мумкин.

Мирзо Улуғбек ўз асарида “достон” терминини қўллайди. Бу бежиз эмас. Жумладан, “Ўтрор муҳосараси достонининг тугаши”, “Жанд воқеаси достонининг охири”, “Жўжихон, Чиғатойхон ва Ўктойхон достонининг охири” ва ҳ. тарихий воқеаларнинг баёни, айниқса, Ўтрор шаҳзодаларининг фожиали ўлими, аҳолининг аянчли ҳаёти тасвири, Ўтрор ҳукмдори Ғойирхон билан шаҳар аҳлининг қалъага кириб, бир ой давомида ўлимга тик бокиб, мўғул лашкарлари билан аёвсиз жанг қилгани шу даражада маҳорат билан тасвирланганки, чинакам достон каби ўқилади. Мирзо Улуғбек “достон” терминини адабий термин сифатида эмас, балки “воқеа”, “баён” маъносида қўллаган.

Айниқса, Жўжихоннинг вафоти билан боғлиқ воқеа (туркийча *жир*) “Тўрт улус тарихи”даги энг таъсирли лавҳалардандир.

Маълумки, Чингизхоннинг тўнгич ўғли Жўжихон Дашти Қипчоқда ҳукмронлик қиларди. Жўжихоннинг вафоти ҳақидаги хабар Ўрдага етиб келганда, бу хабарни Чингизхонга етказишга ҳеч ким журъат қила олмайди. Охири барча амирлар улуг жирчидан, Чингизхон яхши кайфиятда турганда бу шум хабарни етказсангиз, деб илтимос қиладилар. Улуғ жирчи фурсати етганда Чингизхонга куйидаги туркийча жирни айтади:

Тенгиз бошдан булғонди, ким тиндуроро, хоним?
Терак тубтун жиғилди, ким турғузоро, хоним?

(Дарё бошидан лойқаланди, уни ким тозалайди, эй шохим?
Терак илдизидан қулади, уни ким турғизади, эй шохим?)

Чингизхон Жарчининг саволига шундай жавоб беради:

Тенгиз бошдан булғонса, тиндурур улум Жўжидир,
Терак тубдин жиғилса, турғузур улум Жўжидир

(Агар дарё бошидан лойқаланган бўлса, уни тиндирувчи менинг ўғлим Жўжидир. Агар терак ёғочи илдизидан қулаган бўлса, уни турғизувчи ўғлим Жўжидир).

Жарчининг кўзларидан шашкатор ёшлар оқади. Чингизхон фожиани англайди ва куйидаги байтни айтади:

Кўзинг ёшли чунгур турлу лик-лик тўлди бўлмайму?
Жиринг кўнгул ўркутур Жўчи ўлди бўлмайму?

(Кўзларинг ўз ёшларини думалатмоқда, нахотки кўнглинг тўлиб кетган бўлса? Сўзларинг юракларни ўртади. Нахотки Жўжи ўлган бўлса?)

Жарчи Чингизхоннинг бу байтига қуйидагича жавоб беради:

Сўйламакка эрким йўк, сен сўйладинг, о хоним,
Ўз ярилиғлиг озарға жавобди ўйладинг, о хоним!

(Бу ҳақда гапиришга қудратим ва ихтиёрим йўк, ўзинг шундай буюргансан, эй шохим! Ўз ҳукминг ўзинг учун бўлсин, тўғри фикр килдинг, эй шохим!)

Чингизхон Жўжини бошқа ўғилларидан ҳам кўра ниҳоятда яхши кўрар эди. Чингизхон: “Кимки Жўжи хоннинг ўлимини тилга олса, менинг сиёсатимга (жазоимга) дучор бўлади”, деб огоҳлантирган эди. Жарчининг жавобидан тақдирга тан берган Чингизхон шундай дейди:

Кулон олғон қувланди, қулунимдан айрилдим,
Айрилишқон анқуди эр улумдан айрилдим!

(Ов қилиш учун ов майдонида қувланаётган кулонга ўхшайман, кулон ўзи қочади. Аммо боласи қолади, мен ҳам худди кулон каби боламдан жудо бўлдим!)

Бу воқеа, шубҳасиз, китобхонни ларзага солмасдан қўймайди.

Савол ва топшириқлар

1. Темурийлар салтанатининг барпо бўлишининг илк даврлари ҳақида сўзлаб беринг.

2. Мовароуннаҳрда давлат қурган илк мўғул хонлари Чигатой, Тармаширин, Қозонхон ва Қозоғон ва б.ларнинг фаолияти ҳақида қисқача сўзланг.

3. Темури салтанатининг илк қурилиш арафасидаги ҳолатини сўзлаб беринг.

4. Навоий Темурга қандай таъриф беради?

5. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрнинг маданий ҳолати ҳақида қисқача сўзлаб беринг.

6. Биринчи бобда қимлар ва қандай воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади?

7. Иккинчи бобда қимлар ва қандай воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади?

8. Учинчи бобда қимлар ва қандай воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади?

9. Тўртинчи бобда қимлар ва қандай воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади?

10. Бешинчи бобда қимлар ва қандай воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади?

11. Олтинчи бобда қимлар ва қандай воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади?

12. Еттинчи бобда қимлар ва қандай воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади?

ШАЙХ АҲМАД ТАРОЗИЙНИНГ “ФУНУНУ-Л-БАЛОҒА” АСАРИ

Режа:

1. Шайх Аҳмад Тарозий ва унинг “Фунуну-л-балоға” асари ҳақида маълумот.
2. “Фунуну-л-балоға” ва Шарқ поэтикаси.
3. Асарнинг тузилиши.
4. “Фунуну-л-балоға”нинг биринчи бобида қўйилган масалалар.
5. Шайх Аҳмад жанрлар ҳақида.
6. Шайх Аҳмад қасида ҳақида.
7. Шайх Аҳмад ғазал ҳақида.
8. Шайх Аҳмад китъа ҳақида.
9. Шайх Аҳмад рубоий ҳақида.
10. Шайх Аҳмад қофия ҳақида.
11. Шайх Аҳмад бадий санъатлар ҳақида.
12. Шайх Аҳмад вазнлар ҳақида.

Таянч сўз ва иборалар: “Фунуну-л-балоға”, *балоғат* илми, *қўлёзма*, *поэтика*, *адабий ҳаёт эҳтиёжи*, *шеърининг асосий жанрлари*.

Шайх Аҳмад Тарозий ва унинг “Фунуну-л-балоға” асари ҳақида маълумот. Темурийлар сулоласи адабиёт билан бир қаторда, илм-фанга ҳам эътибор қаратганларига кўп мисоллар бор. Жумладан, Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунуну-л-балоға” (“Балоғат илмлари”) деб номланган асари бунинг битта намунаси. Асар 1436-1437 йилда ёзилган. Асар муаллифи Шайх Аҳмад Мирзо Улуғбек даврида яшаган йirik адабиётшунос олим ва шоирдир. Бизга “Фунуну-л-балоға”нинг 1581 йили Бухорода Мир Кулуки ал-Ҳожи деган котиб томонидан кўчирилган нусхаси етиб келган. Бу нусханинг охирги қисмлари йўқ.

Асарнинг қўлёзмаси Англияда сақланади. Шайх Аҳмад машҳур ўзбек ва форсийзабон шоирлар билан бир қаторда, ўзига замондош шоирларнинг шеърларини ҳам таҳлил объекти қилиб олади. Бунинг натижасида номлари ҳозиргача номаълум бўлиб келган шоирлар адабиёт тарихидан ўрин олишлари учун замин пайдо бўлди.

Шайх Аҳмад Тарозий ҳақида бирон манбада маълумот сақланиб қолмаган. Муаллиф ва унинг мазкур асари ҳақида дастлабки

маълумотларни таникли олимлар – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Абдуқодир Ҳайитметов ва филология фанлари доктори Эргаш Умаров илк бор Ўзбекистон адабиётшуносларига маълум қилдилар. Устоз Абдуқодир Ҳайитметов бу асарни нашрга тайёрлади ва 1996 йили “Хазина” нашриётида чоп эттирди.

“Фунуну-л-балоға” ва Шарқ мумтоз поэтикаси. “Фунуну-л-балоға”нинг муҳим томони шундаки, у ўзбек тилида ёзилган. Асар – ўзбек тилида адабиётшуносликка, яъни поэтикага оид биринчи марта ёзилган асар экани ўз-ўзидан маълум. Форс тилида поэтикага оид асарлар кўп бўлиб, “Фунуну-л-балоға”дан анча олдин ёзилган. Жумладан, Родийнинг “Таржумон ул-балоға” (XI-XII), Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадойиқ ус-сехр” (XI), Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-Муъжам” (XIII), Носируддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” (XIII), Тож ул-Халавийнинг “Дакойиқ уш-шеър” (XIV) каби қатор асарларни келтириш мумкин.

“Фунуну-л-балоға” муаллифи Шайх Аҳмад форс-тожик тилини мукамал билгани асарда турли жанрлардан келтирилган парчалардан маълум бўлиб туради. У ўз асарига таҳлил сифатида келтирган форс-тожик шоирларининг бугун фанга маълум бўлганлари ҳам, маълум бўлмаганлари ҳам бор. Тарозийнинг “Фунуну-л-балоға” асари ўз давридаги адабий ҳаёт эҳтиёжи ва талаблари асосида юзага келган, дейиш мумкин. Чунки форсий тилда шеър ёзадиган истеъдод эгалари, хусусан, ёшлар учун шеър қондалари – аруз вазни, кофия, шеърый санъатлар, шеърларнинг жанр хусусиятлари ҳақида китоблар, турли қўлланмалар кўп эди. Ўзбек тилида эса шеър ёки бошқа бадиий асар ёзишга қизиққан истеъдодли кишилар учун бундай илмий қўлланма, рисоалар бўлмаган. Ўзбек тилида асар ёзишга, ўзбек адабиётини бойитишга, уни ривожлантиришга бел боғлаган қобилият эгалари эса Улуғбек даврида тобора кўпайиб бораётган эди. Умуман, Тарозийнинг бу асари ўзбек халқининг маънавий ва маданий тараққиёти билан ҳамбарчас боғланган эди¹⁵.

Шайх Аҳмаднинг “Тарозий” таҳаллусидан кўриниб турибдики, у Тароз шахрида туғилган. Унинг таржимаи ҳоли ҳақида бошқа

¹⁵ Ҳайитметов А. Туркий тилда адабиётдан илк назарий қўлланма. – «Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға» асари нашрига сўз боши. Т.: Хазина. 1996, 7-бет. Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан олинди, фақат саҳифаси кўрсатилади, холос.

бирон маълумот йўқ. Шайх Аҳмад бу асарини Мирзо Улуғбекка бағишлаган. Зотан, у асарнинг дебочасида Мирзо Улуғбекка куйидагича таъриф беради: "...салтанат дарёсининг гавҳари ва маъдалат конининг жавҳари, саховат боронининг абри ва шижоат бешасининг бабри, фаросат сипеҳрининг моҳи, каёсат мулкининг шоҳи, шоҳаншоҳи аъзам, шаҳриёри аълам, сохибус-сайфул-калам, маъдани лутфу карам, молики рақоби умам, фармондеҳи турк, араб ва ажам, магисиддин вал-даврон Амир Улуғбек Кўрагон..." (31-б.).

Асарнинг тузилиши. "Фунуну-л-балоға" асари муқаддима ва беш қисмдан иборат.

1. Муқаддимада Оллоҳ таоло инсониятга сўз ва нутқ ато қилгани ҳамда уларни тартибга солганини, шу тариқа назм ва наср пайдо бўлгани ҳақида ёзар экан, Оллоҳ балоғат ҳақида ширин суҳбат олиб бориш учун турли санъатлар ва бадиият билан зийнат берганини ёзади. Сўнгра Муҳаммад с.а.с.га наът келтиради.

2. "Фунуну-л-балоға"нинг биринчи бобида қўйилган масалалар. Биринчи бобни Шайх Аҳмад "Аввалги фанда шеърнинг ақсомин ва анвоин шарҳ қилур (Биринчи илмда шеърнинг қисмлари ва турлари шарҳ қилинади)" деб номлайди.

Шайх Аҳмад ўз асарида келтирган мундарижадан кўриниб турибдики, Абдуқодир Ҳайитметов айтганларидек, у том маънода қўлланма ёзишни мақсад қилиб қўйган. Ўзидан олдин яратилган поэтикага оид асарларни пухта ўрганиб чиққан. Шу боис ўз карашларини далиллаш учун умумий равишда ўз салафлари асарларини ўрганганига ишора қилади.

Шайх Аҳмад жанрлар ҳақида. Бу бобда Шайх Аҳмад шеърнинг "ақсоми" ўнта навъ, яъни жанрдан иборат эканини айтади. Булар: *қасида, газал, қитъа, рубоий, маснавий, таржеъ, мусаммат, мустазод, мутаввал, фард*. Муаллиф мазкур жанрларни шеърнинг асосий жанрлари сифатида қарайди. Бу шеърнинг жанрларнинг таркибида учрайдиган қисмлари ҳам борки, буларнинг ҳар бирини Шайх Аҳмад батафсил тушунтириб беради. Унингча, агар бу шеърлар таркибида Тангри аза ва жаллага ҳамд айтсалар, ўша қисми *тавҳид* дейилади. Муҳаммад Мустафо с.а.с.ни васф қилсалар, *наът* дейилади. Тавба-тазарру қилиб, тангрига ёлворсалар, *муножот* дейилади. Хулафойи рошидинни таърифласалар, *моноқиб* ва *манқабат* ва *тамаддуҳ* дейилади. Агарда вафот этган одамни ёд олиб, шеър ёзсалар, *марсия* деб

айтилади. Агар кимдандир нафратланиб, байт тизсалар, *ҳажв* ва *мазаммат* дерлар. Агар ҳазил қилсалар, *мутойиба* дерлар (32-б.)

Бу терминлар остидаги шеърӣй парчалар ёки шеърларни Шайх Аҳмад жанр деб ҳисобламайди. Бу қисмлар асосан юқоридаги ўнта жанр таркибига қирадиган қисмлардир. Бу шеърӣй қисмларни у шеърнинг мазмунига, айрим ҳолларда шаклига (масалан, *марсия*) алоқадор деб билган бўлиши мумкин.

Шайх Аҳмад қасида ҳақида. Шайх Аҳмад қасида жанрининг асосий хусусиятлари ҳақида тўхталганда, бу жанр йигирма етти байт ёки ундан камроқ ҳам бўлишини ёзади ва унинг таркибий қисмлари хусни матлаъ билан бошланиб, ундан кейин мадҳ, мақсуд ва мактаъдан иборат бўлишини айтади (32-34-б.). Қасида жанрининг куйидаги тури ҳақида сўз юритар экан, жанрнинг ўзига хос хусусияти ана шундан иборат экани ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўламиз: “Ва қасиданинг яна бир навъи улдурким, бу тўрт ваҳҳни (тартибни – Н.Р.) тамомин риоя қилмаслар. Сўзни мадҳ бирла ибтидо қилурлар” (34-б.). Бундан маълум бўладики, қасиданинг бу тури хусни ибтидо санъати билан бошланади ва бу санъат хусни матлаъ ўрнида келади, байт мамдухни улуглашга қаратилган бўлади¹⁶. Шу таърифдан кейин шайх Аҳмад бир қатор форсийзабон шоирлар каторида, Лутфийдан куйидаги байтни келтиради:

Эй жафо бобинда тасниф эткучи юз макру фан,
Муттасил хуснунг сўзидур қайда бўлса анжуман (36-б.).

Саккоқийдан келтирган куйидаги байт ҳам хусни ибтидога мисолдир:

Эй сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами,
Ҳалқа-ҳалқа руҳнинг сарманзилидур ҳар хами (36-б.).

Хусни ибтидо ёки хусни матлаъ билан бошланган қасидалар насибсиз ва гуризгоҳсиз бўлади, тўғридан-тўғри мадҳ билан бошланади.

Шайх Аҳмад ғазал ҳақида. Шайх Аҳмад Тарозий ғазал жанрига тўхталиб, бу жанрнинг аксарияти йигирма байт, ками беш

¹⁶ Хусайний Атоуллоҳ. Бадоийгу-с-санойиъ. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981, 255-б.

байт бўлишини айтади. Аммо “магар кофия табилмаса, тўрт байт килурлар” (38-б.), деб истисноли ҳолатни ҳам таъкидлайди ва бунинг коида тусига кирмаганини, балки “ул ҳам зарурат хукмидан жойиздур”, деб изоҳ беради. Шайх Аҳмад форс-тожик ва ўзбек адабиётида энг кўп тарқалган ғазал жанрини кузатиб, шу хулосага келган. Шайх Аҳмад ғазал жанрига берган шу тушунтириш ва изоҳлардан кейин, “Тарозий айтур” дея куйидаги беш байтли ғазални келтиради:

Гар сабо ул ой юзидин олса ҳар соат ниқоб,
Тоби айб гутконидин бўлғай пушаймон офтоб.
Қомату рафторини кўрди магар сарву тазарв¹⁷,
Рашк ўтидин сарв куйдию тазарв ўлди кабоб.
Кўзларим узра хаёлинг бир гузар қилғайму деб,
Ҳар замон киприқларим жоруб уруб, сепар гулоб.
Фуркатингдин йиғламоқдин бўлдум онингдек заиф,
Ким синамоқдин адак қўйдим, бузулмоди хубоб.
Эл аросинда Тарозий бўлғуси Исонафас,
Гар лабинг ёдинда май ўрнига ичса захри ноб (38-б.).

“Фунуну-л-балоға”ни нашрга тайёрлаган устоз Абдуқодир Ҳайитметов Тарозий тахаллусли шеърлар ҳам, тахаллуси келтирилмаган шеърлар ҳам асар муаллифи Шайх Аҳмадга тегишли эканини ёзган эди. Юқоридаги ғазалдан Шайх Аҳмад Тарозий ўз даврининг етук шоири эканини англаш мумкин.

Шайх Аҳмад китъа ҳақида. Шайх Аҳмад китъа жанри ҳақида тўхталиб, унинг асосий белгиси камида икки байтдан иборат бўлишини, мисралар қофияланиши шарт эмаслигини айтади. “Аммо, - дейди шайх Аҳмад, - кофия топсалар айтаверадилар”. Шундан кейин Тарозий ўзининг бир китъасидан ва Лутфийнинг бир китъасидан намуна келтиради. Ҳар иккаласининг китъаси ҳам кофиясиз. Сўнгра Мавлоно Ҳожи Акча Киндийнинг куйидаги китъасини келтиради:

Мушкдур ул зулф ё умри дароз,
Ё бўлуптур анбари тар тор-тор.

¹⁷ Тазарв – тустовук, кирғовул.

Қилдин ар қилса қалам наққоши Чин,
Ул қачон оғзинг бикин бар тор-тор (40-б.).

Бу қитъанинг муаллифи Қиндий ўзбек адабиёти тарихига илк бор кириб келгани билан бирга, қитъанинг қофияланиб келгани (*тар-бар*) ҳам диққатга сазовор.

Биз Сайфи Саройи ижодида уч, ҳатто беш байтли қитъалар борлигини, ўша қитъаларда қофия борлигини аввал кўриб ўтган эдик.

Шайх Аҳмад рубойи ҳақида. Шайх Аҳмаднинг рубойи ҳақидаги қарашларида ҳам ўзига хос янгиликлар мавжуд. У тўртала мисраси қофияланган рубойи *рубойи мусарраъ*, яъни иккала мисраси қофияланган рубойи (*муфрад рубойининг* зидди) деб номланишини айтади ва ўзининг бир рубойисини келтиради:

Хуснунгуз шаънина жон парвонадур,
Зулфингизга ақлу дил девонадур.
Чунки жоду кўзларинг мастонадур,
Ул сабабтин манзилим ғамхонадур (40-б.).

Ўзбек адабиёти тарихида учинчи мисраси қофияланмайдиган рубойлар кўп учрайди. Шайх Аҳмад бу рубойи турини *рубойи хиссий* деб номлайди. Бу рубойи турига ўзининг бир рубойисини ва Саккокийнинг бир рубойисини, Саъдийнинг битта форсча рубойисини мисол қилиб келтиради.

Шайх Аҳмад “рубойи” мавзуси ичида туюқ ҳақида ҳам тўхталади. У туюқни алоҳида жанр сифатида қарамайди. Рубойининг қофияси ўрнида тажнис қўллангани учун, бу рубойи турини *мужаннас* деб атайди. Шайх Аҳмаднинг қуйидаги мужаннаси ниҳоятда маҳорат ва юксак баъдий дид билан ёзилган мужаннасдир:

То кўнгулда ишк ўти тобандадур (*роса тобидадур*),
Ғам майшат панжасин тобандадур (*у ерда топади*)
Киприк ўкин қисмат этиб отсангиз,
Ҳеч кишига тегмас ул-тобандадур (41-б.) (*у томондадур*)

Шуниси қизиқки, Шайх Аҳмад рубойининг ҳам, туюқнинг ҳам
вазни ҳақида бирон сўз айтмайди. Фақат қофияланиш тизимини
мазкур жанрнинг асосий белгиси қилиб оладилар.

Шайх Аҳмад туюқни “Турк шоирларининг ихтироидур, муни
турклар туюқ дерлар”, деб ўз давридаги мавжуд назарий тушунчани
тасдиқлаб ўтади. Навоий эса туюққа қуйидагича таъриф берган эди:
“...икки байтка муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай
ва ул вазн рамали мусаддаси максурдур, мундоғким:

Ё раб, ул шахду шакар ё лаб мудур?
Ё магар шахду шакар ёлабмуудур?
Фоилотун фоилотун фоилон “. (МАТ. 16-том, 91-б.)

3. Шайх Аҳмад қофия ҳақида. Иккинчи бобни “Иккинчи
фанда қофия ва радифнинг қавондин баён қилур (Иккинчи
илмда қофия ва радиф қоидалари баён қилинади)” деб номлайди.
Шайх Аҳмад уламолар ва фузалолар орасидан аҳли таъб (шоирлар
ва санъат аҳллари) қофия илмини билмақлари муҳимлигини
уктиради. Шайх Аҳмад “шеърнинг асли қофия ва қофиясиз шеър
мумкин эрмас” (61-б.), деб қатъий ҳукм чиқаради. Шунингдек, у
ҳарора деган шеър ҳам борки, бу нав шеърда қофия бўлмас, деб
айтади. Шу ўринда Шайх Аҳмад байтни чодирга, қофияни устунга
ўхшатади. Чодир устунсиз бўлмаганидай, қофиясиз ҳам шеър
бўлмайди.

Олимнинг фикрича, равий – қофиянинг асоси. Аммо қофиянинг
бошка элементлари ҳам такрорланиши лозим. Масалан, у Мавлоно
Ҳайдарнинг

Хожа сўзини қилибон эътимод,
Кести ажуз ўз нимасидин умид, -

байтида ридф такрори керак (75-б.), деб айтади. Бу байтнинг
эътимод ва умид қофиядош сўзларида ундош равий *д* дан олдинги *о*

ва и унлилари ўринли қўлланмаганини таъкидлайди. Равий билан таъсис орасида келадиган дахилнинг такрорланиши шарт эмаслигини ҳам мисоллар орқали айтиб ўтади. Масалан, *олам* ва *Одам* қофиядош сўзларидаги *о* таъсис, *л* ва *д* дахил, *м* равийдир.

Хуллас, Шайх Аҳмад қофия илмини содда, тушунарли йўсинда баён этади, қофия элементларини араб ҳарфлари воситасида (биз кирилл ёки лотин алифбосидаги ҳарфларга таяниб фикр юритганимиз сингари) таҳлил этади.

4. Шайх Аҳмад бадий санъатлар ҳақида. Учинчи бобни “Учинчи фанда сўзнинг бадоеъин ва саноеъин зикр этар (Учинчи илмда сўзнинг бадий усул ва йўсинлари ва (бадий) санъатлар зикр этилади)” деб номлайди. Бобга киришда Шайх Аҳмад қисқа дебоча қилиб, ҳар бир шеърий санъатга туркий сўзлардан мисол келтирганини, олдин ўтган шоирларнинг арабча ва форсча шеърларидан ва насридан намуналар, шунингдек, Қуръони Каримдан ва Расул алайҳиссалом ҳадисларидан мисоллар келтирганини баён қилади. Маълум бўладики, Шайх Аҳмад бадий санъатларни тадқиқ этишда манбаларни қўл жалб қилган.

Сўнгра Шайх Аҳмад балоғат аҳли кўп эътибор қиладиган юзта санъатни бирма-бир келтиради. Бу санъатлар – *тарсий*, *тажнис* ва *унинг турлари*, *сажъ* ва *унинг турлари*, *муламмаъ* сингари **лафзий санъатлар**; *ийҳом*, *луғз*, *муаммо*, *ибдоъ*, *ташбеҳ* сингари **маъновий санъатлар**; *ҳусни тахаллус*, *ҳусни мақтаъ*, *муроату-н-назир* сингари **лафзий-маъновий санъатларни** қамраб олади.

Шайх Аҳмад бадий санъатларни лафзий, маъновий ва лафзий-маъновий санъатларга бўлиб тасниф қилмайди. Ҳар бир санъатнинг пайдо бўлиш қонуниятини изчил баён қилади. Жумладан, *ташбеҳ* санъатининг етти турдан иборат эканини баён қилиб бўлгандан кейин, бу терминнинг луғавий (“ўхшатмоқ”) маъносини беради: “...ўхшатурлар “ташбеҳ” дерлар. Ул нарсаким, анга ўхшатурлар, “мушаббах” ўқурлар” (93-б.). Мушаббах – ўхшатишган, ташбеҳ қилинган нарса. Ташбеҳнинг *ташбеҳ-ул-киноят* турига келтирган шеърий намуналар орасида тўй кечаси (Шайх Аҳмад термини бўйича *зиҳоф*) тасвирига бағишланган куйидаги парча диққатга сазовор:

Кумуш инжу килиб гул япроғини рещ,
Асал устинда ори ташлади неш...
Тонг откунча аёқ тутмоқ, бош урмоқ,
Узук ўйнамоқу бормоқ ёшурмоқ,
Болик бўғзиндин окти дурри ғалтон,
Садаф курсоғидин сачради маржон.

Бу парча Мавлоно Ҳайдарнинг “Гул ва Наврўз” достонидан. Парча бошдан-охиригача ташбеҳ асосига қурилган. Ташбеҳнинг *ташбеҳ-ул-киноят* турида воситалар (*зўё, худди, -дек*) очик баён қилинмагани учун тўй тасвири гўзал чиққан.

Шайх Аҳмад юзта санъатнинг ҳаммасини бирма-бир тушунтириб, изоҳлаганда, оддий китобхонни назарда тутгани аён бўлади.

5. Шайх Аҳмад вазилар ҳақида. Тўртинчи бобни “Тўртинчи фанда шеърнинг тақтеъ ва авзонин тақрир этар (Тўртинчи илмда шеърнинг тақтеъсини ва вазилари ҳақида сўз юритилади)” деб номлайди. Бу боб дебочасида Шайх Аҳмад арабларда ўн олти баҳр бўлганини, Ажам (Эрон) олимлари йигирма тўрт баҳр қилганларини ёзар экан, ўз мақсадини камтарлик билан аён қилади: “...бу заиф тиладиким, ул азизларнинг пайдо қилгон баҳрларини қаламға келтурса ва туркий иборат бирла баён айлаб, ҳар вазнға туркий байттин мисол келтурса” (146-б.).

Шайх Аҳмад бу асарини ёзиш учун Маҳмуд Замахшарийнинг “Арузи Қистос”, “Арузи Ундулусий” (А. Ҳайитметов берган изоҳга кўра, аруз ҳақида испаниялик олимлар яратган илмий асар номи; муаллифнинг номи номаълум) ва Носируддин Тусий (1201-1274)нинг “Меъёр ул-ашъор” асарларини ҳамда шулар сингари арузга доир китобларни синчиклаб ўргангани ҳақида хабар беради.

Аруз назариясини содда килиб тушунтириш бу бобнинг асосий мақсади бўлган эди. Шайх Аҳмад асосан туркий шеърятдан мисоллар келтиради, баҳрларнинг номларини ва вазнини баён қилади. У баҳрлар сонини қирқтага етказди. Шайх Аҳмаднинг синчковлиги, билимдонлиги ва Шарк поэтикасини яхши ўргангани, ҳамма боблар қатори, арузга доир бобда ҳам яққол намоён бўлади. Аммо арузга бағишланган боб чала бўлиб қолган. Шайх Аҳмад бу асарини ниҳоясига етказганини асарнинг дебочасида айтади. Аммо А. Ҳайитметов айтганларидек, кўлёмза ўз даврида зарарланган ва

тўртинчи бобнинг охириги варақларидан ва муаммо жанрига бағишланган бешинчи бобдан бир саҳифа ҳам колмаган. Бадиий санъатларга бағишланган бобда муаммо санъати ҳақида ўз ўрнида тўхталишини Шайх Аҳмад қайд қилади. Демак, у асарини охирига етказган. “Фунуну-л-балоға”ни кўчирган котиб ҳам шу ҳолича кўчирган, яъни унга қўлёзма зарарланган ҳолда етиб келган.

Тарозийнинг “Фунуну-л-балоға” асаридан ва бу асарда келтирилган ўз шеърларидан маълум бўладикки, XV асрнинг биринчи ярмигача ўзбек тилида ижод қилган, ханузгача бизга номаълум бўлиб келган қатор шоирларнинг номларини ва ижодидан намуналарни бизга етказди. Шайх Аҳмад Тарозийнинг ўзи ҳам Лутфий, Саккокий, Отойи каби шоирлар қаторидан ўрин олишга лойиқ истеъдодли ижодкор, айни пайтда олим эканини мазкур асари ва унда келтирган байтларида намоён қила олди. У чигатой адабий тили ривожига катта ҳисса қўшди.

Савол ва топшириқлар

1. Шайх Аҳмаднинг “Фунуну-л-балоға” асари қачон ёзилган ва қайси ҳукмдорга бағишланган?

2. Шайх Аҳмад Мирзо Улуғбекка қандай таъриф беради?

3. Асар муқаддимасида нима ҳақда сўз юритилади?

4. Шайх Аҳмад мумтоз адабиётда қайси жанрлар борлигини айтади?

5. У қасиданинг ҳажми ва қисмлари ҳақида қандай сўз юритади?

6. Шайх Аҳмад ғазал жанрини қандай шарҳлайди?

7. Шайх Аҳмаднинг фикрича, қитъада кофия бўлиши шартми ёки шарт эмасми?

8. Шайх Аҳмад рубоийни қандай тасниф қилади?

9. Шайх Аҳмад кофияга қандай талаблар қўяди?

10. Шайх Аҳмад нечта бадиий санъатни баён қилади ва санъатларни неча турга бўлади?

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА НОМА ЖАНРИ ТАРАҚҚИЁТИ

Режа:

1. Хўжандийнинг “Латофатнома” асари ҳақида маълумот.
2. “Латофатнома”нинг тузилиши ва мазмуни.
3. Султон Маҳмуд мадҳи.
4. Хўжандийнинг бадиий маҳорати.
5. Саййид Аҳмаднинг “Таашшукнома” асари.
6. “Таашшукнома”нинг тузилиши.
7. Асар қўлёзмасининг ўрганилиши.
8. “Таашшукнома”да ҳаётга муҳаббат ифодаси.
9. “Дахнома”нинг тузилиши.
10. Асарда Бойсунғур Мирзо мадҳи.
11. “Дахномада ҳикоят.
12. “Дахнома”да илоҳий ишқ тавсифи.

Таянч сўз ва иборалар: *нома жанри, газал, фард, қитъа ва муножот жанрлари, мадҳ, наът, шарият боғининг булбули, муболагали тасвирлар, бадиий маҳорат, тажнисли қофия, маснавий, эпик сюжет.*

Ўзбек адабиёти тарихида нома жанрининг илдизлари, “Муҳаббатнома” бу жанрдаги юксак савияда ёзилган асар экани тўғрисида аввал маълумотлар берилган. “Муҳаббатнома” Темурийлар даври адабиётида нома жанрининг ривожига муҳим таянчлардан бири бўлди. Темурийлар даврига келиб, нома жанрига алоҳида эътибор берилиб, ривож топди. Хўжандийнинг “Латофатнома” асари шу йўлдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Хўжандийнинг “Латофатнома” асари ҳақида маълумот. Хўжандий XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган. Унинг “Латофатнома” асари етиб келган бўлиб, ўзбек адабиётида нома жанрининг ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Шоирнинг таржима холи тўғрисида маълумот йўқ. Тахаллусидан Хўжанддан экани маълум бўлади.

“Латофатнома” XV аср адабиётида шуҳрат тутган кўринади. Жумладан, Отойи ҳам бу асардан яхши хабардор бўлган. У бир газалида шундай ёзади:

Отойи шеърининг лутфини билса,
«Латофатнома»дан кечгай Хўжандий.

Хўжандийнинг «Латофатнома»си XV аср бошларида (1411 йилларда) ёзилган бўлиб, Амир Темурнинг авлодларидан бири, Хоразмда хукмронлик қилган Султон Маҳмудга бағишлангани тўғрисида кўп адабиётларда айтилади.

«Латофатнома»нинг «Муҳаббатнома»дан тузилиш жиҳатидан фарқи бор. Фарқ шундан иборатки, бу номада ҳар бир номадан сўнг ғазал келтирилмайди, фард, китъа ва муножот каби жанрлар ҳам алоҳида ажратилмайди. Аммо Хўжандий бу асарини «Муҳаббатнома»га жавоб тарикасида ёзганини айтади:

Муҳаббат жомидин ичсанг шаробе,
«Муҳаббатнома»га айтсанг жавобе.

«Латофатнома»нинг тузилиши ва мазмуни. Асар Яратганга ҳамд билан бошланади. Яратганнинг чексиз қудрати, ҳамма нарсани – инсону жонзотларни, тўққиз қават фалакни, етти қават ерни, осмондаги қушларни, ер юзидаги бойликларни ва жамики нарсаларни У бу оламга келтирган. Ёқубни ҳам Юсуфнинг фироқига дучор қилган, Юсуфнинг дардида Ёқубнинг кўзларини ожиз қилган, Сулаймонга шамолни итоат эттирган, Довудга совут ясаш иқтидорини ато қилган ҳам Яратганнинг Ўзидир.

Хўжандий асарининг ҳамд бобида ўз маслағи ва эътиқодини баён қилади. Илоҳий ишқ – Хўжандийнинг аъмолу эътиқоди, унинг бутун вужуди ишқ ўтига итоат эттирилган. Яратувчи ошиқларга жафо беради, бу жафоқашларнинг сарвари Муҳаммад Мустафодир. Хўжандий Яратганга илтижо қилиб, бу ишқдан мени айирмагин, дея сўрайди:

Худоё, кўнглум ичра ишқ ўтинг ёқ,
Хўжандий хастага лутфунг била боқ.
Муҳаббат жомидин саҳбо (*қизил май*) ичиргил,
Хато ишлар телим қилдим, кечургил.

Хўжандий Яратганга мадҳдан сўнг, пайғамбарга наът (мақтов) келтиради. Муҳаммад Мустафони сўқир кўнгилларнинг табиби,

шариат боғининг булбули, деб таърифлайди. Шунингдек, Муҳаммад Мустафо пайғамбарларнинг сарвари, авлиёларнинг раҳнамоси эканини, Худонинг ҳукми билан мўъжизалар кўрсатганини ва бошқа кўп сифатларини, фазилатларини баён қилади.

Хўжандий бу асарини, бошқа номалар қатори, ўнта номадан иборат қилиб яратгани тўғрисида ёзади:

Тилимда сўз, элимда хома бўлди,
“Латофатнома” ҳам ўн нома бўлди.

“Латофатнома” – ишқсиз кўнгилларга ошиқлик дардини соладиغان асардир. “Кимнинг ишқи бўлмаса, унинг бирон мақсади бўлармиди, бир жононни севмаса, ундан нима мурод бўларди”, дейди шоир Хўжандий. У бу фикрини давом эттириб: “Кимки бирон жононни севмаса, билингки, унинг танасида жон йўқдир”, деб хулоса чиқаради. Ана шундан кейин Хўжандий асосий мақсадга кўчади:

Не билсун текма нодон ишқбози,
Ҳақиқат бўлмаса бори мажози,

(Ҳар қандай нодон ошиқликни қайдан билсин, агарда унда ҳақиқий ишқ бўлмасаю мажозий ишқ бўлса)

дея ошиқлик ва бу ишқнинг чинакам киёфасини чизиб беради. Бу байтни фард жанрига мансуб деб қараш мумкин.

Султон Маҳмуд мадҳи. Хўжандий “Латофатнома”нинг ёзилиш сабабларига тўхталиб, дастлаб асарни ёзишга Султон Маҳмуд ундагани тўғрисида айтади, сўнгра Султон Маҳмудни тенги йўқ ҳукмдор сифатида таърифлайди:

Аё фаҳри салотин шоҳи даврон,
Замона мафҳари Маҳмуд тархон.

Ажун фаҳри шаҳоншоҳи замона,
Сифоти савлатинг тўлди жаҳона.

Зихи соҳибқирон арслон юраклик,
Маони мажлиси ичра кўруклук.

Саховат бобида чун Ҳотами той,
Шижоат мулкида чун Қовусу Кай.

Қиличинг ҳайбатидин Рустами Зол,
Қилибдур дунёда гўр ичра инзол.¹⁸

Жаҳон тинди сенинг адлинг кучиндин,
Ёшин яшнар қиличингнинг кучиндин.

Саховат мулкида соҳиб адамсен,
Латофат маъдани кони карамсен.

Бегим, адлинг камуғ оламға тўлди,
Қуёш янглиғ сифотинг жилва бўлди.

Жамолинг аксидин хуршед олур нур,
Отинг бўлди камуғ оламда машхур.

Булут ичра ёшунди ой юзунгдин,
Шакар сизди қамиш ичра сўзунгдин.

Қуёш юзунг кўруб ерга йиқилди,
Адоғинг туфроғини сурма қилди.

Фалак боши бирла эврулса минг йил,
Сенингтеқ қилмағай дунёда ҳосил.

Хирад шатранжини утгунг жаҳондин,
Сенинг лутфунг била тўлди жаҳондин.

Маони ичра, шоҳим, қил ёрарсен,
Ажунда ҳер не қилсанг, қил, ярарсен...

¹⁸ инзол — тушиш, воқиф бўлиш.

Хўжандий мазкур байтларида Султон Маҳмудни ҳар хил муболағали тасвирлар билан кўкларга кўтаради. Султон Маҳмудни тенги йўқ баҳодир, инсоний фазилатлари чексиз, Юсуфмисол хуснга эга, ниҳоятда нозикфаҳм килиб тасвирлайди. Табиийки, унга бўлган ҳурмати, айти пайтда Султон Маҳмуд ҳам Хўжандийни эътиборда тутгани, унга эҳтиром кўрсатгани сабаб бўлган эди.

Асарда Хўжандий таҳаллуси олти ўринда учрайди. Асарда Хўжандий ҳақиқий ишқни мажозий ишқдан устун қўйса ҳам, ҳаёт гўзаллигини, маъшуқага бўлган самимий севгини куйлашни инкор этмайди. Унинг бу мақсади “Латофатнома”нинг аксарият байтларидан англашилиб туради. Бу мавзу ёрнинг жафокашлигию ошиқнинг дарди орқали кўрсатилади. Ёрнинг жамолини кўрган гул уялганидан ғунчага айланади, киш фаслида ёр кулганда, ёз бўлади, унинг карашмаси жону дилни ғорат қилади, кўзлари яғмою чигилни талон-тароҷ қилади. Ҳаётдан завқланишни, дунё гўзаллигидан ҳузур топишни илоҳий ишқ асло инкор этмаганини яна номадаги аксарият байтларда кўриш мумкин.

Маъшуканинг қуйидаги таъриф-тавсифи орқали шоир ана шундай дунёвий севгини улуғлайди, дунёвий севгидан қудратлироқ куч йўқлигига ишора қилади:

Аё сардафтари хубони олам,
Қамуғ мулки жаҳон сизга мусаллам.
Парилар шоҳисан, хуснунг зиёда,
Рухунг кўрса шоҳлар бўлур пиёда.
Қаро зулфунг ажаб ҳиндуйи тасвир,
Эрур фаттон кўзунг жодуйи Кашмир.
Юзунг кундуз бикин, зулфунг шаби тор,
Сочинг чининда пинҳон мушки тотор.
Лабинг лаъли Бадахшон, тишларинг дур,
Садаф оғзин қурутқон тишларингдур.

Ёрнинг анъанавий таъриф-тавсифи билан бирга, Хўжандийга хос тасвир учрайдики, бу байтлар “Латофатнома”нинг бошқа номалар билан беллаша оладиган асар эканини таъминлаган. Шоирнинг

Хўжандий сўзларин Хоразмий мискин,
Эшитса йўлли деб қилгайди таҳсин

деб айтган сўзлари ҳақиқат эканини мазкур байтлар ҳам тасдиқлаб турибди. Зотан, Хўжандий Хоразмийнинг таҳсинига лойиқ нома жанрида асар ярата олди.

“Латофатнома”да ҳар бир номанинг охиридаги бир байт соқийга мурожаатдир. Бу байтлар соқийнома жанрига мансуб:

Кел эй соқий, бу кун мажлис қуроли,
Замони айш этиб, хуш ўлтуроли.

“Муҳаббатнома”да ҳам Хоразмий ҳар бир номадан сўнг соқийга мурожаат этиб, 3-4 байтдан иборат маснавий келтирган. Хўжандий ҳам Хоразмийга эргашиб, ҳар бир номанинг сўнгида соқийга қилган мурожаатини юқоридагидай бир байтда келтиради. Жумладан, иккинчи байтдан сўнг

Кел, эй соқий, шароби ноб келтур,
Фақирлар кўнглини даръёб¹⁹ келтур

дея мурожаат қилса, учинчи номадан сўнг

Кел, эй соқий, кетургил жоми Жамни,
Кечар дунё, ғанимат тут бу дамни

байтини келтиради ва шу тариқа ҳар бир номадан сўнг турли шаклда соқийга мурожаат такрорланаверади.

Хўжандийнинг бадий маҳорати. “Латофатнома”да муаллиф эътибор қаратган яна бир жиҳат ўзбек тилининг бой имкониятларидан фойдаланганидир. Тажнисли кофия Хўжандийнинг халқ тилидан маҳорат билан фойдаланганига муҳим далилдир:

¹⁹ даръёб — дарё суви.

Исирғанг донаси чин *Муштарийдур*,
Сочинг нофайи *Чин муштарийдур*.

Қаро зулфунг ичинда чин *кўрармен*,
Хато йўқдур бу сўзда, чин *кўрармен*.

Ёки куйидаги байтларда ҳам тажнисли қофия бор:

Юзунгни *Ҳақ жаҳон гулзори* килди,
Юзунгни *кўрдию гул зори* килди.

Не бўлдиким, кулунгдин *юз эвурдунг*,
Бир айғон сўзни, шоҳим, *юз эвурдунг*.

Саййид Аҳмаднинг “Таашшукнома” асари. Асарни 846 (1435-36) йили Саййид Аҳмад ёзган. Саййид Аҳмад – Амир Темурнинг набираси, Мироншоҳнинг ўғлидир. Навоий “Мажалис ун-нафоис” асарининг VII мажлисида Саййид Аҳмад тўғрисида куйидагича маълумот беради: “Саййид Аҳмад – салим таъб ва пок зехн киши эрди. Хили машҳур назмлари бор. Ҳам ғазал, ҳам маснавий, ҳам туркий, ҳам форсий ғазал таврида девони бор. Ва маснавий таврида “Латофатнома” анингдур. Бу туркча матлаъ яхши воқеъ бўлубтурким:

Сайд этти фирокинг мени мурғи саҳарийдек,
Қил одамийлик, қилма юзни ниҳон парийдек.

Бу форсий матлаъ ҳам анингдурким:

Маҳам гар пеш аз ин пинҳон бимонад,
Ажаб, гар бедилонро жон бимонад”.

(Агар ой юзлигим бундан кейин ҳам пинҳон қоладиган бўлса, бедилларнинг омон қолиши ажабланарлидир).

Навоий Саййид Аҳмаднинг “Таашшукнома” маснавийси ҳақида эмас, унинг “Латофатнома” маснавийси ҳақида сўз юритяпти. Бундан шундай фикрга келиш мумкинки, Саййид Аҳмаднинг “Таашшукнома”дан бошқа “Латофатнома” номли асари ҳам бор ва

бу нома Навойга яхши таниш бўлган. Навой “Таашшукнома”дан беҳабар эканини ҳам шу ўринда айтиш ўринлидир.

“Таашшукнома”нинг тузилиши. Саййид Аҳмад асарининг бошида ҳам “Таашшукнома” деган номни ишлатади. Асарнинг сўнгида – “Илтимосин айтур” қисмида бу асарини етти кунда тугатгани тўғрисида айтади:

“Таашшукнома”ни ҳиммат бўлиб ёр,
Тугаттим етти кунда бемададкор.

“Таашшукнома” Тангрига ҳамд, “Муножот”, “Мадҳи наби алайҳиссалом”, “Китоб сабаби”, “Подшоҳи ислом мадҳи” ва ўнга номадан иборат. Ўнинчи номадан кейин китобнинг хотимаси ва шоирнинг илтимоси ўрин олган.

Тангрига ҳамд, адабиёт тарихидаги ҳамма асарлардаги сингари, Тангрининг танҳолиги, жамики борлиқнинг Яратувчиси экани билан бошланади. Сўнгра Тангри Одам атога маърифат сирларини бергани, Идрис пайғамбарнинг толеъини баланд қилгани тўғрисида ҳикоя қилади. Шу ўринда Саййид Аҳмад байтда “Баҳром” сўзини ишлатиб, талмеҳ санъатини қўллаган ҳолда узоқ тарихга ишора қилади.

Бешинчи манзилин Баҳрома берди,
Анинг тасхирини Баҳрома берди.

Биринчи мисрадаги Баҳром – Марс сайёрасини билдиради; иккинчи мисрадаги Баҳром эса ўтмишдаги ҳукмдорлардан бирининг исми. Бу байтда, Тангри бешинчи сайёрани яратиб, Баҳром исминини берди, бу сайёрани итоат эттириш лаёқатини Баҳромга берди, деган мазмун бор. Бизнингча, сайёрани итоат эттириш лаёқатига эга бўлган Баҳром исмли шоҳ Сосонийлар сулоласи ҳукмдори Хурмузднинг ўғли Баҳромдир. У тақводор ва меҳнаткаш, адолатли подшоҳ бўлган эди.

“Муножот”да шоир Тангрига илтижо қилиб, ўзининг бир гуноҳкор банда, Тангрідан бошқа ҳимоячиси йўқ, нажот берадиган фақат У эканини сўрайди.

“Наът” бобида Муҳаммад пайғамбар жамики пайғамбарларнинг сарвари, жавонмардларнинг шоҳи эканини, Одам ато, Нух,

Иброҳим, Мусо, Сулаймон, Довуд, Масиҳ каби ҳамма пайғамбарлар
ундан нур тоганини айтади.

“Китоб сабаби” қисмини қуйидаги байт билан бошлайди:

Тушумда бир неча кўрдум сахаргоҳ
Ки, Мажнун бирла бўлдум йўлда ҳамроҳ.

Мажнун –ошиқлик тимсоли. Саййид Аҳмадни ошиқлик йўлига
Мажнун даъват қилади. Мажнун ошиқлар мақомини қуйидагича
таърифлайди:

Ки ошиқлар мақоми Карбалодур,
Кишиким бўлди ошиқ мубталодур.

Мажнун Саййид Аҳмадни ошиқлик мақоми тўғрисида ҳикоят
ёзишга даъват этади.

“Подшоҳи ислом мадҳи” бобида Мирзо Улуғбекнинг Фаридун,
Жамшид, Сулаймон, Кайҳусрав, Искандар, Нўширавон каби
подшоҳларнинг жамики фазилатларини ўзида мужассам этган
хукмдор эканини мадҳ қилади.

Асар кўлёмасининг ўрганилиши. Асарнинг ягона кўлёмза
нусхаси XVI асрнинг 1 ярмига мансуб бўлиб, Британия музейида
сақланади. “Таашшукнома”ни нащрга тайёрлаган
А.М.Шчербакнинг хабар беришича, асар Хоразмийнинг
“Муҳаббатнома”си, Лутфийнинг девони, “Гул ва Наврўз”, Мир
Ҳайдар-Мажзубнинг “Махзан ул-асрор”и, Яқиний, Аҳмадий ва
Амирийларнинг мунозараси, Хўжандийнинг “Латофатнома”си
билан бир муковададир. “Таашшукнома”дан битта номани 1927
йили А.Н.Самойлович илк бор чоп эттирган эди. У яна
“Таашшукнома” билан “Муҳаббатнома”нинг тил хусусиятларини
киёслаб, бир мақола ҳам эълон қилган. Инглиз туркологичи Ч. Рьё ҳам
Саид Аҳмаднинг “Латофатнома” асарини ўз каталогига киритган
(Ch. Rieu. Catalogue of the Turkish Manuscripts in the British Museum,
p. 288). Аммо у Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”идаги
маълумотларни инобатга олганми ёки ҳақиқатан Саййид Аҳмаднинг
“Латофатнома”сидан хабардор бўлганми – буниси маълум эмас.

Саййид Аҳмад ўзбек ва форс тилларида ғазаллар ёзган бўлиб, иккита девон тузгани ҳам Навоийнинг маълумотларидан англашилади.

“Мажолис ун-нафоис”да Саййид Аҳмаднинг “Латофатнома” сидан келтирилган байт “Таашшукнома”да йўқ.

“Таашшукнома” ўнта номадан ташкил топган бўлиб, жами 319 байтдан иборат. “Таашшукнома”нинг ўзига хос томони шунда кўринадики, ҳар бир нома уч қисмдан – нома, ғазал, “Сўзнинг хулосаси”дан иборат қилиб тузилган. Саййид Аҳмад бу асарини бирон шоир асари таъсирида яратилганини қайд этмаса ҳам, асарнинг ғоявий йўналиши, тузилиши, тасвирий воситаларга қараганда, айгиш мумкинки, бу асарга “Муҳаббатнома” ва “Латофатнома”нинг таъсири кучли бўлган. “Таашшукнома”нинг ўнта номадан иборат экани шундай хулосага олиб келади. Аммо “Таашшукнома”нинг ўзига хослигини таъминловчи омил – унинг тузилишидир.

“Таашшукнома”да ҳаётга муҳаббат ифодаси. Ҳаётга муҳаббатни ошиқнинг маъшуқага бўлган муҳаббати орқали акс эттириш “Таашшукнома”даги ўзига хос усуллардан биридир. Бу асар бадий воситалардан истифода этишда ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туради. Саййид Аҳмад ўзбек тилига бўлган муҳаббати ниҳоятда юксак бўлгани ўз номасидан аён бўлиб туради. У ўзбек тилининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, иккинчи номани бошдан охиригача тажнисли қофияда ёзган.

Нигоро, олди кўнглум юзунг оли (*қизил*),
Қиладур қасди жон ҳам кўзунг оли (*ҳийлагар*).

Отиб ғамза ўқин пайваста қошинг (*тутаишган қош*),
Юроким қон қилур пайваста қошинг (*тинимсиз қарамоқ*).

Жамолинг шамъиниким ёндурурсен (*ёндирмоқ*),
Қамуқ оламни ўтқа ёндурурсен (*қайтармоқ*).

Эгнингда менгларинг мушки Хатодур (*Хитойинг ҳуш ҳидли моддаси*),
Қаро зулфунг сари бормоқ хатодур (*янглиш, хато*).

Куёшдур оразинг ё Муштарийдур (*Юпитер сайёраси*)
Ки, жон бирла жаҳони муштарийдур (*сотиб олувчи*).

Висолинг завкин истаб, эй дилором (*севгили*),
Тан ичра топмади мискин дил ором (*дил ором олмоқ*).

Кўнгул кушини ишқинг қилди шунқор (*қуш*),
Бу ғамдин муддаийлар²⁰ бўлди шунқор (*пахлавон*).

Карашма қилмоқ ичра қил ярорсен (*маҳоратни ишга солмоқ*),
Неким жонимға қилсанг қил, ярорсен (*қўлидан келмоқ*).

Анингким ол энгинда холи бўлғай (*юздаги хол*),
Қачон фитна қилурдин холи бўлғай (*бас қилмоқ*).

Айтсалар сенга, ғамзангдин ўқ от (*ноз билан қарамоқ*),
Они ўзгага отма, бизга ўқ от (*фақат бизга от*).

Турубтурмен ўқунгнунг қаршусина (*рўпарасида*),
Отар бўлсанг тутармен қаршу сина (*кўкракни қарши тутмоқ*).

Чу тортармен ҳамиша ҳажр борин (*юк*),
Сенга айтай кўнгулда ҳар не борин (*ҳаммаси*).

Билурсенким, қулунгдурмен камина (*мен*),
Карам қил, боқмағил қулнунг камина (*нуқсон*).

Тўкар ҳар дам фироқинг дийда қони (*қон*),
Менингтеқ бир доғи ғамдийда, қони (*қани*).

Кўнгулда гарчи ҳажринг доғи бордур (*қайғу, дард бор*),
Валекин васл умиди доғи бордур (*яна бор*).

Нечаким ғамдамен, эй қадди шамшод (*тик, адл*),
Бўлурман ҳар қачон кўрсам сени шод (*хурсанд, мамнун*).

²⁰ муддаий – даъвогар. рақиб.

Тараххум бу гадоға килгин охир (*охир*),
Йўқ эрса кайғудин бўлгуси охир (*туғамоқ, ўлмоқ*).

Ўлодур Сайди Аҳмад, кил яроғин (*илож*),
Анинг бори бир ишиға яроғин (*ярамоқ, ёрдам бермоқ*).

Эшиткил бу ғазални чун ироқи (*йироқ*),
Ажам созин тузуб айтар Ироқи (*мусиқа номи*).

Аввал кўриб ўтилган икки нома – “Муҳаббатнома” ва “Латофатнома” билан “Таашшукнома” тузилишидаги умумий хусусият шуки, ҳаммасида соқийнома жанри бор. “Таашшукнома”да ҳам ҳар бир номадан сўнг соқийнома берилган. Сайид Аҳмаднинг соқийномалари 3-5 байтдан иборат бўлиб, ҳаммасида “Сўзнинг хулосаси” деган сарлавҳа остида берилади. Мана, иккинчи номада берилган соқийнома:

Сўзнунг хулосаси

Кел, эй соқий, кетургил бодау жом,
Ичоли май ба ёди Аҳмади жом.

Майиким руҳ андин маст бўлғай,
Муҳаббат куйида сармаст бўлғай.

Хуморимизни ул майдин ёзоли,
Мудом ичмагани не деб ёзоли.

Билурсенким жаҳоннинг йўқ баҳоси,
Баҳоси йўқ жаҳонға не бақоси.

Таҳаммул яхши ишдур пеша килмоқ,
Таҳайюл бирла ҳам андеша килмоқ.

“Таашшукнома”нинг ҳар бир номасида ва номалардан кейин келтирилган ғазалларда дунёвий ишкнинг гўзал тасвирини кўрамиз. Мисол тарикасида учинчи номани олиб кўрайлик. Маъшуканинг ҳажрида фирок чекаётган ошиқ ҳар бир байтда ёрнинг гўзаллигини

турли иборалар орқали таърифлайди: *сочи валлайу юзи ваззуҳо* (сочлари тунга ўхшаш қора ва юзлар гўзал), *рахмисиз дилбари номехрибон*, *юзи руҳи мусаввар* (зеҳнда тасвирланган, кўз ўнгида муҳрланиб қолган), *дудози мушки анбар*, *юзи хушиди офоқ* (юзи олам куёши), *паривашлар ичинда барчадин тоқ*, *малоҳат мулкида шоҳ*, *латофат ичра зебо каби*.

Бу сингари ташбеҳларнинг янги-янги кўринишлари қолган номаларда ҳам давом этади. Ёки куйидаги байт ҳам ёрнинг гўзаллиги тасвирида оригинал ташбеҳга мисол бўла олади:

Жамолнинг чун жаҳонорой бўлди,
Юзунг олинда моҳ гаррой бўлди.

Саййид Аҳмаднинг таъбирича, ёрнинг гўзаллиги бутун оламни бегади, унинг юзи олдида ой саргарош, яъни хизматкор бўлиб қолди.

“Таашшукнома” асари XV асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиётида диққатга сазовор асар сифатида аҳамиятлидир. Бу нома ўз даври халқ тилининг бойлигини кўрсатадиган манба сифатида ҳам ўрганишга лойиқ.

Юсуф Амирийнинг “Дахнома” асари. Юсуф Амирийнинг девони, “Дахнома” ва “Банг ва чоғир” мунозараси бизга етиб келган. Унинг “Дахнома” асари ҳижрий 833 (милодий 1429-30) йили ёзилган. Бу шоир тўғрисида Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида куйидаги маълумотлар бор: “Мавлоно Амирий – турк эрди ва туркча шеъри яхши воқеъ бўлубтур, аммо шуҳрат тутмабтур. Ва бу байт анинг “Дахнома” сидиндур:

На емакдин, на уйкудин солиб сўз,
Емакдин тўйуб, уйкудин юмуб кўз.

Ва форсийда шайх Камол татаббуъи қилибтур. Бу матла анингдурким:

Рўзи қисмат ҳар касе аз айш бахши худ ситонд,
Ғайри зоҳид к-ў риёзатҳо кашиду хушк монд.

[Қисмат куни (насиба тақсим этиладиган кун) зоҳиддан бошқа ҳар ким ўзига баҳшида қилинган айшнн олди. У эса не чоғлик машаққат чекмасин, куруқ қолди.]

Анинг қабри Бадахшон сари Арҳанг Саройдадур” (Навоий. МАТ. 13-том, 23-24-б.).

Амирий тўғрисида Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” асарида шундай эслайди: “Мавлоно Юсуф Амирий султон Шохруҳ Мирзо замонида катта шухратга эришган шоирлардан биридир. У оддий ҳаёт кечирган, айтишларича, амирлар ва машҳур амалдорлар унга ғамхўрлик кўрсатганлар. Буюк ҳокон Шохруҳ султон ва унинг улуғ авлодлари, амалдорлари шарафига Амирий кўп қасидалар битган. Султон Бойсунғур Мирзо шарафига битилган куйидаги қасида ҳам униқидир:

Делам бедард гирифтор гашт дар ҳаме у,
Магар кунад шоҳи олам белуғф дар монаш...”

Навоийнинг Юсуф Амирий тўғрисида берган маълумотидан маълум бўладики, у яшаган давр Навоийнинг ёшлик пайтларига тўғри келади. Атоқли адабиётшунос Абдуқодир Ҳайтиметовнинг айтишича, Навоий Юсуф Амирий билан кўришмаган. Қолаверса, Навоий Юсуф Амирийнинг девонидан яхши хабардор бўлган. Навоий яна “Муҳокамат ул-луғагайн” асарида ҳам, Гадоий, Ҳайдар Хоразмий ва бошқа бир неча шоирлар қатори, Юсуф Амирийни ўз даврининг улуғ шоири сифатида таърифлайди.

“Дахнома”дан маълум бўлишича, Юсуф Амирий Шарқ тарихи ва мифологиясидан, диний ва дунёвий билимлардан яхши хабардор бўлган эди.

“Дахнома”нинг тузилиши. Амирийнинг “Дахнома” асари номачилик анъаналарига риоя қилинган ҳолда ёзилган. Бу нома ҳам Тангрига ҳамд, Пайғамбарга наът, Бойсунғур Мирзога қасида, сўнгра бир шеърий ҳикоят, китобнинг ёзилиш сабаби, йўлда бир соҳибелга рўбарў бўлгани, муносабатнинг бошланиши ва махбубнинг нома ёзгани ва ниҳоят, ошиқ ва маъшуканинг ўнта номасидан иборат.

Тангрига ҳамд бобида Тангри инсонни тушроқдан яратиб, олти кунда оламни яратгани, Наҳид (Зухро) юлдузини – чолғучи, Баҳром (Марс) сайёрасини – ботир қилганини, Муштарий (Юпитер)

сайёрасини – илм ишига юборганини, Тир (Меркурий) сайёрасини – котиб қилганини айтади.

Пайғамбарга наът бобида эса Муҳаммад а.с.ни элчилик тахтининг эгаси, мамлакатларнинг тўлини ойи, Ҳақ таоло уни улуглик мартабаси учун яратганини ва бошқа кўп сифатларини айтади. Бу бобда диққатни жалб қиладиган яна бир ҳодиса – ҳоласи Умухоннинг башоратига кўра, оти Буроққа миниб, тўққиз қават осмондан ошиб ўтади ва фаришталар билан учрашади, Аксо масжидига юз буради, тўққиз қават осмондан ошиб, Тангрининг овозини эшитади ва ҳ.

Асарда Бойсунғур Мирзо мадҳи. Бойсунғур Мирзога бағишланган қасидада унинг ҳимматли, худди юлдузлар ўрдани ҳосил қилгану Бойсунғур Мирзо эса уларнинг ўртасидаги ой, Зухро юлдузи – чолғучи; Бойсунғур Мирзо эса мажлисни қизитувчи, кўп фанларни билувчи олим эканини мадҳ қилади.

Юсуф Амирий Бойсунғур Мирзо ҳимоясида яшаганлигини таъкидлайди. Айни пайтда Бойсунғур Мирзо одамларга нисбатан ҳимматли ҳукмдор бўлганини, инсонларни гоят қадрлаганини ҳам “Даҳнома”да айтиб ўтади:

Гиёсулҳақи ваддин Бойсунғур,
Ки сўзига қулоқ тутгучидур дур...
Етиб эл дардина ортук билиги,
Ёлиб факр эгнини очук алиги.
Улусни қутқариб меҳнат кунидин,
Ўлукни уйғотиб ярмоқ унидин.

Бойсунғур Мирзо Шохрух Мирзонинг учинчи ўғли бўлиб, илм-фанни, ижодни қадрлайдиган одам эди. У отаси Шохрух Мирзога вазир лавозимида хизматда бўлган йиллари Ҳиротда кутубхона ташкил қилди. Ўша замон тарихчиларининг гувоҳлик беришича, кутубхона қошида ўз даврининг машҳур хаттотлари, наққошлари, мусаввирлари, саҳҳоф ва заркорларининг қирк нафари тўпланиб, илмий ва ижодий иш олиб борганлар. 1425-1426 йиллари мазкур кутубхона қошидаги котиблар Бойсунғур Мирзонинг назорати остида Фирдавсийнинг “Шохнома” асарининг қиркка яқин қўлёзмаларини солиштириб, асарнинг мукамал матнини тузганлар. Бойсунғур Мирзо ақл-заковати, маърифатпарварлиги, хунарпарварлиги ва айниқса адабиётга бўлган муҳаббати билан

халқ ўртасида шуҳрат қозонди. “Дахнома” ёзилган йиллари Шохрух мирзо ўгли Бойсунғур мирзони Эрон Озарбайжонига ҳоким қилиб тайинлаган эди. 1431 йили эса Астробод ҳокими бўлди.²¹

Юсуф Амирий Бойсунғур мирзонинг барча фаолиятидан жуда яхши хабардор бўлгани учун ҳам илм ҳомийси сифатида унга юкори баҳо беради. У бу асарида Бойсунғур мирзони илм-фан ва уламолар ҳомийси сифатида таърифлайди, турли фанлар ривожига унинг хизматлари катта эканини айтади:

Кечиб оллида юз турлук дақойик (нозик маънолар, нозик нукталар, чигалликлар),

Маориф бирла анвойи ҳақойик.

Бир ҳайъат риёзисидин териб гул,

Бири ҳикмат шифосидин бериб мул (май, шароб).

Бири Уқлидис ашқолин ҳал этиб,

Бири кўк жадвалинда мадҳал (кириш, кирадиган жой) этиб,

Бири фақр ичида асраб макомин (фақирлик йўлини тутиб дунёдан кечиб)

Бири мантиқ сори элтиб каломин...

“Дахнома”да ҳикоят. Амирий Бойсунғур Мирзога бағишлаган қасидаси ниҳоясида, денгиз ичида хашак кўринмагани сингари, менинг бу сўзларим (Бойсунғур Мирзони мадҳи қилган сўзлари) ҳам фалак мажлиси орасидаги бир кўкнори уруғига ўхшайди (бу мактовларимдан ҳам бир неча баробар ортик ҳамду саноларга лойик демокчи), дея хикоятини баён қилади. Ҳикоятнинг мазмуни қуйидагича:

Бир араб чўлда бир қўлмакка дуч келиб қолибди. У, бу сув замзам сувидан ҳам афзал, деб, хаёл қилиб: “Бунни энди нима қилсам экан, кимга олиб борсам экан”, деб, Ҳорунга олиб боришга қарор қилибди. У кўзадаги сувни кўтарганича, шаҳарга йўл олибди. Араб гўё ўз хаёлида, мени худди Хизр каби кутиб оладилар, ахир, қўлимдаги сув оддий сув эмас, ҳаёт суви-ку, деган ўй билан кетаверибди. У Ҳоруннинг ҳузурига етиб келиб, қўлидаги сув тўла кўзани берибди. “Эй шоҳим, мен бир арабман, саҳрода ёввойи

²¹ Файзиев Т. Темурийлар шаҳараси. – Тошкент. “Ёзувчи” нашриёти, 1995, 328-б.

эшаклару кийиклардан бошка ҳамроҳим йўк. Ою йиллар кўз ёшларимни дарё-дарё қилиб тўкиб, Тангридан тилай-тилай мана шу ёмғир сувини топдим. Бу сувнинг ширин таъми таъма оғзини ёпади. Шунини ўзим ичмай, сиз – жаноби олийларига келтирдим. Ахир, сиз султонларнинг султонисиз. Энди менга бу сув туфайли обрў орттириб берсангиз”. Ҳорун унинг гапини эшитиб бўлгач, табассум қилибди ва ҳурматини жойига қўйиб бир зумда бой қилибди. Ҳорун хизматкорларидан бирига: ”Бу одамни олиб боринглар, идишини тўлдириб, пул беринглар”, деб амр қилибди. Ўша араб билсаки, ўша ердан Дажла дарёси оқиб ўтаркан. Агарда Ҳорун унга ҳиммат қилмаганда обрўи тўқилган бўларди.

Агар Ҳорун ар-Рашид арабга, ана, ёнгинамизда Дажла суви бор, деб айтганда эди, арабнинг мулзам бўлиши аниқ эди. Аммо Ҳорун ниҳоятда олийжаноблик билан ўша арабнинг ”менга оби ру қилинг” деган илтимосини бажо қилди. Бу ҳикоят тасодифан эмас, балки Бойсунғур таърифидан сўнг уни Ҳорун ар-Рашид сингари сахий, инсонпарвар ҳукмдор сифатида кўрсатиш учун Юсуф Амирий атайлаб берган.

Бошқа номаларда ҳикоят берилмаганини, фақат ”Даҳнома”да борлигини ҳамда бу номанинг ўзига хослигини кўрсатадиган далиллардан бири эканини шу ўринда эслатиб ўтиш керак.

”Даҳнома”да **илоҳий ишқ тавсифи**. Шу ҳикоятдан кейин китобнинг ёзилиш сабаби баён қилинади. Шоир бу бобни, бир дўстим мени уйига таклиф қилди ва май ичиб, вақтни хуш ўтказамиз, деган байтлар билан бошлайди. Шоир ваъдага кўра унинг уйига борганда, бир талай Исо нафас улфатлар тўпланганини ҳикоя қилади: суроҳий (май идиши)дан кўнгиллари шод бўлган, бир-бирларига гап бермай, ҳикоялар сўзлайди. Шоир ҳам

Аёғ ичиб, ўпуб отландим ондин,
Бағоят хурраму фориг жаҳондин.

Бошимдин элтибон май нашъаси хуш,
Бериб юз шеър баҳри тунду²² пуржуш²³.

²² тунд – аччик, ғазабли; асов, саркаш, шўх.

²³ пуржуш – маж. завқли, шод, ҳаяжонли.

Мубарро²⁴ бўлубен дину дунё ғамидин,
Чиқиб яъни такаллуф²⁵ оламидин.

Кўнгулда жилва бериб хўбларни,
Соғиниб эртаги маҳбубларни.

Демак, май (илоҳий файз)дан сархушлик, паймона (ишқ)га интиқлик китобнинг ёзилишига сабаб бўлган.

Йўлда бир соҳибажолга рўбарў бўлгани бобида бир маҳбубага йўлиқиб, унинг гўзаллигига маҳлиё бўлгани, у билан қилган мувоҳасалари ҳикоя қилинган.

Муносабатнинг бошланиши ва маҳбубанинг нома ёзгани бобида маҳбубанинг ишқида гоҳ худ, гоҳ бехуд бўлгани, баъзан ўзи билан ўзи сўзлашадиган бўлиб қолгани, унинг фироқидан ўзига ўзи шикоят қилгани, охири, маҳбубанинг ишқида куйиб-ёнган ошиқ сабога: “Мен – ошиқнинг тилидан нома етказсанг, ўша оининг манзилидан мени хабардор қилсанг”, деб илтимос қилади. Сабо унинг илтимосига бажонидил рози бўлади. Шундан кейин ошиқнинг сабо орқали маъшуқага ёзган биринчи мактуби келади.

Асар ўнта номадан иборат бўлиб, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”сига ҳамоҳанг усулда яратилган. Аммо асарнинг ўзига хослигини кўрсатадиган далиллар борки, булар “Дахнома”нинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрнини белгилайди. Жумладан, “Муҳаббатнома”да асарнинг охирида фард берилгани ҳолда, “Дахнома”даги ҳар бир номада ошиқ ёки маъшуканинг номасидан сўнг ғазал, сўнгра фард берилган. Биринчи номадан кейин келтирилган ғазал ва фардга эътибор берайлик:

²⁴ мубарро – холи, озод, бирон нарсага йўлиқмаган.

²⁵ такаллуф – қийналиш, кулфатга йўлиқиш; ҳашамат, безак.

Ғазал

Хаёлинг хайли²⁶, эй жоним чароғи,
Турур кўзумда у кўнглумда доғи.

Юзунг кўрар кўзумдур, гар рақибинг
Кўра олмас они чиктек қароғинг.

Қачон зулфунг кўнгул бирлан тузалгай,
Ким эGRIDур онинг боштин аёғи.

Фигонимни рубоб оллиға, эй дўст,
Не айтойин, чу эшитмас кулоғи.

Кўзунг кўнглунгда экмас меҳр тухмин,
Ажаб йўк тушмади экин яроғи.

Юзунг гулзоридин йўқтур манго ранг,
Очилғил гаҳ-гаҳе, эй ҳусн боғи.

Амирий, оллидин то ўтти ул зулф,
Насимидин мушаввашдур²⁷ думоғи.

Фард

Думоғингнинг иложин қилғил, эй ой,
Ки Мажнунтек бўлубтур бесару пой.

“Даҳнома”нинг ҳар бир номасида ошиқнинг мактубидан сўнг, маъшуканинг мактуби келтирилади. Бундай усул ҳар бир номани мустақил асар сифатида талқин қилишга имкон беради. Қолаверса, муаллиф ҳам шу мақсадни кўзлаган бўлиши мумкин. Шу тариқа “Даҳнома”нинг тузилишида ўзига хослик юзага келган.

“Даҳнома”нинг ўзига хослиги фақат шу билан белгиланмайди. Биринчи нома сабо маҳбубага етказган нома воқеаларига боғланган

²⁶ хайл – гуруҳ; тўда; от-улов жами.

²⁷ мушавваш – ташвишли, бесаранжомлик, кўнгли парижон.

ва қолган номалар ҳам ўзаро боғлиқ, воқеалар ривождаги узлуксизлик “Даҳнома”ни, худди дoston сингари, яхлит тасаввур қилишга имкон беради. Шу боис бу номада эпик сюжет бор деб айтиш мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. “Латофатнома” ҳақида қайси шоир ўз ғазалида сўз юритади?
2. “Латофатнома”нинг “Муҳаббатнома”дан тузилиш жиҳатидан фарқи нимада?
3. Хўжандий асарининг ҳамд бобида нима ҳақда сўз юритади?
4. “Латофатнома”да кофиянинг қандай тури бор? Мисол келтиринг.
5. Навоий Саййид Аҳмад ҳақида қайси асарида қай тарзда маълумот беради?
6. “Таашшукнома”нинг тузилиши ҳақида айтинг.
7. Саййид Аҳмад “Таашшукнома”да *Баҳром* сўзи орқали талмех санъатини ҳосил қилган. Бу исмнинг ҳар иккаласини шарҳлар беринг.
8. Асарда ошиқлар мақомини Мажнун қандай тасвирлайди?
9. Алишер Навоий қайси асарида Юсуф Амирий тўғрисида қандай маълумот беради?
10. “Даҳнома”нинг тузилиши ҳақида сўзланг.
11. “Даҳнома”да эпик сюжетга асос бўлган омилар нималардан иборат?

МУНОЗАРА ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Мунозара жанри ҳақида сўз кетганда, албатта, бу жанрнинг илдизларига эътибор қаратишга тўғри келади. Мунозара дунё халқларининг аксариятида азалдан мавжуд бўлиб, маълум бир халқнинг инонч-эътиқодлари заминида шаклланган. Мунозаранинг сўз билан ифодаланиш (вербал) хусусияти ана шу инонч-эътиқодлар, қолаверса, маросимлар, удумлар заминида шаклланган.

Европа халқлари ўтмишида “Ўлимни ҳайдаш” ва “Ёзни чақириш” маросими борлиги ҳақида машҳур инглиз этнографи Ж.Фрезер кўп маълумотларни келтирган. Унинг келтирган маълумотлари XVI-XVIII асрларга тегишли. “Ўлимни ҳайдаш” маросими ёзни, баҳорни, умуман, ҳаётни қайтаришга даъват қилади. “Ёзни чақириш” маросими ҳам, худди “Ўлимни ҳайдаш” маросими сингари, сахна кўринишларидан иборат.²⁸ Умуман, бу маросимларнинг мақсади — ҳар доим ёз, яъни соғлом ҳаёт инсониятга ҳамроҳ бўлиш истагини уйғотишдан иборатдир.

Ж.Фрезер “Ўлимни ҳайдаш” ва “Ёзни чақириш” маросимидан сўнг, Ёз ва Қиш ўртасидаги кураш сахнасини ёритади. У айрим ғарб мамлакатларида, хусусан, Швецияда Ёз ва Қиш ўртасидаги курашга бағишланган халқ ўйинларини келтиради. Бу ўйинда албатта Ёз ғолиб келади.²⁹

Ёз ва Қиш мунозараси Германия, Англия ва Скандинавия мамлакатларида XIV-XVI асрлардан буён бор. Мунозара жанри бу мамлакатлар халқи орасида маросимлар билан боғлиқ бўлиб, баҳор пайтидаги турли саналарга тўғриланган. Ғарбий Германияда мунозара яқин вақтларгача баҳорги маросим ўйинлари сифатида сақланган эди.

Қиш ва Ёз олмон халқ маросим ўйинларида оломон ўртасида ўтказилган. Иккаласи бир-бирига карама-қарши кучлар сифатида майдонга чиқади. Ёз ўз мулозимлари билан қуёш чиқадиган Шарқдан келган. У Қишга “Бу ердан жўнаб қол”, деб буюради. Қиш қўпол деҳқон тимсолида бўлиб, бошига телпак кийган, у тоғдан келган, ўзи билан бирга шамол, совукни, қорни олиб келган. Аммо у даф бўлишни асло истамайди. Қиш опшоқ қорли далалари билан, Ёз

²⁸ Дж. Фрезер. Золотая ветвь. — Выпуск III, Атеист, 1928, 22-30-б.

²⁹ Дж. Фрезер. Юкоридаги асар, 30-31-б.

эса ям-яшил водийлари билан мақтанади. Ёзда ўт-ўланлар кўкаради. Қиш ҳам турли-туман ичимликлар кашф қилган. Ёз ём-хашак, шароб, ғалла етиштиради, буларнинг ҳаммаси кишда йўқ бўлади. Табиийки, булар Ёз ва Қиш ўртасида савол-жавоб тарзида ўтади, икковининг орқасида эса хор бўлиб кўшиқ айтганларича мулозимлари туради. Охири Ёз ғалаба қилади. Қиш ўзини Ёзнинг хизматкори деб атайди ва “Икковимиз бошқа мамлакатларга борайлик, менга ёрдам бергин”, деб илтимос қилади. Шундан кейин Ёз “Жанг тамом бўлди, хайрли тун”, дея эълон қилади. Мунозаранинг бундай кўринишларидан VIII-IX асрга оид “Баҳор ва Қиш” номли лотинча шеър ҳам етиб келган.³⁰ Ёз ва Қиш мунозарасининг маросимга айланган кўриниши ёқут халқида ҳам сақланган. Уларнинг маросими баҳор ва кузга оид бўлиб, баҳорнинг илк кунларида олийжаноб Тангрига қурбонлик қилиш билан бошланган.³¹

Бу маросимларни келтиришдан мақсад шуки, баҳс ёки олишув мунозаранинг илк кўринишларидир. Мунозара жанр сифатида халқ оғзаки ижодига кириб келишида бу маросимлар асосий омил бўлган.

Мунозара жанри ўзбек адабиётида узоқ тарихга эга. Дастлаб бу жанрнинг илдизларини туркий халқлар мифларида кўрамиз. Туркий кавмларнинг пайдо бўлишига оид мифда айтилишича, Ёз қизи билан Қиш қизи ўртасида, ким қудратли деган баҳс бўлиб, иккови беллашади. Мусобақада Ёз қизи ғалаба қилади.

Мунозара жанрининг асосий белгиларидан бири – баҳсга киришган томонлардан бири ғолиб, бири эса албатта мағлуб бўлади. Юқоридаги мифда бошланган мунозаранинг ана шу хусусияти Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асарида Ёз ва Қиш ўртасидаги мунозарада аниқ кўринади. Ҳар икки тимсол ўртасидаги мунозара ижтимоий мазмун касб этади.

Туркий халқларнинг қадимги ёзма ва оғзаки адабиётини ўзида мужассам этган “Девону луғатит-турк” асаридаги 23 тўртлик асосида Абдурауф Фитрат Ёз ва Қиш мунозарасини тиклади.³²

³⁰ Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Л.: Наука, 1979, 52-53-б.

³¹ Жирмунский В.М. Юқоридаги асар, 53-б.

³² Қаранг: Фитрат. Энг эски турк адабиёти намунаи. Наһрга тайёрловчи Орзуғул Ҳамроева, Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2008, 20-31-б.

Унгача ҳам турк олимлари Фуод Кўпурилизода, Зиё Кўк Алп Ёз ва Қиш мунозарасини тиклашга ҳаракат қилганлар. Аммо бу олимларнинг “Девону луғатит-турк”даги мазкур жанрни ташкил этган тўртликларга муносабатлари турличадир.

Россиялик турколог И.В.Стеблева “Девону луғатит-турк”даги шеърӣй шакллар ҳақида фикр юритиб, бу асардаги мунозарага ўз муносабатини билдирган ва бу жанрни тиклаган эди. У “Девону луғатит-турк”нинг тўртта нашри – турк олимлари Аҳмад Рифъат ва Басим Аталай таржималари ҳамда нашрларига, ўзбек олими С.Муталлибов таржимаси ва нашрига, немис турколог олими К. Броккелманнинг нашрига таяниб, танқидий матн тайёрлаб, мунозара жанрини тиклайди ва йигирма учта тўртликни мунозара жанри сифатида беради. И.В.Стеблева келтирган “Девону луғатит-турк”даги мунозара қуйидагича:

Қиш йай била тўкушти,
Қинғир кўзин бақишти,
Тутушкали йақишти,
Утғалимат ўғрашур (I. BA 170, T. I 181-182)³³

Йай қиш била қаришти,
Ардам йасин куришти,
Чериг тутиб курашти,
Ўктағали утрушур (II. BA 97, T. II 104)

Қиш йайғаки сувланур,
Ар ат манин йаврайур,
Иглар йама саврийур,
Ат йин тақи бақришур (III. BA 278, T III 294)

Ўл қар қамуғ кишин инар,
Ашлиқ тариг анин ўнар,
Йавлақ йағи манда тунар,
Сан калибон табрашур (II BA 204, T. II 237)

³³ I. BA 170, T 181-182 – I рақами – “Девону луғатит-турк”нинг жилдини, BA – Басим Аталайни, кейинги рақам – жилдининг саҳифасини, T – Тошкентни, кейинги рақам – Тошкент нусхасининг саҳифасини англатади.

Санда кўпар чайанлар,
Кузгу сингак йиланлар,
Дук минг куйу туманлар,
Кузрук тикиб йугрушур (III. BA 367, T. III 378)

Тумлуғ келиб қапсади,
Кутлуғ йайиғ тепсади,
Қарлаб ажун йапсади,
Эт йин ушуб эвришур (I BA 463, T. I 430).

Балчик балик йугрулур,
Чигай йавуз йиғрилур,
Эрингаклари ўғрилур,
Ўзгуч била эвришур (I. BA 248, T. I 249)

Калди эсин эснайу,
Қазқа тугал уснайу,
Кирди будун куснайу,
Қара булит кўкрашур (II. BA 223, T. II 259-260, BA 147,)

Орди булит инграшу,
Ақти ақин мунграшу,
Қалди будун танглашу,
Кўкраср таки манграшур (III BA 398, T.III 407)

Қуйди булут йағмурин,
Кэриб тутар ақ тўрин,
Қирқа кўзти ўл карин,
Ақин ақар анграшур (III BA 39, T.III 46)

Қар буз камуғ эрушди,
Тағлар суви ақишди,
Кўкшин булит орушди,
Қайғуқ бўлуб эгришур (I BA 186, T.I 195)

Қақлар камуғ куларди,
Тағлар баши иларди,
Ажун тани йилирди,
Туту чэчак чэркашур (I BA 179, T.I 189)

Ай кўпуб эвланиб,
Ак булит ўрланиб,
Бир бир уза ўклунуб,
Сачлуб суви энграшур (III BA 398, T. I 258)

Туман чэчак тизилди,
Букундан ўл йазилди,
Ўгуш йатиб узалди,
Йэрда кўба азришур (I BA 233-234, T.I 236-237)

Тэгма чэчак укулди,
Букукланиб букулти,
Тутсин тугун тугулди,
Йарғиламат йуркашур³⁴ (I BA 437, T.I 409-410; II BA 285, T II 329)

Йамғур йағиб сачилди,
Турлуг чачак сучулди,
Йинжу қаби ачилди,
Чиндан йипар йуғрушур (II BA 122, T.II 139)

Қизил, сариг арқашиб,
Йэпкин, йашил йузкашиб,
Бир-бир кэру йуркашиб,
Йалингук ани танглашур (I BA 395, T.I 375)

Йашин атиб йашнади,
Туман туруб тушнади,
Айғир, қисир кишнади,
Ўгур алиб ўқрашур (I BA , 235-236 T.I 238)

³⁴ ДЛТ II жилда охириги мисра “йазлиб йана йуркашур (таралиб, кўплигидан яна йиғилади)”.

Алин тубу йашарди,
Урут ўтин йашурди,
Кўлнинг сувин кушарди,
Сиғир бука мунграшур (II BA ,79 T.II 83)

Кулан тугал кумутти,
Арқар сўқак йумутти,
Йайлағ таба эмитти,
Тизгиқ тўруб сэкрасур (I BA ,214, T.I 221)

Кўчингар тэка сэвилди,
Сағлик суруғ кўшулди,
Сутлар қамуғ йушулди,
Ўғлак кўзи йамрашур (III BA ,102, T. III 113)

Йилки йазун атланур,
Ўтлаб анинг этланур,
Бэглир сэмиз атланур,
Сэвнуб ўгур иеришур (I BA , 285, T. I 282)

Санда қачар сундилач,
Мэнда тинар қаргилач,
Татлиғ ўтар сандувач,
Эркак тиши учрашур (I BA ,529, T. I 481, III BA 178, T. III 193)

Йай барубан эркузи,
Ақти акин мундузи,
Туғди йаруғ йулдузи,
Тингла сўзум кулгусуз (I BA , 96, T. I 121)

Ағди булит кўкрайу,
Йағмур тўли сэкрайу,
Қалиқ ани угрийу,
Қанча барир бэлгусиз (I BA , 354, T. I 336)

Турлуг чэчак йарилди,
Барчин йазим кэрилди,
Учмак йэри кўрулди,
Тумлуғ йана кэлгусуз (I BA 119, T. I 141)

Куш, курт камуғ тирилди,
Эркак тили тэрилди,
Угур алип тарилди,
Йинқа йана киргусуз (Ш ВА 5-6, Т. Ш 11-12)

Йай, кўркинга инанма,
Сувлар уза тайанма,
Эсизлигиг аунма,
Тилда чиқар эзгу сўз (Ш ВА 160-161, Т. Ш 176)³⁵

Айрим ҳолларда мунозарада кичикрок ҳажмдаги ҳамд кисми ҳам мавжуд бўлади. Ҳамд – шу мунозарани ёзишга ундаган шахсга қаратилади. Баъзи тадқиқотчилар мунозара жанрини ўрганиб, бу жанр Шарқ мумтоз адабиётидаги қасида жанрининг бир кўринишидир, деган фикрни ҳам билдирганлар Бундай хулосага келишда улар мунозаранинг ҳамд қисмига таянадилар.³⁶ Аммо бу фикр унчалик ўзини оқламайди. Мунозарада ҳамд бўлиши етарт эмас. Масалан, “Девону луғатит-турк”даги мунозарада ҳам, “Қутадғу билиг”даги Ўзгурмиш ва Ўгдулмиш мунозарасида асло ҳамд кисми йўқ. Шунинг учун қасида билан мунозара ўртасидаги алоқадорлик тўғрисида гапириш ўринли эмас.

Мунозара форс ва туркий халқлар адабиётида энг кўхна жанрлардан. Ўрта аср форс адабиётидан бизгача бу жанрнинг эътиборли бир намунаси етиб келган. Бу мунозара “Дарах ва хурмо” деб номланиб, асарнинг паҳлавийча матни, транскрипцияси, тожик ва рус тилларига таржимаси И.С.Брагинскийнинг “Из истории таджикской народной поэзии” (Москва, 1956, 223-226-б.) асарида келтирилган. Асарда ҳикоя қилинишича, хурмо билан эчки баҳсга киришиб, қайси бири инсонга кўпроқ фойда келтиришини исботлашга ҳаракат қиладилар.

XI асрда бу жанрга машҳур форс-тожик шоири Асади Тусий эътибор қаратди. Унинг бешта мунозараси бизга маълум. 1. “Тун ва кун мунозараси” (Мунозараи шаб ва руз). 2. “Найза ва ёй мунозараси” (Мунозараи рамех ва кавс). 3. “Осмон ва ер

³⁵ Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – Наука. Москва, 1971, 195-207-бетлар

³⁶ Бу ҳақда қаранг: Чайкин К.И. Асади старший и Асади младший. -- сб.: “Фердовси”, Л.: 1934, 133-бет.

мунозараси” (Мунозараи осмон ва замин). 4. “Оташпарасти ва мусулмон мунозараси” (Мунозараи габр ва мусулмон). 5. “Араб ва форс мунозараси” (Мунозараи араб ва ажам).

Мазкур мунозараларнинг дастлабки учтасини немис тилига Г.Эте таржима қилган. Тўртинчи мунозара Ризо Қулихоннинг “Мажмаъ ул-фусаҳо” (Чиройли сўзловчилар жамъи) тазкирасида бор. Бешинчи мунозарани Е.Э.Бертельс СССР ФА Шарқшунослик институтининг илмий тўпламида (19-жилд, 1958 йил) нашр қилган.

Мунозара жанри Темурийлар даври адабиётида ижодкорларнинг мавқеини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлган. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”ида Мавлоно Рухий Ёзирийнинг “Булбул била гул”, “Шамъ била парвона”, Мавлоно Орифийнинг “Тўй ва Чавгон”, Хожа Масъуд Кумийнинг “Тиг ва Қалам” мунозаралари борлигини алоҳида таъкидлайди (*Навоий. МАТ. 13-жилд, 20, 25, 47-б.*).

Ўзбек адабиёти тарихида мунозара XV асрнинг биринчи ярмида махсус жанр сифатида шаклланди. Албатта, ўзбек адабиёти тарихида бу жанрнинг шаклланишига, бир томондан, туркий адабиётдаги айрим асарлар таркибида, миф ва удумлар кўринишида етиб келган мунозара, иккинчи томондан, форс-тожик адабиётидаги мунозара таъсир кўрсатди. Юсуф Амирийнинг “Қоғир ва Банг”, Аҳмадийнинг “Созлар мунозараси”, Яқинийнинг “Ўқ ва Ёй” мунозараси ўзбек мумтоз адабиётидаги мунозаранинг ёрқин намуналаридир.

ЮСУФ АМИРИЙНИНГ “ЧОҒИР ВА БАНГ” МУНОЗАРАСИ

Режа:

1. Юсуф Амирий – наср устаси.
2. Мунозарада юмор.
3. Мунозарада кулги кўзгатувчи манзаралар.
4. Банг ўз нутқи орқали ҳақиқий қиёфасини ошқор қилиши.
5. Амирий сохта доноликни фош қилиши.
6. Мунозаранинг хулосаси.

Таянч сўз ва иборалар: мунозара, наср, лиризм, ҳамд, наът, тазкира, нома, шеърий парча, юмор.

Юсуф Амирий – наср устаси. Юсуф Амирий XV асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиётида мунозара жанрида ҳам катта изқолдирди. Юкорида Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида Юсуф Амирий ҳақида маълумотлар бериб, уни таъриф-тавсиф қилган эди.

Юсуф Амирийнинг иқтидори ва адабиётда тутган ўрнини Навоий таърифлаб берди. Аммо “Чоғир ва Банг” мунозараси ҳақида Навоий бирон маълумот бермаган.

“Банг ва Чоғир” мунозараси насрда ёзилган. Амирий насрдаги ижодда ҳам ўз маҳоратини ва иқтидорини кўрсата олган. Асар бошдан-охир лиризм билан суғорилган. Амирий ҳам бу асарини, бошқа асарлар сингари, ҳамд ва наът билан бошлайди:

“Сипору сойиш³⁷ Тангри таборак ва таолиға жалл жумла³⁸ балову ғам тўлаким марҳамати одамға ақл чироғин берди, то залолат³⁹ қоронғулиғидин омин бўлғай. Наъти наби: дуруд⁴⁰ сано сайиди қоинот ва муфаххари мавжудот, ҳотами инбиё Муҳаммад Мустафоғаким махшар қуни аёқ тутғучи, хароботлариға⁴¹ илик тутқувчидир. Саллолоҳ алайҳи ва ала алиҳи ва ашҳаби ажманн”.

³⁷ сипору сойиш – меҳрибонлик кўрсатувчи.

³⁸ жалл жумла – жамики бор нарса, жамики мавжудот.

³⁹ залолат – адашишга бошловчи.

⁴⁰ дуруд – ҳамду сано, мактов, салом.

⁴¹ харобот – маж. Майхона, майқада.

Мазкур асар таркибида учрайдиган шеърӣй парчаларга асосланган ҳолда, уни ўзига хос тазкира деб айтиш ҳам мумкин. Бу мунозарани ёзишга Амирийга маслаҳат берган ва даъват қилган улуғ зот ҳақида у тўхталар экан, аввало, ўша шахснинг сифатларига на мўъжизакорлигига оид мақтовларни келтиради:

“Оғези сухан: бир куни манга азизеким, балоғат Мисрида Юсуф мисоллиғ эрди ва зеҳни иъжоşi⁴² изҳоринда Мусо сифатлик мутойиб бобинда таклиф билан тарғиб қилдиким ва наср услуби билан турк алфозини тартиб этиб, Банг ва Чоғир орасинда мунозара тартиб қилғилким, бу чокка тегру ҳеч эрса бу таврнинг ухдасидан чиқмайдур”.

Амирийни бу ишга даъват қилган зот Бойсункур мирзо эди. Аввал кўриб ўтганимиздай, Юсуф Амирий “Дахнома”сида Бойсунғур мирзо ҳимоясида яшаганлигини айтган ва ўз номасида уни хурмат-эҳтиром билан тилга олган эди.

Амирийнинг мунозараси - шеърӣй парчаларга, ҳаётӣй деталларга ва манзараларга, халқ донолигининг маҳсули бўлган ибораларга, киноя ва юморларга бой асардир. Амирий ўша улуғ зотнинг таклифига рози бўлганини айтади. Шундан кейин асосий воқеалар баёни асар қаҳрамони – муаллифнинг руҳӣй ҳолати тасвири билан бошланади:

“...бир кун асҳоб⁴³ фурқатидин ва аҳбоб ҳасратидин мутафаккир ва мутаҳаййир ўлтурур эрдим. Ичим бўшти, бошимда боғ хавоси тушти, сайр эта чиқдим”.

Бу манзара тасвири кўрсатиб турибдики, қаҳрамон дўстларга, ёр-биродарларга интиқ, уларга интилади. Зотан, у дўстлар суҳбати орқали ёлғизлик ва хонанишинликни баргараф қилишни истади:

Боғ ичра гашт этиб юрур эрдим сабо бикин,
Дедимки: “Учрагай менга бир сарв қомате”.

⁴² иъжоз – мўъжиза кўрсатиш.

⁴³ асҳоб – эгалар, аҳдлар; суҳбатдошлар.

Бу байт Юсуф Амирийники. Байт биринчи шахс тилидан айтилган. У айрим ўринларда бошқа шоирлардан олган байтларнинг муаллифини аниқлаштириб, байт кимники эканини ўрнида айтиб кетади.

Мўнозарада юмор. Ногаҳон у бир гўшада бир-бирлари билан апоқ-чапоқ бўлиб суҳбат куриб ўтирган ҳамсуҳбатларни кўради.

Ногаҳ бир неча мувофиқи ҳамсуҳбатни кўрдумки, бир гўшада ўлтуруб эрдиларким, аларнинг орасида мухалиф рост келмас эрди.
Назм:

Арода чанг эди эгрию ҳардам,
Ани ҳам эгри деб урурлар эрди.

Ҳамсуҳбатларнинг аҳволини шоир тасвирида давом этиб, бир-бирлари билан ғоят қалин, фикрда яқдил эканликларидан қуйидагича манзара ҳосил қилади. Яқдилликнинг сабаби шу эдики, ҳаммалари ичкилик билан машғул, кайфлари чоғ эди:

Ширу шакартек бири бирлан қарин⁴⁴,
Ҳамсабаку ҳамнафасу ҳамнишиғ.
Завку томоша билан мажлис куруб,
Ичкуга машғул эдилар ўлтуруб.

Юсуф Амирийнинг мазкур таърифида халқона юмор ва ҳаётий кузатиш бор: ичкилик кайфу сафосидан давradoшлар бир-бирлари билан жуда апоқ-чапоқ бўлиб кетган, гаплари бир жойдан чиқади ва х. Бу тоифанинг мазкур вазиятда бир-бирларига меҳрибонлиги маълум – бу вақтинчалик, манфаат ва ғайритабиий воситалар таъсирида юз берган кўнгилхушликдан бошқа нарса эмас. Шу боис ҳам Юсуф Амирий уларнинг устидан кулаётгандай бўлади. Мана, шоирнинг бу давра ҳақидаги кузатувлари: “Ўзум бирла дедим: “Бу жамоатгаким файз⁴⁵ алардин хориждур⁴⁶”, агар ўзумни дохил

⁴⁴ қарин – яқин, қалин дўст.

⁴⁵ файз – барака, мўллик; лутф – қарам, инъом-эҳсон; қувонч.

⁴⁶ хориж – ташқари.

қилсам тарёқ тутқайлар, ёвуқроқ бордим эрса“. Ҳақиқатан, у ўйлагандай бўлди. Куйидаги байт буни тасдиқлайди:

“Ўтру келиб барча аёк туттилар,
Бош кўюб барча кулок туттилар.

Қаҳрамон, яъни шоир чоғир базми иштирокчиларига узрини айтади. Аммо ичкиликка машғул бўлган давра узрхохликни қабул қилиш ўрнига, унга маъжун келтирдилар:

“Узру килиб дархост⁴⁷ килдимким: ”Мени маоф тутунг, муддати бўлдики, чоғирин кўюбтурмен“. Бориб бир кесак маъжун⁴⁸ келтурдилар. Олдим, ташладим, бир дам ўлтуруб буларни синчиладим эрса, назм:

Баъзи шукуфта⁴⁹ хотиру хушвакт гул бикин,
Баъзи бинафшатек солибон бошларин куйи,
Баъзи қўл оча бирла овуниб очук, ёрук,
Баъзи қотиб, томоғи қуруб оғзида суйи,
Дедим: “Субҳон Оллох, не ҳолдур?”

Шоир келтирган парча том маънода реал ҳақиқат. Парчадан ҳам кўриниб турибдики, шоир юморга бой, халқона ибораларнинг устаси. Қолаверса, турли тоифадаги одамларни кузатган, уларнинг ҳолатини чизишга мохир. Фақат шу мунозарада эмас, балки Яқинийнинг “Ўк ва Ёй” ва Аҳмадийнинг “Созлар мунозараси”да ҳам юмор ёркин кўзга ташланади. Ичкиликдан сархуш бўлган одамнинг ўзини тутиши, киёфаси, ҳолатини шоир ниҳоятда маҳорат билан, табиий йўсинда тасвирлаган. Уларнинг қайси бири очилган гулдай хушвакт, қайси бири худди бинафшадай бошларини куйи солган, баъзилари сархушликдан ухлаб, оғзидан сўлақлари оққан. Бу манзара тасвиридан Юсуф Амирий ичкиликни қоралашнинг тамомила таъсирчан усулини ўйлаб топган – ичкиликка ружу қўйган одамларнинг кулгили киёфасини яратган ва бу усул орқали

⁴⁷ дархост – илтимос, сўров, ўтинч.

⁴⁸ маъжун – бир қанча дориворларни янчиб, асалга қориштириб ясалган, кайф берувчи куюк дори; аралашма.

⁴⁹ шукуфт(а) – очилган.

китобхонда ичкиликка нафрат ҳиссини тасвирлашга эришган. Шундан келиб чиққан ҳолда, у ичкилик ёмон, ичсаларингиз, ана шу аҳволга тушасизлар, деган қуруқ насиҳатбозлик ўрнига китобхонга куйидаги хулосани тақдим қилади:

Бу кайфиятни эмди сўрса бўлмас,
Тааммул⁵⁰ кўзи бирла кўрса бўлмас.

Бу манзарадан хулоса чиқариш учун чуқур ўйлаш керак эмас, катта ақл ҳам керак эмас, фақат даврадошларнинг ҳолатига бир назар ташлаш ва уларнинг ўрнига ўзни қўйиб кўриш kifоя.

Юсуф Амирийнинг асосий мақсади, китобхонга айтмоқчи бўлган гапи мана энди бошланади. Мунозаранинг бундан кейинги қаҳрамонлари ҳам ўша давра иштирокчиларидир. Ўзаро баҳс асносида уларнинг нуқтаи назари икки қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашни эслатади. Шоир бу ўринда қаҳрамонларни – Банг билан Чоғирни шахслаштириш усулини қўллайди. Бу усул орқали асарда юмор ҳисси янада кучаяди. (Ўқувчига тўлиқ тушунарли бўлиши учун мазкур мунозара матнини тўлиқ бердик ва луғатлар билан таъминладик.)

Ногоҳ бир яхши хирқали сўфи ва бир гулгун тўнлук йигит мунозара ва мубоҳасага машғул бўлдилар. Мажлис ичинда иккаласи яшил, кизил қавси кузах⁵¹ бикин бир-бирига отилиб эрдилар. Ул сўфи сувол килди йигитгинким: “Сен не нимасен ва отинг недур ва хосиятинг не?”

Йигит жавоб бердиким: “Мен узум наслидурмен. Узумнинг фахри менинг биландур, манга сармастлар май от кўюбтурлар. Ҳар қачон отимни эвурсам, йам бўлурмен”.

Юсуф Амирийнинг юморга мойиллигини *май* ва *йам* сўзларини қўллашида ҳам кўриш мумкин. Араб ёзувида *май* сўзи тесқари ўқилса ва ёзилса, *йам* бўлади; *йам* “денгиз”, “дарё” маъносини ифодалайди. Бу усул *мусаҳҳаф санъати* дейилади. Мазкур санъат орқали Юсуф Амирий сўз ўйини ҳосил қилган ва йигитнинг, яъни Чоғирнинг денгиз суви сингари мўлллигидан одамлар ўзидан кетар

⁵⁰ тааммул – чуқур ўйлаш, диққат билан фикрлаш.

⁵¹ қавси кузах – ўк-ёй, камалак (баҳор чоғларида осмонда ранг-баранг бўлиб, ўк-ёй шаклида кўринадиган кўёш шуъласи).

даражада маст бўлади, демокчи. Шу ўринда Амирий Чоғир тилидан яна қуйидаги байтни келтиради ва Чоғир ўзини оклаётгандай бўлади.

Бода дарёу эл андин кеча олмас кематек,
Айб қилмасменки, йўктур элга дарёдин гузор.

Мунозарада кулги кўзғатувчи манзаралар. Чоғир ўзининг ташқи кўриниши – кизил ранги ва ҳиди билан ҳам ҳаммага маъқул эканини ўз тилидан баён қилганда, улуғ шоирлар – Салмони Порси сингари мугасаввуфларнинг май тимсоли ҳақидаги мадҳларини Чоғир ўз фойдасига, ўз манфаати учун хизмат қилдиради. Амирий фақат Чоғирнинг дунёқараши ва манфаатига мос мисраларнинг ўзинигина “юлиб” олиб талқин қилади. Шу аснода Чоғир ўзининг ҳақиқий қиёфасини ва самарасини намоён қилади – чоғирхўрликнинг оқибатида хароботийлар бир-бирларидан қонлар оқизадилар, ҳатто бир-бирларини ўлдирадилар. Ёки чоғирхўрлик оқибатида бирининг боши бошқасининг оёғида, бирининг оёғи иккинчисининг бошида пайдо бўлиб қолади. Бу тасвирлар ҳам Амирийнинг юморга мойиллигидан далолатдир:

Ва баъзи мункирлар⁵² мени муттаҳам қилурларким, ақл жавҳарин зойил⁵³ қилур ҳол улким, қазия⁵⁴ акстур ва Салмони Порсида бу вақтни кўруб, мамдух⁵⁵ сифатида айтибтур.

Мисраъ:

Дил пок ту дурри ақл рўёнад зи қалби йам

(Сенинг соф мусаффо дилинг денгиз қалбида ақл дуррини ўстиради).

Дунё сўз жавҳарининг саррофлари ва лафз ақиқининг ёмон ва яхшисин таниғувчилари менинг васфимда айтибтурлар.

Байт:

Кабо лаълу, камар лаълу гулу лаъл,

Лабаш ҳам лаълу, бини лаълу бў лаъл.

⁵² мункир – инкор этувчи, тонувчи, рад этувчи.

⁵³ зойил\ зойил – йўқ қиладиган, ўчирадиган.

⁵⁴ қазия – ҳукм, даво, масала, гап-сўз.

⁵⁵ мамдух – макталган, мадҳ қилинган.

(Кийими лаъл (қизил рангда), камари лаъл, бурни лаъл, (гўзал танидан таралган хид ҳам) лаъл).

Ва риндлар мазҳабида мен ул махбубедурменким, менинг учун чиндин қонлар оқибтур ва чиндин жонлар чиқибтур. Менинг мажлисимда гоҳ аёқ бошқа қўё(р)лар ва гоҳ бош аёққа. Назм:

Турубтурлар аёким ўпмак учун,
Сурухитек⁵⁶ бори бўйини узотиб.

Ва мени ҳар қўйдаким тиласалар, тобарлар ва ошиқлар бу маҳалда айтибтурлар: Назм:

Эй валвалайи ишқи ту бор сари кўе,
Риндони сари қўйи ту маст аз ту ба бўе

(Эй ишқинг ҳамма ерга овоза бўлган, қўйнингда юрган риндлар фақат сендан келган ҳиднинг ўзидан маст бўлмиш).

Киноя ва юморни Юсуф Амирий шунчалик маҳорат билан кориштирадики, китобхонда, шубҳасиз, кулгу уйғотади. Чоғир мактаниб, ҳатто паҳлавон баҳодирлардан ҳам юз чандон кучли эканини айтади. Чоғир ўзини оқлаб, сариқ юзларни қизартирадиган восита эканини гупуриб айтар экан, бу мактанчоклик остида у фожиаларга ҳам сабаб бўлишини кўрсатади – “қизил сув”, яъни май ҳар қандай паҳлавонларни ҳам йикитиш қудратига эга эканини ошқор қилади. Паймонаси тўлганларгина Чоғирни “гулгун” деб у билан ошно тутинади:

Ва зехни югурук ва ширин сўзлуклар манга гулгун от қўубтурлар. Ҳар кимнинг паймонаси тўлубтур менинг билан ўчашур. Ўчашгач, шаксиз чопармен. Тангри манга бу дурда⁵⁷ онча куч ва таҳаввур⁵⁸ берибтурким, агар баҳодирлар бир-бирига чиқсалар, мен юзга чиқарман ва жигардори эранлар ўш куни менинг ҳакимда ўқубтурлар.

⁵⁶ суроҳий – узун бўйинли сув ва май идиши, шишаси.

⁵⁷ дурд – суюк нарса (масалан, май)нинг куйкаси, сирқинди.

⁵⁸ таҳаввур – ғазаб ва шиддат билан ҳужум этиш, масалага тушунмай туриб, бирданига қизишиб, ҳовуллаб кетиш, ҳовлиқиш.

Байт:

Юраксизни юракликларга қотғон,

Сарик юзни кизил қилғон чоғирдур.

Ва билмон тағи менинг зўрумни кўруб айтибтур. Назм:

Зи оби сурхи май уфтодааст Золи хирад,

Чи жойи Зол, ки Рустам биёфтад аз сурх об.

(Майнинг қизил суви ал-Золини йиқитмиш, Золнинг холи не бўлғайки, кизил сув Рустамни ҳам йиқитади).

Қурьони Кариму Афлотун ва Жолинуc каби буюк мутафаккирларнинг Чоғир ҳақида айтганлари ҳам юқоридагидай киноя ва мазах усули билан баён қилинади. Қуйида Чоғирнинг ўз киёфасини рўйи рост ошқор қилгани боис бу ўринда яна шархлаш ортикча:

Ва манфаат оламинда ул хизматкоридурмен то жоним бор, элга куч берурмен ва Ҳақ таоло Қурьонда зикр қилибтурким, наф бобинда оятедурмен ва ҳар нечукким, зикр қилибтур ул ҳурмат менга етар. Байт:

Ҳайҳотки номаи ба забони ту барояд,

Ё ҳамчу те туеро чу мане дар назар ояд.

(Сен қаердаю мени тилга олишинг қаерда, ёки “Сен киму мен ким”)

Ва менинг хосиятимни ул киши билурким, ўзини хикмат конунида бу ало⁵⁹ тутар. Анинг учунким, муддатлар куб⁶⁰ ичинда Афлотун бикин риёзат тортибтурмен ва ҳақим муни кўруб айтибтур. Назм:

Эй давоий нахвату номуси мо,

Эй ту Афлотуну Жолинуси мо

(Эй бизнинг виждонимиз, номусимиз даво! Эй бизнинг Афлотунимиз, Жолисунимиз!)

⁵⁹ ало - ...устига, ...га, ...дан.

⁶⁰ куб - кув; май қуйиладиган идиш, хум.

Ва мен авбош ислохи⁶¹ билан ул аллома дурменким, хароботилар⁶² менинг кошимда тажрид⁶³ шархин укурлар”.

Чоғир тилидан айтилган гоҳ гупиришлару гоҳ кулгили манзаралар (оёк бошга, бош оёкқа), гоҳ ҳаётий ҳақиқатга ўхшаб кўринадиган қиёфалар (сарик юзни кизил қилиши), гоҳ мактанчоқлик (ўзини Афлотунга ўхшатиши) каби деталлар бу мунозарани халқона руҳда яратишга асос бўлгани аниқ кўриниб турибди. Шунингдек, мутасаввифларнинг май тимсолига бўлган муносабатларини Чоғир ўзича, ниҳоятда гўллик ва жўнлик билан тасвирлайди.

Бу мунозара, қолаверса, мазкур жанрга оид бошка асарлар ҳам, халқ оғзаки ижодининг маҳсулидир. Асарнинг тузилиши халқ оғзаки ижодидаги сатирик эртакларни эслатади. Қаҳрамонларнинг мулоқотида ва ўзларига ўзлари баҳо беришда турли воситаларнинг – муболага, ўхшатиш каби қатор санъатларнинг қўллангани ҳам бунга бир далилдир. Ёки эртаклардаги “энди сўзни фалончидан эшитинг” сингари воқеалар баёни усули мазкур мунозарада ҳам маълум даражада ўз аксини топган. Чоғир ўзи ҳақида гапириб бўлгач, энди иккинчи қаҳрамон Банг – сўфи образининг фаолияти бошланади ва бу усул айнан эртакларни ҳикоя қилиш усулини эслатади.

Банг ўз нутқи орқали ҳақиқий қиёфасини ошкор қилиши. Чоғирдан сўнг сўфи тимсолидаги Бангнинг нутқи ҳам диққатга сазовор. Банг ҳам Чоғирнинг “Қани, сен ҳам аҳволингни бир оз баён қилгин-чи” деган таклифига жавобан у билан бўлган суҳбатда ўз қиёфасини намоён қилади. Бангнинг макони – дарвешлар тақяси, Бангни дардмандлар – нашавандлар дори деб билсалар, соғ одамлар наша деб биладилар, ундан ҳазар қиладилар. Шоир бу ўринда Банг тилидан “дардманд” ва “бедард” сўзларини қўллашида катта маъно бор. Иллат ва соғломлик нашага бўлган муносабат орқали ўлчанади. Банг ўзини дори сифатида одамлар истеъмол қилсинлар деб, ҳар турли сабабларни рўкач қилади, сўз ўйинларини ўйлаб топади: “канаб” фойдали ўсимлик бўлгани боис, “банг” ўзини “канаб”

⁶¹ ислохи — тузатиш, яхши ҳолга келтириш.

⁶² харобот — вайрона жой; *маж.* майхона, майкади.

⁶³ тажрид — яққалаш. ажратиш. ёлғиз қолдириш

оркали оқламоқчи бўлади. “Канаб” сўзи араб ёзувида тескарисига ўқилганда, “банг” ҳосил бўлади. Бу ўринда ҳам юкоридагидай *мусаҳҳаф санъати* қўлланган.

Чун мубҳас бу ерга етти, йигит ҳам сўрди сўфидинким: “Сен тағи кайфиятингдин шаммае⁶⁴ баён килғил ва асрорингни ороға келтур”. Сўфи теди: “Менинг турур ерим дарвешлар такясидур. Вале хирқа ул пири сабзпўшким⁶⁵, хиёвон⁶⁶ кўчасида ўлтурур, анинг илгиндин кийибтурмен ва мени дардмандлар дору дерлар ва бедардлар банг. Ва менинг ҳақимда айтибтурлар. Назм:

Сабзеки шифойи мардуми дилтангаст,
3-ў маънавиёро адабу фарҳангаст.
Ҳарчанд назар ҳаме кунам дар кораш,
Айбаш ба жуз ин нестки номаш бангаст

(Дилтанг кишилар дардиға шифо яшил ўтдирки, ундан маъни аҳллари адаб ва илм ўрганеди. Қанчалик унинг килмишини кўздан кечирмайин, “Банг” деб аталишидан бошқа унинг ҳеч қандай айби йўқ.)

Ажаб ҳолаттурким, бадномдурмен, бовужуди улки, банг нек⁶⁷ тасҳифидур. Яна менинг асли отим “канаб”турким, эл ани эврубтурлар, “банг” бўлубтурмен. Баъзи орифлар асрор дерлар, ул сабабтинким, ҳар кимни тутсам берк тутарман. Мардона киши керакким, менинг бирлан турушқай. Мисра:

Масалдур эл аро “турдию марди”
(Эл аро шер ҳам мард).

Не мубошарат бобинда текма киши менинг ёимни торта олмаским, қаттиқ торткичидурмен ва маҳкам урғучи ва суҳбат майдонинда ул қадар андоздурменким⁶⁸, баднафслар менинг сифатимда айтибтурлар. Назм:

⁶⁴ шамма – бир оз, бир қадар.

⁶⁵ сабзпўш – яшил кийган, яшилга бурканган.

⁶⁶ хиёвон\хиёвон – боғ, гулзорлар орасига солинган йўлак

⁶⁷ нек – яхши.

⁶⁸ қадар андоз – куч-қудрат солувчи.

Ҳар нечаким, бўлса узук айш аро,
Тушмас анинг ҳеч газ ўқи хато.

Ва машҳурдирким, Убайд Зоконий* айтибтур: “Ҳар хотун ва отунеким, эллик ўғул ва қиз онаси бўлуб юз яшаб, дунёдин нақл қилса, агар Банги суҳбатига мушарраф бўлмайду, таҳқиқ билингким, дунёдин бекор борибтур. Лўтудек⁶⁹ болон уруштирмоқликда худ не дерсан? Тасбиҳ тошлоғондин сўнгра, агар қовундин тоғ-тоғ бўлса ва узумдин боғ-боғким, юз эвурмон, андоқким, бангилар айтибтурлар. Назм:

“Мо кўхи куличаро палангем,
Мо баҳри муҳичаро наҳангем”

(Биз кулчалар тоғини ҳам еб юборадиган қоплонлармиз,
Биз денгиздаги балиқларни еб битирадиган наҳангмиз).
Ва менинг хосиятим кўпду. Баъзи худ мени санг, таржих⁷⁰
килибтурлар андоқ ким, айтибтурлар:

Ақле ки, эй кавнайи фузун меояд,
Дар дасти майи ноб забун меояд.
Ҳам банг ки, ранги зиндағони дорад,
Кал ранги шароб бўйи хун меояд”

(Икки дунёда зиёда бўлган ақл узумдан қилинган май олдида ҳеч нарсага арзимамай қолади. Агар бангда тириклик ранги бўлса, шароб рангидан қон ҳиди келади).

Амирий сохта доноликни фош қилиши. XIV асрда яшаган форс-тожик адабиётининг йирик намояндаси Убайд Зоконий (вафоти 1370 йил)дан Юсуф Амирий келтирган гап диққатни тортади. Убайд Зоконий, эллик ўғул-қизнинг онаси бўлгани ҳолда, Бангнинг суҳбатига мушарраф бўлмаган аёл бу дунёдан бекор кетибди, деб айтади. Нима учун Убайд Зоконий шундай деб айтган? Табиийки, шунча фарзанд дунёга келтириб, тарбиялаган аёл кўп

⁶⁹ Лўту – лўли.

⁷⁰ таржих – бир нарсани иккинчи нарсадан ортиқ кўриш.

ҳаётӣ таҷрибага эга бўлади, кўп нарсани билади. Ҳаёлпараст Банги эса ўзини ҳаммадан доно ҳисоблайди.

Банг ўзини кўкларга кўтариб мақтаб, ҳар нарса – қоплон, наҳанг балиқ билан тенглаштиради, тоғ-тоғ уюлган нонларнию денгиздаги балиқларни ҳам еб юборади. Бангилар кайф қилганда, очофатларга айланади. Бу табиий ҳодиса. Амирий бу ҳаётӣ воқеаларни жуда синчиклаб ўрганган, бангилар ва майхўрларнинг табиатидан, ўзларини тутишидан, ички ва ташқи дунёсидан яхши хабардор.

Кейинги воқеалар давомида Банг Чоғирдан ўзини устун кўяди. Инсонларнинг ақли ҳам май – Чоғир олдида ҳеч нарса, Чоғир инсон ақлини йўлдан уради. Бангнинг ранги яшил бўлгани учун, у тириклик рамзи. Бангнинг тили билан айтганда, Чоғир инсоният учун ҳалокат, ундан қон ҳиди келади.

Чоғир эшитгач, аччиқ устиндин тедиким: “Сенга тегармуким, бу сўзни оғиз тўла менинг юзумга айтқойсен? Мен сени сахт⁷¹ соғинур эрдим. Эмди бу хомхаёлни бошингдин чиқорғил. Йўқ эрса, онча янчайин сениким, дудинг бошингдин чиқсун”.

Банг эшитгач, калла хушлу бунёд қилди – теди: “Не бўлубтур санга, мени ямлаб, ютқали турурсен? Бу охсумлукни⁷² ўзга ерга элтким, агар буқундин сўнгра ўз иззатингни асрамай, ҳаддин ошурсанг, онча тептурайин сениким, шيرانг остунгда қолсун. Сенинг орта-тоша ортуқлигинг йўқ турур, ҳар қайдаким, сенинг зикринг қилсалар. менинг фикримни қилурлар ва ҳар қачонким

⁷¹ сахт – қаттиқ, мустаҳкам.

⁷² охсумлук – маст, бадмаст; пушаймонлик; кек сақлаш; ҳамла; кулгум.

* *Убайд Зоконий* – асл исми Хожа Низомиддин Убайдулло, форс-тожик мумтоз адабиёти намояндаларидан. 1370 йили вафот этган. «Ахлоқ ул-ашроф» (Аслзодалар ахлоқи), «Даҳ фасл» (Ўн боб), «Рисолаи дилқушо» (Кўнглини очувчи рисола), «Ушшукнома» (Ошиқлар ҳақида китоб), «Мушк ва турба» (Сичкон ва мушук) каби асарлари ва дostonлари билан машҳурдир. Ҳазил-мутойиба ва ҳажвиётлари рисолаларда учрайди. Айниқса, Салмон Соважий билан биринчи марта учрашувда бу улуг шоирга нисбат бериб айтган байти машҳурдир. Ана шу ҳажвий байтдан кейин иккала шоир танишади ва Убайд Зоконий Салмон Соважийнинг марҳаматига сазовор бўлади. Бу тўғрида Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират уш-шуаро» (Тошкент, Ғафур Ғулom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 121-б.) асарида шу байт билан боғлиқ ҳикоят келтиради. Давлатшоҳ Самарқандий Убайд Зоконийнинг ўз даврида қатга ҳурмат-эҳтиромга сазовор шоир бўлганини кўрсатади.

сенинг ҳикоятингни қилсалар, менинг ривоятимни қилурлар, бо вужуди улки, Ҳофиз Шерозий сенинг маддохингдур, менинг ривоятимни⁷³ қилибтур. Назм:

Бошад эй дилки, дари майкадаҳо бикушоянд,
Гирехи кори фурубастайи мо бикушоянт

(Эй кўнгил, кошки майхоналар эшигини очсалар эди, юришмай қолган ишимиз тугунини майхоналарда ечсалар эди).

Хусрав Дехлавий худ сарих⁷⁴ қилибтур:
Бе лалу зумуррад нотавон хуррам буд,
Чун лаъл набошад, ба зумуррад, созем

(Лаълсиз, зумрадсиз хурсанд бўлиш мумкин эмас. Агар лаъл бўлмаса, зумрад билан кўнгил очайлик).

Мукаррардур ва маҳфил улки сени лаъл атасалар, мени зумрад ўқурлар ва ҳар ердаки сени сув десалар, мен ўт дерлар ва ҳар мажлисдаки сени Илёсга нисбат қилсалар, мени Хизрға ташбиҳ қилурлар ва ҳар мақомдаким, ошиқлар сенинг шаклингни маъшук лабига менгзатурлар, менинг рангимни маҳбуб хаттиға ўхшатурлар, сенинг мендин орланмоғинг бағоят бемаънидур. Мен сени агарчи яхши билмон, вале яхши билурмен – андоқким айтибтурлар. Назм:

Эй духтари роз, ту порсойи мафуруш!
Кас нист ба олам ки, туро наниҳодаст

(Эй узум кизи, сен художўйлик тўғрисида сафсата сотма. Оламда ҳеч бир инсон йўкки, сени кўрмаган бўлса).

Албатта то сенинг аёғингни кўтармагунча, ёронлар лаззат қилмаслар”.

Ҷоғир эшитгач, кони қайнаб инфиолдин⁷⁵ кизориб деди: “Бу не дандонзанликдур?⁷⁶ Пўст-пўшлар қўйнида улғайғон, кўп занаҳ⁷⁷

⁷³ ривоят – хурматламок; эътиборга олмақ.

⁷⁴ сарих – очик, аниқ, равшан, ойдин.

⁷⁵ инфиол – хижолагда, қолиш.

⁷⁶ дандонзалик – оғир сўз айтмок, сўзни очик сўзламаслик.

⁷⁷ занаҳ – беҳуда гаплар гапирмок, лақилламок; маж. лоф урмок.

урма ва тек турким, журъадондин⁷⁸ чикинча сени абнон қилурмен. Сен бир ўтсенки, мажмуъ эл сенинг илгингдин куюбтурлар. Ҳар кимки санга ўгранди — ўртанди. Бу фанда сеҳр қилурсенки, одамийни бир дамда эшак этарсен. Фаҳмнинг оғир қилгучиси ва ваҳмнинг зоҳир қилгучиси. Мисраъ:

Кимки кўбрак ер сени, бўлур эшак.
Андоқки айтибтурлар. Назм:
Ҳар каски алафвар хўрад хар гардад
(Кимки ўт еса, у эшак бўлади)

Ва шаклнинг тағи эшак тезакига ўхшар борчадин нозукрок буқим, букун ва бардам била тиларсенким, байт:

Тезак янглиғ қуюпқонға қисилиб,
Қуш отлиғлар била йўл тенг юрусанг.

Ва сен бағоят шум гиёҳдурсен. Назм:

Кишиким бир сенинг юзунгни кўрди,
Ул ўзга яхшилик юзини кўрмас.

Эй лавандлар⁷⁹ сармоясини⁸⁰ ва эй танандлар⁸¹ пироясини⁸², эй бад шакл тегдони ва эй бадбахт оташдони, чусту чолок⁸³ йигитларни қохил⁸⁴ ва танбал қилғон сен. Чандин одами ва одамизодларни қаро ерга ёғдурғон сен.

Мисраъ:

Илоҳики тухмун қуриғай сенинг.

Банг эшитгач теди. Мисраъ:

Жоно, зи жамоли хеш огоҳ найи

(Жоно, ўз жамолингдин огоҳ этмассан).

⁷⁸ журъадон – май ичиладиган қадахчанинг ғилофи (қини); ёнда олиб юриладиган сув идиш.

⁷⁹ лаванд – бўш, ялқов, бекорчи; бевош киши.

⁸⁰ сармоя – манба, асос.

⁸¹ тананд – ялқов, танбал.

⁸² пироя – безак, зийнат.

⁸³ чусту чолок – чаққон, илдам.

⁸⁴ жоҳил – суст, ялқов, танбал.

Қолибон ул бир неча байтни эшитмайтурсенки, сенинг ҳақингда айтибтурлар.

Қитъа:

Сармойи фасоду калиди дари ситам,
Беҳи дарахти фитнау тухми ниҳоли ғам.

Бунёди ҳар палидию қонуни ҳар бади,
Анжоми ҳар шақовату оғози ҳар надам.

Асли фасоду арбадву хасми мулку мол,
Нуксони ақлу дину балойи зару дирам.

Дар заръи шаръ оташу дар чашми ақл хос,
Боди димоғи нахвату оби руҳи ситам.

Хамри палид донки, бувад охираш фасод,
Жоме азу чу хурди, агар хаст жоми Жам

(Фасод сармойеси, ситам эшигининг калити, фитна дарахтининг илдизи, ғам ниҳолининг уруғи. Ҳар қандай палиднинг бунёди, ҳар қандай ёмонликнинг қонуни, ҳар қандай бахтсизликни зохир қилувчи, ҳар қандай афсусланишларни бошлаб берувчи. Асли фасод, уруш ва жанжалларни уюштирувчи, молу мулк хасми. Ақл ва дин нуксони, пул ва олтин балоси шариат олдида оташ. Ақл кўзи олдида хок, гурурлик димоғининг ели, ситам руҳининг аччиқ сўзи. Май бир палиддурки, охири фасоддур. Ичсанг ҳамки сен бир пиёла хатто Жамшид жомидан).

Мени таъриз⁸⁵ билан ташниъ⁸⁶ қилурсенким, элни эшак этарсен. Элни билмон, боре сени эшак эта билурмен. Анинг учунким, сени хамр дерлар, ҳаминки ўртанг ёриб, замини мимини ичингдин чикорсам, “ҳар” бўлурсен ва мундин ортуқроқ қоюрушсам, “тар” бўлурсен.

⁸⁵ таъриз – киноя билан сўзлаш; эътироз билдириш.

⁸⁶ ташниъ – маломат қилиш, айблаш.

Чоғир эшитгач жўш ва хуруш⁸⁷ этиб, теди: “Эй кўки кесилгур, сен ёзиларда ўз бошинг билан ўлғойғонсен. Кўп кўрмаган ва ҳам одаме сенинг сарвақтинга⁸⁸ тушмайдураким, сени хабардор қилса, бу шохи ношикасталигингдиндурки, ҳар ким тепар сени чидагинча янчар ва сенинг учун айтибтурлар. Байт:

Энг банги фуруру ба худат фикре кун,
Бо ҳарки расну калла хушки нанамойи”.

(Эй юзсиз банг, ўзинг бир ўйлаб кўр, ахир, сен кимга яқинлашмагин, уни ақлдан оздирасан).

Банг эшитгач, бу сўзга кўнглинда туғулуб, ўзидан тўнгуллуб, деди: “Сен одим менинг мазамматимга⁸⁹ машғулсен ва мазаллатимга⁹⁰ машъуф⁹¹ жамоатики сени ҳалол дерлар – ҳаром. Агар диёнатдин аларга буйи бўлғай ва тоифаеки, сени мубоҳ дерлар. Ажаб, агар амонатдин аларга ранге бўлғай. Сени ичган мудом бало ва дом остида ва муҳтасиб дастида. Мени егон кишига ҳеч нима йўқ, ҳазл варақни очиб, қарни тўқ, кула-кула, сенинг бобингда ўкур. Мисраъ:

Ки кас мабод зикирдори носавоб хижил
(Киши носавоб килмишидан хижолат бўлмасин).

Ҳол бу турур, сен ўзунгни мендин ортук тутарсен. Назм:

Сен эмди рози бўлғил сар басарға,
Тарозитек бош эндур тек турарға.
Тўлин ойким камолин қилса изҳор,
Бўлур нуқсон илигига гирифтор”.

Чоғир эшитгач, мутағаййир бўлиб деди: “Агарчи зоҳирда хайъатимиз муҳолифтур. Аммо ботинда ҳолатимиз мувофиқтур.”

⁸⁷ хуруш – кичкириш, хайкириш. фарёд чекиш.

⁸⁸ сарвақт – йўқлов, йўқлаб келиш.

⁸⁹ мазаммат – ёмонлик, ёмонлаш, тубанлик, хўрлаш.

⁹⁰ мазаллат – хўрлик, хорлик, пакстлик.

⁹¹ машъуф – ақлдан озар даражада севган, берилган.

Вале сен қайдау мен қайда?! Менинг хосиятим юзни қизартмоқтуру сенинг одатинг сарғайтмоқ. Назм:

Киміе хонанд онон каз хирад бегонаанд,
Рост мегўянд оре, чехраҳошон чун зараст”

(Ақлдан бегоналар кимё деб атайдилар. Рост айтмишлар албаттаки, уларнинг юзлари зардур (сарикдур).

Банг эшитгач, мутафаккир⁹² бўлиб, деди: “Сен менинг хосиятимдин ғофилсен ва моҳиятимдин қосир; не килиб тониғайсен ва не билиб тониғайсен. Шеър:

Рўйи зардам рақиб нашиносад,
Ҳар чи, донанд ки, заъфарон чи бувад”

(Сарғайган юзимни рақиб билмайди, заъфароннинг нима эканлигини эшак қандай билсин?!)

Бу ҳолатда Бол Чоғирни сўр келдики, ҳаммашраб эди ва ҳамдамли давосин қилур эрди. Назм:

Чоғир теди: мени сен сўрма, эй Бол
Ки, эл оғзида туштум Банг элиндин.
Менга бу Банг доим тил тегурур,
Ўлубтурмен маҳолу нанг элиндин.

Болға кайфият малум бўлди, ширинкорлиғ билан ораға кириб, аларни бир-биридин айирди. Чоғир хуш бўлиб, дуо қилдиким: “Эй Бол, Тангри сенга учмоқ рўзи қилсун ва хурни бекусур учмоқким, мени бу хамри илкидин қутқардинг”. Чун сўз бу ерга етти, барчалари суҳбат бисотин бузуб, ҳар тарафға силотин куруб тарқалдилар. Назм:

Ул ёри парвин бикин жам эрдилар бир гўшада,
Охир набоат ул нақштек бир-бир паришон бўлдилар“.

⁹² мутафаккир – фикрловчи, фикрга чўмгувчи, узок ўйловчи.

Илоҳе мажмуи залолат⁹³ паришонлиғидин ва жаҳолат вайронлиғидин асрағайсен. Омин ё Раб ул-оламин!

Мунозаранинг хулосаси. Хуллас, мазкур мунозара Банг билан Чоғирнинг беҳуда баҳслари натижасида бир-бирининг иллатларини фош қилишдан иборат. Мунозара мазмунидан кўриниб турибдики, Юсуф Амирий бу асариди рамзий образлар орқали фақат ичкиликни ва гиёҳвандликни қоралаб қолмайди, балки бунинг остида катта ижтимоий маъно ҳам бор. Банг ҳам, Чоғир ҳам инсониятнинг иллатиғина эмас, даврнинг ҳам иллоти экани асарнинг тағ заминида ётади.

Асарда Ҳофиз Шерозий, Хисрав Дехлавий, Убайд Зоконий каби улуғ шоирларнинг асарларидан келтирилган байтларнинг мазмун-моҳиятини Юсуф Амирий ўз асари воқеаларига боғлар экан, у Шарк адабиётининг катта билимдони сифатида ҳам таассурот қолдиради.

Савол ва топшириқлар

1. Мунозара жанрининг илк илдизлари қайси адабий ёдгорликда учрайди?

2. Европа адабиётидаги мунозара жанрига қисқача таъриф беринг.

3. Форс адабиётидаги мунозара жанри ҳақида қисқача маълумот беринг.

4. Ўзбек адабиётидаги мунозара жанри ҳақида маълумот беринг.

5. Бу мунозарадан кулги кўзғатувчи манзараларга мисол келтиринг

6. Бангнинг ҳақиқий қиёфаси қайси усуллар орқали очилади?

7. Амирий сохта доноликни қай йўсинда фош қилади?

⁹³ залолат – адабиёт, гумроҳлик.

ЯҚИНИЙНИНГ “ЎҚ ВА ЁЙ” МУНОЗАРАСИ

Режа:

1. Яқинийнинг таржимаи ҳолига оид қузатувлар.
2. “Ўқ ва Ёй” мунозарасининг тузилиши. Мунозарага бошқа асарларнинг таъсири.
3. “Ўқ ва Ёй” мунозараси ва унинг Ўғуз хон ҳақидаги воқеаларга алоқадорлиги.
4. Яқиний – улкан ижодкор.
5. “Ўқ ва Ёй” мунозарасининг мазмуни ва мақсади.

Таянч сўз ва иборалар: *мунозара, форсча шеър, инглиз шарҳиунос олими, байтлар, қисса, рамзий аломат, илоҳий тушунча.*

Яқинийнинг таржимаи ҳолига оид қузатувлар. Ўзбек адабиёти тарихида мунозара жанрида катта из қолдирган ижодкорлардан бири Яқинийдир. Яқиний тўғрисидаги дастлабки маълумот Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида бор. Шунингдек, Навоий “Мухокамат ул-луғатайн” асарида XV асрнинг биринчи ярмидаги машҳур ва истедодли шоирлар қаторида Яқинийни ҳам эслатиб ўтади.

Яқинийнинг таржимаи ҳолига оид маълумотларга аниклик киритиш учун яна “Мажолис ун-нафоис”даги ёндош маълумотларга ва “Ўқ ва Ёй” мунозарасидаги далилларга мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. “Ўқ ва Ёй”да Яқиний “ҳазрати саййид ул-аҳрор” Қосим Анворга ҳурматини изҳор қилиш билан бирга, унинг икки мисра форсча шеърдан келтиради ва “қаддаса Аллоху сирраҳу” дея унинг вафот этганига ишора қилиб кетади. Навоий ҳам “Мажолис ун-нафоис” асарида Қосим Анвор тўғрисида сўз юритганда, у оламдан ўтганини эслатади. Қосим Анвор 835\1431–32 йилларда вафот этган. Яқиний Қосим Анвор тўғрисида сўз юритиб, унинг шеърдан келтирган маълумотдан шуни англаш мумкинки, “Ўқ ва Ёй” мунозараси Қосим Анвор вафотидан кейин; 1435-1450 йиллар оралиғида ёзилган. Агар бу мунозара XV асрнинг иккинчи ярмида, яъни Навоий ҳаётлигида ёзилганда эди, Яқиний Навоийни эсламаслиги мумкин эмас эди. Э. Рустамов Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Яқиний таҳаллусли икки шоир тўғрисида тўхталгани

ҳақида “XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек шеърляти” (*Узбекская поэзия в первой половине XV века.*) номли китобида ёзади. Улардан бири, Навоийнинг эътироф этишича, яхши шоир эди. У Султон Ҳусайн Бойқаро саройида хизмат қилган, ҳарбий юришлардан бирида ярадор бўлиб, оламдан ўтган. Иккинчи бир Яқиний тўғрисида Навоий шундай ёзади: “Мавлоно Яқиний – тундрок машрабли киши эрди. Туркий ва форсий шеър айтур эрди. Туркчасидан бу матлаъни кўп мубоҳотлар била ўқур эрдиким:

Оҳким жонимға еттим ёри нодон илгидин,
Доду фарёд ул жафочи офати жон илгидин.

Аммо форсийсидан бу матлаъи ёмон воқе бўлмайдурким:

Субҳеки, дам ба меҳр назад як нафас тун,
Нахлаки, бор нахўрад аз у ҳеч кас тун.

(Бир нафас бўлса ҳам куёшга дам урмаган тонг сенсан, мевасидан ҳеч ким ея олмайдиган дарахт сенсан).

Охир дамида беадабона сўзларидан тавба килиб, аҳли салоҳ тарйиқи била кечти. Умедким, маъфу бўлмиш бўлғай. Қабри Дарайи Дубародарондадур” (*Навоий. МАТ. 13-жилд, 62-б.*).

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да Темур Кўрагон замонидан Шохруҳ Султон замонигача туркий тилда ижод қилган шоирлар этишиб чиққани ҳақида тўхталар экан, бир қанча шоирлар каторида Яқинийни ҳам эслайди: “Ва ул Ҳазратнинг авлод ва аҳфодидин ҳам хуш табъ салотине зухурға келди: шуаро Саккокий ва Ҳайдар Ҳоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадоийдеклар” (*Навоий. МАТ. 16-жилд, 36-б.*).

Навоийнинг мазкур маълумотлари Яқинийнинг саройга яқинлиги тўғрисида хабар бермайди. Инглиз шарқшунос олими Чарльз Ръё “Ўк ва Ёй” мунозарасининг муаллифи иккинчи Яқиний (яъни Навоий юқорида таърифлаган Яқиний)дир, деган фикрни илгари суради. Э. Рустамов эса, мунозара ҳарбий ҳаётдан ва сарой мухитидан олинганини назарда тутиб, биринчидан, “Ўк ва Ёй” мунозарасининг муаллифи биринчи Яқиний, иккинчидан, “Муҳокамат ул-луғатайн”да Навоий айтган Яқиний ҳам шу

шахсдир, деган тўхтамга келади⁹⁴. Лекин далиллар ва кузатувлар биринчи Яқинийнинг ҳақиқатан XV асрнинг биринчи ярмида яшаганини кўрсата олмайди. Кузатувларимизга кўра, шартли равишда “иккинчи Яқиний” деб аталган шоир “Мажолис ун-нафоис”да учрамайди. Шу боис Навоий “Мажолис ун-нафоис”да ва “Муҳокамат ул-луғатайн”да таъриф берган шоир Яқиний мазкур “Ўқ ва Ёй” мунозарасининг муаллифидир, деб айта оламиз. Қолаверса, Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Яқинийга таъриф бериб, “тунд машраблик” (ўжар феъл-атворли) дейди. “Ўқ ва Ёй” мунозарасида Ўқ тимсолида ва бу асарнинг хулосасида Яқинийнинг ўжар феъл-атвори аниқ ифодаланиб туради: “Ўқнунг оғзи тўла қон бўлуб, торундек тубан қаро ерга кирди ва бу мунозарадин максад улким, бу даврнунг каж табларининг⁹⁵ қошинда ҳар ким Ё(й)дек эгри бўлса. Ёнларидин қошинда ҳар ким Ё(й)дек эгри бўлса, ёнларидин йироқ бўлмас ва ҳар ким Ўқтек рост бўлуб, туз юруса, Яқинийтек йироқ тушар...” Мана шу парча ҳам “Мажолис ун-нафоис”да таърифланган Яқиний “Ўқ ва Ёй” мунозарасининг муаллифи эканини яна бир тасдиқлайди.

Яқинийнинг мунозараси ўзбек адабиётида, Амирий ва Ахмадийнинг мунозараси каби, ифоданинг соддалиги, тилининг таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туради. Яқинийнинг мунозараси ўзбек адабиётида илк бор Ўқ ва Ёй рамзий образини ифода этган асар сифатида шухрат топди.

“Ўқ ва Ёй” мунозарасининг тузилиши. Мунозарага бошқа асарларнинг таъсири. Навоий берган маълумотлардан Яқинийнинг эътиборга молик шеърлари ҳам борлиги маълум бўлади. Чамаси, “Ўқ ва Ёй” мунозарасида келтирилган ўзбекча ва форсча байтларнинг Яқинийга алоқадорлиги бор. Муаллифи маълум байтлар мунозара матнида мавжуд. Муаллифи келтирилмаган байтлар эса Яқинийга тегишли бўлиши мумкин.

“Ўқ ва Ёй” мунозарасининг ибтидосига эътибор берайлик. Бу усул Ибн Синонинг “Ҳайй бин Яқзон” қиссаси ибтидосини эслатади. Мана, “Ўқ ва Ёй” мунозарасининг ибтидоси:

⁹⁴ Рустамов Э. Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века. —М.: Изд. Восточной литературы, 1963, 206-б.

⁹⁵ каж таб — қингир феъл-атворли.

“Бир куни бир неча соҳиб тарийқ⁹⁶, аҳли кабза,⁹⁷ отимчи⁹⁸ баходир йигитлар ё(й)дек мажлис асбобин қуруб ва ўктек маҳфилин⁹⁹ тузиб, бир гўшада гаштга чиқиб эрдилар. Ногоҳ Туркистон тарафиндин бир эғни букилган қари бирлан бир сарв бўйлуқ йигит етиштилар. Қариға иззат йўлидин ўнг кўл сори, йигитга сўл кўл сори юрт бердилар”.

Ибн Синонинг “Ҳайй бин Яқзон” киссаси муқаддимаси ҳам саргузашт мазмунидаги воқеани ҳикоя қилиш билан бошланади:

“Бир куни бир неча дўстлар ўзлари яшаётган юртнинг бир четига сайру саёҳат қиладилар. Улар ўша музофот четида истараси иссиқ бир қарияни учратадилар”.

“Ўқ ва Ёй” мунозараси ўзига хос тузилишга эга. Яқиний ўз асарини шартли равишда икки қисмга – муқаддима ва “Мунозаранинг ибтидоси” қисмларига бўлади. Муқаддимада Яқинийнинг асосий айтмоқчи бўлган гапи шу эдики, туркий тилда ханузгача мунозара жанрида асар ёзилмаган, Яқиний эса бу ишни амалга оширишга киришган. Яқиний бу ҳақда сўз юритишдан аввал қария билан йигитнинг даҳанаки олишувини келтиради. Иккаласининг баҳсидан сўнг, Ёй ва Ўқ тимсоли унинг ҳаёлидан кетмай қолади. “Бу кунга дегур ҳеч кимарса турки тилининг жавҳарин ва форси алфозининг гавҳарин таркиб қилиб, Ўқ Ё(й)нинг орасинда мунозара тартиб” қилмаганини ҳаёлидан кечиради ва бу мунозарани яратишга бел боғлайди. Муқаддима, худди эртак ва дoston воқеалари сингари, қаҳрамоннинг саргузашт оламига кириб бораётганига оид воқеалар тасвири билан яқунланади.

Асосий воқеалар “Мунозаранинг ибтидоси”да ҳикоя қилинади. Яқиний “соҳиб тарийқ”лардан сўз бошлади. Бу тоифа ҳамда ҳукмрон табақалар ва ҳарб ишига алоқадор шахсларнинг мулоқоти тасвиридан шуни англаш мумкинки, шоир фақат “Ўғузнома”даги ҳарб ишига оид терминлардан эмас, балки мумтоз адабиётдаги анъанавий Ёй ва Ўқ образларидан фойдаланган. Муқаддимада Яқиний “форс алфозининг гавҳари” иборасида бу жанрнинг форс-

⁹⁶ тарийқ – йўл, из; усул қоида; сўфийликда: маълум маслакка эга киши.

⁹⁷ аҳли кабза – ҳукмрон тоифа.

⁹⁸ отимчи – мерган.

⁹⁹ маҳфил – базм, мажлис.

тожик адабиётидаги илдизларига ишора қилгани англашилиб туради.

Яқиний туркий тилда мунозара жанрида асар ёзилмаганини таъкидлагани бежиз эмас. У форс адабиётидаги Ўқ ва Ёй мунозарасидан, Ўқ ва Ёй тимсоллари асосий ўрин эгаллаган шеърлардан яхши хабардор эди. Форс адабиётидаги бу жанр Яқинийга яхши таниш эканлиги мукаддимадан маълум бўлиб турибди.

“Ўқ ва Ёй” мунозараси ва унинг Ўғуз хон ҳақидаги воқеаларга алоқадорлиги. Ўқ ва Ёй образи Шарқ адабиётида қадимий илдизга эга. Қолаверса, адабиётдаги бу икки образнинг рамзий маъноси Яқинийнинг рамзий образларидан кескин фарқ қилмайди. Ўқ ва Ёй образи “Ўғузнома” китобий эпосида ҳам бор. Бу эпосда Ўқ ва Ёй рамзий образи кўчма маънодан узоқ бўлиб, Яқинийнинг “Ўқ ва Ёй” мунозарасидаги сингари поэтик образ даражасига кўтарилмаган. “Ўғузнома”даги Ўқ ва Ёй – мифологик мазмун ифодалаган культ хусусиятини тўлиқ сақлаган ҳолда етиб келган.

Шунингдек, Ўқ ва Ёй тўғрисидаги афсона Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” ва Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” асарларида учрайди. Мирхонд ҳам, Хондамир ҳам Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг “Жомеъут-таворих” асарида берилган Ўғуз ҳокон достонидаги ўқ ва ёй деталени такрорлайдилар. Дарвоқе, “Жомеъут-таворих”да Ўқ ва Ёй тарихи қуйидагича: “...ўғиллар овга чиққанларида, битта олтин ёйни ва учта олтин ўқни топиб олдилар. Ўғиллар бу нарсаларни отасига олиб келдилар ва ундан: “Буларни қандай қилиб бўлишиб олсак бўлади?” деб сўрадилар. Ота ёйни учала тўнғич ўғлига (Кун, Ой ва Юлдузга – Н.Р.), учта ўқни эса кичик ўғилларига (Кўк, Тоғ, Денгизга – Н.Р.) берди. Кейин уларга шундай деб уқтирди: “Ёйни олган ўғилларимдан пайдо бўлган қабилалар бузуклар деб аталсин; бузукнинг маъноси *синдирмоқ, қисмларга бўлмоқдир*”. Ўғуз бу сўзни уларнинг лақаби қилиб шунинг учун бердики, ёй лозим бўлганда синдирилсин ва кўшиннинг ўнг қаноти учала ўғлимга ва унинг насларига берилсин, деб васият қилди.

Ўғуз учта ўқни берган ўғилларидан пайдо бўладиган қабилаларни *учуқлар* деб атади; бу сўз “уч ўқ” деганидир. Кейин Ўғуз шундай буйруқ берди: “Бу учала ўғлим ва унинг авлодлари

кўшиннинг чап қанотига бошчилик қилсин...Ёйни олган ўғилларим подшоҳга тенгдир; ўқларни олган ўғилларим элчи даражасидадир”¹⁰⁰.

Яқинийнинг “Ўқ ва Ёй” мунозарасидаги қария билан навқирон йигитга берилган юрт шу нуқтаи назардан шарҳланадиган бўлса, масала бир қадар ойдинлашади. Қарияга иззаг-ҳурмат юзасидан ўнг қўл томонни – боронғорни, йигитга сўл қўл томонни – жавонғорни бердилар. Ўғуз хон афсоналаридаги ҳарбий терминларнинг мақсад-моҳияти ва маъноси шарқона одоб тушунчасини ифодаловчи сўзлар билан алмашади.

Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” китобидаги Ўқ ва Ёй билан боғлиқ воқеалар “Жомеъут-таворих”даги воқеаларнинг айнан ўзидир. Бу китобда ҳам ўқ – элчи, камон – подшоҳдир¹⁰¹. Мирхонд ёзади: “Туркларда бузукларнинг даражаси учуқларникига қараганда юқоридир. Чунки уларда ўқ — элчини, ёй — шохни гавдалантиради”. Хондамир ҳам ўқ билан ёйни Мирхонд сингари талқин қилади. Яна Хондамир билан Мирхонднинг ёзишларича, Ўғузхон бузукларга кўшиннинг ўнг қанотини (яъни боронғорни), учуқларга чап қанотни (яъни жавонғорни) бошқаришни топширган.

“Шажарайи турк”да Ўқ ва Ёй талқини заминиди илоҳий тушунча ётади. Абулғозининг ёзишича, Ўқ билан Ёй Тангрининг амри билан осмондан Ўғуз ва унинг наслига рамзий аломат сифатида юборилган, яъни Ўқ ва Ёй осмондан юборилган.

Ўқ ва Ёй тимсоли Фирдавсийнинг “Шохнома”сида, Юсуф Амирийнинг “Дахнома”сида, Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”сида бор. XV асрда Яқинийдан кейин “Ўқ ва Ёй” мунозарасини форс-тожик адабиётида Бадриддин Ҳилолий давом эттирди. Ҳилолий “Шоҳу дарवेश” (1499-1508 йиллар оралиғида ёзилган) достонининг XV- XVII бобларида Ёй ва Ўқ тавсифига эътибор қаратиб, ҳар иккаласининг мунозарасини тасвирлайди. Кузатишлардан маълум бўлишича, Ҳилолийнинг мунозарасига Яқинийнинг ижоди кучли таъсир этган¹⁰².

Яқиний – улкан ижодкор. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да берган маълумотдан Яқинийнинг туркий ва форсийда яхши

¹⁰⁰ Рашид-ад-дин. Сборник летописей. –Том 1, М.:–Л.: 1952, 86-бет.

¹⁰¹ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т.: «Чўлпон» нашриёти, 1994, 53-бет.

¹⁰² Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века. –М.: изд Восточной литературы. 1963, 238-бет.

шеърлари бор экаи маълум бўлади. Юқорида айтганимиздай, “Ўк ва Ёй”да муаллифи келтирилмаган туркийча ва форсча шеърлар Яқинийникидир.

Мунозаранинг бошланиши куйидагича:

Ногоҳ хўблар черкасидин от чикорғон бир яхши отлик йигит жавлон килиб, илкина ўк олиб, эгнига ё(й) солиб, кабак¹⁰³ отколи майдон бошига азм килди. Назм:

Бўз отлик йигитки, жаҳоннинг сафосидур,
Ошик кишининг отлиғу човулиғ¹⁰⁴ балосидур.

Бу тасвир худди эртак ва дoston қаҳрамонларининг жангга ёки сафарга отланишини эслатади. Қолаверса, мунозара бошланмасидан маълум бўладики, Яқиний от тасвирига алоҳида эътибор қаратиб, бўз от билан “сафо”, яъни поклик ўртасидаги алоқадорликни кўрсатмоқчи бўлади. Бўз от ва поклик йигит кишининг ички ва ташки олами мутаносиблигига ишора қилади. Воқеаларнинг давоми халқ оғзаки ижодига хос муболағали тасвирдан иборат бўлиб, ақл бовар қилмас ҳодиса юз берганига ишора қилади. Бу ақл бовар қилмас ҳодиса – куёшнинг куз ойларида зохир бўлгани ва юлдузлар, фалакнинг ўки сингари, осмону фалакка етиб боргани – ғайритабиий ҳодисадир. Яқиний ҳамма воқеаларни ва деталларни албатта бирон мақсад билан қўллайди ва ўз мақсадига бўсундиради:

Банда шафактеқ қон йиғлаб дедиким: “Оё! Бу не хуршедурки, кавс буржунда¹⁰⁵ тулуъ¹⁰⁶ қилибтур ва ё не кавкабтурким, чархнинг ўкидек пояси кўкка етибтур”. Отининг юрушига боқтим эрса, дедиким: “Агар бу от мунгинтеқ ҳаддин оша чолиғ¹⁰⁷ бўлмаса, ер-кўкта мунинг ҳамтоси йўқ эрди”. Бу сўзни жилавдоре эшитиб, чилбурилик пайдо қилди. Айттимки: “Бу майдонда боре санга не

¹⁰³ кабак – ёй билан нишонга олиб машқ қилиш учун узун ходанинг учига ўрнатилган нишона ковоғи.

¹⁰⁴ чов – овоза.

¹⁰⁵ кавс – ёй; кавс буржи – тўққизинчи ой – ноябрь ойига тўғри келади.

¹⁰⁶ тулуъ – чиқиш, кўриниш.

¹⁰⁷ чолиғ – югурик; ўткир.

куюшконға ғазаб қилиб, човуши¹⁰⁸ чайнарсен!“ Охир сўзумга жавоб топ олмай дами тутулди.

Ўқ ва Ёй ўртасидаги мунозарадан аввал муаллиф ва йигит ўртасида баҳс кечади, баҳс натижасида йигит мағлуб бўлади. Ана шу воқеадан кейин Яқинийнинг хаёлига туркий тилда мунозара йўқлиги, форсийдан фойдаланиб, туркий тилда бу жанрда бир асар яратиш истаги пайдо бўлганини изҳор қилади. Шу билан муқаддима қисми якунига етади.

Алқисса бу хаёлда мутафаккир ва бу аҳволда мутахаййир эрдим, чун ул йигитнинг ёсининг сўзи тилимда ва ўқининг хаёли бошимда экан, кўнглумда кечтиким: “Бу кунга дегур ҳеч кимарса турки(й) тилнинг жавҳарин ва форси(й) алфозининг гавҳарин таркиб қилиб, ўқ (ва) ёйнинг орасида мунозара тартиб қилмайдурким, бу важҳдин оламда андин нишона қолгай деб”. Чун ушбу сўз марғуб ва бу боис махбуб кўрунди, бу мунозара таснифина шуруъ¹⁰⁹ қилдим ва умид улким, хуш таъьлар тобуғида¹¹⁰ мақбул матбуъ¹¹¹ бўлғай...

“Ўқ ва Ёй” мунозарасининг мазмуни ва мақсади. Мунозаранинг асосий воқеалари, юқорида айтганимиздай, саргузашт мазмунидаги воқеалар баёни билан бошланади. Йигит – Ўқ тимсоли, қария – Ёй тимсоли экани воқеалар баёнида маълум бўлади. Образларнинг мақсади эса, юқорида айтганимиздай, эгрилик ва тўғрилиқнинг рамзи бўлиб, қатта ижтимоий маъно ифода этади. Воқеа давомида уларнинг ўрни алмашиб қолади – қария чиқиб кетиб, ўзига берилган боронғордан чапга (яъни жавонғорга) тушиб қолгани ҳамда йигит аксинча – жавонғордан баронғорга тушиб қолгани ҳикоя қилинади. Иккаласининг ўртасидаги баҳс жараёнида шу нарса маълум бўладики, қария – мактанчок, кучи етмайдиган ва кўлидан келмайдиган ишларни қилишга қиранади. Ўзини оклаб, қудратини кўрсатиш учун, ҳатто

¹⁰⁸ човуш – эшик оғаси; элчи.

¹⁰⁹ шуруъ – киришин.

¹¹⁰ табуг – ҳузур-ҳаловат.

¹¹¹ матбуъ – таъбга мувофиқ, лойиқ келадиган.

йигитлар ҳам менинг ипимни торта олмай, кўпчилик олдида хижолат бўладилар, деб мактанади.

Мунозаранинг ибтидоси

Бир кун бир неча соҳиб тарийк¹¹², аҳли қабза¹¹³, отимчи¹¹⁴ баходир йигитлар ёдек мажлис асбобин куруб ва ўқтек махфилин тутуб, бир гўшада гаштга чикиб эрдилар. Ногоҳ Туркистон тарафиндир, бир эгни тўкилган қари бирлан бир сара бўйлиг йигит етиштилар. Қариға иззат йўлиндин ўнг қўл сори, йигитга сўл қўл сори юра бердилар.

Йигит туз йўлидин келиб, садок бирла боронғорға чикти ва қари чап тушуб, сўл қўлдин жавонғорға тушти ва қари номусин соғиниб, таарруз¹¹⁵ била йигиттин савол қилдиким: “Сен не хижат(т)ин қарини иззат тутмай, ўнг қўлга чиқтинг?”

Йигит жавоб бердиким: “Мен Чингизхон чоғида садокка черка тузуб, ёғийға тегишкали илгари юруган учун севурғаб боронғорға чикорди ва қари паскашлик қилиб, кейин тортилғон учун ани ёзғуруб жавонғорға юборди ва Ё(й)нинг қариған чоғинда бир сўзлар кулоғига етгач, оғзи елимтек йилмошиб, ўзига сингура олмай айттиким: “Сен мени қари кўруб, кучсуз соғиниб, йигитликинға мағрур бўлиб, юз кўрмай, мунунгтек юзсиз сўз айттинг ва ўзунг билмасмусенким, бу даврда ҳеч кимарса менинг ғашимни¹¹⁶ торта олмас ва агар гижаким қотса йигитларни маракада бўйнин юмшатиб инфиол¹¹⁷ берурман. Яна таҳаммул¹¹⁸ бобинда анингтектурменким, ёйчилар қарилар¹¹⁹ сингиримни¹²⁰ тортадилар — ичимда асраб кишига дарди дил қилмадим”.

Ёй, яъни қария мақтанишни давом эттириб, ўзининг манбаи ва маншаи Куръони Каримда эканини далилламоқчи бўлади ва “ҳимматлилар отаси” Қосим Анворнинг шеърисида ҳам ўзи ҳақида

¹¹² тарийқ – йўл, из; усул, қоида; сўфийликда маълум маслакка эга киши.

¹¹³ қабза – чангал; бир гутам; бу ўринда: оддий. Фақир.

¹¹⁴ отимчи – мерган.

¹¹⁵ таарруз – қаршилиқ.

¹¹⁶ ғаш – бу ўринда: қамон ипи.

¹¹⁷ инфиол – хижолат: бирон нарсадан асарланиш.

¹¹⁸ таҳаммул – сабр, чидам.

¹¹⁹ қарн – узок муддат, аср.

¹²⁰ сингир – пай (ёй учига боғланади).

баён қилинганини эслатади. Бу буюк шоирнинг байтида ёрнинг киприк ўқидан яраланиб, завку шавққа тўлганини ифтихор билан сўзлайди.

Басе, мен ул соҳиби сарменким, Тенгри таборак ва Таоло жалла жалололаҳу ва хабиби орасинда — алайҳиссалом — мендин ўзга киши маҳрам эрмас эрди. Андоққи, “қоба ва қавсайн”¹²¹ ояти Қуръонда мендин хабар берур ва ҳазрати саййид ул – аҳрор¹²² амир Қосим Анвор қаддаса аллоҳу сирраҳу — мени сендин муқаддам¹²³ тутуб, қобил толибларга кўргузуб айтур. Назм:

Камон абру батирам зад зи завқи тири мижгонаш,
Ба сар ғалтидаму гуфтам фидоят бод жонам раҳ!

(Қоши камон менга ўқ отди, унинг киприк ўқи завқидан бошим билан йиқилдим “жоним йўлингга фидо бўлсин”, дедим).

Яқиний ўз эътиқоди ва маслагини шунчаки айтиб қолмайди, балки ўтмишдошларидан Муҳаммад Мағрибий Ёй васфини қилганини ва у аҳли Ҳаққа тавҳид сирини ҳадислар ва тавҳид ёйига кўйиб, отганини ва шу тариқа яқинлаштирганини кўчма маъноли сўзлар, сўз ўйинлари воситасида баён қилади. Ўзининг кимлигини кочирим сўзлар воситасида ифодаламоқчи бўлиб, *мусаҳхаф санъати* воситасида кўрсатади. Бу санъатга кўра, араб ёзувида “ёй” сўзи тескари ёзилганда, “ой” сўзи ҳосил бўлади. “Ёй”ни (яъни ўзини) севикли ёрнинг қошига ўхшатиб, “ой” деб таъриф қилади. Ёй ўз киёфасини – мақтанчоқлигини яна бир қарра ошқор қилади.

Яна мавлоно Муҳаммад Мағрибийким, маърифат машрикин куёштек ёрутти, менинг васфимда “Жоми жаҳонномой”¹²⁴ отли доира тартиб қилди ва тавҳид сирини аҳли таҳқиқ учун ишорат ўқи бирла аҳодис ва воҳидийят қавсида кезлай ва номаҳрамлардин буларни менинг отимга отиб, яқин қилди. Яна ибодат тариқинда малойикадек аввали умрумдин охирга дегру рукуъдадурмен¹²⁵ ва

¹²¹ қоба ва қавсайн – икки ёй оралиғича.

¹²² саййидул-аҳрор – химматлилар бошлиғи.

¹²³ муқаддам – биринчи ўринга қўйилган, илгарини.

¹²⁴ Жоми жаҳонномой – жаҳонни кўрсатувчи тўтлам, гуруҳ.

¹²⁵ рукуъ – бошни эгиш; икки букилиши

тақво таврида аксари авқот чилладурмен. Яна ниёзмандликта¹²⁶ яхши-ямонга кулоқ тутармен, ҳар неча манга кулоқ тутмаслар ва ҳар қачон иззати билан хитоб қилсалар ё(й) дерлар ва агар зарофат бирла отимни айурсалар, маҳбуб қошига менгзатиб ой дерлар.

Байт:

Янги ой ўхшар нигорим қошина,
Балки ул ҳам кам кўрунур қошина.

Яна баҳодурлук майдонида ҳар кимнинг қурумсоғида бўлсам, ўзумни қураб қилайин дерман. Басе, ҳар ким менинг бирла сахархезлик варзиш¹²⁷ қилса, дин ва дунёда бархудор¹²⁸ бўлур. Яна Паҳлавон Маҳмуд Сабзаворийдек қадар андоздурмен¹²⁹. Сенга тегармуким, ўзунгни илгару ташлаб ўнг ённи талашурсен”.

Ёйнинг бу қадар мақтаниб, ўзини ҳар доим қураб қилишга тайёр, ҳаммага куч-қудрат билан ваҳима солишга шайлигини айтиш билан бирга, Ўққа, сен ўзингга муносиб бўлмаган жойга -- ўнг томонга, яъни боронгорта муносиб эмассан, деб таъна қилади. Бу ўринда боронгор – шохга ёки юксак лавозимдаги амалдорларга яқин ўрин, жой. Ўқ эса Ёйнинг бу сўзларини эшитиб, уни иккюзламачи деб айблади. Ёйга, сенинг эгри шаклинг нуктаи назаринг, карашларинг билан бирдир, деган маънода сўзлаб, унинг боши, шу билан бирга, юзи ҳам иккита экани (яъни камоннинг икки учи) эгри тасаввурни келтириб чиқаришини таъкидлайди.

Ўқ бу сўзларни эшитгач, газ-газ сақира бошлади ва аччиқтин айт(т)иким: “Сенинг икки бошинг бордурким, менинг юзумда мунунгдек даъволар қилурсен. Андоқким, мавлоно Юсуф Амирий айтур:

Чу абруйи ту камон хешро агар дорад,
Зиҳи тасаввурни кажи у магар ду сар дорад

¹²⁶ ниёзмандлик – муҳтожлик, ёлворил.

¹²⁷ варзиш – одат, машқ

¹²⁸ бархудор – фойдаланувчи, баҳраманд.

¹²⁹ қадар андоз – куч-қудрат солувчи.

(Камон ўзини сенинг қошинга тенг тутар экан, унинг боши иккитамики бундай эгри тасаввурда бўлди?!)

Якиний ҳаётий деталлар, халқона ўхшатишлар билан Ўк тилидан Ёйнинг ожиз ва заиф томонларини фош қилади, Ўк Ёйга, жанг пайтида сен менинг олдимда ўзингни ожиз сезасан, кўрқувдан ўзингни пана жойга, дарахтлар ортига оласан, деб унинг кўрқоклигини фош қилади. Бу баҳсда Ўк ўз қудратини намойиш қилиб, қанчалар жасоратли, душманни талвасага солиб кўядиган қудратга эғалигини намойиш қилади, у ошиқларнинг кўнглини овлайдиган, рақибларни қувлайдиган қуш. У нафақат қуш, балки душманнинг юрагидаги қора доғларни парчалаб ташлайдиган ўткир тиг ҳамдир.

Ва ҳар қачон Яздонбахши¹³⁰ чангина тушсанг, эгрилигингни кўруб удтек¹³¹ ўтқа тутуб, рубобдек қулоғингни тулғар ва агар ғурур жоминдин эсруб бошинг бир ён борса, гушагир қулоғинга уруб, бўғачи бирла бўғзунгни бўғар ва агар хато қилсанг, ўлдурур кишилартек бўйнунига чириш солурлар. Уёлмай баҳодурлук талошурсен. Басе ул эмасмусенким, ғазо куни санчишқали баҳодирлар олинда манглай чиқсам, сен кўрқунчтин сарғариб тўс¹³² орасинда ёшунурсен ва мен ҳар қайда етсам, қолғоннинг ал қонин оқизиб, юзига ўта чиқармен. Яна ҳар кимнинг савоб назари бўлса, хатосиз булурким, мен қил ёрармен. Яна мен ул қуштурменким, ошиқларнинг кўнглин овлаб, рақибларни қувларман ва менинг тилимдин муаллиф айтур. Назм:

Сар дар пайи ҳар қас, ки ниҳам, то бақиёмат,
Бигуризаду як чашм задан назарад аз пас,

(Мен кимнинг оёғига бош қўйсам, қиёматгача мендан қочадию бир кўз очиб юмгунча ҳам қайрилиб бокмайди).

Басе, отим кайбурдур¹³³, андоқки шоир айтур.

¹³⁰ Яздонбахши — Худо, гунохни кечирувчи.

¹³¹ уд — оловга солганда қуш ис берадиган ёғоч.

¹³² тўс — қайин дарахти.

¹³³ кайбур — камон ўқининг эни энлик тури.

Назм:

Доғеки, ҳаст бар дили душман кунад ду ним,
Он тири тез парри тукаш ном кайбураст

(Кайбур аталувчи у ўткир ўк душман дилидаги қора доғни иккига бўлиб ташлайди).

Мунозарада Ўк ҳайбатли қиёфа билан ўзини мажозий маънода “қанотини қокиб учиб бораётган қуш” сифатида тасвирлар экан, хаммани ваҳимага соладиган куч эканини уктиради. Шу билан бир каторда, Ўк учиб бориб ошиқларнинг қалбига кирганда, уларнинг жони чикмайди, уларга асло зарар етмайди. Зотан, Ўк – ошиқлар мунтазир бўлиб кутадиган қуш.

Қуш тимсоли – ўзбек адабиёти тарихида илоҳий маънода кўп учрайди. Мунозарадаги “кўнғил қуши”, “жон қуши”, “юррак қуши” каби тимсоллар айнан илоҳий маънода. Яқинийнинг эътиқоди ва маслаги мана шу тимсолда ҳам очикрок намоён бўлади. У тасаввуф ахлоқи ва маслагига эътиқод қилган шоир сифатида Ўк билан қушни доим ёнма-ён қўяди. Кўнғил қуши – самовий Ишк рамзи. Яқиний Ўкни “қуш” тимсолига менгзаганда, ошиқлар бу “қуш”ни ҳаводан – самодан топадилар. Шоир ўз нуктаи назарини “муаллиф”, яъни ўзининг байтлари орқали ифодалайди.

Басе, ҳар қайда сеvirтек қанотимни ёйсам, менинг сахмимдин¹³⁴ кочарнинг арвоҳи учар ва агар туғдорига¹³⁵ тузларда йўлуksam, менинг ваҳмимдин ёзиларни булғар ва агар тоғлар орасида жайрон кўзлук мўғулчину хитойларнинг новакидек ирғолининг қўлига тикилсам қониға кирарман. Андоқки, муаллиф айтур. Байт:

Новакинг кирса кийикнинг қониға,
Ҳеч ҳайи(қ)мас этибон гуна ёзуқ.

¹³⁴ сахм – кўркув, хавф.

¹³⁵ туғдори – тувадок номли йирик қуш.

Басе, гоҳо иноятгин алифтек ошиқларнинг жони орасига кирармен ва гоҳо ўқ била найдек ҳар кимга кадалсам, менинг захримдин жон элтмас. Яна мен ул куштурменким, ошиқлар мени ҳаводин тутарлар. Андоқки, муаллиф айтур. Байт:

Ҳаво қилса ўқунг жон сайди учун,
Ани кўнглум куши тутқай ҳаводин.

Ғар ҳаво қилса юрактин ўтгали новақларинг,
Жон била кўнглум куши тутқай ҳаводин, эй бегим.

Яқиний жон қушини ошиқларнинг умумлашма образи сифатида яратади. Ошиқлар ўзликдан воз кечиб, жон қушининг қаноти билан учадилар, ҳатто жон қушининг бир дона патини топганларида, бу қанотдир, деб ўзларида йўқ шод бўладилар.

Яна жаросундек йигитлар майдонда менинг қанотим бирла учарлар. Яна мен ул ҳумойи авжи¹³⁶ иззаттурменким, агар парвоз қилсам фориғбол¹³⁷ озодалар¹³⁸ менинг юнғумни жон қушининг қаноти деб қувонурлар. Андоқки, Хожаги Атоий айтур:

Байт:

Ул шаҳсувор тиркашининг ўқининг юнги,
Жон қушининг тириклата юлғон қанотидур.

Яна агар қарвонларға бадрақа¹³⁹ бўлмаса, йўлни озикурлар ва мен бадрақасиз йўлни туз борурмен. Басе, ҳар қайда тарозу бўлсам, мени тортай деган кишилар жон тортарлар. Андоқки, Хожа Хисрав Деҳлавий маҳбуб энгиндин жонға тегиб, айтур:

Дар дилам тират тарозу мешавад,
К-аз даруни сина жонро бар кашад

(Дилимда ўқинг тарозу бўлиб, кўксимдаги жонни тортади).

¹³⁶ хумойи авжи – юқоридаги хумо қуши.

¹³⁷ фориғбол – хотиржам.

¹³⁸ озодалар – тўғри, айбсиз; ғамсиз.

¹³⁹ бадра – раҳбар, йўлловчи.

Яна найшакарким, имон ҳаловатининг тотли сўзидиндур, менинг бирла бир ерда бутуб улғайибтур. Эй уётсиз Ё(й), сен мени кўргач, кўркув сахмимдин¹⁴⁰ ўзунгга тўлдурурсен”.

Ёй энди Ўқнинг устидан кулади, Ўққа маломат қилиб, сен ўқчилар билан ҳамсухбат бўлганинг учун устингдаги баргларингни юлиб олиб, ичингни ёрдилар, деб уни масхаралайди. Ёй ожиз кимсаларнинг қиёфасини китобхон кўз ўнгида гавдалантиради, чунки у ожиз, ишқ дардидан тамомила бегона, Ўқ сингари ўз кудратини, эътиқод ва маслагини зоҳир қила олмайди. Ёй ҳар доим тавозеъ билан эгилиб тургани боис, Ўқда мавжуд бўлган ишқ дардини у ҳис қилишдан маҳрум. Бундай кимсаларнинг дарди, Яқинийнинг назарида, фақат амалга эришиш, томоқ ташвиши. Ўқнинг “хокийи хоксор”лигини Ёй ўз дунёқараши бўйича ўлчайди.

Ёй бу йўлўки сўзларни эшитгач, бағри қотғунча кулди. Аммо бир зарра юшамаети. Қаттиқ сўз бошлаб айтипти: “Андоқким, жунуний шоир айтибтур. Байт:

Ман он наямки, зи тири маломат андешам,
Ғуломи рўйи камон абрўвони бадкешам

(Мен маломат ўқидан кўркадиганлардан эмасман, лекин феъли ёмон камон қошли юзларнинг қулиман).

Яна сени ўқчилар банд-банд қилиб, ўртангдин ёргоғунча менинг бирла ковуша олмадинг. Басе, ўғрилар бирлан ҳамсухбатлик қилғон(инг) учун барги най тўнунгни сўюб, ичингни ёрдилар.

Эй хокийи хоксор, неча ўзунгни ранж тутарсен, эй ғайратсиз, бир бошок учун ҳар бутанинг тубинда хўшачинлартек¹⁴¹ туфрокка ботиб, хирмонингни елга берурсен. Басе, паҳлавонлар қошида менинг эвимдин қочиб, ёзиёбонда бошингга туфрок совуурсен. Эмди санга бу журъат қайдин пайдо бўлдимки, менинг олимда туз туруб, ўқ учидин сўзлашурсен ва мени пайваста соҳиб ҳуснлар қошина менгзатиб айтурлар. Назм:

¹⁴⁰ сахм – ёй ўқи; ҳисса. улуш.

¹⁴¹ хўшачин – бошокчи, машок терувчи.

Он ду абрўйи муқаввас ду камонанд баланд,
Ки ба сад карн чунин турфа камон нотавон сохт

(У эгма кошлар икки юксак камондир. Бу хилдаги ажойиб камонни юз асрда ҳам ясаб бўлмайди)

Яна ошиқлар маъшука қошина пайваста ташбиҳ учун ўқурлар.
Байт:

Ҳар кужо мурғи диле бол кушоёд, филхол,
Ба камон гушаи абру з ҳавош андозад

(Юрак куши ҳар қаерда канот қокса ҳам, дарҳол кошнинг камон гўшасига келиб йиқилади).

Ёйнинг таъна-дашномларини, ҳақоратомуз гапларини эшитган Ўқ уни водонликда айблайди. Шу ўринда Ёйнинг юқоридаги нутки билан Ўқнинг қуйидаги нутқини солиштириш ҳам ҳар иккаласининг ақл-фаросатини, дидини кўрсатиб туради. Яқиний Ёйнинг ҳам, Ўқнинг ҳам даъволарини келтирар экан, ҳар иккаласининг далил-исботларини китобхон шарҳлашига ўрин қолдирмайди. Ҳар иккаласининг нутқидан уларнинг қиёфасини чиқиб беради. Юқорида Ёй тилидан келтирилган байтларда шу маъно англашиладики, у ўз манфаатини ўта жўнлик билан ҳимоя қилади, ёрнинг камон қошларини Ёй олди-қочди сўзлар билан тенглаштиради. Ўқ ўз қарашларини буюк шоирлар Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжданӣй, Хожа Салмон Соважӣй, Саккокий, Лутфӣй ва Яқиний каби катор шоирларнинг байтлари орқали далиллайди. Бу шоирлар байтларида Ўқ тимсоли гоҳ ёрнинг сарв қоматини, гоҳ маънавий қиёфасини, гоҳ ёрнинг ўтли, ғамзали нигоҳини, гоҳ опшиқни ўтли азобларга солган маъшуқанинг киборлигини таърифу тавсиф қилади.

Басе, Ўқ бу сўзларни эшитгач, айттиким: “Зихи¹⁴², нодонки, сен-сен! Магар қариган жиҳатгин ҳариф¹⁴³ бўлубсенки, ўзунгни тия

¹⁴² зихи – офарин, яхши.

¹⁴³ ҳариф – қарши, ўртоқ, улфат.

гутмайсен!” Басе, шайхи фасоҳатки¹⁴⁴ гулистонда булбултек ҳазор
достони бордур, мени гулузор коматина ташбиҳ қилиб айтур. Назм:

Бирабуд дилам дар чамане сарви равоне,
Заррин камаре, тир қаде мўр миёне

(Дилини чаманда бир сарви равон, заррин камар, ўқдай тик
кадли, хипча бел мафтун килди).

Басе, Хожа Ҳофиз Шерозий мени мустажобу¹⁴⁵ даъватларнинг
дуоси деб айтур. Назм:

Аз ҳар гарона тири дуо кардаам равон,
Бошад қазон миёна яке коргар шавад

(Ҳар чеккадан дуо ўқини йўлладим, шоядки улардан бирортаси
асир қилиб олса)

Басе, Хожа Камолки, латофат ва зарофат бобиинда соҳиб камол
эрди, мени норван¹⁴⁶ коматли, сийм¹⁴⁷ андомлар¹⁴⁸ қаддина ташбиҳ
қилиб айтур. Назм:

Ҳарки, бар тири қадаше чашме намедузад, Камол,
Ростиро рост бояд духтаи чашмаш ба тир

(Эй Камол, ҳар ким унинг ўқдек (тўғри) қаддига кўз
тиколмайти. Чунки тўғри нарсага тўғри кўз билан қараш, унинг
(маккор) кўзини эса ўқ билан тикиш керак)

Яна Хожа Салмон шамшоддек ростлигимни кўруб, мени
дилшод ғамзасина менгзатиб айтур. Байт:

Тири хаданги аз жони мо гузашт,
Бар мо зи ғамзайи ту чи гўям, чиҳо гузашт?

¹⁴⁴ фасоҳат – сўзнинг очик, равшан, ёқимли бўлиши: услубнинг
чиройлилиги.

¹⁴⁵ мустажоб – талаби, қабул этилган.

¹⁴⁶ норван – хушқомат ва сербарг бир дарахт.

¹⁴⁷ сийм – қумуш, ақча, танга: маж. оқ

¹⁴⁸ андом – жисм, гавда, таносиб, ўхшов.

(Ғамзанинг қаттиқ ўқи жонимиздан ўтди, дилдан юз оҳ ўқини тортаман).

Яна Саккокийким, турк шоирларининг мужтаҳидидур, менинг муносиб холимға айтур. Назм:

Жоним фидо бўлсун сенинг ғамзанг ўқина нечаким,
Ҳар неча қошинг эгмаси ўқтек бўйумни ё қилур.

Яна Мавлоно Лутфийки, лутфи таб бирла зурафо орасинда машҳур эрур. Мени жафочи бевафо маҳбубларнинг ғамзаси деб айтур.

Хаданги ғамзасини кўргач айттим:
“Манинг жонимға ўт солғон сен-ўк сен!”

Яна муаллифки, ушшоқ¹⁴⁹ аро муҳаббат ўқина нишона бўлди, мени оҳга нисбат қилиб айтур. Байт:

Зи дил бар мекашам сад новаки оҳ
Ки, аз жон бигузарад тири ту ногоҳ

(Сенинг ўқинг ногоҳ жондан ўтса, дилдан юз оҳ ўқини тортаман)

Яна сен зиёда сарлик қилиб ўзунгни хўблар қошина менгзатқон(инг) учун, мувофиқи холинға биайниҳи¹⁵⁰ муаллиф айтур. Назм:

Ба абруйи ту ки, дар айни дилбари тоқаст,
Гумони (каж)ки, камонрост аз пиёда сараст

(Айни дилбарликда тоқ бўлган қошинг тўғрисида камоннинг эгри гумонда бўлиши унинг мағрурлигидан бошини юқори кўтарганидандур).

¹⁴⁹ ушшоқ – ошпақлар.

¹⁵⁰ биайниҳ – худди ўзи, яқин.

Ўқ Ёйнинг эгрилигини ва ўзининг тўғрилигини айтгач, Ўқ олдида мот бўлган Ёй Гиришга – Ёй ипига мурожаат қилади ва ундан химоя истади. Ёй, менинг эгрилигим Ўқ туфайлидир, мен Ўқ учун икки букилганман, деб Гиришдан, энди ўзинг бизнинг ўртамизда ҳакамлик қилгин, деб илтимос қилади. Гириш эса Ёйни химоя қилиш мақсадида Зихгирга, Ўқ Ёйга зўравонлик қиляпти, деб адолатсизлик билан ҳукм чиқаради.

Яна айтгінгим, манинг эвимдин кочиб, туз талошурсен деб. Бу сўзни худ рост айттинг. Агарчи эгри сену мен рост. Аммо бизнинг орамизда ҳеч навъ жинсиат йўқтурки, мудом ва аслият бўлғай” деб бу рубойни ўқуди:

Бо бад манишину хам нарав хонайи у,
Дар дом биёфти чу хўри донайи у.
Тир аз сари рости камонро каж дид,
Диди ки, чи гуна жаст аз хонайи у
(Ёмон билан ўтирма, хам борма унинг уйига,
Агар унинг донидан есанг, тузокка тушасан,
Ўқ ростлик орқасидан эгри қалб камоннинг
Уйидан қандай жўнаб қолганини кўрдингми?)

Басе, Ёй Ўқнинг ўткун сўзларин эшитиб, таҳаммул ила билмай, химоят учун ўзин Гиришга боғлади ва кечган мунозара ва мубоҳасани тақрир¹⁵¹ қилиб айттиким: “Ўқ саҳмидин мунунгтек икки букулубтурмен ва йиллардурким, Зихгир (ила) бирга бош кўшуб, сени барлос деб хизматингга турубтурбиз.

Эмди Тенгри учун бизнинг орамизда ҳакам бўлуб ҳакамлардек бу баҳсни айри қил”.

Гириш бу сўзни эшитгач, хомлиғидин печу тоб¹⁵² уруб, суман бўйлар сунбулидек ўзига тўлғониб тоб келтура олмай, Зихгирга айттики: “Агар мен барлос бўлсам, сен тархондурсен. Раво бўлғайким, Ё(й) куч қилмай, Ўқ Ё(й)га куч қилғой. Эмди маслаҳат улдурким, ани андоқ ироқ ташладиким Ё(й)нинг тўрини тўтиё қилиб топмағай”.

¹⁵¹ тақрир – қарор бериш, мақсадни оғзаки англатиш.

¹⁵² печу тоб – изтироб; маж.: сиқилиш, қийналиш.

Якиний Зихгирнинг ҳукми оркали ўз давридаги ижтимоий адолатсизликларни фош қилади.

Якиний асари ниҳоясида ўз мунозарасининг асосий мақсадини очик баён қилади. У ҳарбий ҳаётдан ёки сарой ҳаётидан кўра, кўпроқ инсонлар билан юқори табақа ўртасидаги муносабатларга, инсоний ахлоққа асосий эътиборни қаратади. Ҳаётдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни ойдинлаштириш учун Якиний асарни қуйидагича хулосалайди: одамлар замоннинг қинғир феълли ҳукмдорлар олдида Ёй сингари эгри бўлиб, ҳар доим икки букилиб таъзим қилиб турганларида, ўша аъёнларнинг ёнидан жой олади. Кимки Ўқ сингари адл бўлиб, тўғри юрса, улардан йироқ кетади. Якиний ўзини Ўқ тимсолига ўхшатади ва қарашларини шоир Асийнинг қитъаси оркали яқунлайди:

Зихгир эшитгач: “Хуш бўлғай!” деб ятимона гиру баст кўрсатиб бармоғ кўзига қўйди. Гириш бирла иттифок қилиб, Ўқни ўзига яқин торттилар. Ўқ аларни ўзидек рост соғиниб илгари борғоч, Гириш оғзига андоқ тапतिकим, Ўқнунг оғзи тўла қон бўлуб, торундек тубан каро ерға кирди ва бу мунозарадин мақсад улким, бу даврунунг каж табларининг¹⁵³ қошинда ҳар ким Ё(й)дек эгра бўлса. Ёнларидин қошинда ҳар ким Ё(й)дек эгри бўлса, ёнларидин йироқ бўлмас ва ҳар ким Ўқтек рост бўлуб, туз юруса, Якинийтек йироқ тушар андоқки, Асий шоирнинг қитъаси бу сўзнунг ростлиғига гўёдур:

Ҳар ки шуд рост андарин майдон,
Ҳар кужо рафт беҳузур уфтод.
Аз кажи шуд камон ба паҳлуйи шоҳ,
Тир аз рости ба дур уфтод
(Кимики бу майдонда рост бўлса,
Қаерга борса ҳам беҳаловат бўлиб тушади.
Камон эгрилиги туфайли шоҳ ёнидан жой олди,
Ўқ эса ростликдан узокларга бориб тушди)

¹⁵³ каж таб — қинғир феъл-атворли.

Агарчи бу сўзнунг соҳати¹⁵⁴ васиъ¹⁵⁵ эрди, шаниъ¹⁵⁶ кўрунгай, деб сўз иктисор¹⁵⁷ бўлди. Умид улким, рост табиат, мустақим¹⁵⁸ зехнларнинг маҳакида¹⁵⁹ бу нақд тамом иёр¹⁶⁰ бўлғай ва бу саҳфани мутолиа қилиб, бу номанинг силаси¹⁶¹ ўрнига азизлардин таваккуъ¹⁶² улким. Назм:

Яқинийнинг равони шод қилғай,
Дуойи хайр бирлан ёд қилғай.
Туганди Ўқ – Ёйнинг мунозараси. Валлоху аълам.

Гириш барлос уруғини ифода этиб, Зиҳгир туркий уруғлардан тархон уруғига ишора қилади. Ўқ устидан адолатсиз ҳукм чиқарган ёлғончи Зиҳгир тимсоли орқали эса ҳукмрон табаканинг ҳар қандай адолат ва ҳақиқатни оёқ ости қила олиш кудратига эга эканини намоёиш қилади.

Жамиятнинг иллатлари, турли табақалар ўртасидаги манфаатпарастлик ва ёлғончилик, мунофикликни кўра-била туриб ҳимоя қилиш ва бошқа ярамас хулқ-атворлар Яқинийни изтиробга солади. У ҳар бир сўзни, ҳар бир жумлани ҳаётий ҳақиқатни рўй-рост кўрсатиш учун хизмат қилдиради.

Савол ва топшириқлар

1. Яқинийнинг “Ўқ ва Ёй мунозараси” қайси манбаларга асосланган?
2. Мунозарадаги қайси образлар Яқинийнинг феъл-атвориغا мос келади?
3. Мунозаранинг шаклланишига қайси асарлар таъсир этган?

¹⁵⁴ соҳат – майдон, кенг жой.

¹⁵⁵ васиъ – кенг.

¹⁵⁶ шаниъ – ёмон, хунук, ярамас.

¹⁵⁷ иктисор – қисқартириш. чегаралаш.

¹⁵⁸ мустақим – тўғри, ҳалол, бир жойда турувчи.

¹⁵⁹ маҳак – кумуш, олгинларга суртилиб, уларнинг сифатида ажратадиган тош.

¹⁶⁰ иёр – олтин. Кумуш каби ашёларнинг бошқа моддалардан ажратиб саралангани; ўлчов.

¹⁶¹ сила – инъом, бахшиш, эваз.

¹⁶² таваккуъ – бирон ишнинг воқеъ бўлишига кўз туттиш; умид билан қараш.

4. Асарнинг дебочаси кимнинг қайси асарини эслатади?
5. “Ўқ ва Ёй мунозараси”нинг Ўғузхон ҳақидаги дostonга қандай боғлиқлик томонлари бор?
6. Ўқ ва Ёй ўртасидаги фарқ нимада кўринади?
7. Яқинийнинг шеърий парчаларидан улкан ижодкор эканини тасдиқловчи намуналар келтиринг.
8. Яқиний Ўқ ва Ёй образлари орқали инсонлардаги қайси фазилатларни улуғлайди, қайси иллатларни қоралайди?

АХМАДИЙНИНГ “СОЗЛАР МУНОЗАРАСИ” АСАРИ

Режа:

1. “Созлар мунозараси” асарининг тузилиши.
2. Асарнинг муқаддимасида қўйилган мақсад.
3. Аҳмадий – тасаввуф илмининг билимдони.
4. Пири хароботий образи ва созлар тимсоли ўртасидаги муносабат.
5. Созлар ўртасидаги бахсларнинг мазмуни.
6. Уднинг ўзига берган таърифи.
7. Кўбузнинг ўзига берган таърифи.
8. Ётугоннинг ўзига берган таърифи.
9. Рубобнинг ўзига берган таърифи.
10. Ғижжакнинг ўзига берган таърифи.
11. Кунгуранинг ўзига берган таърифи.
12. “Созлар мунозараси”да Аҳмадийнинг эътиқоди ва маслағи намоён бўлиши.

“Созлар мунозараси” асарининг тузилиши. Аҳмадий ҳақида бирон манбада маълумот сақланиб қолмаган. Унинг “Созлар мунозараси” асарининг Британия музейида сақланаётган қўлёзмаси ўтган асрнинг 60-йилларида чоп этилди.

Асар ҳамд ва наът билан бошланади, сўнгра қуйидаги қисқа насрий парча келтирилади. Бу парча асарнинг ёзилиш сабаби ҳақида хабар беради:

Бу бир неча авроқи аҳбоб илтимосиндин руд жоманинг аросинда мунозара ва мубоҳаса тасниф қилинди ва ҳар созни ўзга авсоф бирла олий кадр ҳол таъриф қилинди то аҳли табиатлар андин андақ талаззузи касб қилсун деб. Ва лекин бу фаннинг соҳибрози ва бу қиссанинг суҳанпардози ва бу мунозаранинг муршиди алдуойи алмуслимин Аҳмадий аҳсан Аллоҳ хотима”.

Бу насрий парчадан кейин шеърий йўл билан муқаддима бошланади. “Созлар мунозараси” асари маснавийда *рамали мусаддаси маҳзуф (фошлотун фошлотун фошун)* вазнида ёзилган.

Асарнинг муқаддимасида қўйилган мақсад. Аҳмадий муқаддимада ўзининг ички кечинмаларини, руҳий дарду азобларини, хурсандчилик ўрнига замоннинг ғам-ташвишларини

тасвирлайди. Шоир хору зорликда яшаётгани, унинг нолаларига фақат хаёлларигина ҳамдард бўлаётганини ички бир рухий азоб билан қаламга олади:

Нукл¹⁶³ ғаму бода юрак қонидин,
Ул хижил нолишим афғонидин.

Ҳардам окиб кўз ёшидин сели хун,
Жонда алам, бошга ҳавойи жунун.

Шоир дарду ғамларни бир оз бўлса-да унутиш учун ташқарига чиқади. Шу ўринда шоир тунни ўзининг ички кечинмаларига монанд тарзда тасвирлайди:

Юлдузу ой кўкда падидор¹⁶⁴ йўк,
Тундин уза партави анвор¹⁶⁵ йўк.

Байтда тасвирланганидай, шоир ғамгин, кўнгли вайрон ҳолатда экан, унинг бу ҳолатидан ўзининг ақлу идроки ва хуши хайрон. Мана шу ўринда шоирнинг асар муқаддимасидан мақсади ойдинлашади: у кўнгли вайрон ҳолатда хароботга – майхонага келади:

Келдим ўшал ҳолда жондин батанг,
Чигди хароботга ғавғойи жанг.

Хароботга ҳеч ким хуш кайфият, хурсандлик билан кирмайди, балки кўнгли вайрон ҳолда киради, у ерда кўнглига таскин излайди. Харобот – рухий кайфият, ғам-андух ифодаси. Аҳмадийнинг бу сўфиёна мисралари китобхонни “Пири харобот” ҳузурига олиб келади. “Пири харобот” – мазкур мунозаранинг асосий қахрамони. Мунозарада юз берадиган воқеалар – мусикий асбобларнинг ҳаммаси ана шу “Пири хароботий”га келиб боғланади. Аҳмадий айтади: “Мен харобот сувига тезроқ етишгани ошиқдим. Хароботга

¹⁶³ нукл – май ичганда ёйиладиган ширинлик, мева ва бошқа хил емак.

¹⁶⁴ падидор – пайдо бўлган. Кўринган.

¹⁶⁵ партави анвор – нур шуъласи. Ёруғлиги.

кириб борганимда, эса Пири хароботий маст аҳволда ётар, у жому кадахларини улоқтирган, у зотнинг ёнида ҳар томонда сочилиб ётарди”.

Аҳмадий – тасаввуф илмининг билимдони. Мана шу манзарадан кейин Аҳмадийнинг сўфиёна талқини, тасаввуф илмининг катта билимдони экани маълум бўлади. У “харобот суви”га (яъни майхона шаробига) ошиқади, бу дегани – у муҳаббат шавқидан татиб кўриш ишғиёқида, худди Пири хароботий сингари, муҳаббат шавқидан баҳраманд бўлиб, маст бўлиш ниятида ошиқади деганидир. Шоир, ўша Пири харобот худди ўлик каби тупроққа беланиб ётар экан, танасида пок руҳи бор эди, дея китобхонни хабардор қилади. Бугунги китобхонга Пири хароботийнинг аҳволи ғайритабиий, ғайриодатий бўлиб туюлиши мумкин. Пок руҳ – қадрли ва арзирли нарсага таянади, Пири хароботийдаги илоҳий руҳ ҳам, шоирнинг назарида, пок руҳнинг самарасидир. Аҳмадий сўфийлик илмини пухта эгаллагани ана шу ўринларда янада яққолроқ намоён бўлади.

Аҳмадий Пири хароботийнинг ҳолатини тасвирлаб бўлгач, асар воқеасига замин бўлган созлар тасвирига ўтади. Созлар ва Пири хароботийнинг бир-бирига боғлиқ тимсоллар эканини Аҳмадий ҳеч қандай ишораларсиз, талкинларсиз ва таҳлилларсиз кўрсатиб беради. Зотан, Пири хароботий бош бўлган мажлисда ҳамма созлар жамъ бўлган. Улар гўё битта пардада чалишга тайёр, ҳаммалари якдил. Аммо Пири хароботий муҳаббат шавқидан маст бўлгани боис, ҳамма созлар мактаниб, ўзлари чаладиган куйларни намойиш қилиш билан банд эдилар.

Пири хароботий образи ва созлар тимсоли ўртасидаги муносабат. Пири хароботий ва созлардан чиқадиган куйлар ўртасида худди ғайритабиийлик бордай. Аслида эса Аҳмадий тасаввуф илмидаги шоир калби билан сўфий калбининг бир-бирига ҳамроҳлигини кўрсатмоқчи, ҳар иккала тоифанинг қалбида ва ҳаётида шеър ҳамда мусиканинг ўзаро боғлиқлигини айтмоқчи. Тасаввуф бадиий ижод билан уйғунлашгани – табиий жараён. “Тасаввуф ўз мусиқасини, тасвирий санъатини, рақс санъатини ҳам яратди ва ҳатто сўфиёна театрлар пайдо бўлди. Биргина самоънинг ўзида ҳам шеърият, ҳам рақс, ҳам кўшиқ, мусиқа иштирок этади... Сўфийларнинг (бу мунозарадаги Пири хароботий – Н.Р.) табиати, ботиний дунёси шеър ва нағма, мусиқага ташна” бўлган эди (*Комилов*

Н. Тасаввуф. 141, 142-б.) Пири хароботийнинг сархушлиги ана шундан.

Созлар ўртасидаги баҳсларнинг мазмуни. “Созлар мунозараси” муқаддимасидан кейин “Мубҳас ибтидоси. Аввал танбура сўзи” ҳикояси баён қилинади. Танбура ўзаро пайдо бўлган баҳсу жанжалга барҳам бермокчи бўлиб, ҳаммаларига – Уд, Чанг, Қўбуз, Ётуғон, Рубоб, Ёижжак, Кунгура каби мусиқа асбобларига навбатма-навбат танбеҳ беради. Танбура ҳамма мусиқа асбобларидан устун эканини кўрсатмокчи бўлиб, ҳар бири билан баҳслашади.

Мунозара бошида Танбура ҳаммадан устун эканига даъво қилар экан, мендан чиқадиган куй тошни ҳам эритади, сайроки кушникига ўхшаган овоз мендан чиқади, турли усулдаги куйларнинг соҳиби менман, деб ўзига таъриф беради ва ҳамма мусиқа асбобларига жавоб беришга тайёрлигини эълон қилади.

Уднинг ўзига берган таърифи. Биринчи бўлиб Уд ўзига таъриф бериб, Танбурага киноя билан жавоб беради. Уд Танбурага, мен ҳаммангизнинг устингиздан шоҳман, ҳамма мақомларни биламан, мендан чиқадиган куй ниҳоятда дардли, ҳамма созлар орасида менинг номим улуғ, ҳамма менинг сифатларимни мақтайди, шу боис халқ орасида отим машҳур бўлди, шоҳлардаги хосиятлар менда бор, деб нокамтарлик билан ўзини мадҳ қилади. Танбура ўз навбатида Удни бўйни узун, ақли кискаликда, бошдан-оёқ эгри бўлгани учун усули йўқ мусиқа асбоби эканликда айблаб, унинг нуқсонларини юзига солади.

Қўбузнинг ўзига берган таърифи. Иккинчи бўлиб Қўбуз ўзини таъриф қилиб, Танбурани масҳара қилади. Қўбуз, ишк гулистонидаги булбул менман, биронта сайроки кушнинг овози менинг овозимга етолмайди, жамики куй усуллари мендадир, ҳамма эртаю кеч мени эшитишга мушток, хуштаб одамлар мени четлаб ўтолмайди, дея ўзига баҳо беради. Танбура эса Қўбузни беҳаёликда айблаб, унинг қоматини тобутга ўхшатади.

Ётуғоннинг ўзига берган таърифи. Учинчи бўлиб Ётуғон ўзига ҳамду сано ўқийди ва Танбуранинг устидан кулади. У, менинг мартабам ҳамманикидан ортиқ, мен сингари хунар эгаси дунёда йўқ, дейди. Танбура эса унинг мақтанчоқлигига жавобан, сенда асло уят йўқ, харрагинг бўлмагани учун сен доим ётасан, деб бир қанча нуқсонларини унинг юзига солади.

Рубобнинг ўзига берган таърифи. Тўртинчи бўлиб Рубоб ўзини таърифлайди ва Танбурага таънаю дашномлар беради. Рубоб, мен олийжаноблигим билан ажралиб тураман, озодалиқда танҳоман, хунар бобида истеъдодлиман, дейди ва Танбура асло одамларга ҳамроҳ бўла олмагани, у ҳийлакор, иблиснинг онаси эканини арзи ҳол қилади. Танбура эса Рубобга, сен бир лалайган бандасан, такаббурсан, дея унинг бир қатор айбларини юзига солади.

Ғижжакнинг ўзига берган таърифи. Бешинчи бўлиб Ғижжак ўзига таъриф бериб, Танбуранинг камчиликларини, нуқсонларини юзига солади. Ғижжак ўзи ҳақида, мен созлар орасида камондор ботирман, менинг нолаларим одамларнинг юрак-бағрини эзиб юборади, деган таърифлар билан ўзини мадҳ қилар экан, Танбурани, сен нокассан, расвосан, ҳар хил бўлмағур савдоларни бошлаб юрасан, дея танқид қилади. Танбура ўз навбатида Ғижжакнинг хасислигини, деғу парилар Ғижжакнинг овозига йиғилиб келишларини, у расво Ғижжакнинг овозини фақирлар эшитганларида, ҳаммалари ўртанишларини баён қилади.

Кунгуранинг ўзига берган таърифи. Олтинчи бўлиб Кунгура мақтаниб, мен ҳам охирзамоннинг ғавғолариданман, созлар орасида нуқсонлиси, ўжари бўлсам ҳам, Танбурага ўхшаганлар билан қариндошман, унинг гаплари бемаъниликдир, деб жавоб беради. Танбура эса Кунгурага, сенинг бошинг билан оёғинг иккита қовоқ, холос, сенга ўхшаган расволар мента қариндош эмас, душмандир, сени бу оламдан номингни ўчириб юбораман, ахир, сенинг ҳамма шайхларингни мен мурид қилиб олдим-ку, деб ундан устунлигини намойиш қилади.

Шундай қилиб, Танбура билан олти мусиқа асбоби ўртасидаги баҳс ва даҳанаки жанг тугайди. Аммо “Созлар мунозараси” шу билан ниҳоясига етмайди. Бу мусиқа асбобларининг ўзаро баҳслари орқали Аҳмадийнинг айтмоқчи бўлган бошқа гапи ва илгари сурмоқчи бўлган бошқа ғоялари бор. У барча созлар тимсоли орқали инсоният жамиятидаги ахлоқий муносабатларни, инсон кундалиқ ҳаётда амал қилиши лозим бўлган яхши сўз, яхши хулқ, яхши феъл-атворни ўртага чиқаради. Камтарлик, одамийлик, ўзаро ҳурмат, ҳалимлик каби фазилатлар инсон ахлоқининг асосий безакларидир. Шу билан бирга, Аҳмадий Рубоб тилидан айтган куйидаги байтлар диққатни жалб қилади:

Гарчи шариатта чу бегонамен,
Ахли тариқат била ҳамхонамен.

Балки ҳақиқат(дин) аюрман хабар,
Ахли дил топсаму соҳиб назар.

“Созлар мунозараси”да Аҳмадийнинг эътиқоди ва маслаги намоён бўлиши. Юқорида биз Аҳмадийнинг эътиқоди ва маслаги ҳақида қисқа сўз юритган эдик. Шоирнинг эътиқоди ва маслаги Танбура билан бошқа мусиқа асбоблари, айниқса, Рубоб, Гижжак билан бўлиб ўтган баҳсда ва “Китоб хотимаси”да аниқ очилади. Бу байтларда тасаввуф маслагига мансуб шариат, тариқат ва ҳақиқат аҳллари тўғрисида сўз кетяпти. Бу ҳар учаласи бир-бирига боғлиқ. Аммо байтлардан англашилишича, Рубоб шариатни босиб ўтмасдан ўзини тариқатга мансуб деб қарайди. Аслида тариқат ахли шариат аҳлини асло инкор этган эмас. Шариат тасаввуфнинг муҳим ва зарурий қисми деб қаралган. Ҳар учаласи ҳам маънавий тарбиянинг босқичлари. Сулук йўлига кирган одам ҳар учаласини босиб ўтиши лозим. Бир сўз билан айтганда, шариат – қатъий интизом, авомга ҳам, хосга ҳам бирдай тегишли. Тариқат шариатни ҳам ўз ичига олади. Аммо у шариатдан олдинга кетади. Буюк мутасаввуфларнинг ҳаммалари буни эътироф этганлар. Аҳмад Яссавийнинг нуктаи назари бўйича ҳам шундай: бири иккинчисисиз бўла олмайди:

Ҳар ким қилса тариқатни даъвосини
Аввал қадам шариатга қўймоқ керак.
Шариатнинг ишларини адо қилиб,
Андин сўнгра бу даъвони қилмоқ керак.

Ёки Яссавийнинг қуйидаги тўртлиги улар ўртасидаги зич боғлиқликни янада аниқроқ ифода этади:

Шариатдан мурод – йўлга кирмоқ,
Тариқатдан мурод – нафсдан кечмоқ.
Ҳақиқатдан мурод – жондин кечмоқ,
Жондин кечмай ишқ шаробин ичса бўлмас.

Бундан маълум бўладики, тариқат ва ҳақиқат ботиний ривожланишнинг зарурий эҳтиёжи, шариат даражаси кониктирмайдиган, жондан кечиб ишқ шаробини ичишга тайёр турган алоҳида шахсларнинг танлаган йўлидир (Комилов Н. Тасаввуф., 75-б.). Ана шу қарашлардан келиб чиккан ҳолда айтиш керакки, Рубобнинг хулқ-атвори буларнинг тамомила акси, у ҳали бу йўлга киришга тайёр эмас. У бирини босиб ўтмасдан иккинчисига кирмоқ ниятида. Шу боисдан ҳам Рубобнинг шариат, тариқат ва ҳақиқат ҳақидаги қарашларидан унинг бу йўл ва боскичлардан беҳабарлиги аён бўлади. Қолаверса, Рубобнинг ва бошқа соз асбобларининг бир-бирига бўлган кўпол, одобсизларча мунозараларидан маълум бўладики, улар тасаввуф йўлини танлашга ва Пири хароботийни ўзларининг пири деб эътироф этишга тайёр эмас. “Китоб хотимаси”да айнан ана шу йўлга киришнинг шартлари Пири хароботий томонидан созларга уқтирилади. Мунозарадаги созлар тимсоли билан Пири харобот образи бир-бирига зид қўйилган. Пири харобот – комил инсон тимсоли, ҳақиқат ва эътиқод поклигини ўзида мужассам этган образ. Созлар эса Пири хароботийнинг тамомила акси.

Сархуш бўлиб ухлаб ётган Пири хароботий созларнинг гавғосидан уйғониб кетади. Танбура ҳам Пири хароботий олдида киборлигидан хижолат бўлиб, гуноҳкор фақат унинг ўзигина эмас, балки бошқа созларда ҳам айб борлигини унга арз қилади. Қуйидаги байтда ҳамма созлар ҳали Пири хароботийни пир деб унинг этагидан тутишга эрта экани, унга шогирд тушиш учун улар хулқ-атворларини ўзгартириши кераклиги англашилади:

Ушбу жамоат бари ковокбиз,
Маъниси йўқ ботилу бебокбиз.

Шунда Пири харобот Танбурага таъна қилиб, сенинг ҳам бошқаларнинг асло ортик жойинг йўқ, шу боис бошқа созларнинг кўнглини ол, дея ўғит беради. Танбура кечирим сўраб, ҳали *йўлсиз* эканини, бошқа ҳамма созларга хизматкор бўлишга тайёрлигини изҳор этади. Шундай қилиб, пок кўнгиллилик уларнинг орасида ҳукмрон бўлди ва бир-бирларига бўлган адоват барҳам топди.

Савол ва топшириқлар

1. “Созлар мунозараси”нинг тузилиши ҳақида маълумот беринг.
2. Пири хароботий қайси тоифанинг образи?
3. Созларнинг ўзаро мақтанчоқликлари нимадан далолат беради?
4. Ясавийнинг ҳикматлари билан бу мунозарадаги боғлиқлик қайси образда ва қайси ўринларда намоён бўлади? Тушунтириб беринг.

“ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО“ ДОСТОНИ ВА ШУ ТУРКУМДАГИ ДОСТОНЛАР

Режа:

1. “Қиссайи Юсуф” ҳамда “Юсуф ва Зулайҳо” достонларининг пайдо бўлиши.
2. Бу туркумдаги илк бадий асарлар.
3. Кул Али ижоди.
4. “Қиссайи Юсуф”нинг мазмуни.
5. “Қиссайи Юсуф”да ҳақиқий ишк тасвири.
6. “Қиссайи Юсуф”нинг бадий хусусиятлари.
7. “Юсуф ва Зулайҳо” достонининг яратилиши, достонда давр воқеалари.
8. Достоннинг қискача мазмуни.
9. “Қиссайи Юсуф” ва “Юсуф ва Зулайҳо” достонларидаги ўзига хосликлар.
10. Достонда туш ва кураш мотивлари.
11. Салим Сулаймоннинг “Юсуф ва Зулайҳо” достони. Достоннинг фольклор вариантлари.

Таянч сўз ва иборалар: *қисса, достон, маданий муҳит, халқ озгаки ижоди, сюжет, гоъвий йўналиши, сюжет-композиция қурилиши, тўртлик, оҳанг, ҳижола тартеглиги, гоъвий ўхшашлик, рубоий, маъжозий ишк, ҳақиқий ишк.*

“Қиссайи Юсуф” ҳамда “Юсуф ва Зулайҳо” достонларининг пайдо бўлиши. Шундай асарлар борки, бу асарларнинг номи айрим халқларнинг адабиёти тажассумини ўзида ифода этади. “Қиссайи Юсуф” ёки “Юсуф” киссалари ҳамда “Юсуф ва Зулайҳо” достонлари шундай асарлар жумласига киради. Бу туркумдаги асарлар Шарқ халқларида кўп тарқалган. Шу билан бирга, бу достонларнинг вариантлари кўп.

“Юсуф” киссаси илк бор Мусонинг “Ибтидо” китобида учрайди. Бу китоб милоддан олдинги II минг йилликнинг ўрталарида пайдо бўлган. Гарчи “Ибтидо”да бу асар “Юсуф киссаси” ёки “Юсуф ва Зулайҳо” номи остида берилмаган бўлса ҳам, 37-бобдан Юсуф билан боғлиқ воқеа бошланади ва Ёқуб авлодлари Мисрга кўчиб бориб, у ерда ўрнашганлари, Юсуфнинг

нафот этиши билан “Ибтидо” китоби яқунланади. “Ибтидо”даги бу қисса бора-бора Шарқ халқлари адабиётига кенг тарқалди, маданий-адабий муҳитига кучли таъсир этди.

Аввал айтиб ўтганимиздек, Ибн Синонинг “Юсуф” қиссаси Ўрта Осиё адабиётида бу туркумдаги дастлабки асарлардан биридир. Ибн Синонинг бу асарига Куръони Карим сюжетлари асос бўлган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, Юсуф воқеасига оид сюжетларга ака-укалар ўртасидаги зиддиятлар ҳамда бегуноҳлик ва гуноҳ билан боғлиқ воқеалар таъсир этган. Буларнинг илдизи яна “Ибтидо” китобига ва Шарқ халқлари оғзаки ижодига бориб тақалади.

“Ибтидо” китобида деҳқон Қобил чорвадор укаси Ҳобилга ҳасад қилиб, уни ўлдиради. Эсов билан Ёқуб оналарининг қорнидаёқ бир-бирлари билан кураш бошлайдилар ва эгизаклар туғилиб улғайгач, Эсов ўз тўнғичлик ҳуқуқини ясиқ шавла эвазига укаси Ёқубга соғади. Бунинг оқибатида зиддият кучайиб, Ёқуб Эсовдан қочиб, онаси туғилган юртга кетишга мажбур бўлади. Ёқубнинг ҳасадгўй ўғиллари укалари Юсуфни сотиб юбордилар ва х.

Бегуноҳ йигит ва ёмон хотин ҳақидаги сюжетларнинг илдизи милоддан олдин XIII асрда ҳукмронлик қилган Миср фиръавни Рамзес II даврида Миср адабиётида шаклланган. Бу даврда яратилган сюжет эртак бўлиб, асосий эътибор адолатнинг ғалаба қилишига қаратилган. Юсуф қиссаларига Зулайҳо образи айнан ана шу эртакдан тарқалган.

Ҳозирда Шарқ адабиётида юздан ортиқ Юсуф ҳақидаги қиссалар ва “Юсуф ва Зулайҳо” дostonлари мавжудлиги айтилади. Форс адабиёти таъсирида грузин адабиётида “Юсуф ва Зулайҳо” дostonининг пайдо бўлгани ноёб адабий ҳодисадир¹⁶⁶.

“Юсуф” туркумидаги қиссалар “Юсуф ва Зулайҳо” дostonларига караганда аввал пайдо бўлган. “Юсуф” туркумидаги илк насрий ва шеърий асарлар Ўрта Осиё адабий муҳитида милодий IV-VI асрлардаёқ пайдо бўлган эди. Ваҳоб ибн Мунаббих, Ибн Абдулла ўзларининг “Қисасул-анбие” асарларида Юсуф билан

¹⁶⁶ Руденко М.Б. Литературная и фольклорные версии курдской поэмы «Юсуф и Зелиха». —М.: Главная редакция восточной литературы. 1986. 38-6.

боғлиқ вокеаларга кўп ўрин берганлар. Табарий кўп жилдли “Тафсир”ида ҳам Юсуф сюжетиға махсус тўхталган. Абу Носир (мил.1082) Балх шахрида Куръони Каримдаги “Аҳсан ул-каса”ни (яъни Юсуф сурасини) адабий жихатдан қайта ишлаб, “Анас ул-муридин” асарини яратган. Бу асарнинг туркийча таржимаси ҳам бор.

Бу туркумдаги илк бадий асарлар. Юсуф воқеасиға бағишлаб ёзилган биринчи бадий асар Абулқосим Фирдавсийнинг (934-1020) “Юсуф ва Зулайҳо” дostonидир. Кейингиси Абдурахмон Жомийнинг (1314-1492) шу номдаги асаридир.

Туркий адабиётда илк бор Юсуф сюжети асосида яратилган бадий асар ХII асрда яшаган Қул Алининг “Қиссайи Юсуф” дostonидир. Шоирнинг “Қиссайи Юсуф” дostonи бутунги кунда татар адабиётиға нисбат берилаетган бўлса-да, асар ёзилган даврда ҳали туркий камларнинг халқ сифатида шаклланиш жараёни охириға етмагани учун, бу асарни умумтуркий ёдгорлик сифатида қараш мақсадға мувофик. Яна ХII асрнинг иккинчи ярмида Кичик Осиё салжуқийларидан Сайёд Ҳамза ҳам “Юсуф ва Зулайҳо” дostonини яратган. 1409 йили Дурбек деган шоирға нисбат бериб келинаётган “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи ҳам ўзбек тилидаги бу анъанавий дostonнинг ёрқин, мукамал намуналаридандир.

Шарқ адабиётида “Юсуф киссаси” ва “Юсуф ва Зулайҳо” дostonлари кўп учрагани билан бирға, қатор вариантларға эға бўлса-да, вокеалар айнан бир-бирини такрорламайди. Бу сюжет турли халқларда қайта ишланди, ҳар бир халқнинг ёзма ва оғзаки адабиёти бу сюжетға таъсир этди, натижада ўзига хос, мазмунан бир-биридан фарқ қиладиган мустақил асарлар пайдо бўлди. Шу боис Шарқ халқларида бу туркумдаги дostonларнинг ғоявий йўналишиға ва сюжет-композиция қурилишиға кўра *тўрт гуруҳға* ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳға Фирдавсийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи мансуб. Бу дostonда асосий мавзуни Юсуф билан Зулайҳонинг бир-бириға бўлган кизгин муҳаббати ва уларнинг кечинмалари эмас, балки узок йиллар давомида суюкли ўғлидан айрилиқда яшаган Ёкубнинг бошидан кечирган фожиа ташкил қилади.

Иккинчи гуруҳға Ибн Синонинг “Юсуф киссаси”, Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асаридаги “Юсуф алайҳиссалом киссаси”

мансуб. Бу қиссалар диний-фалсафий мавзуда – илоҳий ишқ мавзусида ёзилган.

Учинчи гуруҳга Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” си сингари дostonлар мансуб. Бу дostonларда асосий мавзуни Зулайҳонинг Юсуфга бўлган еташин муҳаббати, шунингдек, бу муҳаббат заминидаги “мен” ва илоҳий ишқ ташкил қилади. Кул Алининг “Қиссайи Юсуф” асари ҳам ана шу гуруҳга мансуб.

Тўртинчи гуруҳга курд шоири Салим Сулаймоннинг (XVI) “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи мансуб. Зулайҳонинг Юсуфга бўлган муҳаббатини ва Ёкубнинг фарзанд доғида куйиб-ёнганини шоир деярли бир сюжет чизиғида тасвирлайди. Шунингдек, ўзбек адабиёти тарихида шоир Дурбекка нисбат берилаётган “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи ҳам шу гуруҳга киради.

Барча “Юсуф” қиссалари ҳамда “Юсуф ва Зулайҳо” дostonлари орасида кенг тарқалган дostonларни ана шу тарзда гуруҳлаш мумкин. Шарқ адабиётида “поэтик ўзлаштириш” натижаси бўлган бошқа “Юсуф” қиссалари ва “Юсуф ва Зулайҳо” дostonларининг ҳаммасини мазкур гуруҳлашга жалб қилиш имкони йўк.

Албатта, бундай гуруҳланиш шартли бўлиб, “Юсуф ва Зулайҳо” дostonларида мажозий ишқдан кўра, ҳақиқий (илоҳий) ишқ устунлик қиладиган лавҳалар кўп ўрин эгаллаган.

XIV-XV асрлар адабиётида “Юсуф ва Зулайҳо” дostonлари шоирлар ижодининг адабиётдаги ўрнини ва мавқеини белгилайдиган омиллардан бири бўлиб қолди. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида келтирган айрим маълумотлар шундан далолат беради. Навоий Хожа Масъуд Кумий деган шоир ҳақида маълумот берар экан, унинг маснавийси пухта, ғазаллари равон эканлиги ҳақида тўхталиб, “Тиг ва Қалам” мунозараси, “Шамс ва Қамар” дostonи билан бир қаторда, “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи борлиги ҳақида ҳам айтиб ўтади (*Навоий. МАТ. 13-жилд. 47-б.*). Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида Юсуф қиссасини баён қилар экан, Фирдавсий, Абдурахмон Жомий, Хожа Масъуд Ироқий ва бошқа бир қатор азизларнинг “Юсуф ва Зулайҳо” қиссалари ҳамда бошқа бир қатор шоирларнинг бу номдаги асарлари ҳақида эслатади. Шунингдек, Навоий “Иншааллоҳ умр омон берса, турк тили била ўк” Юсуф ҳақида дoston ёзиш нияти борлигини баён қилади (*Навоий. МАТ. 16-жилд, 122-б.*).

Кул Али ижоди. Олтин Ёрда ва Темурийлар салтанати даврида ўзаро маданий алоқаларнинг маълум изга тушгани адабий жараёнда ҳам кескин ўзгаришларни пайдо қилди. Бу ҳодиса айнан “Юсуф” киссалари ва “Юсуф ва Зулайхо” дostonларига ҳам тегишли. Жумладан, Кул Али ижодида Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари таъсири аниқ сезилиб туради. Бу ҳолат эса Кул Али Яссавий ҳикматларидан таъсирланганини, яссавийлик тариқати йўлидан кетганини далиллайди. Қиёслаш учун Яссавийнинг ва Кул Алининг ҳикматларидан келтирамиз:

Яссавийда:

Кел эй хайиф, бу ишлардин хабар олғил,
Тавба қилиб дойим Оллоҳ сари борғил.
Қул Хожа Аҳмад, дунёликдин ўтиб ёнғил,
Шояд қилғай пиру муғон назар эмди
(*Яссавий. Ҳикматлар. 1990, 187-б.*)

Кул Алида:

Мен заифи ҳикмат таба сен ёндирғил,
Панд ва ҳикмат айтимаға сен кондирғил,
Садрим ичра мадад шамин сен ёндирғил,
Хатаримни сен мунаввар қилғил эмди
(*Татар адабиёти тарихи, 1986, 124-б.*)

Ҳар иккала тўртликдаги оҳанг, ҳижолаҳ тенглиги, ғоявий ўхшашликдан шунинг англаш мумкинки, Кул Али Яссавийнинг издоши бўлгани аниқ.

Кул Алининг таржимаи холи, ижоди ҳақида бирон манбада маълумот сақланиб қолмаган. Кул Али “Қиссайи Юсуф” охирида куйидаги мисраларни битади:

Буни тузан заиф банда ади Али,
Йигирма тўрт ракам ичра солди йўли.

Бу байт асарнинг ёзилган йилидан дарак беради. Асар милодий 1212 йили, яъни мўғуллар истилосигача ёзилгани бир қанча мунозаралар натижасида тўғри деб топилган.

Кул Алининг “Қиссайи Юсуф” асари ёзилган жой ҳақида кўнчилик олимлар тўхталганлар. Улар, Кул Али “Қиссайи Юсуф” асарини Ўрта Осиёда яратган, деган фикрни айтадилар. Жумладан, турколог А. Кримский XX аср бошларида “Қиссайи Юсуф”нинг ватани Бухоро ёки Ўрта Осиёнинг бирон ўлкаси бўлгани эҳтимолдан холи эмас, деган фикрни илгари сурган эди. Татар олимлари Г. Раҳим ва Г.Газиз бу асарнинг ватани Мовароуннаҳрдан бошқа бирон туркий тилли мамлакат деган фикрда бўлганлар. Турк олими М.Ф. Кўпурилизода “Қиссайи Юсуф”нинг ватани “диндор ва зоҳид Хоразм” деб ҳисоблайди. А.К.Боровков ҳам бу асар Ўрта Осиёда яратилганини таъкидлайди.

Умуман, юқоридаги олимларнинг фикр-қарашларини ва “Қиссайи Юсуф”нинг тил хусусиятларини инобатга олган ҳолда (ўғуз диалекти кучли таъсир этган, *сўйлайлум, далайалум, ўйлайалум* каби феъл шакллари ва *т* ўрнига *д* товушининг кўп қўллангани шунингдек, *-сарсан, -сарман* грамматик шаклларининг учраши), бу асар кўҳна Туркистон заминида яратилган деб айтиш мумкин. Қолаверса, Яссавий ҳикматлари билан Кул Алининг “Қиссайи Юсуф”идан келтирилган парчаларнинг мавзу, гоя, тимсоллар ўхшашлиги ҳам бу фикрларимизга кўшимча далилдир.

Кул Али “Қиссайи Юсуф” асарини рубоий жанрида ёзган. Бу ҳақда шоир куйидагича маълумот беради:

Ё дариго, текма кимса дўзумади,
Фаҳми эксук камисалар язумади.
Бу заифинг ушбу назми азумади,
Рубоийга вазн ичра дутсун эмди.

Кул Али ўз ҳикматларида “Юсуф савчи”, “Юсуф наби” каби исмларни бир неча марта қўллайди. Бу билан “Қиссайи Юсуф” достони унинг ижодида муҳим ўрин тутганига ишора қилади.

“Қиссайи Юсуф”нинг мазмуни. Кул Алининг “Қиссайи Юсуф” достони мазмуни куйидагича:

Ёқубнинг ўн икки фарзандидан ўн биринчиси Юсуф туш кўради. Тушида куёв, ой ва ўн бир юлдуз унга сажда қилиб, бош эгиб турган эканлар. Ёқуб келажакда бу ўғли акаларига бош бўлишидан аломат эканини билади. Ёқубнинг қизи бу туш

воқеасини акаларига етказади. Можаролар шундан бошланади. Ёқуб Юсуфни бошка ўғилларига қараганда кўп эркалар, бу ҳам акаларини газаблантирарди. Акалари Юсуфни ўлдириш ниятида сахроға олиб чиқадилар. Яхудо укаларига қарши чиқиб, уни ўлдирмайлик, дея укаларини кўндиради. Юсуфни кудукка ташлайдилар. Акалар уйга – Ёқубнинг олдига келиб, Юсуфни бўри еди, мана аломати, деб Юсуфнинг эчки қонига бўялган кийимини кўрсатадилар.

Савдо сафаридан қайтаётган карвон бошлиғи Малик Тожир Юсуфни кудукдан чиқариб, уни Мисрга олиб кетади. У Юсуфни Мисрда қул қилиб сотади. Юсуф кўп машаққатлар чекади, аммо сабр қилади, ақли, фаросати орқали Миср мамлакати бошлиқларидан бири бўлади. Бу – дostonнинг бир сюжет чизиги. Иккинчи сюжет чизиги Зулайҳо билан боғлиқ воқеалардир.

Зулайҳо – Мағриб (Африка) подшоси Таймуснинг қизи. Зулайҳо туш кўриб, тушида Юсуфга ошиқ бўлиб қолади. Юсуф ҳам тушида уни яхши кўрганини билдирарок, ўзининг Миср азизи бўлишини аён қилади ва Зулайҳонинг таклифини қабул қиларкан, бир оз сабр қилиб туришини сўрайди. Таймус шоҳ Миср азизига яккаю ягона қизини беришга рози бўлади. Мисрдан қудалар келгач, Таймус шоҳ қизи Зулайҳони кўп мол-мулк билан Миср азизига узатади. Зулайҳо подшоҳ саройига кирганда, тушида кўрган гўзал Юсуфни эмас, балки Миср азизи ўрнида бир қари чолни кўради. Зулайҳо жуда қайгуради. Ҳамроҳ бўлиб келганлар унга, сабр қилгин, деб тасалли берадилар.

Малик Тожир Юсуфни бозорга олиб чиқади. Зулайҳо ўша ерда Юсуфнинг гўзаллигини кўриб, хушидан кетади. Миср азизи Юсуфни кўп олтин эвазига сотиб олади ва Зулайҳонинг тарбиясига топиширади.

Зулайҳо Юсуфга ҳар куни шойи ва ипак кийимлар кийдиради, унинг узун сочларини тараб, хушбўй моддалар суртади. Ниҳоят, севги алангаси юзага чиқади. Зулайҳонинг энагаси махсус сарой солдириб, Зулайҳо ўйлагандай безатади ва Юсуфга бўлган севгисини у билан маслаҳат қилади. Юсуф Зулайҳонинг хонасидан қочиб чиқаётганда, унинг ортидан Зулайҳо ташланади. Буни азиз кўриб қолади. Зулайҳо Юсуфни айблайди, азиз эса Юсуфни химоя қилади. Юсуфнинг ўзи ҳам гуноҳсизлигини айтади. Аммо Зулайҳо Юсуфни зиндонга ташлатади.

Юсуф зиндонда ётган пайтда, Зулайҳодаги севги ўти сўнмасдан, тобора алангланади. Миср азизи энди бу оламдан ўтган, Зулайҳо тул қолган, юзларини ажин босган, кўзлари ҳам кўрмай қолган. Ҳамон Юсуфга бўлган муҳаббати билан яшаётган эди.

Мамлакат бошқаруви Малик Раййонга қолади. Бир пайт у ҳам туш кўради ва кўрган тушидан қаттиқ безовта бўлади.

Юсуф Малик Раййонга тушини таъбирлаб беради: етти йил тўқчиликдан кейин етти йил очарчилик бўлишини, хазинада дон ғамлаш кераклигини айтади. Юсуфнинг ақллилигини кўриб Малик Раййон мамлакатни идора этишни Юсуфга топширади. Энди Юсуф Зулайҳога уйланади.

Канъонда ҳам очарчилик бошлангач, Ёкуб ўғилларини дон олиб келиш учун Мисрга юборади. Акалари иккинчи марта келишига Юсуф сарой курдириб кўяди ва бошидан ўтган воқеаларни деворларга сурат килиб ишлатади. Акалари бу суратларни кўриб, Юсуфни танийдилар. Юсуф отасини ҳам Мисрга олдириб келади.

Қул Алининг “Қиссайи Юсуф” асарининг қисқа мазмуни ана шундан иборат. Юсуф билан боғлиқ анъанавий сюжет бу қиссанинг заминида ётгани аниқ сезилиб туради.

“Қиссайи Юсуф”да ҳақиқий ишқ тасвири. Юсуфнинг Зулайҳога, Зулайҳонинг Юсуфга бўлган севгиси илоҳий ишқ тимсолидан далолатдир. Қул Али Зулайҳонинг Юсуфга бўлган муҳаббатини тасвирлар экан, ҳамма нарсадан, ҳамманинг ҳар қандай сўзидан фақат “Юсуф!” деган садо келади. Ишқнинг, Ҳақ ишқининг мукамал тимсолини Қул Али куйидагича таърифлайди:

Мушқул қолға душди ул анда кейин,
Бир соатқа кўрмаса Юсуф юзин,
Сабри қолмаз, англамаз кимса сўзин,
Не сўзласа, “Юсуф!” дею сўзлар эмди.

Баъд азин танангдан қон олдиурса,
Ҳажжом анинг томирина ништар урса,
Кела эл хол қони оқиб ера томса,
Ер уза “Юсуф!” дею ёзилар эмди.

Зулайҳо мажозий ишқ жараёнида синовдан ўтади, хақиқий ишққа етишиш учун унинг тани худди хас сингари ёнади. Зулайҳонинг мажозий ишқи учун Юсуф асосий воситадир. Юсуфнинг чексиз хусни Зулайҳони хаста қилган, у то Юсуфга етишгунга қадар чеккан изтироблари, дардлари – ҳажр қийноғи. Юқоридаги икки рубоийдаги ҳижрон Зулайҳони ақли-ҳушидан айирган, унинг учун ҳамма нарса, бутун борлиқ Юсуф бўлиб жилваланади. Ҳатто табиб уни жисмонан хаста деб қон оладиган бўлса, ерга оққан қон ҳам “Юсуф!” деган исми тупроққа ёзади.

Қул Али Ишқнинг бу тимсолини яна бир ўринда шундай тасвирлайди: Зулайҳо ва аёллар ўтирган уйга Юсуф кириб келганда, сабзи тўғраётган аёллар Юсуфнинг хуснини кўриб, унга шунчалик махлиё бўлиб қоладиларки, ҳатто сабзи ўрнига бармоқларини тўғраганларини сезмайдилар. Умуман, Зулайҳо – илоҳий Ишқ тимсолини ўзида мужассам этган. Шу билан бир қаторда, Зулайҳо қул бозорида Юсуфни кўрганда, ҳушдан кетиб қолган эди. Чунки Зулайҳода илоҳий кудрат бор бўйи билан намоён бўлган, у илоҳий ошиқликнинг тимсоли бўлиб юзага чиққан эди.

“Қиссайи Юсуф”нинг ватани “диндор ва зоҳид Хоразм” деб фикр билдирган Ф.Кўпурилизоданинг қараши ҳақиқатга яқин экани хақиқий ишқ тимсолида ҳам яна бир бор ўз исботини топади.

“Қиссайи Юсуф”нинг бадий хусусиятлари. Юқорида “Қиссайи Юсуф”дан келтирилган парчалар шунини кўрсатадики, асарнинг тили содда. Қул Али халқ тилини, халқ оғзаки ижодини яхши билган, халқ оғзаки ижодидаги бадий тасвир воситаларидан унумли фойдаланган. Масалан, халқ жонли сўзлашув тилида азалдан қўлланиб келган *тўлин ой, сабо* (тонгги шабода), *болакаар эрин* каби поэтик сўзлар, *инжу тош* каби анъанавий образлар мумтоз адабиётда кейинги даврларда ҳам қўлланиб келган. Жумладан, *тўлин ой* ибораси ёрнинг юзига нисбатан илк бор “Девону луғатит-турк”да қўлланган. Шунингдек, *бағри ёниб, кўзга сурма тортиб, кўзга шмай, қулоқ тугиб тинглаб* каби метафоралар ва иборалар Қул Алининг халқ тилини яхши билганидан, сўз танлашда дидли шоир эканидан далолатдир.

Ўзбек тилида *нон-туз ҳурмати, нон-тузини емоқ* каби иборалар бор ва бу ибора одамларнинг бир-бирига ўзаро ҳурматини, бир-бирига бўлган самимиятини билдиради. Бу сўз Қорахонийлар даври адабиётида мавжуд. Ҳозирги ўзбек тилидаги *нон* сўзи “Қиссайи

Юсуф”да *этмак* тарзида қўлланади. Юсуф акаларига карата “*Сиз туз-этмак билмадингиз*” деб таъна қилади. *Этмак* сўзи ўғуз тилларига оид туркий тилларда, жумладан, ҳозирги турк тилида *эмак* тарзида сақланганини айтиб ўтишимиз ўринлидир.

Гўзалликни, асосан, маъшуқанинг гўзаллигини тасвирлаш учун “Қиссаи Юсуф”да кўплаб ўхшатишлар қўлланади. Қуйидаги мисраларга эътибор берайлик:

Ёш олмадин латифроқ иякларинг...

Янги битмиш *дал чибиқдай* бармақларинг...

Китобхон кўз ўнгида ёрнинг қиёфаси, нозиклиги, жисмининг барча аъзолари мутаносиблиги гавдаланади. Мазкур мисралардаги *ёш олмадай, дал чибиқдай* каби халқона ўхшатишлар ҳам мазкур дostonнинг муҳим бадий хусусиятларини ифода этади.

“Юсуф ва Зулайҳо” дostonининг яратилиши, дostonда давр воқеалари. Энди ўзбек адабиётида Дурбекка нисбат берилаётган “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи ҳақида айрим маълумотларга тўхталамиз. Аввало, мазкур “Юсуф ва Зулайҳо” дostonининг муаллифи ҳақида. Узок йиллардан бери “Юсуф ва Зулайҳо” дostonининг муаллифини баъзи олимлар Дурбек эмас, Улуғбек деб айтадилар. Баъзилар эса Ҳомидий Балхий деган фикрдадилар¹⁶⁷. Ўзбек адабиётининг кўзга кўринган билимдон олимлари Е.Э.Бертельс, Ҳ.Зарифов, Ойбек, П.Шамсиев, О.Шарафуддинов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Н.Маллаев кабилар “Юсуф ва Зулайҳо” дostonининг муаллифи Дурбек деб таъкидлайдилар ва дoston Дурбек муаллифлигида бир неча марта чоп этилган.

Дурбекнинг ҳаёти, ижоди, шунингдек, мазкур дoston ҳақида фақатгина “Юсуф ва Зулайҳо” дostonидан маълумот топиш мумкин. Дostonнинг ёзилиши ҳақида шоир қуйидагича маълумот беради:

“Зод” эди таърих тақи “ҳе”ю “дол”,
Муддати хижратдин ўтуб моҳу сол.

¹⁶⁷ Бу ҳақда қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 1-том. Т.: “Фан” нашриёти, 1977, 278-279-бетлар.

Араб ҳарфлари билан ифодаланган абжад ҳисобига кўра, “зод” ҳарфи – 800, “ҳе” – 8, “дол” – 4 га тенг келади. Ҳар учала соннинг йиғиндиси 812 бўлади. Ҳижрий ҳисобидаги бу йил рақами милодий 1409 йилга тўғри келади.

Достоннинг Балх шаҳрида ёзилганини асарнинг дебочасида шоир келтирган маълумотлар тасдиқлайди:

Балх эрур даҳрда уммул булод,
Мазҳари ислому таки адлу дод...

Қалъаи Балх ўлди чу дарвозабанд,
Пояи зулм ўлди бағоят баланд.

Бу мисралардан кейин шоир Балх камали пайтида шаҳар ичкарисе ва ташқариседаги аҳволни тасвирлайди. Шаҳар ичкарисе худди “дўзах каби зиндон”га айланган, одамларнинг оҳу фиғонлари билан тўлиб кетган, халқ кўз олдига фақат нонни келтиради, кўз ёшлари оби равондай оқади ва х.. Шаҳар ташқариседа эса фарвонлик, худди жаннатга ўхшайди, ҳамма ёқ кўкаламзор, одамлар бир-бири билан гулзорларда суҳбат қурган, беташвиш ҳаёт ҳукм суради.

Шоир, дoston дебочасида ёзишича, шаҳар ичидаги халқ билан бирга қамалда уч ой яшайди, юз берган воқеаларни, одамларнинг аҳволини, кайфиятини кузатади. Шоир асарда тасвирлаган воқеалар милодий 1409 йили юз берган. Шоҳрух Ҳиротдан Балхга томон 1409 йилнинг июлида жўнаган ва 10 сентябрида Балхдан чиқиб, Амударё орқали кечиб ўтган. Мана шу муддат оралиғида Шоҳрух Мирзо Балх шаҳрини қамал қилиб турган. Абдураззоқ Самарқандий ўзининг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида ҳикоя қилишича, Амир Темур Хуросон салтанатини тузиб, Балх, Қундуз, Бадахшон, Ҳисор каби бир қанча шаҳарларни учинчи ўғли Мироншоҳга суюрғол қилиб берган эди. Шоҳрух курашиб, бу ўлкаларни тортиб олди. Ана ўша воқеаларнинг оқибатини муаллиф дoston дебочасида қискагина ҳикоя қилган.

Достоннинг қисқача мазмуни. Достоннинг бошланишида Ёкубнинг ўн иккита ўғли ва Юсуфнинг алоҳида таърифи, акалари Юсуфни ёмон кўриб қолганлари ва бунинг сабаби, Юсуфнинг кўрган туши ва тушни Ёкубга ҳамда акаларига айтгани, Юсуфни

акалари чўлга олиб кетганлари ва уни чоҳга ташлаганлари, Юсуфнинг чоҳда қилган муножоти каби воқеалар ҳикоя қилинади. Бу воқеалар Қул Алининг “Қиссаси Юсуф” достонига ҳамоҳанг. Шунинг учун воқеалар ҳар иккала достонда фарқ қиладиган ўриндан бошлаймиз.

Мисрда Малики Тожир деган бир бутпараст савдогар Юсуфни тушида кўради ва уни излаб Канъонга – акалари Юсуфни ташлаган чоҳга келади. Юсуфни у чоҳда кўради. Юсуфни акалари йигирма дирамга сотадилар. Малик Юсуфни банди қилиб олиб кетади. Юсуф онаси қабри олдига келганда туядан ўзини ташлаб тушиб қолади ва онасининг қабрини қучиб, нола билан шундай дейди:

Деди: “Аё мушфиқу зебо онам!
Куйди бу банд ичида мискин танам!

Қул била занжир эрур ҳамдамим,
Егай эдинг бу дунёда бўлсанг ғамим...

Малик Юсуфни йўқотганини билиб қолгандан кейин, бир қулни юбориб топтириб келади. Юсуф йиғлаб, Ҳаққа сиғинади, шунда ёмғир ёғиб тўфон кўтарилади. Қул Юсуфни Малик олдига олиб келиб, унинг илтижоси билан ёмғир ёғиб тўфон кўтарилганини айтгандан кейин, Малик Юсуфнинг оёғига бош уриб, бу фалокатларни тўхтатишни сўрайди. Юсуф Ҳаққа илтижо қилгандан кейин, тўфон тўхтади. Шундан сўнг Юсуф ўзга динга мансуб бўлган халқлар мамлакатига боради. У бу ўлка ҳокими билан суҳбат куради. Юсуфнинг ҳуснига ўлка ҳокими ҳам, барча халқлар ҳам маҳлиё бўлиб қоладилар. Юсуф ўз ҳусни таъсири ҳамда ақл-заковат кудрати билан уларни мафтун қилади. У ўлка ҳукмдорини адолатли, халқни ҳамжиҳат бўлишга даъват этиб, насиҳатлар қилади ва яна йўлга равона бўлади. У Нил дарёси бўйига келади. Малики Тожир Юсуфни Мисрга олиб келиб, сотмоқчи бўлади. Мағриб подшоҳининг қизи Зулайҳо Юсуфни тушида кўриб, севиб қолади. Мағриб шоҳи Таймус шоҳ Миср шоҳи Азизга элчи юбориб, менга пушти паноҳ бўлсангиз, деб илтимос қилади. Азизи Миср элчиларни яхши қабул қилади ва Таймус шоҳ Зулайҳони Мисрга кўчиради.

Азизи Миср Юсуф тўғрисида эшитиб, уни Малики Тожирдан сотиб олади. Кўшк устида ўтирган Зулайҳо Юсуфни кўриб қолади. Зулайҳонинг энагаси Юсуфга бориб, саккиз йилдан бери Зулайҳо сенинг ишқингда куяди, дейди. Юсуф ҳам Зулайҳони тушида кўрганини энагага айтади. Энага Юсуфнинг сўзларини Зулайҳога етказди. Зулайҳо Юсуфнинг ишқида куйиб-ёнади. Барча бекларнинг хотинлари келиб, Зулайҳога насиҳат қилдилар. Зулайҳо яширинча энагасини юбориб, Юсуфни ҳарамга чақиртириб келади. Зулайҳо Юсуфга ишқий алоқа қилишни таклиф этади. Аммо Юсуф Зулайҳонинг тқклифини рад қилади ва ташқарига қочиб чиқиб кетади. Зулайҳо Юсуфдан газабланиб, Юсуфни банди қилдиради ва зиндонга солдиради. Аммо Зулайҳо, ҳеч бўлмаса, Юсуфнинг овозини эшитиб қоларман, деб қорбоғга сайр қилгани чиқади. Шу орада Миср шоҳи туш кўради. Подшоҳ соқийси билан хоббоз (новвой)ини зиндонга ташлатган эди. Хуллас, Юсуф зиндондан чиқади. Миср шоҳи Юсуфни ўз ўрнига ўтиргизиб, подшоҳ қилиб кўтаради. Аввал тўқчиликчилик, етти йил ўтиб эса қаҳатчилик бошланади.

Зулайҳо ҳамон Юсуфнинг ишқида ўртанаётган эди. Ниҳоят, улар бир-бирига етишадилар. Зулайҳо Юсуфдан Мишом, Фароҳим деган ўғилларини, Роҳима исмли кизини кўради.

Қаҳатчилик Канъон юртига ҳам ўтганда, Юсуфнинг акалари ошлиғ излаб Мисрга Юсуфнинг олдига келадилар. Юсуф акаларини кўриб танийди. Юсуф Ибн Яминни ҳам олдириб келади. Юсуфнинг акалари Мисрликлар билан жангга шайланадилар. Юсуф ўғли Мешомни акалари билан яккама-якка олишувга майдонга чиқаради. Мешом Яхудо билан Шамъунни мағлуб қилади. Хуллас, Юсуфнинг акалари Мисрда кўп савдоларни бошларидан кечирадилар. Ёқуб ҳам Мисрга келади. Ёқубнинг дуоси билан Юсуф акаларининг гуноҳидан ўтади.

Ҳар иккала дoston мазмунидан кўринадики, Қул Али ҳам, “Юсуф ва Зулайҳо” муаллифи ҳам дostonга ўзига хос ёндашадилар. Ҳар иккала дostonда маълум даражада фарқлар борлиги кўриниб турибди. Ўзбекча “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи муаллифи Юсуф билан боғлиқ воқеаларга мурожаат қилганда, Юсуфнинг ҳаётига оид энг қадимги воқеаларни — бутпараст халқларни мусулмонлаштириш воқеаларини дostonга олиб қиради. XIII-XIV

аср ўзбек адабиётида бу мавзу анча долзарб бўлган эди. Бу жиҳатдан мазкур дostonдаги айни шу воқеалар билан Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” ва бошқа “Қисас ул-анбиё” асарларидаги “Қиссайи Юнус ялавоч алайҳиссалом” қиссасига мазмунан ўхшашлик борлигини айтиб ўтишимиз керак (*Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб, 1990, 59-60-б.*). Зотан, дoston дебочасида муаллиф Балх шаҳри қамали ҳақида ҳикоя қилиб, камал пайтида ўз аҳволини қуйидагича тасвирлаган эди:

Гоҳ эдим жон била машғули фикр,
Гоҳи эдим ғарқаи андуху фикр.

Гоҳ ўкур эрдим зи каломи Илох,
Гоҳ кутуб ичра қилур эрдим нигоҳ.

Гоҳ боқар эрдим зи китоби Қисас,
Гоҳ ичар эрдим зи шароби ғусас.

Лек Қисас ичра вале майли жон,
Қиссайи Юсуфта эдим ул замон.

Бу байтлардан маълум бўладики, муаллиф Куръони Каримни ва Қисасни ўқиб, ўзига тасалли ва таскин излаган. Учинчи ва тўртинчи байтдаги Қисас “Қисаси Рабғузий” ёки бошқа “Қисас ул-анбиё”ларга ишора қилади. Қолаверса, байтдаги “Қиссайи Юсуф” – Рабғузийнинг шу асари таркибидаги “Қиссайи Юсуф сиддик алайҳиссалом” ёки “Қисас ул-анбиё”лар эканини англатади. Бу ишоралар мазкур дoston муаллифининг “Юсуф ва Зулайҳо” дostonини ёзиш учун кўп изланганини, кўп манбаларни ўқиганини кўрсатади.

Муаллиф форс тилида насрда “Қиссайи Юсуф” бор экани ва бу асарни бажонидил ўқиб чиққанини, шу билан бирга, туркий тилда бу мазмундаги дoston ёзиш истаги азалдан борлигини баён этар экан, бир канча “соҳиб назар” ҳамфикр дўстлари туркий тилда бу мавзудаги дostonни назмда ёзишга илҳомлантирадилар.

“Қиссайи Юсуф” ва “Юсуф ва Зулайҳо” дostonларидаги ўзига хосликлар. “Қиссайи Юсуф” ва “Юсуф ва Зулайҳо” дostonларидан маълум бўладики, Мусонинг “Ибтидо” китобидан

бошлаб асосий сюжет биридан иккинчисига ўтиб келаверган. Аини пайтда дoston ижодкорлари мавзуга ижодий ёндошиб, такрорланмас лавхаларни яратдилар. Жумладан, Кул Алининг “Қиссайи Юсуф”ида Зулайҳо ва аёллар ўтирган уйга Юсуф кириб келганда, сабзи тўғраётган аёллар Юсуфнинг хуснини кўриб, унга шунчалик махлиё бўлиб коладиларки, ҳатто сабзи ўрнига бармоқларини тўғраганларини сезмайдилар. Шу сюжет Абдурахмон Жомийнинг форс тилидаги достонида бор ва Огахий бу дostonни ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган.

Ўзбекча “Юсуф ва Зулайҳо”да шу лавҳа йўқ.

Ўзбекча дostonда акалари Юсуфнинг кийимини эчки қонига бўяб, оталари Ёқубга, укамизни бўри еди, деб ёлгон хабар етказганларида, бўри тилга киради ва “Юсуфни мен емадим, фақат манови осий ўғилларинг ушлаб, оғзимга қон суртдилар ва менга тухмат қилдилар”, деб Ёқубга бор воқеани айтади. Бўри мана шу ўлкага инисини асир қилиб олиб келганларини, инисини қидариб юрганини ҳикоя қилиб беради.

Курд шоири Салим Сулаймоннинг “Юсуф ва Зулайҳо”дostonида бу лавҳа бир оз кенгрок, аини пайтда таъсирчан бўёқларда берилган: Ёқубга ўғиллари шундай деб хабар келтирадилар: “Биз тоғда сайр қилиб юрганимизда, Юсуф бизга кулоқ солмади, биз уни назорат қила олмай қолдик. Оқибатда уни бўрилар еб кетди”. Ёқуб ўғилларига: “Ёлгон гапирманглар, қандай қилиб бунақа ҳодиса юз бериши мумкин?! Қани, менга исботлаб, тушунтириб беринглар-чи!” деб ўғилларига фарёд қилганда, ўғиллари холи жойга бориб, қўйни бўғизлайдилар ва унинг қонига Юсуфнинг қўйлагини бўяб, отасига олиб келадилар. Ёқуб кўрсаки, Юсуфнинг қўйлақлари қон. Унинг кўзлари косасидан чиккудай бўлиб, даҳшатдан қотиб қолади. Унинг фарёди бутун Қалъон юртига эшитилади. Шундан кейин Ёқуб битта бўрига: “Нимага менинг Юсуфимни тилка-пора қилдинг?” деб сўраганда, бўри тилга кириб, Ёқубга айтади: “Фарёд қилаверма! Мени қўйиб юбор. Мен бориб ҳамма бўриларни йиғиб келаман, Юсуфни биз емаганимизга улар гувоҳ бўладилар”. Бўри нолаю фиғон билан увиллайди, ҳамма бўрилар йиғилишиб келади ва Юсуфни биз емадик, деб Ёқубга гувоҳлик берадилар.

Мана шу лавҳа Кул Алининг дostonида йўқ.

Ўзбек тилидаги “Юсуф ва Зулайхо” достонининг бадиияти юксак, шоир ўз даврининг етук ижодкори эканини кўрсатадиган далиллар кўп. Ҳар бир образга оид таъриф-тавсифлар китобхоннинг диққатини алоҳида жалб қилади. Жумладан, Ёқубнинг ўнта ўғли Юсуфни Канъон ташқарисига сайрга олиб чиқмоқчи бўлиб Ёқубдан ижозат сўрайдилар. Ёқуб Юсуфни “дунёда кўрар кўзим, у йўқолиб қолса, мен нима қиламан” дея, ижозат бермайди. Охири, ўғиллари оталарини кўндиргач, Ёқуб Юсуфни ўғилларига топширади. Ўғиллари ҳам Юсуфдан доим кўз-қулок бўлиб, бирон хавф-хатарда қолдирмаймиз, деган маънода “Юсуф эрур борчаға кўз узра кўз” иборасини ишлатади.

Достондаги “дунёда кўрар кўзум” ибораси – муаллифнинг қадимги туркий тилдан анъанавий равишда ўғиб келган иборани айнан сақлаб қолганини кўрсатади. Турк хоқони Билга хоқон иниси Кул тигинга нисбатан “кўрар кўзум” иборасини ишлатган эди. Достон муаллифи ўша иборани қўллаб, Юсуфнинг Ёқуб учун тенги йўқ кадрли эканига ишора қилган. “Кўз узра кўз” ибораси ҳам ўзбек тилидаги “кўз-қулок бўлиб турмоқ” маъносига иборага ўхшаш, шу иборанинг эквиваленти. Шоир “кўз узра кўз” иборасини қўллаш орқали Юсуфнинг, бир томондан, тенгсиз гўзал эканини, иккинчи томондан, ўғиллар Ёқубга берган ваъдаларига содиқ эканликларини кўрсатмоқчи бўлган.

Шоир бу анъанавий сюжет асосида шунчаки маълум воқеаларни баён қилишдан қочади. Китобхон кўз ўнгидан манзаралар пайдо қилишга уста, гўё воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, воқеаларнинг иштирокчиси бўлгандай. Акаларнинг Юсуфга нисбатан ёвузликларини шоир қаламга олар экан, акаларнинг ёвузлигини ўзларининг тилидан фош қилади. Юсуфнинг иложсиз, ночор аҳволда қолгани ҳақидаги мисраларни китобхон ўқиганда, беихтиёр ўзи ҳам Юсуфнинг аҳволига тушиб қолгандай ҳис қилади:

Ҳар бири занбур киби урди ниш,
Бўлди онинг гул бадани жумла реш.

Ҳар бири ташлоди анга мушту лагад,
Яъинки Яъқуб сени дер валад.

Ҳар бирига сиғиниб элтур паноҳ,
Йўқ эди Юсуфқа киши узроҳ.

Бўлди анинг гул танидин хун равон,
Нолау зори қилур эрди фиғон.

Йўқ эди фарёдина фарёдрас,
Куйди анинг ноласидия хору хас...

Достонда туш ва кураш мотивлари. “Қиссайи Юсуф” ва “Юсуф ва Зулайҳо” достонларида ҳам воқеалар Юсуфга боғланади, у достоннинг бош қаҳрамони, достоннинг барча қаҳрамонлари ҳам Юсуф образига боғланган. Шундай бўлса-да, образлар тизимида алоҳида ўзига хосликлар бор. Достон образлари ё анъанавий тарзда воқеалар давомида Юсуф образига келиб туташади ёки муаллиф ўша қаҳрамонни атайлаб олдиндан тайёрлайди. Жумладан, ҳар иккала достондаги Малики Тожир образида айна ана шу ўзига хосликни кузатиш мумкин. Кул Али достонида Малики Тожир Мусонинг “Ибтидо” китобидаги воқеалар билан ўхшаш, яъни Кул Али анъанавий сюжетга таянади. “Ибтидо”да Малики Тожир ўрнида исмоилий савдогарлари бор. Ўзбек тилидаги “Юсуф ва Зулайҳо” достонида эса муаллиф Юсуфнинг келажагини олдиндан белгилайди ва достонга туш мотивини олиб қиради. Бу мотив достонда муҳим вазифа бажариб, асосий мақсадни – бош қаҳрамон Юсуфнинг келажак тақдирини белгилашга хизмат қилади. Муаллиф достонга энг қулай ва китобхонга таниш бўлган усулни – халқ оғзаки ижоди деталини олиб кирган. Шунингдек, Юсуф билан Зулайҳо бир-бирларини тушларида кўриб севиб қолганлари (Кул Алида фақат Зулайҳо Юсуфни тушида кўради)да ҳам бу мотивнинг вазифаси янада ойдинлашади. Туш мотиви достон сюжетига ҳал қилувчи восита сифатида фаолият кўрсатиб, эпик мотивга асос бўлади ва достоннинг дунёвий ишк мавзусида яратилишига хизмат қилади.

Достон сўнгида кураш мотиви бор. Юсуфнинг ўгли Мешом Яхудо, Шамъун ва бошқа ака-укалар билан яккама-якка олишади. Халқ оғзаки ижодидаги анъанавий мотивлардан “Юсуф ва Зулайҳо” муаллифи унумли фойдаланибгина қолмай, муаллиф сюжетнинг тармоқланиши ва кенгайиши учун асосий омил сифатида бир неча

мотивни дostonга олиб кирган. Зотан, мотивлар мажмуи сюжетни ҳосил қилган¹⁶³. Барча мотивлар “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи муаллифининг позициясини белгилайди. Муаллиф дostonни дунёвий ишк мавзусида яратишни мақсад қилиб қўйган. Юкоридаги мотивлар дostonга қаҳрамонлик мотивлари кириб келишига ҳам замин бўлган. Шу мотивлар туфайли дoston дунёвий севгини куйловчи асар сифатида ўзбек адабиёти тарихидан алоҳида ўрин олди.

Кул Алининг “Қиссайи Юсуф” дostonи сюжетининг ниҳояси эса тамомила ўзгача: воқеа романтик тасвир билан яқунланади, бундай тасвир Юсуфнинг табиатидан келиб чиққан ҳолда яратилган. Юсуф Кул Алининг дostonида ҳамма ўринда итоаткор, у кул, қулларнинг табиатига хос итоаткорлик дostonга қаҳрамонлик ёки кураш мотивларини олиб киришга йўл қўймайди. Юсуфда акаларига нисбатан душманлик кайфияти йўқ. Қисса сўнгидаги сарой деворидаги санъат асарлари тасвири ана шу кайфиятга барҳам берган.

“Қиссайи Юсуф” ва “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи воқеаларидаги юкоридагидай айрим фарқлар, шубҳасиз, географик шароит, адабий муҳитнинг маълум даражада изга тушгани ва адабий алоқалар, ижодкорларнинг ўз даври жамиятидаги ижтимоий воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатига ҳам боғлиқ.

Салим Сулаймоннинг “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи. Дostonнинг фольклор вариантлари. Умуман олганда, дунё халқларида тарқалган “Қиссайи Юсуф” ҳамда “Юсуф ва Зулайҳо” дostonлари, гарчи бир сюжетта асосланган бўлса ҳам, бир қолипда яратилган эмас. Ижодкорлар бу мавзуга мурожаат этар эканлар, халқ оғзаки ижоди мотивларини олиб кириб, китобхон дидига яқинлаштиришга ҳаракат қилганлар. Ҳатто айрим халқларда дoston сюжети шунчалик оммалашганки, ёзма адабиётдаги “Юсуф ва Зулайҳо” дostonлари асосида халқ оғзаки ижоди вариантлари ҳам пайдо бўлди. Жумладан, курд халқида “Юсуф ва Зулайҳо” дostonларининг фольклор вариантлари бунинг бир намунасиدير.

XVI асрда яшаган курд шоири Салим Сулаймоннинг “Юсуф ва Зулайҳо” дostonини қисқартириш (ҳамд ва наътни, қаҳрамонларнинг ташқи кифоаси ва ички кечинмалари тасвирини

¹⁶³ Қаранг: Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: 1989. 301-бет.

тушириб қолдириш) орқали бу дostonнинг ўн иккита фольклор варианты яратилган¹⁶⁹. Ҳар бир варианты тахминан бир эртак ҳажмига тенг келади. Аммо асосий сюжет линиялари – акаларнинг Юсуфга ҳасади ва Юсуфни ўлдириш нияти, Юсуфнинг кудукқа ташланиши ва ҳ. воқеалар деярли ҳамма фольклор вариантларида бор.

“Юсуф ва Зулайҳо” дostonининг фольклор вариантдан, қолаверса, ўзбек тилидаги “Юсуф ва Зулайҳо”ни муаллиф халқ тилида яратганидан ва фольклор мотивларидан унумли фойдаланганидан маълум бўладики, кенг халқ оммаси учун бу дoston том маънодаги ишқ дostonи бўлган.

Савол ва топшириқлар

1. “Қиссайи Юсуф” ва “Юсуф ва Зулайҳо” дostonларининг илдизи қаерга бориб такалади?

2. Кул Алининг “Қиссайи Юсуф” дostonи қачон ва қаерда яратилган?

3. Бу асарнинг пайдо бўлишига қайси мутасаввуфнинг хикматлари таъсир кўрсатган? Мисоллар билан тушунтириб беринг.

4. “Қиссайи Юсуф”нинг мазмунини айтиб беринг.

5. Дурбекка нисбат берилаётган “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи қайси давр воқеаларини акс эттириш билан бошланади?

6. Дostonнинг қисқача мазмунини сўзлаб беринг.

7. Кул Алининг “Қиссайи Юсуф”и билан “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи ўртасида қандай фарқлар бор?

8. Дostonнинг қисқача мазмунини сўзлаб беринг.

9. Курд шоири Салим Сулаймоннинг “Юсуф ва Зулайҳо” дostonи ва курд халқ оғзаки ижодида “Юсуф ва Зулайҳо” дostonининг фольклор вариантлари ҳақида қисқача маълумот беринг.

¹⁶⁹ Руденко М.Б. Юқоридаги асар, 54-бет.

ҲАЙДАР ХОРАЗМИЙ ИЖОДИ

Режа:

1. Шоир ҳақида турли манбалардаги маълумотлар.
2. Низомийнинг “Махзан ул-асрор” достони ва унинг тузилиши ҳақида.
3. “Нўширавон ва унинг вазири ҳикояти” мазмуни.
4. Хоразмийнинг “Махзан ул-асрор” достони тузилиши.
5. Достонда сўз ва унга юкланган вазифалар.
6. Султон Искандар мадҳи.
7. “Бўз тўқувчи кампир ва баззоз ҳикояти”.
8. “Ҳотам Той ҳикояти”.
9. “Маҳмуд Ғазнавий ҳақида ҳикоят” мазмуни ва унда кўтарилган масалалар.
10. “Гул ва Наврўз” достони ҳақида.
11. “Гул ва Наврўз” достонининг қисқача мазмуни.

Таянч сўз ва иборалар: *шуаро, «Махзанул-асрор» асари, достон, ҳамд, наът, ҳикоят, мақолот, байт, ривоят, оқиллар ва орифлар.*

Шоир ҳақида турли манбалардаги маълумотлар. Ҳайдар Хоразмий XIV асрнинг охири – XV аср бошларида яшаб ижод этган. Навоийнинг «Муҳокамат-ул-луғатайн»ида бу шоир ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: «Шоҳруҳ султон замонининг охиригача турк тили билан шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг авлод ва ахфодидин ҳам хуштабъ салотине зухурға келди; шуаро Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атойи ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Ғадойидеклар...» (Навоий. МАТ. 16-жилд, 36-б.). Давлатшоҳ Самарқандий (XVI аср) “Тазкират-уш-шуаро” асарида Ҳайдар Хоразмий тўғрисида қуйидагиларни зикр этади: “Султон Искандар хукмронлигида фозил кишилардан Мавлоно Муиниддин Натанзий ва Мавлоно Ҳайдарлар бор экан. Мавлоно Ҳайдарнинг туркий ва форсий тилларда битган яхши шеърлари бор ва у Низомийнинг «Махзанул-асрор»ига ўзбек тилида жавоб ёзиб, уни шаҳзода Искандар отига бағишлади”. Дарҳақиқат, Ҳайдар Хоразмийнинг «Махзанул-асрор» асари Низомийнинг “Махзанул-асрор” асаридан

илҳомланиб ёзилган. Хоразмий ўз асарининг назм этилиш сабаби тўғрисида хабар берганда, Низомийдан илҳомланганини ёзади:

Улфат ила беги уланди алиф,
Вукусидин қофия топти радиф.
«Махзани асрор» - бу рамз эрди, бил,
Нотика бу кўзгудин ўгранди тил.

Ҳайдар Хоразмий Амир Темурнинг набираси Искандар Мирзо (Умаршайхнинг ўғли) ҳукмронлиги даврида (XIV асрнинг бошлари) яшаб ижод этди. Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг VII мажлисида Амир Темурнинг шеърятга алоқадор авлодлари ҳақида маълумот бериб ўтар экан, Султон Искандар Шерозий Амир Темурга набира эканини, етти ё саккиз йил ҳукронлик қилганини баён қилиб, Ҳайдар Хоразмийни ҳам тилга олиб ўтади: “Мавлон Ҳайдар туркигўй анинг (Искандар Мирзонинг – Н.Р.) модихи экандур. Бу анинг маснавийсидиндурким:

Ҳиммат илидур – яди байзо¹⁷⁰ деган,
Эр нафасидур – дами Исо деган”.

Шундан кейин Навоий Султон Искандарни таъби назм бор эканини айтиб, унинг бир туюғини келтириб, туркона эканини таъкидлайди:

Тўлун ойга нисбат эттим ёруми,
Ул хижолатдин кам ўлди ёруми.
Тори мўюнгнинг закотин мен берай,
Ё Мисрни ё Ҳалабни ё Руми
(Навоий. МАТ, 13-том, 115-б.).

Бу туюқдан ва Навоийнинг Искандар Мирзога берган таърифидан маълум бўладики, Ҳайдар Хоразмий Искандар Мирзони “ҳимматли”, “порлоқ”, “Исо нафасли” деб таъриф берар экан, фақат унинг химоясида яшагани учунгина эмас, балки Искандар Мирзо истеъдодли шоир бўлгани учун ҳам уни мадҳ қилади.

¹⁷⁰ яди байзо – 1. Порлоқ қўл, порлаган қўл.

Низомийнинг “Махзан ул-асрор” достони ва унинг тузилиши ҳақида. Ҳайдар Хоразмий “Махзан ул-асрор” достонини Низомийнинг “Махзан ул-асрор” достонига жавоб тарзида ёзган. Шу боис Низомийнинг “Махзан ул-асрор” достони ҳақида қисқача маълумот бериб ўтиш мақсадга мувофиқ. Низомийнинг мазкур достони фалсафий-дидактик дoston бўлиб, милодий 1170 йили ёзилган. Бу дoston Низомий “Ҳамса”сининг биринчи китобидир.

Достоннинг кириш қисмида ҳамд – Оллоҳнинг ягоналиги ва унга муножот, наът – пайғамбарнинг таърифи ва унинг меърожи, ундан сўнг яна тўртта наът, Довуд ўғли Малик Фахриддин Баҳром шoҳнинг таърифи ва унга таъзим, бу китобнинг тузилиши, сўз фазилати ҳақида, назмнинг насрдан устунлиги ҳақида, кўнгил ва унинг парвариши ҳақида биринчи хилват, биринчи хилватнинг самараси, иккинчи хилват ва иккинчи хилватнинг самараси каби 18 бобдан иборат. Достоннинг Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол қилган таржимаси 2264 байтни ташкил қилади.

“Нўширавон ва унинг вазири ҳикояти” мазмуни. “Махзан ул-асрор”нинг асоси 20 мақолотда ўз ифодасини топган. Муаллиф ҳар бир мақолотда маълум бир ижтимоий ёки сиёсий, ахлоқий ёки таълимий ё фалсафий масалани кўяди. Низомий мақолотларда илгари сурмоқчи бўлган муаммони ҳикоя қилишдан аввал мавзуга оид байтлар келтиради. Бу байтларда мақолотда ҳикоя қилишни режалаштирган воқеанинг мавзусини баён қилади. Шоирнинг бу байтлари кенг оммага қаратилган ўғитлардир. Байтлардан сўнг Низомий тарихдан, халқ ривоятларидан, ҳаётдан олинган кичик ҳажмдаги ҳикоятларни келтириб, илгари сурмоқчи бўлган ғояни янада ойдинлаштиради. Мисол учун, унинг “Нўширавон ва унинг вазири ҳикояти”га эътибор бeraйлик. Бу ҳикоят иккинчи мақолат таркиби қиради.

Низомий ҳикоятни келтиришдан аввал 43 байтдан иборат “Инсоф, адолат ҳимоясида шоҳга панду насиҳат” номли парчани келтиради. Бу пандда адолат шоҳ учун маёқ, шоҳликнинг таянчи, адолат туфайли шоҳнинг давлати барқарорлиги ҳақида шоҳга насиҳат қилади. Шоҳга, ҳамманинг олдида худди тупроқдай хокисор, худди ел сингари қўлида ҳеч вақоси йўқ бир банда бўлгин, дея ўғит бeraди. Кейин ҳикоятни келтиради. Ҳикоятнинг мазмуни куйидагича:

Бир куни Нўширавон вазири билан бирга овга чиқибди. Улар бир хароб кишлокқа бориб қолибдилар. Шу пайтда икки қуш дарахт устида тинимсиз сайраётган экан. Қушларнинг сайраши подшоҳга ёқмабди. Шоҳ вазиридан сўрабди: “Бу қушлар нимага шовкин-сурон қиляпти? Улар нималар деяпти?” Вазир шоҳга шундай давоб берибди: “Эй шаҳаншоҳ! Бу сирни сизга айтай. Улар сайрамаяпти, балки беҳудага бир-бири билан тортишяпти. Иккови тўйнинг можаросини қиляпти. Бири иккинчисига қизини беряпти экан, шунга сут пулини тезда бер, деб талаб қиляпти: “Мана шу вайроналарни шу тундаёқ берасан. Қолганини қачон берасан?” деб биринчиси сўраяпти. Иккинчиси эса шундай жавоб беряпти: “Асло ғам ема, агар шоҳимиз ана шу одам бўлиб турса, қалин кўп бўлади. Унинг зулмидан ҳамма ёқ вайрон бўлиб кетган, мен сенга юз минглаб вайроналарни бераман”.

Шоҳ бу гапларни эшитиб, кўнгли вайрон бўлибди, нолаю фйгон қилибди. У бошига муштлабди. Халққа қилган ситамининг охири мана шундай оқибатларга олиб келганидан қаттиқ ўкинибди. Ҳатто қушлар ҳам унинг жабридан азоб чекаётганидан, мамлакатни бойқушлар маконига айлантириб қўйибман-да, дея кўп афсуслар қилибди. “Оқибатини ўйламай, одамларнинг молини зўрлик билан тортиб олдим. Аммо бир кунмас-бир кун бу зўравонлигимнинг оқибати бошимга етиши мумкин-ку! Худо менга мулк берди, мен эса халққа шунчалик жафо қилибман-а! Халқ орасида номим қора бўлган экан. Эй Худойим, менга шарму ҳаё бергин! Ахир, қиёматда мен сўроқ-саволларда нима деб жавоб бераман?! Шунча ганжни қабримга олиб кетолмайман-ку! Сом, Фаридун қанча бойлигини олиб кетди экан?!”

Шу воқеадан кейин Нўширавон тавба қилиб, адолат йўлини маҳкам тутибди, у адолатли шоҳ деган номга муносиб бўлибди, унинг эзгу номи бутун дунё бўйлаб ёйилибди¹⁷¹.

Шу хикоятдан кейин Низомий яна адолатли бўлиш, Ҳақ сўзига амал қилиш тўғрисида ўғит беради ва иккинчи мақолот ниҳоясига етади.

¹⁷¹ Шайх Низомий Ганжавий. Махзан ул-асрор (Сирлар хазинаси). Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси, 2016, 110-б.

Низомий ўз даврнинг буюк мутафаккири экани кейинги хикоятларда янада яққол намоён бўлади. Шоир адолат, золим подшоҳлардан шикоят, меҳнатнинг фойдаси, одамларга яхшилик қилиш, қийинчиликлардан қўрқмаслик, рашк ва ҳасаднинг зарари, саховатнинг фойдаси ва бахилликнинг оқибати каби ҳаётий масалаларга алоҳида ургу қаратади, хикоятларида даврнинг муҳим ижтимоий масалаларини кўтаради.

Низомийнинг мазкур достони Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонига ҳам катта таъсир кўрсатди. Низомийнинг достонига эса XI асрнинг охири – XII асрнинг бошларида яшаб ижод этган форс шоири Абдулмажид Маждуд ибн Одам Санойининг “Ҳадиқат ул-хақойиқ” достони таъсири бор (*Ўзбек адабиёти тарихи. Беш йилдлик. 1977, 115-б.*).

Хоразмийнинг “Махзан ул-асрор” достони тузилиши. Ҳайдар Хоразмийнинг “Махзан ул-асрор” достони ўзбек тилидаги ахлокий-фалсафий дostonчиликнинг йирик намунасидир. Асар тахминан 1409-1414 йиллар оралиғида ёзилган.

Ҳайдар Хоразмий бу достони билан ўзбек адабиётида хикоят жанри тараққиётига катта улуш қўшди. Жумладан, Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”, Сайфи Саройининг “Гулистони бит-туркий” асарларидаги шеърӣй ва насрий хикоят жанрини Хоразмийнинг хикоятлари мавзу ва ғоя жиҳатидан бойитди. Зотан, Хоразмий хикоятларининг ҳаммаси, худди Низомий хикоятлари каби, дидактик мазмундадир. У хикоятлардаги дидактик мазмунни янада такомиллаштирди. Дидактик жанрни ўз даврнинг ижтимоий ҳаёти билан боғлади.

Низомийнинг “Махзун ул-асрор” достонига кўтарилган масалалар мазмунан Ҳайдар Хоразмийнинг “Махзан ул-асрор” асарида давом этади. Шуниси диққатга сазоворки, Хоразмий ҳар бир хикоятга мустақил, такрорланмас асар сифатида ғоя юклайди. Хоразмий ўз асарида Низомий Ганжавийни ҳурмат билан тилга олади, унга сўз ганжининг подшоҳи сифатида юксак таъриф беради. Ҳайдар Хоразмийнинг “Махзун ул-асрор”и Низомийнинг асаридан ҳажман анча кичик бўлиб, 639 байтдан иборат маснавийдир.

Достонда сўз ва унга юкланган вазифалар. “Сўз таърифининг баёни” бобида муаллиф инсон тили сўзни ёзишга асос бўлгани, яъни сўзнинг инсоният сингари қадимий эканига, сўз гавҳарини

билгувчи зот ҳаммадан устун эканини мадҳ қилиб, муҳарраф санъатини қўллайди:

Нукта билан нукта топиб интизож,
Қўйди алиф фаркина шоҳона тож.

Тушгач алиф коматининг сояси,
Топти ҳам ул сояни ҳам сояси.

Тож зилли, нукта алиф зиллини,
Исми алиф, наъти алиф ломини.

Шоир сўзнинг қудратига баҳо бериб, оқиллар ва орифларнинг сўздан фойдаланиш мақсадига тўхталади: оқиллар – сўзларни тизиб, маънили маъно, ифода пайдо қилади. Орифлар эса сўзлаганда ўша сўзларда ўзларини намоён қиладилар, сўзда ифодаланган туб моҳиятга эътибор берадилар. Маъно ва моҳият биргаликда қудратга эга бўлади.

Хоразмий оқиллар ва орифларнинг сўзга муносабатини, ҳар иккала тоифанинг сўз қийматини баҳолашда қайси нуктаи назардан карашини алоҳида таъкидлайди. Шоир оқилларга нисбатан “аҳли назар”, орифларга нисбатан “нури басар” ибораларини қўллар экан, улар зоҳирий ва ботиний илмга эришган, бу илмларни ўзларида намоён этган зотлар эканлигига ишора қилади:

Аҳли назар шевасини сўз била,
Нури басар мевасини кўз била.

Сўз кўзидур улки кўрар ҳолни,
Ўз сўзидур улки сўрар колни.

Сўзда кўзу сўзлагучида назар,
Йўк эса сўз кизлагучида хабар.

Зохиру ботин хабари сўздадур,
Ўзгада йўк, ҳар неки бор ўздадур.

Бу ўринда “ҳол”, “қол” сўзлари остидаги тушунчалар юқоридаги “аҳли назар” ва “нури басар” ибораларини тўлдириб келади. Зотан, “ҳол” аҳли – нури басарлардир, уларнинг тасаввурлари илоҳий жамолни мушоҳада қила бошлайди, улар тили билан эмас, дили билан сўзлай бошлайди (*Комилов Н. Юқоридаги асар, 30-б.*). Айни пайтда “қол” аҳли - аҳли назарлардир. Улар зоҳирий илмлар, жумладан, шариат илми соҳибларидир. Зоҳир ҳам, ботин ҳам сўзда ифода топишига Хоразмий алоҳида урғу беришни мақсад қилиб қўйган.

Хоразмий, кимматли умр ўтиб кетади, сўз – дурдир, сўз дунёда зурриёт каби қолади, деб бу бобни тугатар экан, ўз асарининг мазмун-моҳиятини алоҳида таъкидлаётгандай бўлади.

“Мусаннифнинг васфи ҳоли” бобида шоир олдинги бобдаги маҳзун кайфиятни давом эттиради. Хоразмийнинг маҳзун кайфиятига сабаб – ғам билан ошно бўлганида, улфати ва ҳамсухбати ғам эканлигида. Шу боис унинг кўз ёшидан – бода, бағридан – кабоб, юрак дардидан – нуқл (газак), фиғонидан – рубоб куйи яралган ва кейинги байтларда ҳам шу руҳ давом этган.

Аммо Хоразмий шу кайфият билан чекланиб қолмайди. Унинг ўнгит ва насихатлари маҳзун кайфиятига ҳамоҳанг эмас. Бу кайфиятдан мақсад – “мўъжизатек сўз” ёки “англагутек кўз” орқали илоҳий сирларни англашга даъват қилишдир. Қуйидаги байт бу мақсадни янада очикроқ ифода этади:

Сўзда керак маънию маънида завқ,
Сўзлагувчида сўз учун дарду шавк.

Сўздаги маъни – ишкнинг моҳияти, маънидаги завқ – илоҳий муҳаббатдан завқу сурурга тўлишдир, дарду шавк - ишкнинг алангаланиши ва ошкнинг риёзатидир. Буларнинг манбаи эса сўздир.

Султон Искандар мадҳи. Шу бобнинг охирида Султон Искандар Шерозий мадҳ қилинади – унинг Искандару Дородай буюк шоҳ, соҳиб карам, унинг адолатидан дунё ҳам, дину диёнат ҳам фахрланади, илмда ҳақиқат, шариат ва тариқат рукнларини чуқур эгаллаган, сийрати ва суврати бирдай гўзал, худди Рустами Достондай қилич тортади ва ҳ. Бу парча қасида жанрига мансуб

бўлиб, алоҳида боб сифатида берилмаган бўлса ҳам, жанр нуктаи назаридан бобнинг олдинги қисмидан тамомила фарқ қилади.

“Китоб ёзилишининг баёни” бобида Хоразмий бу дostonини ёзишга бошлагани ва Искандар Мирзонинг кўп ҳиммат ва саховат кўрсатгани, Низомийдан баҳра олиб бу асарини ёзгани ҳақида сўз юритади.

“Бўз тўқувчи кампир ва баззоз ҳикояти”. “Мавъиза” (ўғит, насихат) бобида халқ ҳикматлари, мақолларидан, ҳаётий деталлардан фойдаланган ҳолда; ўқувчига ҳаётда тўғри бўлиш, тўғри ва ҳалол яшаш, Тангри берганига рози бўлиш, бойларга ҳасад қилмаслик, бошқаларга ёмонликни раво кўрмаслик, бирнинг устига ўрни кўйиб сотмаслик ва бошқа бир қатор мисолларни келтиради.

Бу мавъиза орқали Хоразмий “Бўз тўқувчи кампир ва баззоз ҳикояти”га замин ясади, ҳикоянинг асосий ғоясига, айтмқчи бўлган воқеага ишора қилади. Ҳикоятнинг мазмуни куйидагича:

Куфа шаҳрида илоҳий илмларни эгаллаган бир шайх бозорга борди. У юриб бориб, бир баззознинг дўкони каршисида ўтирди. Баззознинг дўкони асл моллар билан тўла эканини кўрди. Баззознинг бутун умри савдо билан ўтган эди. Шу пайт баззознинг олдига бир қари, аранг нафас олаётган, сўзлашга ҳам мадори йўқ, кўзларида ҳаёт учқуни сўнган кампир оёғини судраб келиб қолди. Кампир кўйнидан бир парча бўзни чиқариб баззозга узатаркан: “Мановини олгину баҳосини айтгин”, деди. Баззоз бўзни қўлига олиб, кампирга бир талай ёлғонни сўзлай кетди: “Бўзингизнинг момиги паст, иплари ҳам дағал экан. Тўн қилишга ҳам ярамайди, ювса ишдан чиқади. Бу матонгиздан кўйлак ҳам тикиб бўлмайди, тузукрок нархга арзимамайди”. Шундан кейин кампир дўкондор баззозга дардини тўкиб солди: “Эй соҳиб қарам хоҷам, бошинг омон бўлсин, бу дунёда асло ғам кўрмагин. Мен бир бечора тул аёлман, ожиз, бечораман. Жонимни жабборга бериб, икки ҳафта шу бўзни тўқидим. Бир нечта фарзандим йўлимга термилиб ўтирибдилар. Майли, нима десанг деявер, Худога солдим. Қанча баҳоласанг, бўпти, пулини бергин”. Баззоз ўлчагич газини олиб, матонинг бўйи-энидан ҳам уриб қолди ва кампирга бир-икки дирхам берди. Кампир оёғини аранг судраб босганича, уйига йўл олди. Шу пайт бўз сотиб олгани бир одам келиб, дўкондорга деди: “Эй хоҷам, менга шундай бўз керакки, бу дунёда ундан яхписи

бўлмасин. Майин, текис тўқилган бўлсин, ипида асло нуқсони бўлмасин”. Дўқондор баззоз қайси бўзни кўрсатса, харидор айбини топаверди. Шунда дўқондор: “Шошмай тулинг, ҳозир сизга шундай бўз берайинки, илгари бунақасини кўрмагансиз. Момиғи пилланинг толасидан ҳам майин, иплари ниҳоятда нозик”. Харидор бўзни кўргандан кейин, лол бўлиб қолди ва баҳосини сўради. Баззоз бўзни анча қиммат баҳога сотиб олиб, ўз йўлига кетди. Шунда Ҳақ йўлини тутган пир баззознинг олдига келиб деди: “Эй биродар, ижозат берсанг, дўқонингга кирай. Агар менга ўхшаганини истасанг, ер юзини қидириб тополмайсан. Менинг аъмолим зоҳирий ва ботиний илмлардир, ўзим бир мўъминман. Бу оламни қанча кездим, аммо сен сингари қомил авлиёни кўрмаган эдим. Ўша бўз матонинг момиғи, сенингча, равшан эмас, ипи нурсиз, мато худди бўйрага ўхшайди. Сен бўз матога бир назар солдинг-у энг нафис матодан ҳам аъло бўз эканини билган эдинг. Бўзнинг момиғи билан ипи бир хилда нафис, майин, бир текисда тўқилган эди”. Пирнинг бу гапларидан баззоз қаттиқ хижолат бўлди, муаммони бир ёқли қилишга жазм этди ва бу қилиғини тарқ этди.

Бу ҳикоятдан кейинги мавъиза ҳар қандай одамзодни инсофга қорлайди. Хоразмий Ҳақ йўлига кирган пирнинг баззозга берган нисихатини давом эттириб, хожа сингари ортигини истаган одамнинг пули тезлик билан қўлидан чиқиб кетади, савдода фойдани зиён билан барабар тутгин, дея насиҳат қилади. Айниқса, қуйидаги байтлари мазкур мавъизанинг энг диққатга сазовор байтларидир:

Хайр этагина узун тут қўлунг,
Мўру малахдин аяма сарқутинг.

Жомда шарбат нечақим бўлса кам,
Ерга тўқар журъани соҳиб қарам.

“Ҳотам Той ҳикояти”. “Ҳотам Той ҳикояти” юқоридаги ҳикоятнинг акси бўлиб, саҳийликни улуғлайди, инсон энг улуғ мавжудот эканини кўрсатади. Ҳикоятда айтилишича, араб мамлакатидан келаётган қарвон, йўлда озиқ-овқатдан қийналиб қолмайлик, деб ўйлаб, Ҳотам Той хонадонига тушдилар. Қарвон орасида бир тентак одам ҳам бор эди. У: “Эй Ҳотам, номинг

караминг туфайли оламга машхур бўлди, биз ҳам бугун сенга меҳмонмиз”, деди. У гапини тугатмаган ҳам эдики, карвоннинг семиз туяларидан бири хасталаниб қолди. Одамлар ҳалиги тентакка, сен меҳмонсан, тилингни тийсанг, яхши бўларди, деб танбех бердилар. Хуллас, Ҳотам туяни сўйиб, карвонни меҳмон қилди. Эрта тонгда карвон яна йўлга отланди. Шу пайт узокдан от чоптириб келаётган одамлар кўринди, улар бир туяни ҳам олиб келаётган эдилар. Бу туя кечаги туянинг айнан ўзи эди. Карвон бу аҳволни кўриб, отликлардан сўрадилар. Отликлар шундай жавоб бердилар: “Кечаги Ҳотам тушимизга кирибди, кўзлари ёшланган. У бизга айтдики, бугун меҳмонлар келган эди, мен улардан бир туя қарз олиб сўйиб, уларни меҳмон қилдим деди ва туянинг белгиларини сўзлади. Ҳотам бизга, тезроқ бўлинглар, карвон тонг отиши билан кетади, айнан уларнинг туясига ўхшаганини олиб келиб, карвонга етказинглар, дея бизни шоширди. Кечаги сўйиб еган туясидан уларга оғирлик келмасин, менга эса ҳалол бўлсин, деди”.

Ҳикоят қисқа бўлса-да, битта детал – Ҳотам Тойнинг саховатпешалигидан бир қиррасини ҳикоя қилиш орқали катта маънони чиқарган. Ҳикоятдан кейин келтирган биринчи маъвилада инсонни дирҳам эмас, саховат ва карам бой қилиши, одамнинг душмани – жиғилдони экани, одамни томоқ ташвиши хор қилиши, ортиқча еган одам қусиши ва унинг қусигидан итлар баҳраманд бўлиб, тўйиши ва б. қатор ахлокий-таълимий масалаларни илгари суради. Ҳикоятда айтилмаган, аммо инсон табиатида мавжуд кўз очлиги билан Ҳотамнинг сахийлиги бир-бирига зид қўйилган.

Иккинчи маъвилада Хоразмий фасафий масалаларни илгари суради. Молу давлат йиғишга ҳамма талабгор, аммо бойликни сарф қилиш улар учун ниҳоятда ўлимдан ҳам оғир; бу дунёда кўп қулиб, вақтини хуш ўтказган одам охирида юз минг марта йиғлайди; ақлнинг хузурида жаҳолатга ўрин йўқ бўлганидай, мол-дунёга ружуъ қўйган инсон манзили йўқ йўлда юрганга ўхшайди, бу билан эса инсон ўзини ўзи алдаган бўлади ва ҳ. Шу сингари бир-бирига боғлиқ, бири иккинчисини етаклаб келадиган иллатлар Хоразмийнинг фалсафий қарашлари шаклланишига асос бўлган. Инсон ўзини назорат қила олгандагина, юқоридагидай фалсафий муаммоларнинг сирларини англай билгандагина, ўзини ўзи мол-мулкка руҳан тобеликдан озод қилади.

“Маҳмуд Ғазнавий ҳақида ҳикоят” мазмуни ва унда кўтарилган масалалар. “Махзан ул-асрор”да Маҳмуд Ғазнавий ҳақида ҳам ҳикоят бор. Хоразмий бу ҳикоятда шоҳ Маҳмуддан кўра мискин пир маънавий жиҳатдан анча бой ва юксак эканини кўрсатган.

Маҳмуд Ғазнавий аъёнлари билан киш кунда овга чикди. Улар бир хароба кулба қаршисидан чиқиб қолдилар. Маҳмуд Ғазнавий харобага кириб, сочлари тўзиб кетган, ниҳоятда бадбашара бир пирни кўрди. У Маҳмудга эътибор бермади, “кел, ўтир” ёки “кет” деб айтмади. Пир ибодатини тугатгандан кейин, Маҳмуддан: “Отинг ким? Нима учун бу ерга келдинг? Бу ерга ҳеч ким келмас эди”, деб сўради. Маҳмуд ўзини таништирди. У пирга, бундай совуқ кунда бу ерда яшашигиз умрингизга зомин бўлади, сизга шаҳардан бирон гўша топиб берайин, деб айтди. Шунда пир:

Билки, бу йўл устида ўтгучимиз,

Айла келдук, яна кетгучибиз, -

дея жавоб бериб, шоҳга таъналар қилди: “Яратган мени ҳеч нарсага муҳтож қилмади. Сен эса муҳтожликда яшайсан, мен фақру фано давлатида бойман, агар сендан бирон нарса таъма қилсам, сендан баттар бўламан, ундан кўра, ризк илинжида дарбадар кезганим яхши. Қани айт-чи, мабодо ажал келиб қолса, давлатингни қайтара оласанми ёки ажалнимми?” Шоҳ пирнинг бу гапидан қаттиқ хафа бўлиб, унга, агар сенинг бошингга ажал келиб қолса-чи, сен нима қиласан, деб савол берганда

Пир табассум қилибон урди жўш,

Тўтиси учтию кафас қолди бўш.

Бу ҳикоятдан кейин келтирилган маъвизада пирнинг зоҳирий олами эмас, балки ботиний олами бой эканини кўрсатишни мақсад қилиб, “сурати вайронаю маъниси ганж” дея таърифлайди. Пир сингари ишққа доимий ҳамроҳ бўлган зотларнинг ҳамдамяю ҳамнафаси ҳам, отасию онаси ва ёри ҳам ишқ эканини таъкидлайди.

Ҳайдар Хоразмий “Махзан ул-асрор” асарини ёзишда халқ тили бойликларидан, халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланди. Гўзал ўхшатишлар топди. Масалан, “Мусаннифнинг васфи ҳоли” бобида шоир ўз юрагини ёниб турган шаъмга, турли ўй-хаёлларини шамъ тутунига, хаёлга чўмиб кимирламай ўтирган ҳолатини шамдон

остига кўйилган лаганга ўхшатади. Бу ҳолат эса шоирнинг ҳаёлотини бой эканига бир далилдир. Шу билан бирга, шаъм ва тутун тимсоллари орқали ўзининг ахлоқий ва фалсафий қарашларининг самарасига ишора қилади.

Образлар тизимининг тазод асосига қурилгани ҳам Ҳайдар Хоразмий ҳикоятларининг муҳим қирраларидан биридир. Ҳар бир ҳикоятда тазод санъати бор. Юқоридаги ҳикоятларда баззоз билан кампир, бепаросат одам билан Ҳотам Той, Маҳмуд Ғазнавий билан пир каби образлар тазоднинг бир намунаси.

“Махзан ул-асрор” дostonи арузнинг сарий баҳрида “мусаддаси матвийи макшуф” вазнида (муфтаилун муфтаилун фоилун) ёзилган.

Ҳайдар Хоразмий “Махзан ул-асрор” асарини яратиш билан ўзбек адабиётида шеърий ҳикоятнинг ривожига муносиб ҳисса қўшди. “Махзан ул-асрор”даги ҳикоятларда у фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалаларни илгари сурган. Унинг мазкур ҳикоятлари комил инсонни тарбиялашга хизмат қилади. Умуман, Ҳайдар Хоразмий бу асари билан узок тарихга эга бўлган фалсафий-дидактик дostonчиликнинг янги даврини бошлаб берди.

“Гул ва Наврўз” дostonи ҳақида. Ўзбек мумтоз адабиётида “Гул ва Наврўз” дostonи Лутфийники деган қарашлар узок йиллар давомида ҳукмрон бўлиб келган эди. Кейинги йилларда топилган манбалар ва тадқиқотлар натижасида бу дoston Ҳайдар Хоразмий асари экани маълум бўлди.

Шайх Аҳмад Худойдод Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида бир неча бор “Мавлоно Ҳайдар” таҳаллусини келтиради. У бир ўринда ташбеҳ (ат-ташбеҳ-ул-киноят) санъатига Мавлоно Ҳайдардан қуйидаги парчани келтиради:

Кумуш инжу қилиб гул япроғини реш,
Асал устинда ари чайқади неш.

Тонг отқунча аёқ тутмоқ, бош урмоқ,
Юзук ўйнамоқу бармоқ ёшурмоқ.

Балиқ бўғзидин оқти дурри маржон,
Садаф курсоғидин сачради маржон...

Бу байтлар Лутфийга нисбат бериб келинаётган “Гул ва Наврўз” дostonида айнан шу шаклда берилган (*Лутфий. Девон. Гул*

ва Наврӯз. Достон. Тошкент. Бадиий адабиёт нашриёти. 1965, 435-б.). Фақат нашрларда маржон сўзи ўрнига ҳар ён сўзи қўлланган.

Шунигингдек, Захириддин Муҳаммад Бобур “Аруз рисоласи” асарида Ҳайдари Туркийнинг “Гул ва Наврӯз” достони борлигини айтади ва ундан мисол келтиради. Мавлоно Ҳайдар, Ҳайдари Туркий – битта шахс, яъни Ҳайдар Хоразмийдир

“Гул ва Наврӯз” достони романтик достонлар туркумига киради. Достон ҳамд, наът, мадҳ, “Сабаби назми китоб” ва 120 бобдан иборат. Достон Искандар Мирзога бағишланган, деб айтилади. “Гул ва Наврӯз” достонининг охирида кўрсатилишича, у 814/ 1411-12 йилларда ёзилган.

“Гул ва Наврӯз” достонининг қисқача мазмуни. Навшод мамлакатининг шоҳи Фаррух бефарзанд эди. Ниҳоят, хотини юкли бўлиб, наврӯз куни ўғил туғди. Бола наврӯз куни туғилгани учун унинг исмини Наврӯз қўядилар. Наврӯз ақлли, кўп ҳунар эгаси, билимли бўлиб ўсади. Кунларнинг бирида Наврӯз дўстлари билан дунё гўзаллари ҳақида суҳбатлашиб ўтирган эди, қадаҳидаги майга қараб, ўзининг аксини кўриб, ўз гўзаллигига маҳлиё бўлиб қолади. Наврӯз ойна сўрайди. Унинг кўлига ойна берадилар, Наврӯз ойнадаги ўз аксига қараб, хушидан кетиб йиқилади. Шундан кейин Наврӯз тушида Фархор мамлакатининг маликаси Гулни кўради. Наврӯз Гулни қидириб топади. Аммо бу пайтда Гул Чин хоконига узатилаётган эди. Наврӯз Гул билан кочиб кетади. Улар кемада кетаётганларида денгизда бўрон кўтарилиб, кема ҳалокатга учрайди. Денгиз тўлкини Наврӯзни Яман мамлакатига олиб кетади. Гулни эса тўлқинлар Адан мамлақати томонга окизиб кетади. Гул тўфондан соғ-омон соҳилга қутулиб чиқади.

Гул денгиздан қутулиб чиққандан кейин Адан мамлақати чегарасига бориб қолади. Уни одамлар, Адан мамлақатига борадиган йўллар хатарли, деб огоҳлантирадилар. У йўлда арслонлар уя қурган ердан чиқиб қолади ва йиртқич арслонларни енгади.

Адан ва Яман мамлақатлари бир-бирига азалдан душман эдилар. Гул ниҳоятда тадбирли, жасур киз бўлгани учун, Адан ғаввосларини ваҳший ҳайвонлар ҳужумидан қутқариб қолади. Гулнинг кўрсатган жасоратларига Адан шоҳи Бадиъ қойил қолиб,

уни ўз кўшинига бош қилиб тайинлайди ва Яман давлатига қарши урушда фойдаланмоқчи бўлади. Яман шоҳи Рафиъ ҳам Наврўзни кўшинига лашкарбоши қилиб тайинлайди ва Яман давлати кўшинларига қарши жангга отлантиради. Икки давлат ўртасида жанг бошланади. Гул жанг олдида Яман томонга чопарлар юборади. Яман шоҳининг Баҳром деган лашкарбоши бор эди. Унинг «қонхўр» лақаби бор эди. У Наврўзга ҳасад қилиб юрарди. Шунинг учун биринчи бўлиб жанг майдонига чиқади. Жанг пайтида Баҳромни Гул қилич билан чошиб ташлайди. Шу пайт Наврўз наъра тортиб майдонга отилади. Икки саркарда яккама-якка олишувга тайёрланидилар. Олишув авжига чиққан пайтда Гул Наврўзни овозидан таниб қолади ва ҳушидан кетиб йиқилади. Ниқобдаги лашкарбоши Гул эканини Наврўз сезиб қолади ва қиличини улоқтириб, ўзини ерга отади.

Бу воқеадан кейин Яман ва Адан подшоҳлари урушни тўхтатадилар. Ҳар иккала мамлакат шоҳлари Гул билан Наврўзга қаттиқ боғланиб, уларга суяниб қоладилар. Шу орада фарзандларини юртма-юрт излаб юрган Наврўз билан Гулнинг оталари келиб қоладилар. Ҳар иккала севишган ёшлар қаерда яшашлари кераклиги тўғрисида ҳаммалари узоқ баҳслашадилар. Шунда Наврўзнинг отаси Фаррух баҳслашаётган шоҳларга мамлакатларни бирлаштириб, ҳамжихат бўлиб яшашни таклиф қилади. Хукмдорлар Фаррухнинг маслаҳатини қабул қилдилар. Фархор, Адан, Яман ва Навшод давлатлари бирлашади ва Наврўз шоҳ бўлади.

Достон мазмунидан кўриниб турибдики, халқ достонларидаги мотивлар — фарзандсизлик, туш ва сафар мотивлари мазкур достоннинг асосий сюжетини ташкил қилади.

XVII асрдан кейин яратилган романтик достонларнинг деярли ҳаммасида “Гул ва Наврўз” достонидаги мотивлар бор. Жумладан, Нишотийнинг “Ҳусну Дил” достонидаги сафар мотиви билан “Санобар” халқ китобидаги ва кўплаб халқ достонларидаги сафар мотиви ёки “Гул ва Наврўз”, Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достонидаги фарзандсизлик мотиви билан “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонидаги фарзандсизлик мотиви уйғунлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Далил сифатида шарқ халқлари достонларининг кўпида учрайдиган фарзандсизлик мотивига

эътибор қаратайлик: “Қиссаи Сайфулмулк”да шоҳ Осим фарзанд кўрмай, охири Худодан фарзанд сўраб ўғил кўради, ўглининг исмини Сайфулмулк кўяди; “Баҳром ва Гуландом” дostonида Рум мамлақати подшоҳи фарзанд кўрмай, охири Худонинг марҳамати билан фарзандли бўлади ва ўглининг исмини Баҳром кўяди. Бу воқеалар ҳар иккала дostonнинг бошида берилади, ҳар иккала дostonда сафар мотивига замин тайёрланади, Шунингдек, мазкур дostonлар “Гул ва Наврўз” дostonига бу жиҳатдан ҳамоҳанг. Сайфулмулк отаси ҳади қилган тўнда қизнинг суратини кўриб, ошиқ бўлиб қолади. Баҳром ҳам Гуландомнинг суратини кўриб ошиқ бўлади ва ҳ (*Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масаллари... 99-б.*). Шубҳасиз, бундай уйғунликлар романтик дostonларнинг халқ дostonлари заминда шаклланганини кўрсатади. Шу билан бирга, Шарқ адабиётини, жумладан, туркий халқлар дostonларида бу мотивлар асосида шаклланган дostonлар бир-биридан озикланган ва бир тизимни ҳосил қилган. Ўзбек адабиёти тарихида бу тизим айнан “Гул ва Наврўз” дostonидан бошланганини ҳам эътироф этиш керак.

“Гул ва Наврўз” дostonи 595 байтдан иборат бўлиб, Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» дostonи вазнида – арузнинг ҳазажи мусаддаси маҳбун баҳрида (*мафийлун мафойилун фаулун*) ёзилган.

Ўзбек тилидаги “Гул ва Наврўз” дostonи ёзилгунга қадар форс адабиётини шу номда иккита дoston ёзилган: бирининг муаллифи Хожа Кирмоний бўлиб, у Кирмон шахрида Музаффарийлар сулоласининг асосчиси ҳукмдор Муборизиддин Муҳаммад саройида (713/1313- 760/ 1359) яшаб ижод қилган; иккинчи дostonнинг муаллифи Жалолиддин Аҳмаддир (у моҳир шоир бўлиш билан бирга, табиб ҳам бўлган, шунинг учун Жалол Табиб деб ҳам айтилади).

“Гул ва Наврўз” дostonининг ҳозирча маълум бўлган қўлёзма нусхалари ўн битта бўлиб, улар Будапештда, Парижда, Венада, Истамбулда, Лондонда, Қозонда сақланади. Бу дostonларнинг танкидий матнини тайёрлаш ўзбек адабиётшунослари олдида турган келгусидаги вазифалардандир. Ана шунда дoston юзасидан бўлаётган мунозаралар, баҳслар ниҳоясига етади.

Савол ва топшириқлар

1. Ҳайдар Хоразмий ҳақида қайси манбаларда маълумотлар бор? Шарҳлаб беринг.
2. Низомийнинг “Махзан ул-асрор” достони тузилишини айтиб беринг.
3. Низомий достонидаги “Нўширавон ва унинг вазири ҳикояти” мазмунини сўзланг.
4. Ҳайдар Хоразмийнинг “Махзун ул-асрор”ида қандай масалалар кўтарилган?
5. Хоразмий оқиллар ва орифларга нисбатан қандай ибораларни ишлатади? Ўша ибораларни шарҳланг.
6. “Бўз тўқувчи кампир ва баззоз ҳикояти” мазмунини сўзлаб беринг.
7. “Ҳотам Той ҳикояти” мазмунини сўзлаб беринг.
8. “Маҳмуд Ғазнавий ҳақида ҳикоят”да қандай масалалар кўтарилган?

ЛУТФИЙ (1366-1465)

Режа:

1. Лутфийнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни
2. Лутфий ижодининг жанрлар таснифи, ғазаллари мазмуни.
3. Лутфийнинг рубоий ва туюқлари.
4. Лутфий ижодида фард ва халқ оғзаки ижоди жанрлари.
5. Лутфий – мутасаввуф
6. Лутфий темурий шахзодалар ҳомийлигида.

Таянч сўз ва иборалар: *малик ул-калом, тарихий ва илмий манбалар, шеър, девон, матлаъа, маснавий, сулук, татаббуъ, қасида, ғазал.*

Лутфийнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни. Лутфий XIV асрнинг охири – XV асрнинг ўрталарида яшаб ижод қилди. Мавлоно Лутфий ўз замондошлари орасида “малик ул-калом” (Алишер Навоий таърифи), “сўз лутфида ягонаи даврон” (Хондамир таърифи) шоир сифатида шуҳрат қозонди. Унинг бизгача етиб келган асарлари тарихий ва илмий манбаларда Лутфий тахаллуси билан берилган. Мавлоно Лутфий туркий ва форс тилларида ижод қилди.

Алишер Навоий Мавлоно Лутфий ҳақида бир неча асариди тўхталади. Бу, шубҳасиз, Лутфий ижодининг жаҳоншумул мавқеи ва сермахсуллиги сабабидандир.

Шоирнинг ижоди жуда эрта бошланиб, умрининг сўнгги кунларигача ҳам ижод билан машғул бўлган. Манбаларда хабар берилишича, шоир “уфтад” радифли ғазалини 99 ёшида – вафот этган йили ёза бошлаган. Навоийнинг айтишича, Лутфий бу ғазалини тугата олмагани учун, уни давом эттириб тугатишни Абдурахмон Жомийга васият қилган. Жумладан, Навоий “Мажолис ун-нафоис” асариди Лутфий тўғрисида маълумот берганда, юкоридаги шеър ҳақида ҳам тўхталади: “Мавлоно Лутфий (алайҳиррахма) — ўз замонининг малик ул-каломи эрди, форсий ва туркийда назирини йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳурдур ва мутааззир ул-жавоб матлаъалари бор, ул жумладин бири будурким:

Нозуклук ичра белича йўк тори гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб, бели дин ўлтурур куйи.

Яна бири буким:

Сайд этти дилбарим мени ошуфта сочдин,
Солди каманд бўйнума икки кулочдин.

Ва Мавлононинг “Зафарнома” таржимасида ўн минг байтдин ортуқрок маснавийси бор, баёзга ёзмоғон учун шуҳрат тутмади ва лекин форсийда касидагўй устодлардин кўпининг мушкул шеърларига жавоб айтибтур ва яхши айтибтур. Тўқсон тўққиз яшади ва охир умрида радифи “офтоб” шеъри айттиким, замон шуароси барча татаббуъ қилдилар, ҳеч қайсиси матлаъни онча айта олмадилар ва ул матлаъ будурким:

Эй зи зулфи шаб мисолат сояпарвар офтоб,
Шоми зулфатро ба жон моҳ дар бар офтоб.
(Тунга ўхшаш зулфингдан қуёш (юзинг) сояпарвардир,
Тун каби зулфингда ой ўрнига қуёш чикқандир).

Ва ўтар вақтинда бу ғазал матлаинким, туганмайдур эрди, васият қилдиким, ҳазрати маҳдуми Нуран тугатиб, ўз девонларида битисунлар ва ул матлаъ будурким:

Гар кори дили ошиқ бо кофири Чин афтад,
Бех з-онки, ба бадхўи бемехри чунин афтад.

(Агар ошиқлар дилининг иши чин кофирга тушса, шу сингари бемехр, бадфълга тушгандан кўра яхшидир.)

Мавлоно йигитлигида улуми зоҳирийни такмил қилғондин сўнгра, Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбоний (алайҳирраҳма) қошида суфия тарийқида ҳам сулук қилғондур. Азиз ва мутабаррак киши эрди.

Бу фақир борасида кўп фотиҳалар ўқубтур. Умед улким, чун дарвеш киши эрди, баъзи мустажоб бўлмиш бўлғай.

Мавлононинг қабри шаҳр навоҳисида Деҳи Канордаким, ўз маскани эрди, андадурур” (*Алишер Навоий. МАТ, 13-том., 61-62-*

б.). Навоийнинг бу эътирофидан Лутфийнинг бутун ижоди, шахсияти, обрў-эътибори, таржимонлик маҳорати, эътиқоди ва бошқа қирралари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Шу ўринда айтиш керакки, Лутфийнинг "офтоб" радифли ғазалига замонасининг энг кучли шоирлари татаббу боғлаб, биронтаси ҳам Лутфий даражасида айта олмаган эканлар, Навоий ҳам унинг бу радифли ғазалига татаббуъ ёзганми деган савол туғилиши мумкин. Гарчи Навоий татаббуъ ёзгани ҳақида бирон тарихий маълумот сақланмаган бўлса ҳам, Навоийнинг "куёш" радифли ғазали Лутфийнинг "офтоб" радифли ғазалига татаббуъ деб эътироф этилади. Навоийнинг "куёш" радифли ғазали, худди Лутфийнинг юқорида келтирилган "офтоб" радифли ғазалининг матлаъи сингари арузнинг *рамали мусаммани мақсур* (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) вазнида ёзилган. Навоийнинг бу ғазали 9 байтдан иборат. Намуна сифатида ғазалининг матлаъини келтирамиз:

Шом ким тун пардасинда айлади¹⁷² ихфо куёш,
Парда олиб юздин ул ой айлади ифшо куёш.

Лутфийнинг "офтоб" радифли ғазалидан фақат матлаъси борлиги учун, шеърнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўлиқ хулоса чиқариш имкони йўқ. Аммо ўша икки байт матлаънинг ўзиданок Лутфийнинг ташбеҳлари - зулфнинг тунга ўхшатилиши ва ёр юзининг офтобга, яъни куёшга ўхшатилиши такрорланмас тимсол экани аён бўлиб турибди. Аммо куёш ёрнинг қора зулфи соясида қолиб кетган. Қолаверса, тунда куёш эмас, ой чиқиши табиий ҳол, аммо ёрнинг қора зулфи – тун орасида ой эмас, куёш – ёрнинг юзи чараклаб турибди. Ёрнинг куёшмисол юзи ой ўрнига тунни ёритиб, хар томонга нур сочиб турибди. Лутфийнинг байти мазмуни шунақа.

Энди Навоийнинг "куёш" радифли ғазалининг матлаъи мазмунига эътибор берайлик. Байтнинг мазмуни куйидагича: шом (яъни ёрнинг қора сочи ранги) тун пардаси (қора соч) ортига куёшни (ёрнинг юзини) яширди, ой юзли дилбар юзидан пардасини олиб куёшни фож килди, куёш ёрнинг юзи олдида нурсиз эди.

¹⁷² Э.Рустамовнинг китобида айлади; МАТда (2-том. 215-б.) *истади*.

Ҳар иккала байтнинг мазмунан бир-бирига яқинлигидан англаш мумкинки, Навоий ҳам Лутфий ғазалидан илҳомланган бўлиши табиий ҳол.

Лутфийнинг жаҳоншумул шоир экани доимо Навоийнинг диққат марказида бўлган. Навоий «Бадойиъ ул-бидоя» девонининг дебчасида Амир Хусрав Дехлавий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий сингари улуғ шоирлар қаторида Саккокий ва Лутфийнинг шухратига алоҳида баҳо беради. Навоийнинг таърифича, Саккокийнинг ширин байтлари Туркистонда шухрат топганини, Лутфийнинг шеърлари Ироқ ва Хуросонда тарқалганини баён этади (*Алишер Навоий. МАТ. Т.:1987, 14-б.*). Зотан, Лутфийнинг шеърлари барча туркийзабон ўлкаларга ёйилганини ва эътироф этилганини қуйидаги байт ҳам тасдиқлайди:

Ёлғуз Ҳирида йўқ ким анинг зулфи васфида,
Шеъринг шаъри, Лутфий, Хитоу Хўтанда.

Лутфий ўз даврида ҳам, кейинги даврларда ҳам замонанинг машҳур ижодқорлари томонидан Навоийдан кейинги ўринда турадиган шоир сифатида эътироф этилган. Навоий Лутфий ғазалига боғлаб яратган учта мухаммасини мазкур девонига киритган.

Паҳлавон Муҳаммад Куштигир Навоий билан бўлган суҳбатида Лутфий ва унинг замондошлари Атоий, Саккокий, Гадоий каби шоирлар ҳақида тўхталиб, “Улардан қайси бири яхши ёзади?” деб сўраганда, Навоий “Борча яхши айтибдурлар”, дея жавоб беради. Паҳлавон Муҳаммад такроран шу саволни берганда, Навоий “Лутфий” деб жавоб берган экан (*Э.Рустамов. Кўрсатилган асар, 100-б.*).

Лутфий ижодининг жанрлар таснифи, ғазаллари мазмуни. Бугунги кунда мавжуд маълумотлар шуни тасдиқлайдики, Лутфийнинг ижодий мероси жанрлар бўйича қуйидаги миқдорни ташкил этади: ғазаллар – 372 та бўлиб, 4712 мисра; қасидалар – 3 та бўлиб, 214 мисра; тўртлик (туюклар) – 115 та бўлиб, 460 мисра; фардлар 60 та бўлиб, 120 мисра; айрим байтлар 22 та бўлиб, 44 мисра.

Маъшуканинг ташқи гўзаллигию ички олами, вафосию жафоси бутун бошли бир ғазалнинг бошидан-охиригача давом этади. Бу

таърифу тавсифлар орқали шоир маъшукани гўзалликнинг мукаммал тимсоли қилиб яратади. Шунинг учун маъшуканинг висоли – роҳат, ҳажри – бало, аммо ёр ҳажр азобида ошиққа келтирган балонинг эвази бор. Бу эваз – севикли ёрнинг дудоғи, ҳажрдан тўкилган қонлар эвазига ошиқ ёрнинг дудоғидан хун баҳосини олса, бас. Шу истак билан қилган дуолари охири ижобат бўлди – ёр ташриф буюрди:

Бихамдиллоҳки келди дилрабойим,
Азизон, кўзи чўлпон, тўлун ойим.

Севар жоним, пари пайкар, ҳабибим,
Висоли – роҳатим, ҳажри – балоийим.

Юзи гул, сочи сунбул, бағри тошим,
Муҳибларни унутқан бевафойим.

Муродим давлати, бахтим латифи,
Сўзи ширин нигори жонфизойим.

Яна тан сори боргон рух ёнди,
Буён келгач сафардин маҳлиқойим.

Қонимни ҳажр ила тўкти ёзуксиз,
Дудоғингдин тиларман хун баҳойим.

Фараҳ қил, Лутфийким, дилдор келди,
Ижобат бўлди ҳазратга дуойим.

Бу қадар мафтункор, жозибали, аини пайтда жафокор ёр тасвири дунёвий муҳаббатга бўлган ташналиқдан пайдо бўлган. Ёрнинг ғазалда келтирилган ҳамма сифатлари, ташқи гўзаллиги *тансиқ ус сифот* санъатини ҳосил қилган.

Айрим ҳолларда ёрнинг жафосидан, ноз-карашмаларидан азоб чеккан қахрамон умидсиз кайфиятга тушгандай бўлиб туюлади. Аслида байтларнинг маъноси умидсизликни эмас, балки хижроннинг авж чўққисини ифода этади. Куйидаги байтларга эътибор берайлик:

Жанозамнинг ковургокина боғланг номаи шавқим
Ким, ул номехрибон топқай хабар бу жони зоримдин.

Аюр Лутфий анинг узрин не деб, махшарда бўлғаймен,
Жафо бирла агар коним тўқуб ўтса мазоримдин.

Ошиқнинг маъшуқага етказмоқчи бўлган охирги орзуси бор:
ошиқ жанозаси куни маъшуқага айтолмаган дардларини ноғора
садолари орқали етказишни васият қилмоқда, токи раҳмсиз ёр
мархум ошиқнинг оху зорларидан хабар топсин.

Бу байтда ошиқнинг ўкинчи ёки золим ёридан юз ўтириш
кайфияти йўқ, аксинча, қабрда ётганда ҳам ёрнинг жафоларини
қабул қилади, чунки ошиқнинг муҳаббати абадий. Чинакам
муҳаббатнинг самимий ифодаси, ошиқлик қисматини бўйнига олиш
ана шудир.

Лутфий ғазалларида ошиқликнинг қисмати фақат ҳис-
туйғуларнинг ошқора ифодасига боғлиқ бўлиб қолмай, балки
хижрон азобларидан завқланиш, махзунлик орқали ички дардни
юзага чиқаришда ҳам намоён бўлади. Ошиқлик қисматининг
хақиқий суратини Лутфий қуйидагича чизиб беради:

Фироқингга мени солди кароқинг,
На ҳожат қийнаса эмди фироқинг...

На деб хажр илкидин сендин тилай дод,
Ки хижрон бирла бирдур иттифоқинг.

Ғаму ҳасрат била бошим оқарди,
Чу бир дам кўрмадим сиймтек сакоқинг.

Ҳам ул дам куйди Лутфий шамъ янглик,
Ки кўрди ногихон нортек янгоқинг.

Ошиқни қийнаётган дарднинг бир ўзи эмас, балки дард билан
бирга фироқ, хижрон, ғам-ҳасрат каби кайфиятлар ҳам ошиқни
изтиробга солади, унинг изтироблари кучайиб боради. Охирги икки
байтда ёрнинг оппоқ бағбағаларини кўра олмаганидан ҳасрат чекиб
сочи оқарган бўлса, қизил яноқларини кўрганда шамга ўхшаб

куйди. Икки детал, бир-бирига зид икки ҳолат. Аммо бу зидликнинг натижаси маъшуканинг ягона мақсадини амалга оширади — ошиқнинг дардини зўрайтиради, холос. Дарднинг теран илдизини, дарднинг қиёфасини бу қадар маҳорат билан чизиш фақат Лутфийга хос.

Лутфийнинг форс тилида ёзган шеърларидан айрим-айрим байтлар, шунингдек, унинг Абдурахмон Жомий давом эттириб тугатган “афтад” радифли ғазали тўлиқ ҳолда етиб келган.

Лутфийнинг рубойи ва туюқлари. Лутфийнинг рубойлари ҳам, ғазаллари сингари, юксак савияда ёзилган. Унинг ғазалларида асосий ўрин эгаллаган ёр ишқи, ҳижрон азоблари ва ошиқнинг дардлари рубойларида ҳам асосий мавзудир:

Фурқатингни чеккали жон қайдадур,
Сабр этарга сенсиз имкон қайдадур!
Бизни бир йўли фвромуш айладинг,
Ул бурунқи аҳду паймон қайдадур!

Шоирнинг туюқлари ҳам ўзбек адабиёти тарихида мазкур жанрларни бойитди, у ўзбек тилининг бойликларидан фойдаланиб колмади, балки ўзбек тилини бойитишга катта ҳисса қўшди.

Туз, бегим, бу дамда суҳбат кўкини,
Тут аёқ, кес дарду ғамнинг кўкини.
Илиқингдин чикса бошқа бир аёқ,
Кўзга илмон дунйининг ер-кўкини.

Туюқнинг мазмуни қуйидагича: 1. Эй бегим, кел, суҳбатга кўрк бағишлагин; 2. Қадаҳ тут менга, дарду ғамларимнинг илдизини кес; 3. Агар қўлларинг билан менга яна бир марта қадаҳ узатсанг, 4. дунёнинг еру осмонини ҳам назар-писанд қилмайдиган бўламан.

Лутфий ижодида фард ва халқ оғзаки ижоди жанрлари. Маълумки, фард жанри узоқ тарихга эга. Туркий адабиётда “Девону луғатит-турк”да қадим халқ оғзаки ижодидан давом этиб келган, тожик адабиётида эса Рудакий ижодидан бошланган фардларни кузатиш мумкин. Лутфийнинг фардлари шарқона дидактик мазмуннинг чуқурлиги ва фалсафий мушоҳаданинг кенглиги билан алоҳида диққатга сазовордир. Лутфийнинг фардлари, бир томондан,

сўз ўйинлари асосига қурилгани, иккинчи томондан, ғазаллари ва рубойларида мадҳ этилган ҳижрон ва дарднинг янги кирраларини ўзида мужассамлантиргани билан аҳамиятли.

Бермагил дерлар вафосизга кўнгул,
Ким анинг нўшиндин ортуқ неши бор.
Узмагаймен лаълидин ўлсам умид,
Жон менинг жоним, кишининг неши бор.

Лутфийнинг фардлари ўз давридаёқ салафларининг эътиборини тортди. Жумладан, Якиний “Ўқ ва Ёй” мунозарасида Лутфийнинг номини машҳур форс шоирлари Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Хожа Салмон Соважий каби хуштаб зотлар сингари машҳурлигини таъкидлайди ва унинг қуйидаги байтини келтиради:

Хаданги ғамзасини кўргач айттим:
“Манинг жонимга ўт солгон сен-ўқ сен!”

Якиний ўз мунозарасида Ўқни таърифлар экан, уни нозивалари билан ошиқларга жафо етказадиган бевафо маъшуқаларга ўхшатади ва бунинг далили сифатида Лутфийнинг юкоридаги фардини келтиради. Якинийдаги Ўқ образи Лутфийнинг фардидаги жафочи маъшуқага ўхшатилганидан мамнун бўлиб: “Мени жафочи бевафо махбубларнинг ғамзаси деб айтур”, дея мағрурлик ҳиссини туюди.

Якинийнинг Лутфийга берган таърифидан маълум бўладики, у Лутфий девони билан яхши таниш бўлган, малик ул-калом шоирнинг ўрнини ҳолисаллиох белгилаб берган.

Қолаверса, Лутфий шеъриятида халқ оғзаки ижоди таъсирида яратилган жанрлар борки, бу жанрлардан у маҳорат билан истифода этган. Лутфий ижодида халқ кўшиклари вазнида ёзилган *муҳаббатнома* жанри байтлари диққатга сазовор:

Мени оғзинг учун шайдо қилибсен,
Менга йўқ кайғуни пайдо қилибсен.
Мафойилун мафойилун мафойил

Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асарида муҳаббатнома жанри ҳақида тўхталиб, Лутфийнинг ана шу байтини келтиради ва “ул ҳазажи мусаддаси мақсур баҳридадур” деб айтади.

Шоирнинг куйидаги байт *арузворий* деган халк кўшиги вазнида ёзилган:

Давлати васл илтимоси не ҳикояттур манго,
Улки ёдинг бирла жон берсам кифояттур манго.
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Навоий яна юкоридаги асарида Лутфийнинг шу байтини келтириб, “рамали мусаммани маҳзуф” вазнида эканини айтади (*Навоий. МАТ. 13-том, 93-б.*).

Лутфий – мугасаввуф. Лутфийдан бошқа шу таҳаллус билан ижод қилган шоирлар адабиёт тарихида бор. Шу таҳаллусли шоирларнинг бири тўғрисида Навоий “Мажолис ун-нафоис”да маълумот беради. Мавлоно Лутфийдан бошқалари озарбайжон, усмонли турк, форс-тожик тилларида ижод қилганлар. “Лутфий” таҳаллусли шоирларнинг биронтаси ҳам Мавлоно Лутфий даражасида шеър битолмаган. Алишер Навоий, Хондамир, Абдулла Кобулийлар Лутфий меросининг асосий қисмини унинг туркий девони ташкил этишини айтганлар. Шоир девонининг бизгача етиб келган кўлёма нусхалари ҳақида турли манбаларда маълумотлар берилган бўлиб, бу маълумотлар бир-биридан фарқлидир.

Навоий Мавлон Лутфийни фақат ўз даврининг малик ул-каломи сифатидагина эмас, тасаввуфнинг тариқат сулукига мансуб улуг зот сифатида ҳам юксак баҳолайди. Жумладан, “Насойим ул-муҳаббат”да Лутфий ҳақида куйидаги маълумотлар бор: “Мавлоно Лутфий р.т. — таҳсил айёмида Мавлоно Шаҳобуддин Хиёбоний хизматиға етар эркандур ва одоби тариқат сулукини андин касб қилур эркандур. Агарчи шоирлиқ тариқида маъруф ва машхур бўлди, аммо дарвешлик тариқатини тақи илкидин бермади. Бу фақир борасиға кўп илтифоти бор эрди ва фотиҳалар ўқур эрди ва доим волида мулозаматиға (хизмат қилишга) ва ризое хотириға тарғиб қилур эрди. Тўксон ёшидин тажовуз қилғонда, Ҳазрат Махдуми н.м.н. отиға радифи “сухан” сажъ қасидае айтиб эрдик, замон хушгўйлари барча хўблукқа мусаллам (маъкул) тутгилар ва ул ҳазрат доғи инсоф бердилар ва онинг матлаи будурким,

байт:

[Хушо, лабингдин чикқан сўзлар — рух озиғи,
сўзнинг жонидир,
Юзинг гули — сўз бўстони чаманларини безовчидир].

Ҳазрат шукргузорлик юзидин маъзарат (узр) изхори қилиб дедиларким, бу шеърнинг силаси (инъоми) ухдасидин биз чиқаолмасбизки, магар мукобалада ҳам касидае сизнинг отингизга айтқайбиз. Мавлоно дедиларки, ани сизга осон қилурбиз. Сизнинг кийган осон тўнунгизни гадойлик қилурбизки, хулла (ипакдан тикилган кийим) бўлғай. Ул ҳазрат узрхоҳликлар билан қисват (кийим)ни Мавлонога кийдурдилар. Мавлоно бағоят сўхта киши эрди... Бу матлаъидин бу тоифа машраби (табиати, одати)нинг чошниси (табиати) зоҳирдур:

Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,
Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.
(Алишер Навоий. МАТ. 17-том, Т.:2001 476-477-б.).

Навоий келтирган бу маълумотдан Лутфийнинг, биринчи навбатда, дарवेशлик ахлокида ҳам машҳур бўлганини, тариқат одоби сулукига мансублигини билиб оламиз. Дарवेशлар йўли, Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да айтганидай, ботини зоҳири билан баробар, одамларнинг маломатларини хушнудлик билан қабул қиладиган, адаб ва тавозеъни ўзларига одат қилиб олган, дўсту душманга баравар яхшилик истайдиган тоифанинг йўлидир. Гадейлар ҳам дарवेशларнинг бир тоифаси эди. Тариқат одоби бўйича эса, тариқат аҳли орасида фақирона кийимлар кийиб юриш одати ҳам бўлган.

Лутфий темирӣ шаҳзодалар ҳомийлигида. Бойсунғур Мирзо каби султонлар Лутфийни буюк шоир сифатида ғоят эътироф этганлар, уни ўз хузурларига таклиф қилиб турганлар. Лутфий Бойсунғурнинг ҳаёт даври ва унинг ўғли Алоуддавланинг ёшлик, навкирон йигитлик пайтига бағишланган қасидасининг сўнги икки байтида ўзи билан шаҳзодалар ўртасидаги муносабатлар манзарасини қизиб беради:

Етти бошим кўкка, шоҳоким, тиладингиз ғазал,
Ул шарафтин топти девоним қабули шайху шоб.
Лутфий қулнинг шеъри бирла худди эҳтиёж,
Илтифотингдин, бегим, мен шуҳрат эттим иқтисоб.

[Менинг ғазалларимни истаганингизда бошям кўкка етди, шундан девоним шараф топиб, кексаю ёш томонидан қабул қилинди. Қулингиз Лутфийнинг шеърини ўқишга сиз эҳтиёж сездингиз, эй бек, сизнинг илтифотингиздан мен шуҳрат топдим.]

Кўринадики, Алоуддавлага ҳам Лутфий ғазаллари маъқул бўлган. Чамаси, Алоуддавла Лутфий ғазалларини сўраб олиб ўқиб турган. Байтлар мазмунидан яна шу нарса англашиладики, юкоридаги қасида ёзилган даврда – тахминан 1430 йилларда Лутфий девон тузган, деган хулосага келиш мумкин. Лутфий девонни бир марта эмас, балки бир неча марта тузган. Девон кўлёмасининг Париж ва Гота нусхалари шундай фикрга келишга ундайди. Зотан, бу нусхаларда девон янги шеърлар билан тўлдириб борилган. Девонда шеърларнинг ўрни алмаштирилган, шеърлар таркибидаги айрим байтлар туширилиб, янгилари билан алмаштирилган, байтлар мазмунан қайта таҳрир қилинган. Демак, Лутфий ўз ижодига ҳар доим жиддий ёндашган.

Мавлон Лутфий, биринчи навбатда, Навоий таъриф берганидай, сўз подшоҳи. Бу унвонга сазовор бўлиш учун Мавлоно Лутфий сўзга муносабат ва сўз танлаш, ўз шеърларини бутун бир давр шеърятининг мезони сифатида яратиш масъулиятини зиммасида олиб юриши лозим эди. Мавлоно Лутфий, ҳақиқатан, шеърларини ана шу масъулиятни ҳис қилиб, муносиб тарзда яратди.

Мавлоно Лутфийдан бой адабий мерос қолган. Манбаларда шоирнинг 20 дан ортик асар ёзгани айтилади. Лекин бу асарларнинг айримлари ҳали топилмаган. Лутфий Шарафиддин Али Яздийнинг форс тилидаги “Зафарнома” (1437) асарини ҳам Шоҳруҳ Мирзонинг таклифи билан она тилига шеърый таржима қилгани Навоий томонидан айтилган. Аммо Навоий бу таржиманинг оққа кўчирилган нусхаси йўқлиги учун шуҳрат тутмаганини айтган эди.

Кейинчалик яратилган адабий-тарихий манбаларда Навоий асарларида берилган маълумотлар такрорланса-да, бу маълумотлар айнан қайтарик бўлмай, Лутфий ҳаёти ва ижодининг бирон

киррасини очишга хизмат қилади. Камолиддин Биноий, Давлатшоҳ Самарқандий, Заҳриддин Бобур, Пошшохожа каби қатор шоиру муаррихлар Лутфий ижоди, хусусан, шеъриятига юксак баҳо бердилар. Лутфий асарлари XIX асрнинг охириларигача ҳам ижод аҳлига кучли таъсир кўрсатганини қори Раҳматуллоҳ Возех (1817-1894) нинг “Мажмуаи мансур ва манзуми Возех” тазкирасидан ҳам билиб олиш мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. Лутфий ижодига Навоий бир неча марта тўхталишига сабаб нима?
2. Лутфий “уфтад” радифли ғазалини ким давом эттиришини васият қилган?
3. Лутфий қайси тарихий асарни шеърӣ йўл билан таржима қилган?
4. Навоийнинг қайси радифли ғазали Лутфийнинг “офтоб” радифли ғазалига ҳамоҳанг?
5. Лутфийнинг ғазалларидан тансиқ ус-сифот саъвати қўлланган ғазални таҳлил қилинг.
6. Лутфийнинг ошиқлик қисмати ифодаланган ғазалидан охириги икки байтни шарҳланг.
7. Лутфий ижодида халқ оғзаки ижодидан қайси жанрлар қўлланган?
8. Яқиний Лутфийнинг фардини қай мақсадда келтирган?
9. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Лутфий ҳақида қандай маълумот берган?

ГАДОИЙ

Режа:

1. Навоий Гадоий ҳақида.
2. Гадоий ижоди Европа олимлари нигоҳида.
3. Гадоийнинг девони қўлёзмаси ва гаазалларининг мавзу кўлами.
4. Гадоий гаазалларида бадий санъатларнинг ўзига хослиги.
5. Гадоий гаазалларининг қофияланиш тизими ҳақида.

Таянч сўз ва иборалар: *адабий ҳаракатчилик, ўзбек адабиётининг тараққиёти, тазкира, матлаъ, туркигўй шоирлар, газал мактаби, девон, газал, дунёвий ишқ, қофияланиш тизими.*

Навоий Гадоий ҳақида. Шоир Гадоий ижоди XV асрда теурийларнинг адабиёт ва санъатга алоҳида эътибори боис Мовароуннаҳр ва Хуросонда адабиёт гуллаб-яшнаган даврга тўғри келади. В.В. Бартольд таъбири билан айтганда, Гадоий ҳар икки ўлка туркий тилдаги адабий ҳаракатчиликнинг марказига айланган даврда ижод қилган эди. Бу даврда ўзбек адабиётининг тараққиётига Лутфий, Атоий, Саккокий билан бир қаторда, Гадоий ҳам катта ҳисса қўшди.

Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Гадоий ҳақида маълумот бор. Навоий Гадоий тўғрисида шундай ёзади: “Мавлоно Гадоий туркигўйдир, балки машоҳирдиндур. Бобур Мирзо (Абдулқосим Бобур – Н.Р.) замонида шеъри шухрат тутти. Бир навъи айтур ва анинг машҳур матлаъларидан бири булдурким:

Оҳким, девона кўнглум мубтало бўлди яна,
Бу кўнгулнинг илкидин жонга бало бўлди яна.

Мавлононинг ёши тўксондан ўтубдур. Бу матла аниқдурким:

Дилбаро, сенсиз тириклик бир балои жон эмиш
Ким, анинг дарди қошида юз ўлум ҳайрон эмиш”.
(Алишер Навоий. МАТ. 13-том, 105-б.)

“Мажолис ун-нафоис” ёзилаётган пайтда Гадоий тўксон ёшда бўлгани эътиборга олинса, у 806 (1403-1404) йилда туғилган деб айтиш мумкин.

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да истиснодлик туркигўй шоирлар Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Муқимий, Яқиний, Юсуф Амирий, Лугфий қабилар тўғрисида сўз юритганда, Гадоийни ҳам зикр этади (*Алишер Навоий. МАТ.16-том, 35-36-б.*).

Гадоий бутун умри давомида Ҳиротда яшагани унинг шеърларидан сезилиб туради. У нақшбандия тарикатига мансуб бўлгани учун ҳам “Гадо” тахаллусини қўллаган. У бир ғазали мактабида ёзади:

Агар сен хусн элининг хонидурсен,
Жахонда доғи мендек бир Гадо йўк.

Гадоий ғазалларининг аксарияти 5 ва 7 байтдан иборат.

Гадоий ижоди Европа олимлари нигоҳида. Гадоий ижоди тўғрисида дастлаб Муҳаммад Фуод Кўпурилизода маълумот берган. У 1914 йили XV-XVI асрлардаги туркигўй шоирлар ижодига бағишланган “IX ва X асрлардаги чигатой шоирлари” (бу ўринда асрлар ҳижрий йил ҳисоби билан берилган) номли мақоласида Гадоийни ҳам йўл-йўлакай тилга олиб ўтади. Кўпурилизода ҳам Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ва “Муҳокамат ул-луғатайн” асарларидаги маълумотларга таянган ҳолда сўз юритган. Француз шарқшуноси Э. Блоше 1932 йили Парижда нашр этилган турк қўлёзмалари каталогига Гадоий девони қўлёзмасининг XVI аср бошларига оид номаълум котиб томонидан кўчирилган ягона нусхаси тўғрисида хабар берган эди. Венгриялик турколог олим Я. Экмани ҳам Гадоийнинг шу каталогдаги қўлёзмаси тўғрисида маълумот берган (“Турк тили ва адабиёти журнали” журнали, 1960, 10-сон). Я. Экмани мазкур девондан 48 ғазал, 1 қасида ва 1 мустақил танлаб олиб нашр эттиради. Ўзбекистонда Гадоий ижоди юзасидан биринчилардан бўлиб Э. Рустамов тадқиқот ишлари олиб борди. Филология фанлари номзоди Э.Аҳмадхўжаев тадқиқот олиб бориш билан бир қаторда, шоирнинг девонини ҳам 1975 йили нашр қилди.

Гадоийнинг девони қўлёзмаси ва ғазалларининг мавзу қўлами. Гадоийнинг девони қўлёзмаси Париж Миллий

кутубхонасида сақланади. Қўлёзма ҳажми 66 варақ бўлиб, шоирнинг 230 ғазали, 1 қасидаси, 1 мустазоди ва 5 тўртликдан иборат. Девондаги Гадоий меросининг умумий ҳажми 2974 мисрадир. Девон тахминан XV асрнинг охири – XVI асрнинг бошларида кўчирилган. Гадоий девони Лутфий девони билан бир муковададир.

Гадоий ғазаллари асосан туркигўй шоирлар кўп ижод қилган, ўша даврда кенг тарқалган “туркий” деб аталувчи суруд вазни (рамали мусаммани мақсур – *фоилотун фоилотун фоилотун фоилон*)да битилган.

Гадоий ижодининг катта қисмини ғазаллар ташкил қилади. Девонда кенг тарқалган ғазаллар мавзуини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Гадоийнинг ғазаллари марказида *инсон ва унинг муҳаббати* гуради. Унингча, муҳаббатсиз ҳаёт – ҳаёт эмас, муҳаббат инсоннинг энг олижаноб фазилати ва маънавий гўзаллиги нишонасидир.

Ҳар кишингким, сенингдек бир севар жонони йўқ,
Филмасал, бир суратедурким, танинда жони йўқ.

2. Гадоий учун дунёвий *ишқ* ҳамма нарсадан юксак. Гарчи кўпчилик мол-мулкани, мансабини, бойлигини ва амалини устун қўйса-да, шоир учун севги ҳамма нарсадан устун, ўзи ҳам шу ақидага амал қилганидан мамнун:

Ишқингиздин(дур) жаҳон ичра мубоҳотим, бегим,
Ўзгалар фаҳри гар ўлса мулку жоҳу мол ила.

3. Қаҳрамон маъшуканинг *жафосидан* миннатдор, у гўзаллар ҳукмдори (яъни хусрави хўбон). Қаҳрамон унинг жабру жафоларини хушнудлик билан қабул қилади:

Бу бандаға ҳар жавру жафойики қилурсен,
Қилгин, вале ул хисрави хўбондин айирма.

4. Маъшуканинг ўзи эмас, унинг *гамзаю шивалари* қотил, мутгасил равишда ошиқнинг қонини тўқади. Гарчи маъшуқа

“кофири каттол”, яъни раҳмсиз қотил бўлса ҳам, ошиқ ундан юз ўгирмайди, балки унинг қон тўкишини қўмсайверади:

Ғамзаси раҳм этмайин ҳар дам Гадо қонин тўкар,
Эй мусулмонлар, нетай ул кофири каттол ила.

Гадоий “санга” радифли ғазалида ошиқнинг ниҳоятда сахийлигининг битта киррасини кашф қилади. Ошиқ маъшуқага етишиш умидида, унинг ҳамма жафоларига рози, ҳатто маъшуканинг ситамларига сазовор бўлиш учун “бир ҳовуч қоним сенга ҳалол бўлсин, ичавер” дея ўзини бутунлай маъшуканинг ихтиёрига топширади. Ошиқ маъшукасига шунчалик боғланиб қолганки, маъшуқа ислому иймондан беҳабар бўлса ҳам, майли (Воқиф эрмас заррайи ислому иймондир магар), ошиқ рози.

Гадоий ғазалларининг мавзу қўлами кенг, тимсоллар олами бой. Жумладан, маъшуканинг биргина сочи тимсоли таърифи ва тасвири шунчалик ранг-барангки, у сочлар гоҳ ошиқни мафтун қилади, гоҳ ошиқ ўша сочларни яна кўришни орзу қилади, гоҳ маъшуканинг сочлари ошиқни ва бутун жон лашкарини кириб юборишга тайёр қотил каби касд қилади ва х.

Муъжизоти ҳусн ила ҳар дам Калимуллоҳдек,
Жон черикин қирар ул зулфи суъбон шўх-шўх.

Гадоий шеърятининг ўзига хос бир хусусияти бор. Бу – ёрга мурожаатнинг турли шаклларда кўринишидир. У шеърларида бу усулни қўллаш билан маъшуқага бўлган муҳаббатини янада теравроқ, самимий ифодалашга эришган, маъшуканинг қўнглига йўл топиш учун унга турли сифатлар, номлар билан мурожаат қилади. Такрор мурожаатлар ва сифатлар маъшукани бездиради, қолаверса, маъшуқага бўлган муҳаббатнинг самимийлигига путур етади. Шу боис Гадоий маъшуканинг диққатини тортиш ва муҳаббати самимийлигини кўрсатиш учун энг самарали усул маъшуқага турли номлар ва сифатлар билан мурожаат этишидир деб билади. Қуйидаги беш байтдан иборат ғазалнинг ҳар бир байтида ёрга турли сўзлар воситасида мурожаат этаркан, ёрнинг гўзаллиги янада ёрқинроқ намоён бўлади, диққатни жалб қилади. Гадоий бу ғазалида *нидо санъатининг* мукаммал намунасини намоиш қилган.

Зотан, ҳамма шоир ғазалларида ҳам ҳар бир байтда нидо учрайвермайди:

*Мултафит бўлмас бу кўнглум сендин, эй жон, ўзгага,
Эй ҳабибим, сен боринда бори не сон ўзгага.*

*Сен бикин, руҳи мужассам бор эгач, эй кўркка бой,
Лофи хусн урмоқлик эрур асру товон ўзгага.*

*Ё илоҳий, сендин айру чиксун уш дийдаларим,
Гар назарни солсам, эй султони ҳўбон, ўзгага.*

*Ҳеч раво эрмас бу, эй кофир, мусулмонлар аро
Ким, сен ўлтургайсену анвои бўҳтон ўзгага.*

*Ғояти сахву қусури таъбдин бўлғай, бегим,
Сен боринда бу Гадо гар бўлса курбон ўзгага.*

Айни пайтда Гадоий бу ғазалида ўзбек тилининг бойлигини ҳам намоён қилган.

Гадоий ғазалларида бадий санъатларнинг ўзига хослиги. Ёки шоирнинг “бизни унутма”, “айирма”, “санга”, “унутма” радифли ғазалларида ҳар бир байтда нидо санъати бор: *бути сиймбарим, дудоқи шакарим, аё моҳнайкарим, кўзи горатгарим, севар жоним бегим, жоним умидим, азизим, дилбарим, қароқи кофарим, ё Раб, ул кўзлари нарғис, аё кавкаби толей, эй чархи ситамгар, бегим, султоним, эй кўзи чўлтоним, дархоним* каби. Ана шу санъат қўлланган ғазалларда ошиқнинг ёрга бўлган севгиси янада жўшқин, табиий тарзда намоён бўлади. Зотан, тасвирийлик ва таъриф-тавсифдан кўра, ички туғёнларни ва ҳаяжонларни беихтиёр ташга чиқаришда бу санъатнинг алоҳида вазифаси бор.

Гадоий ғазалларида *муқобала* (қарши келиш, зиддантириш) санъатида ҳам маҳоратга эришганини алоҳида таъкидлаш даркор:

*Оқ звиндин кўймас эрдинг чикқали, эй шум ракиб,
Шукрилллах, бориким, юзунг қаро бўлди яна.*

Ёки:

Оқ эвингдин чикқан учун бўлди ошуфта ракиб,
Не кизарди мунчага ёлгончи ул юзи қаро.

Куйидаги ғазалнинг матлабида ҳам муқобала санъати бор:

Умр сен оре балеким, умрдин келмас вафо,
Хуш кўрунмайдур дағи бир йўли анвои жафо.

Гадоийнинг “кўнгул” радифли учта ғазали бор. Гап битта радифнинг учта ғазалда ишлатилганида эмас, балки ҳар учала ғазалнинг мавзу жиҳатидан бир-бирига боғлиқлигида, бир ғазалдаги мавзун иккинчи ғазалда давом эттирганида. Биринчи ғазал куйидагича матлаб билан бошланади:

Эй менинг ҳаққимда юз турлук жафо қилгон кўнгул,
Хаста жонимни гирифтори бало қилгон кўнгул.

Ғазалнинг кейинги байтлари мазмуни куйидагича: маъшуқа бевафо, аммо ошиқнинг кўнгли барибир ўша жафочига мубтало бўлган; кўнгул ошиқни дарду ғамга ошно қилган; кўнгли уни ҳижрон ўтида куйдириб, айшу ишратдан маҳрум қилган ва ҳ.

Энди иккинчи ғазалнинг матлабига эътибор берайлик:

Эй мени мундоқ жаҳонда хоксор этган кўнгул,
Ёр зулфитек паришон рўзгор этган кўнгул.

Бу ғазалнинг матлаби мазмуни кейинги байтларда давом этади: айшу ишрат ичида унинг кўнгли дарду балоларни ихтиёр этган; йиллар давомида йиққан жавоҳирларини – обрў-эътиборини кўнгли оёқ ости қилиб ташлади; бир пайтлар элнинг назарида эътиборли одам бўлган эди, аммо кўнгли энди уни ит каби безътибор қилди.

Учинчи ғазалнинг матлаби куйидагича:

Эй сочинг занжирининг мажнуни бу шайдо кўнгул,
Неча ёнсун фурқатингнинг ўтина имдо кўнгул.

Энди ошиқ маъшуканинг жафо ва зулмларини эмас, балки кўнгилни маъшукага боғловчи омиллар – сочига шайдо бўлгани, фиروق ўтида ёнганда кўнгил мадад бергани ва маъшука туфайли кўп балолар кўрганини ҳикоя қилаётгандай бўлади. Аввалги икки ғазалнинг хулосаси шу ғазалда жамланади. Ошиқ маъшуканинг ҳамма жафоларини бошдан кечириб бўлди, энди тақдирга тан берди, ҳаммасига кўнгул сабабчи бўлди.

Шоир дардларини битта ғазал доирасига сиғдира олмаган. Шоир ошиқнинг аҳволини тадрижий равишда ривожлантириб борган. Кўнгул жафони кучайтириб, зулмни орттириб бораверди, ошиқ эса кўнгли оқибатида келган жафоларни ва зулмни қабул қилаверди. Шундай қилиб, учинчи ғазал кўнгулнинг ишларига яқун ясади.

Гадой ғазалларининг қофияланиш тизими ҳақида. Баъзи ғазалларида Гадой қофияланиш тизимидан ва қондаларидан ташқари чиқади. Сабаби шуки, шоир халқ кўшиқларининг вазни ва қофиясига берилиб кетиб, халқ кўшиқлари қофияланишини татбиқ қилади. Агар бу қофияланиш тизими ноўрин бўлганда эди, Навоий “Мажолис ун-нафоис” да Атойининг қофияда йўл қўйган хатоси тўғрисида тўхтагани каби, Гадой ғазалларида қофияланишдаги сакталиқлар тўғрисида ҳам сўз юритган бўларди. Аммо Навоий Гадойнинг қофиялари тўғрисида ёки шеърятдаги бирон камчилик тўғрисида ҳеч гап айтмайди. Гадой қофия сифатида бир хил сўзлардан ёки қофия ҳисобланмайдиган сўзлардан ҳам фойдаланади. Қофия ўрнида фойдаланиладиган сўзлар, халқ кўшиқларидаги каби шеърнинг оҳангини бузмайди:

Ул жафочи бизга бир кун мубтало бўлғайму, ох,
Васлидин бу кайғулук жон шодмон бўлғайму, ох.

Байтдаги *мубтало* – *шодмон* қофия ўрнида келган.

Гар қабулиятқа қобил тушса жон жоним сенга,
Жонима миннат, фидо бўлсун, бегим, жоним сенга.

Бу байтдаги *жон* – *бегим* сўзлари қофия ўрнида келган.

Гадойнинг битта мустазоди бор. Мустазод шоирнинг шеърятдаги иқтидорига мезон бўлиб хизмат қила олади.

Гадойнинг 13 байтдан иборат қасидаси ҳам бор. Бу қасида Шохруҳнинг набираси Халил Султонга бағишланган. Гадойнинг Халил Султонга эътиқоди анча баландлиги куйидаги байтда кўринади:

Лисонул ғайбдин келди қулоғимга хитобиким,
Шаҳаншоҳзодаларнинг сарвари Султон Халилуллоҳ.

Бу байтдан англашилишича, Абулқосим Бобурдан кейин Халил Султон тахтга чиқишини Гадой орзу қилган.

Умуман, Гадой ўз даврининг улўғ шоири ва халқ шеъриятининг чин маънодаги мухлиси бўлган эди.

Савол ва топшириқлар

1. Гадой ҳақида Навойнинг таърифи ва маълумотларини шарҳланг.

2. Гадой ҳақида тадқиқот олиб борган Европа олимларининг ишларини шарҳлаб беринг.

3. Гадойнинг лирик жанрлари ҳақида сўзлаб беринг.

4. Гадой ғазалларининг мавзу объектларини изоҳланг.

5. Гадой ғазалларида ёрга мурожаатнинг шаклларини изоҳланг.

6. Гадой ижодида қайси бадий санъатлар асосий ўрин тутди? Мисоллар билан тушунтиринг.

7. Гадой ғазалларида қофияланиш тизимининг ўзига хослигига сабаб нима?

САККОКИЙ

Режа:

1. Саккокий ҳақида Навоий.
2. Саккокийнинг адабий мероси.
3. “Бадойиъ ул-бидоя”да Саккокийга Навоий берган таъриф.
4. Саккокий ғазаллари мазмуни.
5. Саккокий касидалари.

Таянч сўз ва иборалар: *таржимаи ҳол, тахаллус, туркийшунос олим, “Бадойиъ ул-бидоя” девони, образлар тизими, дебоча, “Муҳокамат ул-луғатайн” асари, турк шоирларининг муштаҳиди, ижод аҳли, ғазал, қасида, муножот, наът.*

Саккокий ҳақида Навоий. Саккокий XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган. Унинг таржимаи ҳоли ҳақида етарли маълумот йўқ. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида бундай ёзади: “Мавлоно Саккокий – Мовароуннаҳрдиндур. Самарқанд аҳли анга кўп муътакид (эътиқод қилувчи)дурлар ва бағоят таърифин қилурлар. Аммо фақир Самарқандда эрқанда муаррифларидин (таъриф қилувчи) ҳар неча тафаҳхус (суриштирув) қилдимким, анинг натоижи таъбидин бирор нима англайин, таъриф қилғонларича нима зоҳир бўлмади. Барчадин колсалар сўзлари будурким, Мавлоно Лутфийнинг барча яхши шеърлари анингдурким, зўрлаб ўз отиға қилибтур. Ул ерларда бу нав ўхшаши йўқ, мазасиз муқобаралар (қарши чиқиш) гоҳи воқеъ бўлур. Бори баъзиси таъриф қилибким ўқурлар, бу матлаъни анга иснод (нисбат бериш) қилурким:

Не нозу бу, не шевадур, эй жоду кўзлук, шўхшанг,
Кабки дарий товусда йўқ албатта бу рафтору ранг.
Қабри ҳам ул сари -ўқдур”

(Алишер Навоий. МАТ. 13-том. 64-б.).

Навоий берган бу маълумот Саккокийнинг таржимаи ҳолига маълум даражада аниқлик киритади: Саккокий асли Маворауннаҳрдан, Самарқандда шуҳрат топган, Самарқанд аҳлининг катта ҳурмати козонган. Навоий Самарқандда бўлган

пайтда Саккокийнинг ўзи ва шеърлари тўғрисида бирон маълумотга эга бўла олмаган, Лутфийнинг яхши шеърларини Саккокий ўзиники қилиб олган, деган баъзи миш-мишлару бўҳтонлар асоссиз ва ҳ.

“Саккокий” шоирнинг тахаллуси бўлиб, туғилган ери, йили ҳам номаълум.* Венгер туркийшунос олими Янос Экманнынг қайд этишича, Саккокий XIV асрнинг иккинчи ярмида туғилган ва XV асрнинг биринчи ярмида вафот этган. У илк шеърларини Амир Темур даврида ёза бошлаган бўлса, ижодий камолоти Улуғбек салтанати йилларига тўғри келади.

Саккокийнинг адабий мероси. Саккокий девонининг икки нусхаси бор. Аммо иккала нусха ҳам номукаммал, ғазаллар қисми тўлиқ эмас. Бу нусхаларнинг бири Британия музейидаги 2079 рақамли нусха бўлиб, унда 13 қасида ва 57 ғазал жамланган. Иккинчиси Тошкент кўлёзмаси бўлиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 7685 рақами остида сақланади. Бу нусхада 13 қасида ва 52 ғазал бор.

Маълумки, Навоий Самарқандда икки марта бўлган. Аммо Саккокийни кўра олмаганидан (1467-1469) шундай фикрга келиш мумкинки, Саккокий олдинроқ вафот этган. Шуни ҳам айтиш керакки, Саккокий яшаган жой ҳақида икки хил маълумот бор: баъзилар Улуғбек саройида яшаб ижод қилган деб айтсаатар, айримлар Саккокий Саброн шаҳрида Мирзо Улуғбекнинг ноиби Арслон Хожа ҳимоясида яшаган деб тахмин қиладилар.

Навоий “Бадойиъ ул-бидоя”да Саккокийга берган таъриф. Яна Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг дебочасида Лутфий ва Саккокийга қуйидагича таъриф бериб, ҳар иккаласининг бири-биридан қолишмайдиган машҳур шоирлигини эътироф этади: “Ва уйғур иборатининг фусаҳосидин ва турк алфозининг булагосидин Мавлоно Саккокий ва Мавлоно Лутфий раҳимаҳумоллоҳким, бирининг ширин абёти иштиҳори Туркистонда бағоят ва бирининг латиф ғазалиёти интишори Ироку Хуросонда бениҳоятдурур, ҳам девонлари мавжуд бўлғай” (*Алишер Навоий. МАТ. 1-том, Т.: 1987, 14-б.*). Мазкур таърифдан кўринадики, Саккокий Лутфий билан бир каторга кўйишга лойик шоир бўлган. Ўша уч ғазал айни бир вазн ва кофия билан назира ҳолида Лутфий девонида бор. Шайхзода Абдураззоқ Бахши томонидан кўчирилган уйғур ва араб хатидаги ўша учта ғазал Туркиядаги Сулаймония кутубхонасидаги 4757

ракамли баёзда учрайди. Бу ғазалларни туркиялик олим Усмон Фикри Сартқоя чоп эттирган, Камол Эрослан “Мавлоно Саккокий” (Анкара, 1999) китобига киритган. Мана, ўша учала ғазал:

(Ражаз: мустаъфилун мустаъфилун мустаъфилун мустаъфилун)

Эй зулфи занжирим, бирор девоналарни ёд қил,
Башош юзни кўрсатиб, ғамгин кўнгулни шод қил.

Кўнглум недин тушти сенинг йўлингда ул бир қайғуға,
Ул нун кошнинг ҳақки учун бу қайғудин озод қил.

Ҳар дам келиб хон мулкига ишқинг шохининг элчиси,
Жонимға айтур ки равон чиқмоққа истеъдод қил.

Кофур кўзунг юз минг бало гар мени ўлдурмаса,
Қон тўккучи ғамзангни сен ҳар дам манга жаллод қил.

Ҳар неча хукмунгдур равон, эй шох, ошиқлар уза,
Ҳар ишни чун сўрулгуси албатта адлу дод қил.

Чун гул юзунг, булбул беги, жонимни қилди бекарор,
Асиғсиз ушбу сўз манга айтур: “сен оз фарёд қил”.

Кирпикунгнунг олмоси гар Саккокий бағрин тилмаса,
Эй шўҳ, сен ғамзанг ўки пайконини пўлод қил.

(Рамал: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун)

Эй менинг кўнглумни зулфи тек паришон айлаган,
Нор янгоқинг ўтидур бағримни бирён айлаган.

Дур менгизлиг тишларинг ҳар дам кўзумни баҳр этар,
Лаълинг ул контек менинг бағрим учун қон айлаган.

Юз уза зулфинг эрур ганч устида ёткон йилон,
Ох, ўшал ганч орзисидур бизни вайрон айлаган.

Шаъй кил кўнглум эви ҳам асру вайрон бўлмасун,
Сен эрурсен ким анга кўп дутфу эҳсон айлаган.

Раҳм килгил бандаға, эй шох, бир Тангри учун,
Ул эрур мени гадо ва сени султон айлаган.

Билмамиш бўлма билиб Саккокийнинг жон ҳолини,
Эй жаҳондин ақл олиб ўзини нодон айлаган.

*(Ражаз: мустаъфилун мустаъфилун мустаъфилун
мустаъфилун)*

Эй орази барги гулу вой комати сарви чаман,
Равшан юзунг янглиғ яна ҳеч кўрмади шамъ анжуман.

Ул юз уза зулфинг солиб бўстонда юрунсанг бирор,
Сунбул менгизлиг тўлғанур ўз ўзина варду сомон.

Эрнинг ким ул хотам эрур ангуштаринтек оғзина,
Анинг учун яхши акик умрида кўрмади Яман.

Кўнглум тилар жон нақдини сарф этса юзунг важхина,
Бу важ “мин куллил-вужух” кўрдум эрур важху ҳасан.

Сўрдум лабингдин, юз бало жонимға келган ким дейу,
Эгирди оллинг да кошинг яъни ул иш килгучи ман.

Ғамза била айтур кўзунг, ҳей, эгри ўлтур, сўзла рост,
Мендин адин кимдур ўшал билгай бу санъат ё бу фан.

Саккокий кўнгли орзулар зулфунг чеворинда ўрун,
Ҳар неча ким куфр элидур имонидин хуббул-ватан.

Мазкур ғазаллар, шубҳасиз, Саккокийнинг бошка ғазаллари образлар тизимини тўлдиради. Маъшуканинг турли сифатлари - *ишқ шохининг элчиси, каффор кўз, қон тўккучи ғамза, булбул беги* сингари ўхшатиш асосидаги тимсоллар ва ёрнинг юзи устида ёйилган сочини хазина устида ётган илонга, дунёдаги жамики ақлларга эга бўлгани ҳолда ўзини нодонликка солиши Саккокийнинг ўзига хос ўхшатишларидир.

Аввал кўриб ўтганимиздек, Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида Саккокийни Шохруҳ даврида яшаган машҳур туркийзабон шоирлар қаторида эслайди.

Яқиний ҳам Саккокийнинг шоирлик истеъдодига юқори баҳо берган, уни шоирларнинг мужтаҳиди (яъни ғайратлиси) деб таърифлаб, бир байтини келтиради: “Яна Саккокийким, турк шоирларининг мужтаҳидидур, менинг муносиби ҳолимға айтур. Назм:

Жоним фидо бўлсун сенинг ғамзанг ўқина неча ким,
Ҳар неча кошнинг эгмаси ўқдек бўйимни ё қилур”.

Саккокий ғазаллари мазмуни. Саккокийнинг ижодий мероси ҳажм томондан кичик бўлса ҳам, аммо моҳияти жиҳатидан буюқдир. У ўз салафларининг, қолаверса, Навоийнинг таърифига сазовор бўлганидан ҳам унинг ижод аҳли ўртасидаги юксак мавқеини баҳолаш мумкин. Албатта, Саккокийнинг шу қадар эътиборга сазовор ва машҳур шоир бўлиб камол топишида даврнинг ижтимоий-сиёсий вазияти, темурийларнинг бадий ижодга, илм-фанга бўлган эътибори омил бўлди.

Саккокий шеърлари ўз давридаги ижод аҳли ғазалларидан шуниси билан алоҳида аажралиб турадики, унинг маъшукаси дунёда тенгсиз, унга монанд биронта зот йўқ. Бунинг тасдиғи сифатида *Бўюгдек бутмади бўстон аро сарви равон, эй жон мисраси билан бошланувчи ғазалини олиб кўрайлик.*

Ғазалнинг биринчи байтиданок бундай сарвқомат гўзал нафақат одамзод насли орасида, хатто табиатда ҳам яратилмаган, унинг юзи сингари гўзаллик гуллар орасида ҳам ҳали бу оламга келмаган:

Бўюгдек бутмади бўстон аро сарви равон, эй жон,
Юзунгтек ҳам очилмади чаманда гулистон, эй жон.

Ошиқ маъшуқага етишиш учун ҳар қандай жабру жафоларга, хатто маъшуканинг “ўқи”га – киприкларига мушток, ўқ инсон танасига зарар етказганидай, маъшуканинг киприк қоқиши ошиқнинг қалбини ўқнинг ярасидан ҳам оғир аҳволга солади. Ошиқ, ёрим қачон менга ўқини отаркин дея кўзи тўрт бўлиб кутади:

Ўқунгузнинг башоқинга кўнгул муштоку кўз ошиқ,
Булар талошмокин бўлди ул икки ора қон, эй жон.

Маъшуканинг ташқи кифаси тасвирида Саккокий гўзал муболаға яратади – ёрнинг сочлари нафақат ошиққа, балки бутун Рум ахлига худди Ҳабаш лашкарининг куч-қудрати баробарида ғорат етказиши мумкин. Агар шундай ҳодиса содир бўлса, “кўнгул мулкида” – ошиқнинг қалбида асло омонлик бўлмайди, унинг қалби вайрон бўлади:

Агар Рум ахлина зулфунг Ҳабашнинг лашкарин солса,
Кўнгул мулкинда ул соат топилмас ҳеч амон, эй жон.

Саккокий маъшуканинг қошу кўзлари, киприкларини, айна пайтда ноз-карашмаларини тасвирлар экан, ошиқ учун ниҳоятда тотли азоб дамлари келади. Маъшукадан жабр тортиш ошиқ учун лаззатли дамлардир. Шунинг учун шоир:

Менинг бу хаста жонимга сенинг дардинг эрур марҳам,
Қиёматқа теки ҳаргиз бу дардимга даво қилма, -

дея илтижо килади. Зотан, ишқ ошиқ учун туганмас дард, аммо ошиқ бу дарднинг туганмаслигини истайди. Дарвоқе, агар ишқ дарди туганса, ошиқ руҳсиз, ўлик бир нарса бўлиб қолади.

Саккокий темурий ҳукмдорлардан Халил Султон (1405-1409), Мирзо Улуғбек, амир Хожа Арслон Тархонга қасидалар битган. Юқорида айтилганидай, Саккокий яшаган жой ҳақида икки хил маълумот бор: баъзилар Улуғбек саройида яшаб ижод қилган деб айтсалар, айримлар Саккокий Саброн шаҳрида Арслон Хожа химоясида яшаган деб тахмин қиладилар. Навоий Самарқандда Саккокийни суриштириб топа олмаганидан Саброн шаҳрида яшагани тўғрисидаги тахминлар ҳақиқатга яқин бўлиб чиқади.

Саккокий Арслон Хожа ёки Улуғбекнинг ҳимоясида яшаганидан шуни англаш мумкинки, у шеърятни жуда яхши тушунадиган, кидрлайдиган ҳукмдорлар ҳомийлигида яшаган экан, у халқ орасида машҳур, иқтидорли шоир бўлганига бу ҳам бир далилдир.

Саккокий қасидалари. Саккокийнинг 13 қасидаси 407 байтдан иборат бўлиб, улар куйидагилардир:

1. *Муножот* 22 байтдан иборат бўлиб, Оллохнинг ягоналиги, Унинг сифатлари мадҳ қилинади ва Саккокий ўз гуноҳлари учун тавба-тазарру қилади.

Осий кул Саккокийнинг исёнига ҳад йўқ ҳисоб,
Сен карам бирла кечургил, эй Карими кирдгор.
Рамал: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

2. *Наът* 24 байтдан иборат бўлиб, Муҳаммад с.а.в. га банишланган бир мадҳдир. Шоир бу қасидасида риёсиз севги ҳақида баён қилиб, унинг шафоатидан умид қилади. Бу наът Лутфий девонининг баъзи нусхаларидан айрим фарқлар билан ўрин олган. Лутфийда бу наът 21 байтдан иборат. Охирги байтда ҳар иккисининг номи қайд этилган. Қайси шоирга тегишли экани номаълум (Gunay Kavagach. Edebiyat Fakultesi Doktora Tezi, Lutfi Divani (Girish, Metin, Dizin, Tipki Basim), Ankara, 1997, TDK yayinlarindan).

Лутфий ва Саккокий девонларидаги мазкур қасиданинг биринчи 1 ва 2-байтлари куйидагича:

Осий умматнинг паноҳи ё Шафез ал-музнибин,
Жаҳл жоҳидин чиқарға суннатинг ҳаблул- матин.

Йўлга кирганларга хулқунгдур яқин сармоёси,
Йўл янгилаганларга шеъринг шоҳроҳидур мубин...
Рамал: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

Охирги байтда айрим ўзгаришлар бор. Саккокийда:

Раҳм қил маҳшар қуни Саккокий осий жониға,
Ё Шафез ал-музнибин, ё раҳматан лил-оламин.

Лутфийда:

Раҳм қил меҳнат кунинда Лутфий осий жонига,
Ё Шафеъ ал-музнибину раҳматан лил-оламин.

Бу фарқлар Навоий Самарқандда бўлган даврда ҳам маълум экан, шекилли, айрим одамларнинг, Саккокий Лутфий ғазалларини ўзлаштириб олган, деган миш-мишларнинг канчалик ҳақиқат эканини ўзи текшириб, билмоқчи бўлган. Навоий Саккокий ғазалларини Лутфийники билан киёслаб кўрмоқчи бўлган, аммо унинг ғазалларини қидириб тополмаган.

3. *Дар мадҳи Хожа Муҳаммад Порсо, наввароллоҳу марқаду* қасидаси хижрий VIII асрда яшаган бухоролик мутасаввуф Муҳаммад Порсога бағишлаб ёзилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да ёзишча, у шунчалик машҳур ва эътиборли мутасаввуф бўлганки, хижрий 822 йили Бухородан Ҳиротга зиёрат қилгани йўлга чиққанда, Насаф, Чағониён, Термиз, Балх аҳолиси катта иззат-ҳурмат билан уни кутиб олган. Муҳаммад Порсо Жом вилоятидан ўтаётганда, Абдурахмон Жомий ҳам ёш пайтида отаси билан бирга уни зиёрат қилгани чиққан экан. Қасида 21 байтдан иборат бўлиб, Саккокий Хожа Муҳаммад Порсога чуқур муҳаббат боғлаганини, уни маънавий пири сифатида қабул қилганини ёзади. Қасиданинг ўн тўққизинчи байти шундай:

Мундоқ тириг бўлуб юругунча э(й) кошқи,
Саккокий бўлса эрди ул эшикта хоки по.

Музори: мафъулу фоилоту мафоилу фаулун

4. *Дар мадҳи Улуғбек Мирзо, наввароллоҳу марқаду* қасидаси Самарқанд тахтида ўтирган Мирзо Улуғбекка бағишланган бўлиб, 34 байтдан иборат. Қасидада Улуғбекнинг алолатпарварлиги, жасорати ва бошқа фазилатлари мадҳ қилинади:

Раййят кўй эрур, султон анга чўпон, йағи бўри,
Бўри ўлгайу кўй тингай, чу Мусотег шўбон келди.
Ҳазаж: мафоилун мафоилун мафоилун мафоилун

5. *Дар мадҳи Халил Султон қасидаси 30 байтдан иборат бўлиб, 1405–1409 йиллари Самарқанд тахтида ҳукмронлик қилган Халил Султоннинг фазилатлари куйланади:*

Гул чехраларнинг жавридин қат-қат бу бағрим қон эрур,
Дур тишларининг нозидин ики кўзум уммон эрур.

Ражаз: мустафиълун мустафиълун мустафиълун мустафиълун

Қасиданинг бошидан ўрин олган тўрт байт Лутфийнинг куйидаги ғазали билан ўхшашдир:

Қонимни сўрди эрнинг у сўрмади андин ҳеч киши,
Даъво қилур бўлсам, манга айтурки, эски қон эрур.

Бошга қилур эрди қошинг қўнглум ҳақида эгрилик,
Кўз ҳаққин ўзин англасун ким навбати эҳсон эрур.

Зулфунг узатур эрди кўп зулм илигин, эй йиғмадинг,
Холю уялмақтин бошин остин солиб паймон эрур.

Бир кун жамолинг кўрмайин ҳасратга қолди гўйиё,
Бечора мискин Лутфийга рўзи бори ҳижрон эрур.

Ражаз: мустафиълун мустафиълун мустафиълун мустафиълун

6. *Дар мадҳи Улуғбек Мирзо, наввароллоҳу марқаду қасидаси 26 байт бўлиб, Улуғбекнинг адолатли ва шижоатли экани мадҳ қилинади. Дастлабки олти байт ошиқ ва маъшуқа муносабатларини акс эттиради. Куйидаги еттинчи байт гуризоҳдир:*

Санамлар зулфидин ўзга анинг аҳдида йўқ золим,
Уларнинг кўзлари қилғай магар турк элидин яғмо.

Ҳажаз: мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

7. Бу қасиданинг бошланиши йўқ. Тўртинчи байтдан қасиданинг Улуғбек Мирзога бағишлангани англашилади:

Адлу додиким бу кун Султон Улуғбек юритур,
Кўрмади Нушинравон умрида андоғ адлу дод.
Рамал: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

Аввалги қасидалардаги Улуғбекка хос сифатлар ва фазилатлар бу қасидада давом эттирилади.

8. Қасиданинг бошланиши йўқ, қирқ уч байтдан иборат. Дастлабки ўн етти байти “Баҳория”, ўн саккизинчи байти гуризгоҳдир. Қасида Арслон Хожа Тархонга бағишланган:

Шижоат ичра Али янглиғ Арслон Хожа,
Қиличи чиқса қинидин, килур адуни одам.
Мустасс: *мафъиълун фоилотун мафъиълун фаъулун*

Арслон Хожа Тархон Мирзо Улуғбекнинг амири бўлиб, Туркистон (Ясси)га қарашли Саброн шахрида ҳукмдор бўлган. Юқоридаги байтда келтирилганидай, Арслонхожа ҳарбий ишда ниҳоятда моҳир, айни пайтда шоир ҳам бўлган. Саккокий Саброн шахрида Арслон Хожа ҳимоясида яшаган деган тахминлар борлигини юқорига айтдик. Арслон Хожа Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибаат ул-ҳақойик” асарини 1444 йили Самарқандда уйғур хатида кўчиртирган. Бу китобнинг дебочасида Югнакий ва унинг асари ҳақида 11 байтдан иборат Арслонхожанинг шеъри келтирилган.

9. Қасида қирқ байтдан иборат бўлиб, ўн тўртинчи байтдан Улуғбекка бағишлангани англашилади. Қасиданинг гуризгоҳ байти куйидагича:

Муиниддин Улуғбек хон шахизода давринда,
Кийик арслону кўй, бўри бу кун бир ерда хуш ўтлар.
Ҳазаж: *мафоиълун мафоиълун мафоиълун мафоиълун*

Дастлабки ўн уч байт насиб қисми бўлиб, гўзалларнинг васфи, зулми, ошиқнинг изтиробларидан баҳс этади. Улуғбекнинг юқоридаги қасидаларда васф қилинган сифатлари айтилади.

Саккокийнинг бу қасидасига Мавлоно Ҳайдар Телба билан Абдураззоқ бахши назира ёзган. Ҳар икки назиранинг бошланиши йўқлиги учун, Улуғбекнинг номи ҳам англашилмайди. Ҳайдар Телбанинг назираси ўттиз байт, Абдураззоқ бахшеники ўн етти байтдир. Ҳар икковининг қасидаси Камол Эросланнинг юқоридаги китобида берилган (33–37–б.).

10. *Дар мадҳи Улуғбек Мирзо, наввароллоҳу марқаду қасидаси* 54 байтдан иборат бўлиб, дастлабки 27 байти “Баҳория” бўлган насиб қисмини ташкил этади. 28-байт гуризгоҳдир:

Эрур ул шоҳ Улуғбекким, ҳамиша тиғу адлиндин
Қилур дин ишини равшан, беҳишти шони дунёни.
Ҳазаж: *мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун*

11. *Дар мадҳи Арслон Хожа, наввараллоҳу марқаду қасидаси* 43 байт бўлиб, дастлабки 19 байти “Баҳория” билан бошланади. 20-байт гуризгоҳдир:

Бузурги мутлак эрур Тархон Арслон Хожа,
Шарафтин ул аёқини фалакта кўйса раво.
Мустасс: *мафойилун фоилотун мафойилун фаъулун*

12. “Ва лаҳу айзан” ибораси билан бошланган бу қасида ҳам Арслон Хожа Тархонга бағишланган:

Тархон Арслон Хожаким, гардун назирин кўрмади,
Ҳақ қилибтур зотиға мажмуи фандин фатҳи боб
Рамал: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

13. “Ва лаҳу айзан” ибораси билан бошланган бу охириги қасида 12 байтдан иборат бўлиб, тугалланмаган. Қасиданинг 12-байти гуризгоҳдир:

Одил Арслон Хожа Тархон дину дунё лаззати,
Шаъру дин жисми эрур, ул жисм ичра бу ҳаёт.
Рамал: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

Хуллас, шоирнинг 13 қасидасидан 5 таси Мирзо Улуғбекка бағишланган. Саккокий қасидаларининг ҳажми 12 байтдан 54 байтгача этади. Насибдан кейин гуризгоҳ (ўтиш) келади. Гуризгоҳлар баъзан 4-5 ва ундан ортик байтлардан ташкил топган. Саккокий қасидаларининг насиб қисмлари бироз чўзилган бўлишига қарамасдан, юксак дид билан ёзилган.

Саккокий қасидалари баъзан насибсиз, тўғридан-тўғри мадҳ билан ҳам бошланади. Бундай қасидалар одатда, “қасидайи мужаррада”, яъни “яланғоч қасида” дейилади.

Саккокийнинг ғазал ва қасидалари XV аср ўзбек адабиётида алоҳида из қолдирди.

Савол ва топшириқлар

1. Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида Саккокий ҳақида қандай маълумотларни берган?

2. Саккокийнинг адабий мероси қаерларда сақланади ва қанча ҳажмда?

3. Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” девонида Саккокий ижодига қандай таъриф беради?

4. Саккокийнинг Усмон Фикри Сартқоя чоп эттирган биринчи ғазали мазмунини сўзлаб беринг.

5. Саккокий ғазалларининг образлар тизимига қисқа таъриф беринг.

6. Саккокий Мирзо Улуғбекка нечта қасида битган? Биронта қасидасининг мазмунини сўзланг.

7. Саккокий Хожа Арслон Тархонга нечта қасида битган? Биронта қасидасининг мазмунини сўзланг.

АТОЙИ

Режа:

1. Навоий Атоийи ҳақида.
2. Атоийи ижодини ўрганган олимлар.
3. Атоийи шеърларида қўлланган шеърый санъатлар.
4. Ҳофиз Хоразмий.

Таянч сўз ва иборалар: *йирик сўз санъаткори, “Мажолис ун-нафоис” тазкираси, девон, тахаллус, ўхшатмалар, поэтик образлилик, қофия эҳтиёжи, бадиий санъатлар, таркиббанд, таржеъбанд, мухаммас, марсия, газаллар, мустазод, қитъа, рубоий.*

Атоийи XV асрнинг ўрталарида яшаб ижод этган йирик сўз санъаткорларидандир.

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида берилган маълумотларга кўра, Атоийи Балх шаҳрида яшаган, Исмоил ота фарзандларидан бўлиб, хуштабиат, содда, дарвешваш ва хушхулқ киши бўлган. Туркигўй шоир эди. Унинг шеърлари туркий халқлар орасида кўп шухрат тутган, қабри ҳам Балхда. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида ёзишича, Исмоил ота Аҳмад Яссавийнинг иниси Иброҳим отанинг ўғлидир. Демак, Атоийи, насаб жиҳатидан Аҳмад Яссавийга жуда яқин. Шоир девонининг муковасида ва қўлёзманинг охирида “Девони шайхзода Атоийи” деб кайд қилиниши ҳам уни шайхлар оиласидан келиб чиққан, дейишга асос беради. У шайхлар – оталар авлодига мансуб бўлгани учун ҳам Атоийи тахаллусини олган, асли исми номаълум.

Мирзо Улуғбек ўз саройига бир қатор олим ва шоирларни жалб қилганда, Отоийи ҳам ўша шоирлар қаторида бўлган.

Отоийининг бир девони маълум бўлиб, бу девонда шоирнинг 260 газали жамланган.

Отоийи газалларининг вазни ҳақида филология фанлари номзоди Сайфиддин Сайфуллох (Рафиддинов) батафсил маълумот берган. Унинг кўрсатишича, Атоийининг 260 газалидан 109 таси рамали мусаммани максур – *фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун* (С. Сайфуллох. *Мавлоно Атоийи. “Девони шайхзода Атоийи” китобида, Т.: “Фан” нашриёти, 2008, 6-б.*). Маълумки, бу вазн XV аср

Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолиси орасида кўп тарқалган ва “турки” деб аталган халқ қўшиқлари вазнидан олинган ҳамда арузга киритилган. Бу ҳақда Алишер Навоий “Мезон ул-авзон”да кимматли маълумотларни берган.

Шунингдек, Сайфиддин Сайфуллоҳ Атойи девонини тўлиқ ва мукаммал ҳолда нашрга тайёрлаган.

Атой ижодини ўрганиш бўйича А.Самойлович, Ҳ.Зариф, Э.Рустамов, С. Сайфуллоҳ, И. Ҳаққул каби забардаст олимлар кўп меҳнат қилганлар. Чунончи, А.Самойлович илк бор (1926 йили) Атойи девонини топиб, бир неча ғазалининг факсимиле нусхасини нашр қилган. Э.Рустамов Атойи ғазалларини таҳлил қилиб, унинг XV аср биринчи ярми ўзбек адабиётидаги ўрнини кўрсатиб берган. С. Сайфуллоҳ Атойи ижодидаги мажозий ва илохий ишқни чуқур таҳлил этди, И.Ҳаққул Атойи ғазалнависликда Лутфийга эргашганини ва Атойининг бу шоирдан илҳомланиб, ўхшатмалар битганини тадқиқ қилди.

Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Отойи ҳақида сўзлаб, унинг

Ул санамки сув яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозиклигини сув била ютса бўлур, -

матлаъини келтиради ва “қофиясида айбғинаси бор” деб кўрсатади. Отойи “ўлтурур”га “бўлур”ни қофия қилган эди. Навоий шоирнинг “туркона” шеър ёзганлиги, унинг ғазаллари туркий аҳоли орасида кўпроқ шуҳрат тутгани, лекин қофия эҳтиёжига риоя қилмаганини изоҳлайди.

Атойининг диний-тасаввуфий мавзулардаги ғазаллари бор. Илохий марҳамат - Ҳақ ошиқларига бериладиган инъом, комил инсонлар Ҳақ йўлига кирганлардир – Атойининг айтмоқчи бўлган гапи шудир. Қуйидаги байтлар бунинг бир намунаси:

Ҳақиқатга либоси зоҳирийга эътибор ўлса,
Нега Мухтори Акрамнинг либосин эски шол айлар?

Муҳаббат шарбаги гар нўш бирла созвор эрса,
Хусайни Карбалога не учун қонин зилол айлар?...

Атойи, сен киму тавҳиди Ҳақ, ҳаддингни бил, ҳайхот

Ким, онинг ҳамду шукри акли кулни гунгу лол айлар.

Атойи дунёвий муҳаббат куйчиси экани аксарият ғазалларида маълум бўлиб туради. Шунингдек, унинг ғазалларининг образлари анъанавий, айти пайтда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Лутфий, Гадей, Саккокий ғазалларидаги ёрнинг таърифига монанд ташбеҳларга кўшимча равишда Атойининг ташбеҳлари диққатни тортади. Қуйидаги байтга эътибор берайлик:

Чунки топти дарди ишқинг лаззатин ғамгин кўнгул,
Хотиримни баъд азин қилғумдур ғам бирла шод.

Байтнинг мазмуни қуйидагича: ёрнинг ишқ дардидан ошиқнинг ғамгин кўнгли лаззат туйди, ошиқ эса шундан кейин бу лаззатни хотирлаб, ғамдан шодлик ҳисларини ҳис қилиб юради.

Қизик, ғамдан шодлик ҳисларини туйиш аслида мантиқсизликдай туюлади. Аммо чин ошиқ ишқ дардини бот-бот хотирласа, кўнгли шод бўлади, маъшуқага бўлган муҳаббати асло сўнмайди, аксинча, хотирлаганда алангаланаверади.

Ўхшатиш мумтоз адабиётда поэтик образлиликни ифодаловчи энг муҳим омил. Аристотель “Поэтика” асарида “Шеърят – ўхшатиш санъатидир” деб таъриф берганда, факат бадий санъатлардан бири бўлган ўхшатиш санъатини назарда тутмаган, балки нарсаларнинг, жумладан, маъшуканинг ёки ёрнинг сочи, юзи, тишлари, қошлари ва ҳ. ташқи гўзаллик асоси бўлган объектлар ҳам ўхшатиш асосида образлилик касб этиши тушунилади, бу объектлар ғазалда образлилик ҳосил қилади. Атойи ғазалларидаги образлилик ҳосил қилувчи ўхшатишлар қуйидаги байтларда аниқ ўз ифодасини топган:

Эй бегим, ушбу юз дегул, шамс била камармудур?
Эй бегим, ушбу сўз дегул, шахд била шакармудур?

Кўз учидин қиё-қиё шева била боқишларинг,
Жон тамурин қиёр учун тигму ё назармудур?

Бу байтда Атойи *тажохули ориф* санъатини қўллаган. *Тажохули ориф*нинг маъноси “билиб билмасликка олиш”

деганидир. Шоир байтда бир неча сўзларни келтирса-ю аммо ўша нарсаларнинг қайси бири ишончли экан, дея ўзини иккилангандай қилиб кўрсатса, образли тафаккурнинг ўзига хос маҳсули пайдо бўлади. Тавсирланаётган деталларга алоҳида ургу бериш, бўрттириш, ўқувчининг диққатини тортишда бу санъат алоҳида аҳамиятга эга.

Атойи ғазалларидаги такрорланмас ташбеҳларни тамсил санъатига асосланган қуйидаги байт яна бир бор тасдиқлайди:

Йиғлаб юзунгиздин олайн зулф ниқобин,
Гул яхши очилмас кечалар ёғмаса ёмғур.

Биринчи мисрада ошиқнинг ташки киёфасига оид тасвир ва деталлар иккинчи мисрадаги тасвирга ва деталларга киёсланияпти. Биринчи мисрада юзнинг ниқоби, яъни соч иккинчи мисрадаги гулга, *йиғламоқ* ҳаракати эса гулнинг очилишига солиштириляпти.

Атойи халқ шеърятига қоришиқ ҳолда ижод қилган. Унинг кўп ғазаллари халқ кўшиқлари оҳангида ёзилган. Унинг девонидан ўрин олган “бирла”, “бўлубтур” радифли ғазалларида, “Юзунг то пардадин зоҳир бўлубтур, Санамлар ҳусн даъвосин кўюбтур” матлаъи билан бошланадиган бир қатор ғазаллар халқ кўшиқлари оҳангида ёзилган. Бу усул шоир ғазалларининг халқ оммаси томонидан енгил қабул қилинишида асосий омиллардан бўлган. Шу боисдан Атойи шеърятини халқ иборалари, таъбирлари, мақолларига бойлиги билан ҳам ажралиб туради.

Атойи халқ ривоятларини яхши билгани, айниқса, Шарқ адабиёти тарихида муҳаббат тимсоли бўлган “Юсуф ва Зулайҳо” достонидан, “Вомиқ ва Узро” афсонасидан, имом Ҳасан ва имом Ҳусайн ҳақидаги ривоятлардан ва бошқа кўплаб адабий, тарихий ва диний-фалсафий манбалардан илҳомлангани ғазалларидан маълум бўлиб туради. Жумладан:

Эй жамоли ҳусн, Юсуфдин жамолинг ёдгор,
Бўлди ҳажрингдин биайних кўзларим Яъқубвор...

Мен Атойимен Хусайний, ҳусн ичинда сен Ҳасан,
Карбалодур равзаи боғи жинон сизсиз манга...

Ҳофиз Хоразмий. Ҳофиз Хоразмийнинг ҳаёти тўғрисида маълумотлар деярли йўқ. Шоир яшаган давр, унинг замондошлари ва ўз ҳаёти ҳақидаги маълумотларни унинг қасидалари, ғазаллари, китъа ва рубоийларигина бера олади. Шоирнинг асл исми Абдурахим. Унинг еттига форсча ғазалида Раҳим, Абдурахим исми таҳаллус сифатида келтирилади. Навоийга қадар XIV аср охири XV аср бошларида мукамал девон тартиб этган шоир Ҳофиз Хоразмийдир.

Ҳофиз Хоразмий Шохруҳнинг кичик ўғли, Форс ўлкасининг ҳукмдори Иброҳим Султон вафотига бағишланган марсия ёзган. Иброҳим Султон 1435 йили Шерозда вафот этган. Демак, бу даврда Ҳофиз Хоразмий ҳаёт бўлган ва Шерозда яшаган.

Ҳофиз Хоразмийнинг бутун мероси 37 минг мисрадан ортиқ. Шоирнинг ижоди XV асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек адабиётининг такомили тўғрисида аниқ хулосалар чиқаришга имкон беради.

Ҳофиз Хоразмийнинг XV аср биринчи ярмидаги шоирлар ижодидан фарқли жихати шуки, араб-форс сўзлари кам, халқ тилига яқин сўزلардан кўпроқ фойдаланган, Хоразм шевасига хос сўзлар кўп учрайди.

Ҳофиз Хоразмий девонининг таркиби қуйидагича: қасидалар – 9 та, таркиббанд – 1 та, таржеъбанд – 3 та, мухаммас – 1 та, марсия – 1 та, ғазаллар – 1052 та, мустазод – 2 та, китъа – 31 та, рубоий – 12 та.

Савол ва топшириқлар

1. Атойининг таржимаи ҳоли ва шахсига оид Навоий берган маълумотларни шарҳлаб беринг.

2. Атойи ижодини ўрганиш бўйича қайси олимлар иш олиб борганлар?

3. Навоийнинг дунёвий муҳаббат куйчиси экани қайси шеърларида кўринади?

4. Атойининг шеърӣ санъатлар (*тажзоҳули ориф, тамсил санъатлари*) асосидаги ўхшатишларини шарҳлаб беринг.

5. Ҳофиз Хоразмийнинг кимга бағишланган марсияси бор?

6. Ҳофиз Хоразмийнинг ижоди қайси жанрлардан иборат?

САЙИД ҚОСИМИЙ ИЖОДИ

Режа:

1. Сайид Қосимийнинг ижоди ҳақида умумий маълумот.
2. Сайид Қосимийнинг “Мажмаъ ул-ахбор” достони ҳақида.
3. “Гулшани роз” ва “Ҳақиқатнома” дostonлари хусусида.
4. “Илоҳийнома” дostonининг мазмуни.
5. “Илоҳийнома”лардаги фарқлар.
6. Хусайн Бойкаро (Хусайний) ижоди.

Таянч сўз ва иборалар: *илмий жамоатчилик, “Гулшани роз”, “Маснавийлар мажмуаси”, “Мажмаъ ул-ахбор”, “Маҳзан ул-асрор”, дoston, “Ҳақиқатнома”, “Илоҳийнома”.*

Сайид Қосимийнинг ижоди ҳақида умумий маълумот. Шоирнинг таржимаи холи тўғрисида батафсил маълумот йўқ. Унинг тўртта дostonи – “Мажмаъ ул-ахбор”, “Гулшани роз”, “Ҳақиқатнома” ва “Садокатнома” дostonлари бизга маълум. Бу асарлар устидан илмий жамоатчиликни таништиришда ва уларни нашр қилишда филология фанлари номзоди Бобоҳон Қосимхоновнинг хизматлари катта. У “Сайид Қосимийнинг адабий-дитактик дostonлари” монографиясини (Т.: “Фан” нашриёти, 1987) ёзиб, шоирнинг “Маснавийлар мажмуаси”ни (Т.: “Фан” нашриёти, 1992) нашрга тайёрлаб, чоп эттирган.

“Мажмаъ ул-ахбор” дostonи ҳақида. Сайид Қосимийнинг биринчи дostonи “Мажмаъ ул-ахбор” (Хабарлар тўплами) дostonи ҳамд, наът, “Дар сабаби назми китоб ва шарҳи аҳволи худ”, сўнгра “Фи мадҳи Султон Аъзам Султон Абу Саъид”га, яъни Султон Абу Саид Мирзога (1451-1469 йилларда ҳукмронлик қилган) қасида билан бошланади. Шоир бу дostonини Низомийнинг “Маҳзан ул-асрор” ва Ҳайдар Хоразмийнинг шу номдаги дostonларига жавоб тариқасида ёзганини баён қилади:

Ҳайдар агар бердиса сўз додини,
Жумла жаҳон айлар онинг ёдини.

“Маҳзани асрор”а айтди жавоб,
Сочти маоний дурини чун сахоб.

Манда дағи бор эди ушбу ҳавас,
Шукр Худо, топтим анга дастрас...

Шайх Низомий дамани ёд этиб,
Хатми дуо бирла руҳин шод этиб.
(*Маснавийлар мажмуаси, 15-16-б.*)

Саййид Қосимий гарчи Низомий ва Ҳайдар Хоразмийга назира ёзган бўлса ҳам, дoston таркибидаги ҳикоятлари оригиналлиги билан ажралиб туради. Низомий ва Ҳайдар Хоразмийнинг “Махзан ул-асрор” дostonи таркибидаги ҳикоятлар билан бир номда бўлгани холда, воқеалар сюжети, баён услуби жиҳатидан катта фарқлар бор. Масалан, Низомийда “Исо алайҳиссалом ҳикояти” бор, шунингдек, Саййид Қосимийнинг мазкур дostonида ҳам Исога оид ҳикоят бор. Аммо Саййид Қосимий бир шаробхўр фосикнинг жаннат умидида Худодан таъма қилиши ҳақида ҳикоя қилади. Бу дoston асосан ҳикоятлардан иборат бўлиб, Иброҳим алайҳиссалом, шайх Жунайд Бағдодий каби буюк мутасаввуфлар ва бошқа кўшлаб дидактик ҳикоятлардан иборат. Ҳар бир ҳикоятдан олдин берилган “Сарсухан”, худди Ҳайдар Хоразмийнинг “маъвиза”лари каби, панд-насихатлардан иборат

“Гулшани роз” ва “Ҳақиқатнома” дostonлари хусусида. “Гулшани роз” (Сирлар гулшани) дostonи ҳам, юқоридаги дoston сингари, ҳамд, наът, “Дар сабаби назми китоб” ва Абу Саид Мирзо тасарруфидаги бир шаҳарнинг ҳокими Жалолиддин Саййид Мазидга бағишланган қасидадан иборат. Сўнгра бир неча бобларда ва ғазалларда Саййид Қосимий илоҳий ишқни тараннум этади.

“Ҳақиқатнома” дostonининг тузилиши ҳам юқоридаги ҳар икки дostonники сингари бўлиб, кимга бағишлангани номаълум, яъни қасида йўқ. Фақат муножот кўшилган. Муножотнинг диққатга сазовор томони шундаки, Саййид Қосимий “Муҳаббатнома”ни тилга олиб ўтади:

...Ки туркий бирла назм этсам китобе,
Анинг ҳар ҳарфи бўлса фатҳи бобе.

“Ҳақиқатнома” кўйсам онинг отин,
Баён қилсам бурунқилар сифотин.

Маъоний дуррини оламга ёйсам,
“Муҳаббатнома”нинг баҳрида айтсам.
(*Маснавийлар мажмуаси, 130-б.*)

«Муҳаббатнома» хазажи мусаддаси максур – *мафоилун мафоилун мафоил* вазнида ёзилган. Саййид Қосимий ҳам шу баҳрда ижод қилган.

Бу боб ҳам асосан Ҳасан Басрий, Иброҳим Адҳам, Хофий Басрий ва бошқа афсонавий ва тарихий шахсларга бағишланган хикоятлардан ташкил топган.

“Ҳақиқатнома” дostonининг хотимасида Саййид Қосимий асарни ёзиб тугатган йилини (ҳижрий 863 – милодий 1458-1459 йиллар) кайд этганини эътиборга олсак, у XV асрда Мовароуннаҳр ёки Хуросонда яшаб, ижод этган деб тахмин қилиш мумкин.

Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида ёки бошқа мавжуд тазкираларда Саййид Қосимий тўғрисида маълумот йўқ.

“Илоҳийнома”нинг хотима қисмидаги ва “Мажмаъ ул-ахбор”даги маълумотлардан Қосимий илгари шоҳ ва амалдорлар хизматида бўлганлиги англашилади. Кейинчалик номаълум сабабларга кўра, саройдан четлаштирилади. Оқибатда шоирнинг турмуши оғирлашган. Бу тўғрида Абу Саид Мирзога бағишланган мадҳиясида ёзган. Саййид Қосимий ҳар тўрт дostonини яратиш билан туркий адабиётда XI-XV асрларда ривож топган дидактик дostonчилик анъаналарини маҳорат билан давом эттирди.

“Илоҳийнома” дostonининг мазмуни. Саййид Қосимий дostonлари орасида “Илоҳийнома” асари алоҳида аҳамият касб этади. Шоирнинг мазкур асари пок, вафодор аёл тимсолини мадҳ этади. “Илоҳийнома”ни Саййид Қосимий аёлнинг таъриф-тавсифи билан бошлайди:

Бор эрди вақте бир соҳибжамоле,
Нигоре, нозанине, бемисоле.

Малоҳат кишварида подшоҳе,
Кўзи лашкаркашу хусни сипоҳе...

Кўзи сарфитнайи офок эрди,
Жаҳонда жуфт коши тоқ эрди...

Амину муттақий эрди ҳалоти,
Ёмон-яхши била йўқ қилу қоли.

Бундан кейинги воқеаларда драматик ҳолатлар анча кучли. Аёлнинг эри Каъба зиёратига отланади. Сафар олдидан укасига, хотинимдан сен хабар олиб турасан, у истаганини муҳайё қил, келганимдан сўнг ўн баробар қилиб қайтараман, деб ваъда беради. Йигит ҳар икки кунда келиб, акаси хотинининг юмушларини бажариб кетар, одобни ўз ўрнига кўяр эди.

Ки, хотун эрди олам порсоси,
Музайян эрди андин зуҳд асоси.

[Яъни: аёл оламдаги энг художўй аёл эди, тоат-ибодат билан шуғулланиш унинг зийнати эди] Шундай фазилатларга эга бўлган аёл доимо юзини пинҳон тутар, йигит унинг жамолини кўрмаган эди. Ногаҳон бир куни кутилмаганда йигит аёлнинг парда ортидаги гўзал юзига кўзи тушиб қолади ва *“асиру ошиқу девона бўлди, жамоли шамъина парвона бўлди”*. Йигитнинг нияти бузилди, унинг таклифини аёл қатъиян рад қилгач, унга тухмат уюштирди. Қозига бориб, аёлни зинокорликда айблади. Қози аёлни тошбўрон қилиб ўлдиришга фатво берди. Оломон аёлни тошбўрон қилиб, ўлди деб гумон қилиб кимсасиз жойга олиб келдилар. Ҳаммага ибрат бўлсин, деб ўша овлок жойда қолдириб кетдилар. Лекин аёлнинг ҳали танасида жони бор эди.

Шундан сўнг аёлнинг тақдирида кўп қора кунлар юз беради: аъробий (бадавий)нинг бу аёлга нисбатан қилмоқчи бўлган номаъқул хатти-ҳаракати, унинг *“сияхрў, лаъин”* қулининг аёлга қилган тухматлари, кейин аъробийнинг аёлга қилган химмати ва саховатпешалиги хикоя қилинади. Хирож тўлай олмаган бир йигитни шоҳ дорга осишга буюрганда, аъробий иъном қилган уч юз динорни йигитнинг хирожи учун бериб, уни ўлимдан қутқариб қолади. Бу йигит бир савдогарни уни юз динорга сотиб юборади, аёлга савдогар ва кемадаги халойик кўп хиралик қилавергач, у Тангрига илтижо қилган эли, уларга Тангри бало-офат юборди. Аёл йигит либосини кийиб олиб, қатта бир мамлакатга келади ва ўша мамлакат подшоҳидан кемадаги жамики мол-мулк эвазига бир ибодатхона қуриб беришни сўрайди. Зотан, унинг мақсади ва

аъмоли - тоат-ибодат, бу дунёдан у безган, унга молу давлат, бойлик керак эмас, факат эгнидаги хиркаси бўлса, кифоя:

Ки, қилсам кеча-кундуз анда тоат
Ки, будур лаззати факру каноат.

Бу дунёдин маним бордур малолим,
Керак укбода яхши бўлса ҳолим.

Икки дунйисида бир хирка басдур
Ангаким, ёди бирла ҳамнафасдур.

Шоҳ унинг илтимосини кондиради. Шоҳ вафотидан олдин ўша “йигит”ни ўзининг ўрнига подшоҳ қилиб кўтаришларини халкка васият қилади. Хуллас, у бир канча саргузаштларни бошдан кечиради. У ўзининг каромати билан одамларга шифо беради, тилсизларга тил ато қилади, кўзи ожизларнинг кўзларини очади, катта кичикнинг эътиборини қозонади, мамлакат подшоҳи бўлади. Каъба зиёратидан қайтиб келган эри келиб кўрсаки,

Эву эли бори вайрон бўлмиш,
Саройи ер билан яксон бўлмиш.

Инининг на аёки, нае али бор,
Икки кўзи доғи йўк, бир тили бор...

Инисидин савол этди оғаси,
Уйим, элим қанию кадхудоси?

Иниси акага юз берган воқеаларни айтиб беради, унинг зинокорлигини, кўни-кўшнилар гувоҳ бўлганини ва козининг фатвоси билан тошбўрон қилиб ўлдирилганини бирма-бир сўзлаб беради. Ака ҳасрат чекади. Кўзи ожиз инисини “шаҳрда Исо нафаслик” бири бор эканини айтади ва унинг ҳузурига олиб боради. Аёл шифо топишга келган одамлар орасидан эрини танийди. Аёл улардан ташриф мақсадини сўрайди. Улар шифо топиш умидида келганларини эшитгач:

Айитди: - Ул эрур беҳад гуноҳкор,
Шифо топмасдур онча қилмай гуноҳкор

дея жавоб беради. Ўша фитначи йигит юз берган воқеаларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб беради: хотиннинг беғуноҳлигини, уни туҳмат билан тошбўрон қилдирганини, нафси дун учун уни абгор қилганини, энди ўз қилмишларидан ўзи шарманда бўлиб турганини айтади. Аёл унинг гуноҳини кечириб, дуо қилади. Йигит ўша зоҳоти шифо топади. Шифо топиш умидида келган аъробийнинг кули, қари кампирнинг ўғли ҳам ўз гуноҳларини очик айтадилар ва аёлнинг дуоси билан шифо топадилар. Шундан сўнг аёл эрини бошлаб хилватга қиради ва юзидаги ниқобини олади. Хожаси унинг гул жамолини кўриб ҳушидан кетади. Аёл уни ўзига келтириб, ҳушидан кетиш сабабини сўрайди. Хожа:

Айитди: - Бор эди вақте ҳалолим
Ким, эрди мунису дафъи малолим.

Бўлуптур ул бу дам раҳматга восил,
Гар ўлтурсам ўзумни на ҳосил.

Сани ман ул соғиндим, эй парирўй
Ки, йўқтур орангизда фарқ бир мўй.

Аёл хожасига ўзини танитади ва мамлакатда ҳаммани бой қилиш билан бирга, ўзи каноатни бурч деб билди.

Достон сўнгида Саййид Қосимий қуйидаги байтни келтиради:

“Илоҳийнома”йи Аттор бу дур,
Давайи сийнаи афгор бу дур.

[Атторнинг “Илоҳийнома”си шудир, яраланган қалбларга даво будир].

Бундан ташқари, Саййид Қосимий бу достонини ёзишда «шайх руҳидин талабгор» бўлганини алоҳида таъкидлади ва бу «мушқил асрор» (Атторнинг эътиқоди ва маслагини) у ҳал қилди. Шу ўринда Саййид Қосимий ўз асарининг ёзилиш мақсади ҳақида қуйидагича хабар беради:

Они турки бирла Қосимий айди,
Маъоний гуҳарин элга ёйди.

Демак, Саййид Қосимий Фаридидин Атторнинг “Илоҳийнома”сини эркин таржима қилмаган, балки шу мавзуну у ўзбек тилида ёритишни мақсад қилиб кўйган, деган фикр пайдо бўлади. Қутб, Ҳайдар Хоразмийдаги шарқона одоб, устозларга ҳурмат Саййид Қосимийда ҳам бўртиб кўриниши ва ўз ижодига камтарона баҳо бериши унинг катта ижодкор эканидан далолатдир. Фаридидин Атторнинг Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси (“Мусика” нашриёти, 2007 йил. 52-б.)даги “Илоҳийнома”сидан ўрин олган “Покиза аёл садокати” ҳикояти Саййид Қосимийнинг “Илоҳийнома” дostonига мазмунан мос келади. Аммо ҳар иккала асарнинг ҳажмида фарқ бор: Саййид Қосимийнинг “Илоҳийнома”си 411 байтни, Атторнинг “Илоҳийнома”сида “Покиза аёл садокати” ҳикояти эса Жамол Камол таржимасида 305 байтни ташкил қилади. Ҳар иккаласи ҳам дostonда бир мавзуну – аёлнинг бошдан ўтказган саргузаштлари ва бу орқали ҳар икки муаллиф вафо, садокат, зуҳду таквони бош ўринга чиқаради.

“Илоҳийномалар”даги фарқлар. Дostonлардаги айрим фарқлар қуйидагилар:

Атторнинг “Илоҳийнома”сида: эри укасини хотинига хизмат қилишни топширади.

Саййид Қосимий “Илоҳийнома”сида: эр Каъба зиёратига кетаётганда хотинидан хабар олиб, унинг хизматида бўлишни укасига тайинлайди.

Атторда: аёл бир хирож тўлашга қурби етмасдан дорга осилишга фармон бўлган йигитни дор тагидан қутқариб олади, йигит аёлни кемадаги савдогарга сотаётиб, унинг бир камчилиги бор, бу аёл қайсар, деб уни камситади ва юз динорга сотади.

Саййид Қосимийда: бу аёл телба, деб уни камситади ва уч юз динорга сотади ва х.

Ҳар иккала асарда фарқ катта эмас. Фақат айрим воқеалар тасвирида тафсилотлар Саййид Қосимийда кўпроқ учрайди.

Ҳар иккала “Илоҳийнома”нинг мақсади ва моҳияти деярли бирдир. Саййид Қосимий ўз “Илоҳийнома”сини туркийда ёзганини алоҳида таъкидлайди. Айни пайтда Саййид Қосимийнинг

“Илохийнома”си Атторма таянган экан, Атторнинг “Илохийнома”си бир манбага – шарқ адабиётидаги ривоятларга таянгани англашिलाди. Зотан, асарнинг ниҳояси худди шарқ эртаклари ва ривоятларидаги сингари тугалланма билан яқунланади.

Хусайн Бойқаро (Хусайний) ижоди. Хусайн Бойқаро Амир Темур Кўрагон наслидан бўлиб, Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаронинг ўғлидир. Хусайн 1438 йили Ҳирот шаҳрида туғилган. 1469 йили Ҳирот тахтини эгаллаб, 1406 йилгача Хуросоннинг ҳукмдори бўлади.

Хусайн Бойқаро, Навоийнинг таъбири билан айтганда, форсий ва туркий тилда шеър яратиш иқтидорига эга бўлган бўлса-да, асосан туркигўй шоирларни ўз она тилларида ижод қилишга чорлаб, махсус фармонлар берган. Бу ҳақда Навоий куйидагиларни ёзади: “Ва илтифот ва эҳтимом юзидин баъзи маънилар топиб, назм килурға ҳукмлар ҳам жорий бўлди ва сўз услубига таъинлар ва адосиға таълимлар ҳам изҳори бўлди”.¹⁷³ Бу воқеа туркий адабиёт тарихида катта сиёсий, маданий ва ижтимоий аҳамиятга молик бўлди.

Навоий Хусайн Бойқарони етук шоир сифатида кўрсатишдан аввал, унинг шахсияти ҳақида, истеъдодини вужудга келтирган омиллар ҳақида “Мажолис ун-нафоис”да сўз юритади. Жумладан, Хусайн Бойқаронинг шажараси ҳақида “Насабнома” битилган, аммо Навоий бу “Насабнома”ни ким битганлиги ҳақида тазкирада айтмаган. Унинг таърифлашига кўра, Хусайн Бойқаро “Насабнома”сининг ҳар саҳифаси шунчалик гўзал қилиб безалганки, Монийнинг суратлари ўша безаклар қаршисида хижолатда қолади. Бойқаронинг обрў-эътибори, донғи шарҳида “Насабнома”даги воқеалар битилган ҳар бир саҳифа Чин суратхоналарини уялтиради. Шунингдек, Хусайн Бойқаронинг шону шавкати, тафаккур олами ҳақида Навоий сўз юритиб, Жамшид ва Искандарнинг билганлари ҳам, қилганлари ҳам унинг олдида ҳечдир ва х.

Хусайн Бойқаро биз учун улуғ шоир сифатида кадрли. Навоий унинг девони ҳақида куйидагича маълумот беради: “Ул ҳазратнинг (яъни Хусайн Бойқаронинг – Н.Р.) хуб ашъори ва марғуб абёти бағоят кўпдур ва девон ҳам мураттаб бўлубдур. Девон ибтидосидан

¹⁷³ Ўзбек адабиёти тарихи. 2- том. Тошкент, Фан. 1977, 426-бет.

бунёд килилди ва ҳар ғазалдин бир матлаъ ёзилди”. Шундан сўн Хусайн Бойқаро девонидаги ҳар бир ғазалнинг матлаъини келтиради. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Хусайн Бойқаро ҳузурида ўтказиладиган анжуманларни “олий мажлис” деб юритилгани ва бундай мажлисда энг етук асарлар ўқилгани ва муҳокама боиси бўлган тўғрисида маълумот беради.

Навоий “Мажолис ун-нафоис”нинг VIII бобини Хусайн Бойқарога бағишлаган ва унинг девонидан 164 ғазалнинг матлаъини келтирган. Шоир Хусайний қўллаган поэтик образлар, воситалар, шоирнинг шеърятдаги ихтиролари юзасидан фикр юритган. Мисол сифатида “Мажолис ун-нафоис”да Хусайн Бойқаронинг девонидан “алиф” ҳарфига келтирилган матлаъни олиб кўрайлик. Навоий байтни келтиришдан олдин байт мазмунини шарҳ қилиб, маҳбубнинг ҳаддан ортиқ илтифотидан беҳол бўлгач, ҳушсизларча ўша илтифотни изҳор қилиш маъносида қуйидаги матлаъ ажойиб ифодаланганини айтади:

Эврулуб гул бошига булбул висол ўлғай анга,
Гул анинг бошига эврулса, не ҳол ўлғай анга.

(Булбул гулнинг бошида айланиб, унга эришмоқчи бўлади;
Агар гул булбулнинг бошида айланса, унинг холи қандай бўларкин.)

Мана шу байтнинг ўзиёқ Хусайн Бойқаронинг туркий шеърят хомийсигина эмас, балки амалда ниҳоятда нозик дидли шоир эканини кўрсатиб туради.

Хусайн Бойқаронинг маҳорати, иқтидори шу қадар баланд бўлганки, бошқа туркиғўй шоирлар амалда истифода эта олмаган ғазалга маҳорат билан ёндашади. Масалан, унинг девонидаги “се” ҳарфига битилган байтни келтиришдан олдин Навоий қуйидаги шарҳни беради: “Бу ҳарфда турк шуаросининг малик ул-каломлари шеър айтмайдурлар, балки айта олмайдурлар, то анга не етгайки, бу муқобалада киши они кетургай ё нисбат бергай. Бу матлаъ таърифиди мунча басдур:

Ёр кўйидин ўтарда кўргузур бу зор макс,
Сўз деса доғи жавобида килур бисёр макс

(Бечора ошиқ махбубасининг кўчасидан ўтганда, бу бечора тўхтаб қолади;

Махбуба бир сўз айтса, жавоб беролмай, яна кўпроқ тўхтаб қолади)".

Ошиқнинг маъшуқа олдида ожизу нотавон ҳолатини шоир ана шундай тавсиф этади.

Навоий Хусайнийнинг етук шеърларига юксак баҳо беради, айниқса унинг шеърлари туркий тилда ёзилганлигини алоҳида таъкидлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам "Бобурнома"да Хусайн Бойқаронинг фаолиятига юксак баҳо беради. "Султон Хусайн Мирзонинг замони ажаб замона эрди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирӣ шаҳри мамлу эрди. Ҳар кишиниким, бир ишга машғуллуғи бор эрди, қиммати ва ғарази ул эрдиким, ул ишни камолга еткургай". (*Бобурнома, Тошкент, 1960, 239-240-б.*)

Хусайн Бойқаро Навоийга бағишлаб "Рисола" ҳам ёзган. "Рисола" "Муножот" руҳида ёзилган. "Рисола"да ҳам шох, ҳам шоир бу олам саодати ва чексиз неъматларига етказгани, Жомий ва Навоий каби алломалар билан замондош, ҳамнафас қилгани учун Худойи Таолога шукрона айтади.

Савол ва топширқлар

1. Саййид Қосимийнинг қайси дostonлари бизга етиб келган?
2. "Мажмаъ ул-аҳбор"нинг тузилишини айтинг.
3. "Ҳақиқатнома" дostonининг тузилишини айтиб беринг.
4. "Ҳақиқатнома" дostonининг тузилиши ҳақида сўзлаб беринг.
5. "Илоҳийнома" дostonи кимнинг асари таъсирида ёзилган?
6. Аtтор билан Қосимий "Илоҳийнома"ларидаги фарқларни айтинг.
7. Хусайн Бойқаро ижодининг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

ХУЛОСА

Биз ўзбек мумтоз адабиётининг энг қадимги даврлардан XV асрниңг биринчи ярмигача бўлган тарихини сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилдик. Мазкур қўлланмада илк марта исломгача бўлган давр туркий, яъни ўзбек адабиётининг вужудга келиши ва тарихий тараққиёти тамомила янгича қараш ва таҳлил усуллари орқали ўрганилди ва талабалар, илм аҳли, қолаверса, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди. Биз асосан, даврнинг ёки бадий асарда илганмайдиган ижтимоий-сиёсий жараёнларга эмас, балки бадий матнга асосий эътиборни қаратдик. Талабада ҳам, оддий китобхонда ҳам бадий дидни тарбиялаш ҳамма даврдаги бадий асарнинг биринчи вазифасидир. Агар адабиёт шу вазифасини бажармаса, ўз-ўзидан эътибордан четда қолади ва адабиёт майдонидан чиқиб кетаверади. Шунингдек, “Қисаси Рабғузий”, “Наҳж ул-фародис”, “Ўғузнома”, “Жомеъут-таворих”, “Тўрт улус тарихи” каби бир қатор эътибордан четда қолиб келган бадий, тарихий-адабий асарлар, Абу Райҳон Беруний каби қомусий олимларнинг адабиётшунослик фаолияти, Ибн Синонинг “Ҳайй бин Яқзон” каби фалсафий асарлари ва б. кўплаб ижодкорларнинг сиёсий нуқтаи назардан бадий асар сифатида инкор қилинган ёки қораланган асарлари олий ўқув юртлири дастурига киритилди ва мазкур қўлланмадан ҳам жой олди.

Бадий асар тушунчаси кенгдир. Ҳар бир давр адабиётининг ўз бадий мезонлари, қоидалари бор бўлиб, албатта, кейинги давр адабиёти учун замин бўлгани шубҳасиз. Биз ўзбек адабиёти тарихини Шўро давридагидан тамомила фарқли равишда илгари ўзимиз ишлаб чиққан тамойиллар асосида даврлаштирдик. Биз ўзбек адабиётини даврлаштириш тамойиллари ҳақида алоҳида монография ҳам яратдик. Албатта, ҳали мазкур қўлланмада жиддий ўрганилиши, ёритилиши зарур бўлган масалалар бор. Келгусида бу масалалар такомиллаштириб борилади.

Биз мазкур қўлланма юзасидан таклифларни ва мулоҳазаларни бажонидил қабул қиламиз. Бизнинг электрон манзилимиз:

nasimhon_r@mail.ru

ИЛОВА

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ ВА АЙРИМ ЖАНРЛАР ТАКОМИЛИ

Ўзбек адабиёти тарихига назар солганда, шубҳасиз, унинг жаҳондаги кўпгина халқлар адабиёти каби бой адабий меросга эга эканлиги кўзга ташланади. Бу адабиётнинг илдизи узоқ даврларга бориб такалади. Унинг шаклланиши ва тараққиёти бевосита қадимги туркий адабиёт билан мустахкам боғлиқ. Чунки ўзбек адабиёти қадимги туркий адабиёт негизида ривож топган. «Қадимги туркийлар давридаги адабий анъана изсиз йўқ бўлиб кетмади, балки ўзида мураккаб эстетик-адабий тизимни гавдалантирадиган мумтоз туркий шеърятга кириб келди»¹⁷⁴. Қадимги туркий монийлик шеърлари, туркий буддавийлик адабиёти, Урхун-Энасой обидалари, «Девону луғотит турк»да сақланиб қолган бадий ижод намуналарининг шаклий-поэтик хусусиятлари илк классик даврдаги туркий адабиётда давом этганлиги туркий адабиётнинг узлуксиз равишда тараққиётда бўлганлигини кўрсатади.

Туркий адабиётда шеър қадимдан мавжуд. Шеърнинг шаклланиши туркий адабиётнинг ички имкониятлари асосида пайдо бўлган. Бу хусусият унинг жанрлар тизимида яққол кўринади. Қадимги туркий адабиётдаги айрим жанрлар тўғрисида «... сўз юритилганда, ҳозирги жанрлар ҳақидаги тасаввурлардан бир оз чекинишга тўғри келади. Акс ҳолда, қадимги туркий адабиётдаги жанрларнинг пайдо бўлиши ва ўзига хослигини, илк классик даврдаги адабий жанрлардан фарқларини кўрсатиш имкони бўлмайди»¹⁷⁵. Ҳар қандай жанрнинг ҳар бир халқ адабиётида ўзига хос шаклланиш ва тараққиёт йўли мавжуд. Жанрлар қотиб қолган нарса эмас, улар ҳам маълум бир даврда туғилади, шаклланади ва бошқа жанрларнинг юзага келишига таъсир кўрсатади. «Ҳар бир жанр аввало аралаш (синкретик) тарзда яшайди, табақаланиш шундан кейин бошланади. Шунинг учун ҳам жанр шаклланган нарса, бунгача у силликланади, тарашланади, текисланади, унга жило ва пардоз берилади. Барқарорликкина эмас, балки тарихий

¹⁷⁴ Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. Москва, Наука, 1982. С. 5.

¹⁷⁵ Раҳмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. Тошкент, Халқ мероси, 2002. Б. 55.

шаклланган бўлиш ҳам жанрларнинг муҳим белгисидир. Бундан доимо янги жанрлар туғилиб туриши мумкин деган хулоса келиб чиқади»¹⁷⁶. Жанрларнинг такомиллида ижодкорларнинг ҳам алоҳида хизматлари бор. Чунки ҳар бир шоир қайси бир жанрда қалам тебратмасин, биринчи навбатда, ўз қобилият ва иқтидорини намойиш этади. Иккинчидан, улар ўша жанрларнинг такомиллига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади. Демак, ижодкорнинг индивидуал маҳорати орқали жанрлардаги ўзига хослик ҳам намоён бўла боради. Шоир учун фақат битта эмас, бир неча жанрда асар яратиш имконияти мавжуд. Бу бевосита унинг истеъдоди билан боғлиқ тарзда юзага чиқади. Бадиий адабиётнинг тараққиёти биргина шоирда бир неча жанрларда ижод қилишга шароит яратади. Бизгача етиб келган қадимги туркий адабиёт намуналарини ўрганиш, якка ижодкорларнинг асосан санокли битта ёки иккита жанрларда асарлар яратганлигидан далолат берса, илк классик даврдан бошлаб, шоирларнинг жанрлардан фойдаланишида ўзига хос кенг камровлилик кузатила бошлайди. Масалан, катта ҳажмдаги асар муаллифи бўлган Юсуф Хос Ҳожиб дoston жанри ривожига муносиб ҳисса қўшган бўлса-да, бироқ у “Кутадғу билиг” таркибида бир неча жанрлардан маҳорат билан фойдаланган. Дostonдаги маснавий, тўртлик, қасида элементлари шундан далолат беради. Бу анъана Адиб Аҳмад ижодида ҳам давом этади. “Ҳибат ул-ҳақойик” асарида ҳам тўртлик, маснавий билан биргаликда ғазалга хос белгилар мавжуд. Насрий асарлар таркибида кичик лирик жанрларнинг учраши ва, шунингдек, номалар асосида яратилган бадиий ижод намуналарида ҳам бир неча жанрлардан самарали фойдаланиш ёзма адабиётнинг ўша даврлардаги ички қонуниятлари билан боғлиқ тарзда юзага келган ҳодиса саналади. Умуман, бундай хусусият қадимги туркий адабиёт учун бегона эмас. Хусусан, битиктошлар матнида ҳам шундай ҳолат кузатилади. Қолаверса, бундай анъана оғзаки адабиётда ҳам бор.

Бир шоирнинг бир неча жанрга мурожаат этиши ва уларда алоҳида-алоҳида мустақил шеър ёзиши кейинги асарлардан бошлаб, табиий жараёнга айлана борди. Бу ҳодисани якка индивидуал

¹⁷⁶ Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик, 2-жилд. Тошкент, Фан, 1992. Б. 132.

ижодкорда Сайфи Саройидан бошлаб кузатиш мумкин. Ундан бизгача етиб келган адабий мерос кўлами унчалик ҳам кўп бўлмасанда, бироқ борларининг ўзи ҳам шоирнинг анчагина сермаҳсул ижодкор бўлганлигидан дарак беради. Жумладан, Сайфи Саройи ғазал, маснавий, рубоий, чистон, қасида каби кичик лирик жанрлар билан бир қаторда дoston жанрида ҳам ўзини синаб кўради. Ҳаттоки, таржима билан шуғулланади. Бундай кенг қамровлилик кейинги даврларда яшаган Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий каби барча шоирларда ҳам бор. Улар бир неча жанрларда ижод қилиш учунгина эмас, балки жанрларнинг имкониятини кенгайтириш, уларнинг такомили ва машҳур бўлишини таъминлаш, уларда шеър ёзиш бадий ижод оламида ўзига хос анъанага айланиши учун ҳам хизмат қилдилар. Лекин шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврлардан бошлаб, айрим жанрларнинг етакчилиги кўзга ташлана борди. Хусусан, ғазал ҳақида шундай фикр айтиш мумкин. Умуман, жанрларнинг тараққиёти бадий адабиётнинг ривожини билан бир қаторда шоирларнинг индивидуал маҳоратига ҳам боғлиқ равишда амалга ошишини унутмаслик лозим.

ТҶРТЛИК

Тўртликлар қадимдан туркий халқлар шеърлятида кенг қўлланилиб келади. Ҳозирги мавжуд манбаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, бизгача тўртликларнинг туркий ёзма адабиётдаги энг қадимги намуналари Моний ва Будда муҳитида яратилган шеърлар орқали етиб келган. Мазкур шеърлар буддавийлик ва монийлик дини ғоялари билан суғорилганлиги сабабли ғоявий жиҳатдан кейинги давр шеърларидан фарқланади. Ҳар иккала диний оқимдаги мавжуд шеърларни шаклий-поэтик томондан кузатиш уларда тўртликларнинг етакчи мавқега эга эканлигини тасдиқлайди. Бизгача етиб келган монийлик¹⁷⁷ таъсиридаги ижод намуналари мазмунан мадҳиялардан, диний-ахлоқий шеърлардан иборат. Мазкур шеърларнинг ёзилиш вақти Турк хоқонлиги тугаб, унинг ўрнига туркийларнинг энг катта қавмларидан бири уйғурларнинг ҳокимиятни эгаллаган даври – VIII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Дарҳақиқат, дастлаб Эронда шаклланган монийлик оқими туркий уруғ ва қабилалар орасидан уйғур хоқонлигида расмий давлат дини даражасига кўтарилди. Уйғурлар монийликни «... қабул этиб, ўз маданият ва ҳаётларини бир қадар ўзгартирдилар. Урхун алифбоси ўрнига сўғдча асосида шаклланган ёзувни (уйғур ёзувини) олдилар ва кайд этиш керакки, уларнинг жанговарлиги анча сусайди»¹⁷⁸.

¹⁷⁷ Қаранг: Arat R.R. Eski türk şiiri. Ankara, 1991; Тугушева Л.Ю. Поэтические памятники древних уйгуров // Тюркологический сборник, 1972, Москва, Наука, 1973. С.238-242; Бомбачи А. Тюркские литературы...// Зарубежная тюркология. Москва, Наука, 1986. С.196-200; Габен А.ф. Древнетюркская литература // Зарубежная тюркология. Москва, Наука, 1986. С.322-326; Раҳмон Н. Турк хоқонлиги. Тошкент, Халқ мероси, 1993; Қаюмов А. ва бошқ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. Тошкент, Ёзувчи, 2000; Раҳмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. Тошкент, Халқ мероси, 2002; Mamatqulov M. Qadimgi turkiy adabiyotda to'rtlik va marsiya. Toshkent, Yangi asr avlodi, 2006; Стеблева И.В. Жизнь и литература доисламских тюрков. Москва, Восточная литература, 2007; Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. Тошкент, Фан, 2007; Стеблева И.В. Тюркская поэтика. Москва, Восточная литература, 2012; Алимухамедов Р.А. Қадимги турк-моний адабиёти манбалари. Фил. фан. док. ... дисс. автореферати. Тошкент, 2016.

¹⁷⁸ Усмон Турон. Туркий халқлар мафқураси (Таржимон: Улутбек Абдулвахоб). Тошкент, Чўлпон, 1995. Б.67.

Мазкур диннинг қонун-қоидаларига кўра, одамларга озор бериш ва уларни ўлдириш, ҳаттоки, ҳайвонларнинг гўштини ейиш тақиқланган. Шу сабабли «... илгари гўшт билан овқатланадиган халқ энди гуруч билан озиқланадиган бўлди. Илгари қотиллик кўп бўлган мамлакатда энди фақат эзгулик ҳукм суради. Кўринадики, монийлик таълимоти қабилалар, қолаверса, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ички низоларнинг олдини олишга, халқларни тинч-тотув яшашга ундовчи бир чақирик эди»¹⁷⁹.

Монийлик шеърларида ўша даврларда яшаган туркийларнинг дунёқараши, урф-одатлари, оламнинг тузилиши тўғрисидаги тасаввурлари, диний-ахлоқий қарашлари ўз аксини топган. Бу тушунча ва тасаввурлар Моний асос солган диннинг қонун-қоидалари, мезонларига таянади. Айниқса, Тонг тангрисига бағишланган мадҳияда шундай хусусият кўзга ташланади:

Танг тенгри келти, Тонг тангриси келди,
Танг тенгри ўзи келти. Тонг тангриси ўзи келди.
Танг тенгри келти, Тонг тангриси келди.
Танг тенгри ўзи келти. Тонг тангриси ўзи келди.

Турунлар, қамағ беглер, қадашлар,
Танг тенгриг ўгелим.

Туринлар барча беклар, қардошлар,
Тонг тангрисини мадҳ этайлик.

Кўругме кун тенгри, Кўринган кун тангри,
Сиз бизни кузединг. Сиз бизни кўриқланг.
Кўрунугме ай тенгри, Кўринган ой тангри,
Сиз бизни қуртғаринг. Сиз бизни қутқаринг.

Танг тенгри! Тонг тангриси!
Йидлиғ, йипарлиғ. Гўзал ҳидли, мушк ҳидли
Яруқлуғ, яшқлуғ. Ялтираган, нур сочиб турган
Танг тенгри! Тонг тангриси!
Танг тенгри! Тонг тангриси!

¹⁷⁹ Раҳмон Н. Турк хоқонлиги. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. Б. 104.

Танг тенгри! Тонг тангриси!
Йидлиғ, йипарлиғ. Гўзал ҳидли, мушк ҳидли
Яруклуғ, яшуклуғ. Ялтираган, нур сочиб турган
Танг тенгри! Тонг тангриси!
Танг тенгри!¹⁸⁰ Тонг тангриси!

Шеър 20 мисрадан ташкил топган бўлиб, унинг тузилишида сўз ва мисралар такрори асосий рол ўйнайди. Бешинчи ва олтинчи мисралар худди нақорат вазифасини бажариб, айтилаётган фикрга эътиборни кучайтиришга хизмат қиляпти. Шеърдаги бўғинлар таркибига эътибор қиладиган бўлсак, улар ўртасида ҳам фаркнинг мавжудлиги кўзга ташланади ва уларнинг миқдори 3 бўғиндан 10 бўғингачани ташкил этади. Шунингдек, тўртлик ва бешлик шакллари шеър бандларини ташкил этган ҳамда бир шеър таркибида бандларнинг хилма-хиллигини ҳосил қилган. Бундай ҳол бошқа айрим монийлик шеърларида ҳам учрайди. Бунинг сабабини, бизнингча, халқ оғзаки ижодининг таъсири билан изоҳлаш лозим. Ёзма адабиётда эса «... шеър қандай банд билан бошланса, шундай банд билан тугайди, яъни қатъий қонунлашган системага риоя қилинади»¹⁸¹. Халқ оғзаки ижодида бир шеър доирасида турли бандлардан фойдаланиш кузатилади. «Масалан, дostonлардаги бир шеърый бўлакда ёки монолог, диалогларда ҳам иккилик, ҳам учлик, ҳам тўртлик ёки бир неча мисрани ўз ичига олган бандларни қўлаш мумкин, зеро, бундай эркинлик халқ эпик шеърятининг асосий хусусиятидир»¹⁸².

Монийлик шеърларидан иккитасининг муаллифи маълум бўлиб, улар - шоир А普林чур тигин томонидан ёзилган. А普林чур тигиннинг шахсияти ва ижоди тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. Шоир қаламига мансуб шеърлардан бири тўртлик, бири эса учликлар шаклида яратилган. Тўртликлар тарзида ёзилган шеър мадхия бўлиб, унда Тангрининг сифатлари улуғланади.

¹⁸⁰ Arat R.R. Eski türk şiiri. Ankara, 1991. S. 8. (Бундан кейинги мисоллар ҳам мазкур китобдан олиниб, саҳифаси кавсда кўрсатилади).

¹⁸¹ Райҳонов Ф. Шеър канотидаги юлдузлар. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. Б. 39.

¹⁸² Райҳонов Ф. Ўша китоб. Б. 39.

Дарвоқе, нима учун учлик шакли ҳам, худди тўртликлар қатори, кадимги турк шеърлятида етакчи? Бу - эркин шеърга хос хусусият кадимги туркий шеърлятида бошланганидан далолатдир.

Монийлик муҳитининг маҳсули бўлган шеърлардан яна бири «Ўлим тасвири» деб номланади. Шеър 7 банддан таркиб топган бўлиб, охириги бандининг сўнгги мисралари нуқсонли. Бу шеърда ҳам бўғинлар миқдори орасида тенглик мавжуд эмас. Унинг 6 мисраси 11 бўғинли, 13 мисраси 10 бўғинли, 4 мисраси эса 9 бўғинли бўлса, 7,8,13 бўғинлилари бир мисрадан иборат. Мисралардаги бўғинлар сонининг хилма-хиллиги уни юқоридаги шеърларга яқинлаштиради. Тонг тангрисига бағишланган мадҳия ҳамда Апринчур тигин мадҳияларида асосан сўз ва мисралар такрори оҳангдошликни юзага келтирган бўлса, мазкур шеърда кофияларнинг ўрни муҳимдир:

Тузун билге кишилер тирилелим,
Тенгрининг битигин биз ишиделим,
Тўрт илиг тенгрилерке тапиналим,
Тўрт улуғ эмгекде куртулалим.
(ЕТЎ, 24-бет)

Асил, билимли кишилар тўпланайлик,
Тангрининг каломини тинглайлик.
Тўрт ҳоким тангрига сиғинайлик,
Тўрт оғир азобдан қутулайлик.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, монийлик шеърларидаги кофияланувчи сўзларнинг кўпчилигида равийлар ўзаро тўлиқ мос келмайди. Қофияланишдаги бундай эркин услуб монийлик шеърларини халқ оғзаки ижодига яқинлаштиради. Чунки фольклорда кофия унсурлари қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилмайди. Бу хусусият, яъни равийларнинг номувофиклиги монийлик шеърлари кофия тизими ва халқ оғзаки ижоди намуналаридаги кофияларда ўхшаш томонлар мавжудлигини кўрсатади.

Қадимги туркий монийлик шеърлари орасида ҳажм жиҳатидан энг каттаси бўлган мадҳия - Монийни улуғлашга бағишланган. Унинг 123 тўртликдан иборат бўлган 492 мисраси сақланиб қолган.

Мавжуд мисраларнинг кўп қисмида ўчиб кетган сўзлар анчагина учрайди. Бирок тўлиқ етиб келган тўртликларнинг ўзи ҳам шеърнинг тузилиши, ғоявий-бадий хусусиятлари тўғрисида маълум бир тасаввур уйғота олади.

Юкоридаги мадҳияларда асосан сўзларнинг такрорланиб кўлланиши оҳангдошликни юзага келтиришини кўриб ўтган эдик. Улардан фаркли равишда, мазкур шеърдаги оҳангдошлик товушлар такрори асосига қурилган. Шеърнинг ҳар бир тўртлигида вертикал ҳолдаги товушлар такрори (аллитерация) мавжуд. Жумладан, дастлабки тўртлик «а» товуши асосидаги оҳангдошлиқдан таркиб топган бўлса, бундай хусусият кейинги тўртликда ҳам давом этади, яъни унинг мисралари ҳам «а» товушли сўзлар билан бошланган:

Анунтумуз сизинге,
Асра кўнгулин юкунгели.
Алинг амти умуғ инағ,
Алқунунг барча юкунчин.
(ЕТЎ, 36-бет)
Олчок кўнгул ила топинайлик деб
сўнг кўнгилдан эгилгани.
Ҳар кишининг бутун бу таъзимларини
энди қабул этинг, эй умид, ишончимиз

Шеър давомида тўртликларнинг ўзаро қофияланган ўринлари ҳам кўзга ташланади, лекин уларнинг қофияланиш тизими бирдай шаклга эга эмас.

Нима учун қадимги туркий монийлик шеърларининг қофияланишида маълум бир қоида йўқ, деган савол туғилади. Монийлик шеърлари қофияланиш тизимининг бирдай шаклга эга эмаслиги, бизнингча, уларда аллитерациянинг етакчилик қилиши билан изоҳланади. Айтиш мумкинки, аллитерация монийлик шеърларининг асосий хусусиятидир. Зеро, бўгинлар миқдорининг эркинлиги, мисраларнинг бирдай товушлар билан бошланиши, товушлар такрорининг шеър ритмини ҳосил қилишдаги етакчилиги кабилар айни аллитерацион шеърнинг белгилари ҳисобланади. Аллитерацион шеърга хос бўлган бу каби хусусиятлар туркий шеърят таракқиётининг кейинги даврларида ҳам давом этган. Гарчи «Ҳибат ул-ҳақойиқ»даги тўртликларнинг асосий шеър

унсури қофия ҳисобланса-да, бироқ улардаги оҳангдошликни ҳосил қилишда аллитерациянинг ҳам ўз ўрни бор¹⁸³:

Биликлик биликни адраган бўлур,
Билик татгин, эй дўст, биликлик билур.
Билик билдурур эрга билик кадрина,
Биликни биликсиз удун не қилур¹⁸⁴.

Хулоса тарикасида юқоридаги фикрларни умумлаштириб, монийлик шеърларига ҳос хусусиятлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) товуш, сўз ва мисралар такрори етакчи;
- 2) бўғинлар миқдори хилма-хил;
- 3) бир шеър таркибида турли шеърий шакллар мавжуд;
- 4) бир шеър доирасида ҳар хил қофия кўринишлари учрайди.

Монийлик шеърларининг шаклий-поэтик хусусиятлари узлуксиз равишда илк классик даврда, хусусан «Девону луғотит турк»да ҳам давом этган. Қадимги туркий шеърият юзасидан фикр билдирган баъзи Оврупо олимларининг қарашлари турли-тумандир. Жумладан, П.Пелонинг фикрича, қадимги туркий шеърлар (монийлик шеърлари назарда тутилади – М.М.) қофияланган эмас, балки шеър мисралари бошидаги аллитерацияга асосланган. «Девон»даги шеърлар эса форс шеъриятининг таъсиридан гувоҳлик беради¹⁸⁵.

Тўртликларнинг қадимги туркий адабиётдаги намуналарини Буддага топинган туркийларнинг шеъриятида ҳам кузатиш мумкин. «Будда дини ҲІ-ҲІІІ асрлар давомида Ўрта Осиёда тарқала бошлаган эди. Бироқ Кўк-турк ҳукмдори Билге Хон ва унинг вазири Тўнқуқ бу динни юмшоқлик ва мискинликни тарғиб этгани, жангу жадални ва ҳайвон сўйишни ман қилгани, ҳуллас, туркларнинг ҳаёт тарзларига ноуёғун келгани учун рад этдилар. Чунки Будда дини миллатнинг ҳарб қудратини бузиб, Чин хавфига йўл очиши мумкин

¹⁸³ Бу ҳақда қаранг: Хўжанова Г. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ҳақиқатлари. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 2001. Б. 78-80.

¹⁸⁴ Югнакий А. Ҳибат ул-ҳақойиқ (Нашрга тайёрловчи: Қ.Маҳмудов). Тошкент, Бадиий адабиёт, 1971. Б. 43.

¹⁸⁵ Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм XI века. Москва, Наука, 1971. С.7.

эди»¹⁸⁶. Профессор Насимхон Раҳмоновнинг таъкидлашича, буддизмнинг қабул қилинишига бўлган қаршилик Турк хоқонлигининг шарқий қисмига алоқадор. Шу сабабли Урхун ва Энасой ёдномаларида буддизмнинг таъсири сезилмайди¹⁸⁷. Шомонлик хоқонликдаги асосий дин бўлса-да, бу даврларда туркийларнинг муқим бир динга сиғинганликлари кузатилмади. Чунки турли туркий уруғ ва қабилалар шомонлик билан бирга, монийлик ва буддизмга аралаш ҳолда эътиқод қўйганлар. Ҳар бир дин вакиллари ўз динининг ғояларини ёйиш ҳамда тарғиб этишда адабиётнинг кишиларга бўладиган таъсиридан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдилар ва нағижада мазкур динлар таъсиридаги бадий ижод шакллана бошлади. Шу тариқа қадимги туркий будда шеърляти майдонга келди. Л.Ю.Тугушевнинг қайд этишича, будда мухитида яратилган туркийча шеърлар 1500 мисрадан ортади¹⁸⁸. Мазкур шеърларнинг ҳажми турлича бўлиб, улар диннинг қонун-қоидалари, шунингдек, буддавийлик ғояларининг тарғибига бағишланган. Шеърлардан айримларининг муаллифи маълум. Умуман, буддизмнинг таъсирида яшаган ва ижод қилган ҳамда номлари бизгача етиб келган шоирлар анчагина учрайди. Ки-ки, Пратяя-Шири, Асиг Тутунг, Кул Тарқон, Чисуя Тутунг, Қалим Кейси, Сингу Сели Тутунг қабиларни шулар жумласига киритиш мумкин.

«Серганлик ранги» шеъри 60 мисрадан таркиб топган тўртликлар тизимидаги 15 банддан иборат бўлиб, қуйидаги мисралар билан бошланади:

Ўнг башлап адқангуларка билиглер качар,
Ўкуш кара айиғ йўллуғ уруғуғ сачар.
Ўглуғ киши истим тутчи ясмаксиз бачар,
Ўселиксиз йиғ нирваннинг қапигин ачар.
(ЕТЎ, 120-бет)

¹⁸⁶ Усмон Турон. Туркий халқлар мафқураси. Тошкент, Чўлпон, 1995. Ё. 13.

¹⁸⁷ Раҳмон Н. Турк хоқонлиги. Тошкент, Халқ мероси, 1993. Б. 103.

¹⁸⁸ Тугушева Л.Ю. Поэтические памятники древних уйгуров // Тюркологический сборник, 1972. Москва, Наука, 1973. С. 243.

Банд мисралари «қачар», «сачар», «бачар» ва «ачар» сўзлари орқали ўзаро уйғунлашган ҳолда қофия таркибидаги ундош ҳамда унли товушлар такрори шеърдаги жарангдорликни юзага келтириб, «а-а-а-а» кўринишдаги қофия шаклини ҳосил қилган. Ҳар бир мисрадаги бўғинлар сони 13 га тенг. Барча мисралар қадимги туркий шеърятга хос хусусият – бир хил товушли сўзлар билан бошланаяпти. Шеърнинг қолган бандларидан 7 таси (2,3,6,8,12,14,15-бандлар) ҳам худди «а-а-а-а» тарзида қофияланган бўлса-да, лекин айрим тўртлик мисраларидаги бўғинлар миқдори хилма-хилдир. Хусусан, 3,8,14-бандлар мисралари худди биринчи банддагидек 13 бўғинли бўлса, 6-банд мисралари 14 бўғиндан тузилган. Қолган 2,12,15-тўртликлар мисраларидаги бўғинлар миқдори ҳам бир хил эмас: 13 ёки 15 бўғинлидир.

Шеърдаги иккинчи қофия кўриниши «а-б-а-б» шаклга эга бўлиб, у тўртликнинг тоқ ва жуфт мисраларида вужудга келган:

Ақаштақи ай тенгрини атқанмиш бўлуп,
Аятақи эрдинини ичгинип салма.
Алки ўдге таштин сингар тилемиш бўлуп,
Анук бузни сув тиметин арсикип калма.
(ЕТЎ, 120-бет)

Тўртликнинг тўртала мисраси ҳам 13 бўғиндан тузилган ва «а» товушли сўзлар билан бошланган. Бандга хос бўлган жиҳатлардан яна бири унда радифнинг иштирок этишидир. Бироқ у барча мисраларда ҳам мавжуд бўлмай, балки фақат биринчи ва учинчи мисралардагина қўлланган, холос. Иккинчи ва тўртинчи мисралар эса қофияга эга бўлган ҳолда радифсиздир. Бўғинлар миқдорининг тенг эмаслигини ҳисобга олмаганда, бундай хусусият шеърнинг кейинги бешинчи бандига ҳам хосдир.

Учинчи гуруҳ тўртликлари янада ўзгача бўлиб, «б-а-в-а» шаклда қофияланганлиги билан ажралиб туради. Уларда тоқ мисралар очик қолган ва жуфт мисраларнинг охиридаги сўзлар оҳангдошлик касб этган. Мазкур гуруҳга оид уч тўртликдан иккитасида (ўнинчи ва ўн биринчи бандларда) алоҳида хусусият кузатилади, яъни уларнинг биринчи ва учинчи мисраларида тўлиқ қофия мавжуд бўлмай, фақат радиф қўллангандир. Иккинчи ва тўртинчи мисралар эса ўзаро қофияланиб келган:

Яруп яшуп қатчиғларта бўлдачи эрип,
Яба йиртинчут бир йинтем идер туймаюр.
Ясимукча бўди интин анта йўк эрип,
Ямарача кўругин бусдачи эрур.
(ЕТЎ, 122-бет)

Дастлабки мисрадаги «эрип» сўзи учинчи мисрада яна қайтарилиб, кофия вазифасини бажариб келяпти. Радифнинг кофия ўрнида қўлланиши - кофиясиз мисралар охиридаги такрор сўнгги гуруҳга кирувчи тўртликнинг асосий белгиси ҳисобланади. Чунки унинг ҳар бир мисрасида оҳангдош сўзлар ўрнига бир сўз такрорланиб қўлланади:

Ййки сувни кишқи ўдте буз тиюрлер,
Яна ййин кишқи бузни сув тип тиюрлер .
Янгилдукта чин бурқанни кўнгул тиюрлер,
Янгилмадукта кўнгулни ўк бурқан тиюрлер.
(ЕТЎ, 120-бет)

Такрор сўзнинг кофия вазифасини бажариши ислом муҳитининг маҳсули бўлган «Ҳибат ул-ҳақойик» достонида ҳам учрайди:

Бу очун работ ул тушуб кўчгулук,
Работка тушукли тушар кўчгулук.
Ўнг арқиш узади кўпуп йўл тутуб,
Ўнги кўпмиш арқиш неча кўчгулук¹⁸⁹.

Бу ерда «кўчгулук» сўзи тўртлик мисраларини бир-бирига боғляпти ва оҳангдошлик ҳосил қилиб, кофия вазифасини бажариб келяпти. Мазкур усул адабиётшуносликда эпифора дейилади. Эпифора «... муайян тушунча ё жумла маъносини таъкидлайди; оҳангдошлик ва мусиқийликни рағбатлантиради, мисраларни байт ё бандларга уюштиради, бунда у кофия вазифасини ўриндошлик асосида бажаради»¹⁹⁰.

¹⁸⁹ Югнакий А. Ҳибат ул-ҳақойик. Тошкент, Бадий адабиёт, 1971. Б. 53.

¹⁹⁰ Адабиёт назарияси. 2 томлик, 2-том. Тошкент, Фан, 1978. Б. 392.

Демак, эпифора – радифнинг кофия ўрнида кўлланиши исломдан олдинги туркий шеърятда шаклланган ходисадир. Бунинг Адиб Аҳмад ижодида учраши қадимги туркий адабиётдаги анъананинг кейинги даврларда ҳам давом этганлигидан далолат беради.

Буддавийлик шеърлари орасида «Инонч» номли шеър ҳам шаклий тузилишига кўра алоҳида хусусиятга эга. У беш банд - 20 мисрадан ташкил топган. Шеърнинг дастлабки бандларига эътибор қилайлик:

Алку қамағ уч ўдқи бурқанларқа,
Ариш ариғ нирван тўзлуг идуқ номқа.
Аягулуғ аря сангга куврағларқа,
Аяп кулеп алку ўдте инанурмен.

Бурқанларнинг улушининг прамануси,
Бўлсар нече анча санлиғ улуш саю
Бўдлар ўзе алку ўдте бурқанларқа,
Булидлаю тапиғ ўзе тапинурмен.

(EṬṢ, 150-бет)

Кўринадики, биринчи тўртликнинг уч мисраси ўзаро кетма-кет кофия асосига қурилиб, тўртинчи мисра очиқ қоляпти. Иккинчи тўртлик мисралари орасида эса қофияланиш ҳолати мавжуд эмас. Фақат тўртинчи мисрадаги «тапинурмен» сўзи аввалги банднинг охириги мисрасидаги «инанурмен» сўзи билан оҳангдошлик ҳосил қилиб, бандлараро қофияланишни юзага келтиряпти. Бу - бандлараро қофиядошлик бутун шеър охиригача давом этади ва уни амалга оширишда кейинги бандларда «ўкунурмен», «ўғирурмен», «илдинурмен» сўзлари хизмат қилади. Шу жиҳати билан шеър халқ оғзаки ижоди шеърларига яқинлашади. Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги кофия тизимини махсус ўрганган Фармон Райҳонов бундай тадрижли қофияланиш усулини фольклор хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда воқеабанд кофия деб аташ лозимлигини қайд этади¹⁹¹. Демак, буддавийлик шеърларининг яратилишида

¹⁹¹ Райҳонов Ф. Шеър қанотидаги юлдузлар. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1986. Б. 47.

муаллифлар қадимги туркий оғзаки ижод намуналари ютуқларига таянганлар ҳамда фольклор анъаналарини шеърятга сингдиришга ҳаракат қилганлар. Бундан қадимги туркий адабиётда жанрларнинг фольклор адабий тизими мавжуд бўлгани сингари шаклий-поэтик хусусиятлари ҳам оғзаки ижод асосида шаклланган, деган фикрга келиш мумкин. Чунки бандлараро қофиядошлик «Ўн турли ниёз усули», «Жонлиларга фойдали бўлмоқ», «Итифар», «Яхши тилак» каби шеърларда ҳам учрайди.

Буддавийлик таъсирида яратилган туркий шеърларни ўрганиш уларга хос бўлган куйидаги хусусиятларнинг мавжудлигини кўрсатади:

- 1) мисра, байт ва бандларда аллитерациянинг етакчилиги;
- 2) такрор сўзнинг кофия вазифасини бажариши;
- 3) бандлараро қофияланишнинг мавжудлиги.

Тўртликлар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳам мавжуд бўлиб, мазкур тўртликларнинг кўпчилиги халқ оғзаки ижоди намуналари ҳисобланади ва улар асосан туркий халқлар фольклорида минг йиллардан бери етакчи мавқега эга бўлиб келган бармоқ вазида яратилган. «Девону луғотит турк» оркали етиб келган бадий ижод намуналарининг вази хусусида олимларнинг фикрлари турличадир. Жумладан, айрим тадқиқотчилар уларни бармоқда яратилганлигини эътироф этишса, баъзилар эса аруз вазига мансуб деб ҳисоблашади¹⁹².

«Девону луғотит турк»даги шеърий парчаларнинг яратилиш илдизи жуда қадим замонларга бориб такалади. «Девон» билан махсус шуғулланган олим Солиҳ Муталлибовнинг фикрича, асарда келтирилган адабий, шеърий парчалар, умуман, халқ оғзаки ижоди намуналари фақат XI аср адабиётининггина намунаси бўлмай, балки айни пайтда уларнинг катта бир қисми жуда узоқ даврлар маҳсулидир¹⁹³. Дарҳақиқат, «Девон»даги кўшиқлар, шеърий парчаларни махсус ўрганиш, таҳлил қилиш юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Тўртликларнинг исломдан кейинги туркий халқлар ёзма адабиётида аруз вазида яратилган илк намуналари Юсуф Хос

¹⁹² Бу ҳақда қаранг: Тўхлиев Б. «Қутадғу билиг»нинг поэтикаси масалалари // Ўлмас обидалар. Тошкент, Фан, 1989. Б. 339-340.

¹⁹³ Муталлибов С. Сўз боши // Девону луғотит турк. 1-том. Тошкент, Фан, 1960. Б. 34.

Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида учрайди. «Қутадғу билиг»даги мавжуд «... тўртликлар бутун илдизи билан туркий халқлар шеърлятига бориб такалади. Юсуф Хос Ҳожиб бу асарини гарчи араб ва форс адабиёти анъаналаридан баҳраманд бўлиб ёзган бўлса-да, унда туркий халқлар назми билан мустаҳкам ички мувофиқлик бор»¹⁹⁴. Дарҳақиқат, дoston тўртликлари билан халқ оғзаки ижоди тўртликлари ўртасида бир катор умумий хусусиятлар мавжудки, бу масалалар, яъни «Қутадғу билиг» тўртликларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг рубоий жанри ва халқ тўртликлари билан муносабати кабилар ўзбек адабиётшунослигида махсус ўрганилган¹⁹⁵.

Тўртликлар Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» асарида ҳам учрайди. «Девони ҳикмат» - Яссавийнинг сўфийлик қарашлари асосида вужудга келган шеърларни ўз ичига олган адабий манбадир. Ундаги шеърларни шаклий-поэтик томондан кузатиш муаллифнинг тўртликларнинг имкониятидан унумли фойдаланганлигини кўрсатади. «Девони ҳикмат»даги тўртликлар туркий-исломий ёзма адабиётда бармоқ вазнида ёзилган дастлабки намуналар эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

Ҳикматлар асосан мураббаъ шаклидаги тўртликлардан ташкил топган. Уларнинг қофияланишини куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) б-а-б-а, в-в-в-а... кўринишдаги қофияга эга бўлган шеърлар;
- 2) б-б-б-а, в-в-в-а... шаклда қофияланган шеърлар;
- 3) б-а-в-а, г-г-г-а... қофия тизимидаги шеърлар.

Кўришиб турибдики, ҳар бир гуруҳдаги шеърларнинг дастлабки бандлари, яъни бошланиши қофияланиши жиҳатдан фарқланади, кейингилари эса биринчи банднинг охириги мисраси билан қофиядош бўлиб келади. Шунингдек, тўртликлар орасида «а-а-б-а» шаклидаги қофияланганлари ҳам борки, улар вазнини ҳисобга олмаганда «Қутадғу билиг» ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ»даги тўртликларни эса солади. Ҳикматларнинг вужудга келишида мисралар такрори ҳам алоҳида рол ўйнайди. Бу хусусият айрим шеърларда кўзга ташланади. Масалан, шеърнинг биринчи

¹⁹⁴ Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. Тошкент, Фан, 1981. Б. 35.

¹⁹⁵ Бу ҳақда қаранг: Тўхлиев Б. «Қутадғу билиг»нинг поэтикаси масалалари // Ўлмас обидалар. Тошкент, Фан, 1989. Б. 331-348.

бандидаги охирги мисра бутун шеър давомида мавжуд тўртликларнинг сўнгги мисраларида айнан такрорланади. Мисралар такрорининг иккинчи кўринишида эса шеърнинг дастлабки тўртлиги ўзгачалиги билан ажралиб туради. Чунки тўртликнинг иккинчи мисраси тўртинчи мисрада тўлик қайтарилади.

Ҳикматларнинг қофия тизимини ўрганиш жараёнида айрим тўртликларнинг қофияланиши эътиборни ўзига тортади. Хусусан, уларда - бир тўртликда икки хил қофияланиш усули кузатилади:

Чин ошиқлар кечкан эрмиш жонин ташлаб,
Адҳам сифат барҳам уруб молин ташлаб,
Ху-ху тею ҳақ зикрини айтиб хушлаб,
Имон тасдиқ қилиб бағрин кабоб этди¹⁹⁶.

Кўринадики, тўртликнинг биринчи байти қофияга ҳам, радифга ҳам эга. Учинчи мисра эса дастлабки мисралар радифи билан оҳангдошлик ҳосил қилгани ҳолда радифсиздир.

Такрор сўзнинг қофия вазифасини бажариб, ёқимли оҳангдорлик ва шеъринг ритм ҳосил қилиши Яссавий тўртликларига ҳам хос хусусият бўлиб, уларга ажиб халқона руҳ бахш этган:

Қодир Эгам қудрат била сулҳ айласа,
Жаннат ичра кирар ошиқ амр айласа,
Наъра тортиб фарёд этиб, вирд айласа,
Май нўш этиб самоъ қилиб юрар бўлғай¹⁹⁷.

Қадимги туркий шеърятга хос бўлган анъананинг «Ҳибат ул-хакойик»даги каби «Девони ҳикмат»да ҳам давом этиши тўртликларнинг туркий адабиётдаги узлуксиз тадрижий таракқиётдан гувоҳлик беради.

Яссавий ҳикматлари асосан мустақил тўртликлардан иборат бўлса-да, мазмун ва оҳанг жиҳатидан ягона мақсадга хизмат қилади. Мантикий изчиллик уларнинг асосий хусусиятидир. Бу жиҳати билан улар халқ оғзаки ижоди кўшиқларига яқинлашади.

¹⁹⁶ Яссавий А. Ҳикматлар (Нашрга тайёрловчи: И.Ҳаққулов). Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1990. Б. 185.

¹⁹⁷ Яссавий А. Ўша китоб. Б. 181.

Адиб Аҳмаднинг «Ҳибат ул-ҳақойик» асарида 103 та тўртлик мавжуд. Ушбу тўртликларни композицион-семантик хусусиятларига кўра куйидаги турларга ажратиш мумкин:

I. Биликлик кераклик сўзин сўзлаюр,
Кераксив сўзини кўмуб кизлаюр.
Биликсив не айса аюр уқматин,
Анинг ўз тили ўз бошини еюр¹⁹⁸.

Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксив сўзни кўмиб яширади.

Илмсив киши нима гапирса, нодонлиги сабабли сўзлайди, шунинг учун унинг тили ўз бошини ейди.

Мазкур тўртлик тузилиши жихатдан ўрганилса, уни икки қисмга ажратиш мумкин. Тўртликнинг биринчи қисмида билимли кишига хос бўлган ижобий хусусият тасвирланса, иккинчи қисмида муаллифнинг илмсив, жоҳил кишига нисбатан салбий фикри ифодаланган. Демак, композицион қисмлар ўзаро мазмуний зиддиятга асосланган. Байтларнинг ўзаро қиёси орқали тўртликда олдинга сурилган поэтик фикр - илмли кишининг илмсив кишидан афзаллиги китобхонга янада ойдинлашади, бу эса тўртликнинг эмоционал томонини кучайтиришга хизмат қилувчи муҳим омилдир.

II. Кўни бўл, кўни қил, отин кўни,
Кўни тею билсун халойик сени.
Кўнилиқ тўнин кий, кўюб эгрилик,
Кедим тўн тўлуси кўнилиқ тўни.
(XX, 51-бет)

Тўғри бўл, тўғри иш қил. Тўғри деб ном чиқар. Халойик сени тўғри деб билсин.

Тўғрилиқ тўнини кий, эгрилик тўнини еч. Киядиган тўннинг яхшиси тўғрилиқ тўнидир.

¹⁹⁸ Югнакий А. Ҳибат ул-ҳақойик. Тошкент, 1971. Б. 44-45. (Бундан кейинги мисоллар ҳам мазкур китобдан олиниб, саҳифаси қавсда кўрсатилади).

Ушбу тўртлик ҳам композицион жиҳатидан икки қисмга бўлинган. Бу бўлиниш юқоридаги тўртлик каби маъно жиҳатдан зиддият асосига қурилмай, балки композицион қисмлар ўртасида маънавий параллелликни юзага келтирган. Мазкур турнинг ўзига хос хусусияти шундаки, биринчи мисрада илгари сурилган фикр, иккинчи мисрада ўзининг поэтик ривожига эришади. Иккинчи мисра биринчи мисрадаги фикрни тўлдиришга, чуқурлаштиришга, мустақкамлашга хизмат қилади. Тўртликнинг кейинги байтида ҳам дастлабки байтдаги каби қондаларга амал қилинади ва натижада байтлараро маънавий параллеллик юзага келади. Бу усул тўртликнинг поэтик мазмунини очишга хизмат қилгани ҳолда, унинг жонли, ёрқин ифодаланишига олиб келган.

III. Билик билти бўлти эран белгулук,

Биликсиз тирикла йитук кўргулук.

Биликлик эр ўлти оти ўлмату,

Биликсиз эсан эркан оти ўлук.

(XX, 41-42 бетлар)

Илмли кишиларнинг номи машҳур бўлади, билимсиз кишилар эса тириклайин ўлди ҳисоб ва бу унга кўргуликдир.

Билимли киши ўлса ҳам унинг номи ўчмайди, илмсиз кишининг ўзи ҳаёт бўлса ҳам оти ўликдир.

Кўринадики, бу тўртликнинг композицион қисмлари ҳам маъно жиҳатдан қарама-қаршиликка асосланган, лекин бу зиддият байтлараро эмас, балки мисраларародир. Китобхонга тўртликдаги поэтик фикр - илмли кишининг илмсиз кишидан устун эканлиги биринчи байт мисраларининг ўзаро қарама-қаршилиги орқали уқтирилади. Мазкур поэтик ғоя сўнгги мисраларда ривожлантирилади ҳамда мисраларнинг зиддияти натижасида янада равшанлашади. «Бу ерда тоқ мисралар маълум поэтик фикрни ўртага қўяди. Жуфт мисралар эса унинг зидди учун келтирилади. Мана шу усул орқали шоир ўз фикрини ойдинроқ баён этади»¹⁹⁹.

¹⁹⁹ Тўхлиев Б. «Кутадғу билиг»нинг поэтикаси масалалари // Ўлмас обидалар. Тошкент, Фан, 1989. Б. 335.

IV. Кудазгил тилингни кел оз кил сўзунг,
Кудазилса бу тил кудазлур ўзунг.
Расул эрни ўтқа юзин откучи,
Тил ўл теди йиг тил юл ўттин ўзинг.

(XX, 49-бет)

Тилингни тий, сўзингни қисқа қил, бу тил тийилса, ўзинг ҳам сақланасан.

Расул кишини ўтга ташловчи тилдир, деб айтди, шунинг учун тилингни тий, ўзингни ўтдан торт.

Бундай тур тўртликларнинг ўзига хос хусусияти сифатида шуни кўрсатиш мумкинки, уларнинг биринчи ва иккинчи мисраларида маълум бир поэтик ғоя ифодаланади, кейинги мисраларда эса мана шу фикрнинг тасдиғи, далили, таъкиди сифатида мақол, ҳадис, ҳикматли сўзларга мурожаат қилинади. Юқоридаги тўртлик фикримизга далил бўла олади: унинг биринчи байтига «тилни тийиш, ўйлаб сўзлаш» кераклиги тўғрисидаги фикр сингдирилган бўлса, кейинги байтда бу фикр пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари орқали тасдиқланапти. Мазкур усул ҳам тўртликнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

У. Ҳарис тўймас очун ненгини терип,
Ҳарислик қаримас идиси қарип,
Ҳарисликни кўюр ҳарис эр қачон,
Ўлуб йитса тупрок ичига кирип.

(XX, 71-бет)

Мазкур тўртликка сингдирилган поэтик ғояни Адиб Аҳмад занжирли равишда ривожлантирган, яъни биринчи мисрада маълум бир фикр бошланиб, ривожлантирилган. Чунончи: ҳарис (очкўз) киши қариса ҳам ҳарислиги қаримаиди - иккинчи мисрада келтирилган мазкур фикр алоҳида олинганда ҳам тугал бир ҳикмат мазмунига эга. Ҳарис киши қачон ҳарислигини қўйиши мумкин? Фақат ўлиб, тупроққа киргачгина қўяди.

Худди шу йўл орқали поэтик ғоя ўзининг тугал ифодасига эришган. Шунингдек, тўртликдаги мисраларнинг композицион жиҳатдан нисбатан мустақиллиги, ҳар бир мисранинг ўзича

туғалланган мустақил мазмунга эғалиги, учинчи - қофиясиз мисрадинг китобхоннинг диққатини ўзига кучлироқ жалб этиб, сўнги мисрада келаётган тўртликнинг ечимига ишора қилиши каби хусусиятлар алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу белгилар тўртликни рубойий жанрига яқинлаштиради. Маълумки, «рубойий фикр, ифодада ихчамлик ва теранликни талаб этадиган жанр»²⁰⁰. Шу жиҳатдан юқоридаги тўртлик мазмун эътибори билан ҳам рубойийга яқин туради, чунки унда жуда ҳам теран ҳаётий бир фикр илгари сурилган.

«Ҳибат ул-ҳақойик» тўртликларини рубойий дейиш мумкинми, деган ўринли савол туғилади. Албатта, мазкур тўртликлар шаклий хусусиятларига кўра рубойийга ўхшаса-да, лекин вазн нуқтаи назаридан қараганда улардан фарқ қилади. Чунки рубойийлар мумтоз шеърят қоидаларига кўра арузнинг ҳазаж баҳрида яратилиб келган. «Ҳибат ул-ҳақойик»даги тўртликлар эса мутақориб баҳрида ёзилган. Шу сабабли уларни рубойий деб аташ қийин. Шунга қарамай, мазкур тўртликлар туркий адабиётда рубойий жанрининг шаклланишида сезиларли таъсир кўрсатганлиги табиийдир.

Ҳ. Бу будун тўлуси ахи эр турур,
Ахилик шараф, жоҳ, жамол ортурур,
Севулмак тиласанг кишилар аро,
Ахи бўл ахилик сени севдурур.
(ҲҲ, 64-бет)

Мазкур тўртликнинг дастлабки мисраларида Адиб Аҳмаднинг саҳийлик тўғрисидаги фикрлари ифодаланган бўлиб, улар қуйидагича мазмунни ифодалайди: халқнинг етуғи саҳий кишидир, саҳийлик шараф, мартаба ва гўзалликни орттиради. Муаллиф учинчи мисрада ўқувчини мушоҳада юритишга, ўйлаб кўришга даъват этгани ҳолда, сўнги мисрада тўртликда кўтарилаётган поэтик фикр - саҳийлик, саҳоватлиликни ҳар бир киши, албатта, ўзига сингдириши кераклигини алоҳида уқтиради: Кишиларнинг муҳаббатини ўзинга жалб қилмоқчи бўлсанг, саҳий бўл, саҳоват сени севиқли қилади.

²⁰⁰ Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубойий. Тошкент, Фан, 1981. Б. 9.

Демак, бундай турга мансуб тўртликларда асарнинг дидактик руҳи алоҳида сезилиб туради, яъни тўртликда илгари сурилаётган поэтик фикр охириги мисрада ўзига хос тарзда тарғиб қилинади. Достонда бундай усулда яратилган тўртликлар кўплаб учрайди. Бироқ айрим тўртликларда шоир ўз фикрларини юқорида келтирилган мисоллардаги каби фақат сўнгги байт ёки мисраларда панд-насихат тарзида уқтириб қолмасдан, балки тўртликнинг ҳар бир мисрасида шеърда кўтарилаётган поэтик фикрга ўқувчининг амал қилиши лозимлигини таъкидлаб ўтади:

Улуғлуғқа тегсанг енгилма ўзунг,
Қоли кийсанг атлас унутма бўзунг.
Улуғ бўлдуғунгча тузунрак бўлуб,
Улуғқа кичикка силик тут сўзунг.
(XX, 78-бет)

Улуғликка етишсанг янглишма, атлас кийганингда бўзингни унутма.

Улуғликка эришгунингча яхшироқ бўлиб, катта ва кичикка сўзингни силлик, мулойим қил.

«Ҳибат ул-ҳақойик» асарида, ундаги тўртликларда қадимги туркий адабиётга хос анъаналарнинг таъсири сезилиб туради. Достондаги тўртликларнинг тузилиши, мазмун ва ғоявий-бадий хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатадики, улар қадимги туркий халқлар ёзма адабиёти ва оғзаки ижоди тўртликлари, хусусан, «Девону луғотит турк»даги тўртликлар билан бир ўринда туради. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги «... тўртликларнинг тематикаси анча бой. Уларда қабила баҳодирларининг мардонавор кураш туйғулари, жасорати, меҳнат ва муҳаббат хислари ўз аксини топган. «Девон»даги тўртлик ва лирик парчалар... нинг ақсарияти 7-11 ҳижодан ташкил топган. 7-11 ҳижоли а-а-а-б ёки а-а-б-а шаклида кофияланувчи шеърлар туркий халқлар поэзиясида қадим замонларда пайдо бўлганлиги ва ниҳоятда кенг тарқалганлиги илмда аллақачонлар исботланган»²⁰¹. Бу ҳақда, яъни тўртликларнинг туркий халқлар шеърлятида қадимдан кенг қўлланилиб келган етакчи шакллардан бири

²⁰¹ Ҳаккулов И. Ўзбек адабиётида рубой. Тошкент, Фан, 1981. Б. 30.

эканлиги тўғрисида Е.Э.Бертельс куйидагиларни қайд этади: «Қасида ва ғазаллардаги ягона кофиялилик албатта, араблардан. Бирок жуфт кофия арабларга мутлақо маълум эмас эди. Уларга рубоий ҳам номаълум бўлган. Аммо рубоий жуда қадим замонларданок Ўрта ва Марказий Осиёдаги турли туркий халқлар фольклорида энг ёқимли шакллардан бири бўлган. Шунингдек, араб термини билан аталадиган мураббаъ, яъни ҳар бир мисраси а-а-а-б, в-в-в-б, г-г-г-б кўринишида кофияланувчи тўртликлардан бошқа нарса эмаслигини тан олмаслик мумкин эмас»²⁰².

Дарҳақиқат, «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ва «Девону луғотит турк»даги адабий парчаларни муқояса қилиш натижасида мазмунан ва ғойвий яқин бўлган мисраларга ҳам дуч келиш мумкин:

Ўғулум сенга кузурмен ардам ўгут хумару,
Билга эриг бўлуб сен баққил анинг табару.

Ўғлим, сенга мерос қилиб эзгу хулқ, одобни қолдираман.

Агар илмли, ақли одамларга йўлиқсанг, уларга яқинлаш,
улардан фойдалан²⁰³.

Мазкур фикр «Ҳибат ул-ҳақойиқ»нинг куйидаги мисралари учун ҳам ғойвий асос бўлиб хизмат қилиши фикримизга далил бўла олади:

Биликтин аюрмон сўзумга ула,
Биликликка, ё дўст, ўзунгни ула.
Билик бирла билинур саодат йўли,
Билик бил саодат йўлини була.
(XX, 40-бет)

Билим ҳақида сўзлайман, сўзимга кулоқ сол, эй дўст, илмли
кишига ўзингни яқин тут.

Билим билан саодат йўли очилади, (шунга кўра) илмли бўл,
бахт йўлини изла.

²⁰² Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. Москва, 1960. С. 88.

²⁰³ Кошғарий М. Девону луғотит турк. 1-том. Тошкент, Фан, 1960. Б. 412.

«Ҳибат ул-ҳақойик» достонини кўздан кечирар эканмиз, шоирнинг ўзидан олдин яшаб ўтган ижодкорларнинг, хусусан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони билан яқиндан танишганлиги, унинг ютуқларидан ижодий фойдаланганлиги, ҳар иккала асарнинг мазмун ҳамда гоёвий жиҳатдан бир-бирига ўхшаш томонлари мавжуд эканлигининг гувоҳи бўламиз:

Қара баш яғиси кизил тил турур,
Неча баш еди бу тақи ма еюр.
Башингни тиласа тилингни кўдаз,
Тилинг текма кунда башингни еюр²⁰⁴.

Қора бошнинг ёви кизил тилдир, у қанчадан-қанча бошларни еди, яна ҳам ейди.

Бошим омон бўлсин десанг, тилингни эҳтиёт қил, тилинг истаган бир кунда бошингни ейди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг бу фикрларига Адиб Аҳмаднинг қуйида келтирилаётган мисралардаги қарашлари ўзаро ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради:

Сонин сўзлаган эр сўзи сўз соғи,
Ўкуш янғшағон тил ай олмас ёғи.
Сўзунг бушлуғ эсма йиға тут тилинг,
Етар бошқа бир кун бу тил бушлиғи.
(XX, 47-бет)

Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил аямайдиған ёвдир.

Сўзинг аччик, эзма тилингни тийиб тут, аччик (эрк берилган) тил бир куни бошингга етади.

«Ҳибат ул-ҳақойик» ва «Қутадғу билиг» тўртликларини солиштириш орқали улар ўртасидаги бир қатор ўхшашликларни кузатиш мумкин:

1. «Қутадғу билиг»даги тўртликлар ҳам, «Ҳибат ул-ҳақойик»даги тўртликлар ҳам мавзу жиҳатдан дидактик характердадир.

²⁰⁴ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент, Фан, 1971. Б. 196.

2. Ҳар иккала асардаги тўртликлар аруз вазнининг мутақориб баҳрида яратилган.

3. Ўзаро уйғунлик Юсуф Хос Ҳожиб ва Адиб Аҳмад тўртликларининг композицион хусусиятларида ҳам мавжуд.

Хуллас, тўртликларнинг туркий адабиётда ўзига хос тараккиёт тарихи мавжуд. Улар ёзма адабиётда қадимги туркий монийлик ва буддавийлик шеърларидан бошлаб кузатилади. Исломдан аввалги шеърятда аллитерациянинг ўрни бекиёсдир. Чунки шеърдаги оҳангдошликнинг юзага келиши асосан аллитерацияга боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам уларда қофия ҳали ислом даври адабиётидаги каби шеърнинг етакчи унсури даражасига кўтарилган эмас. Бу - қадимги туркий шеърятда қофия бўлмаган, деган хулосага олиб келмайди. Балки унинг шаклланиш жараёнида эканлигини билдиради. Шу боис тўртликларнинг яратилиши ҳам асосан аллитерацияга таянади.

Бизнинг кузатишларимиз шундан далолат берадики, аллитерацион шеър, гарчи қадимги скандинавия шеърлари учун хос бўлса-да, у қадимги туркий адабиётда ҳам етакчилик қилган. Бу хусусият туркий шеър ривожини ҳам дунё халқлари шеърятини билан умумий жараёнга эга эканлигини кўрсатади. Бадий тафаккурнинг илк босқичдаги умумий ҳолати шеърятда, хусусан, жанрлардаги умумийликни белгилайди.

Қадимги туркий шеърятдаги қофия тизими ҳақида гап кетар экан, монийлик шеърларига қараганда, буддавийлик шеърларида қофиянинг анча шаклланиб қолганлигини кузатиш мумкин. Бундан кейинги даврлар шеърятинида қофиянинг оҳангдошлик ҳосил қилишдаги вазифаси орта борганлиги кўринади.

Туркийлар исломни қабул қилгач, ёзма адабиётда арузнинг мавқеи кўтарилди ва у туркий шеърятнинг асосий вазни бўлиб қолди. Тўртликлар ҳам аруз вазнига мослашди, қофия уларнинг яратилишида етакчи унсурга айланди ва аллитерациянинг роли монийлик ҳамда буддавийлик муҳитига нисбатан анча пасайди. Бу ҳодиса шеърятнинг шу даврдаги эҳтиёжи билан баҳоланади. Албатта, ислом даври тўртликларининг вужудга келишида қадимги туркий адабиётдаги тажриба ва анъаналар муҳим аҳамият касб этди.

Шундай қилиб, тўртликлар қадимги туркий шеърятдан ислом даври адабиётигача узлуксиз ривожланиш жараёнини босиб ўтди ва ҳар бир даврдаги (монийлик, буддавийлик, ислом) адабий анъаналар асосида мукаммаллашиб борди.

МАРСИЯ

Ҳар қандай одамнинг ўлими уни биладиган кишиларни, айниқса, яқинларини чуқур изтиробга солади. Инсон руҳиятидаги ана шу дардли кечинмалар, қайғу ва аламли шеърларни юзага келтириши мумкин. Мазкур шеърлар халқ оғзаки ижодида йиғи атамаси орқали номланади. Ёзма адабиётда эса улар марсия деб аталади.

Марсия жанрининг тараққиётини ўрганиш унинг туркий адабиётнинг ички имкониятлари асосида шаклланганлигини кўрсатади. У дастлаб халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган ва кейинчалик ёзма адабиётга ўтган. Мазкур фикрларни чуқурроқ тадқиқ этиш мақсадида «Девону луғотит турк»²⁰⁵ асарига мурожаат этамиз. Гарчи «Девону луғотит турк» тилшуносликка оид кимматли асар бўлса-да, унда берилган бадий ижод намуналари маълум даражада қадимги туркий адабиётнинг ўзига хос томонларини тасаввур қилишга ёрдам бера олади. Масалан, «Девон»да қадимги туркийлар давлатининг ҳукмдори Алп Эр Тўнганнинг мардлиги, олижаноблиги, шон-шуҳратини мадҳ этувчи, шу билан бирга, унинг вафоти муносабати билан пайдо бўлган бир қатор тўртликлар учрайдики, уларнинг яратилиши, шубҳасиз, эрамиздан олдинги даврларга бориб тақалади. Мазкур тўртликларни марсия жанри намуналари, деб аташ мумкин. Улардаги чуқур дард, алам, изтироб, ачиниш, умуман, ҳазин руҳ шундай дейиш учун асос бўла олади.

Маълумки, Алп Эр Тўнга милоддан аввалги ҮII асрда яшаган туркий хоқон эди. У туркий қабилаларни бирлаштириб, қудратли давлат тузишга эришади ва бу давлатнинг шон-шуҳрати тез орада узок ўлкаларга ҳам ёйилади. Юсуф Хос Ҳожиб ана шундай давлатнинг буюк ҳукмдори – Алп Эр Тўнгани билимли, заковатли,

²⁰⁵ Қаранг: Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. Тошкент, Мумтоз сўз, 2008. Қаюмов А. Қадимият обидалари. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1972; Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм XI века. Москва, Наука, 1971; Ҳайитметов А. Қадимги туркий шеърят ҳақида // Ҳаётбахш чашма. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1974. Б.138-149; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1976. Б.55-66, 103-108; Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 1-том. Тошкент, Фан, 1978. Б.88-92; Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида туган ўрни. Халқаро конференция материаллари. Самарқанд, 2002.

доно инсон бўлганлиги, тожиклар уни Афросиёб деб аташганликларини қайд этади²⁰⁶. Махмуд Кошғарий эса уни Кошғарда яшаганлигини таъкидлаб, «йўлбарс каби кучли баҳодир одам»²⁰⁷ эканлиги тўғрисида хабар беради.

Улуғ ҳукмдорнинг фожиали ўлими туркийларни чуқур қайғуга солади. Халқнинг қайғу-аламлари марсиянинг юзага келишига сабаб бўлади. Махмуд Кошғарий туркий уруғлар яшайдиган ҳудудларни кезиб чиқар экан, Алп Эр Тўнга ҳақидаги марсия парчаларини ёзиб олади ва «Девону луғотит турк»ка киритади.

Марсия асар таркибида тарқоқ кўринишда учраса-да, олемлар орасида уни яхлит тугал ҳолда тиклашга ҳаракатлар бўлган. Бундай ишни дастлаб Фитрат амалга оширади ва 10 та тўртликни жамлаб, «Энг эски турк адабиёти намуналари» (1927) китобига киритади.

Марсияда тасвирланишича, Алп Эр Тўнганинг ўлими туркийларнинг кучсизланиши, билим аҳлининг эътибордан четда қолиши, эзгу ишларнинг камайиши ва ёвузликнинг кучайишига олиб келади. Ҳатто беклар ҳам қайғуга ботадилар:

Беглар атин аргуруб,
Қазғу ани турғуруб,
Менгзи юзи сарғариб,
Кўрқум анга тўртулур.

Мазмуни: амирлар отларини чарчатиб келдилар. Қайғу бекларни оздирди, юзлари заъфарон сургандек жуда сарғайди.

Марсия бандларидан биридаги барчанинг бўридек улуб, ёқа йиртиб йиғлаши - қаттиқ қайғуга ботиши Алп Эр Тўнганинг мард, жасур, олижаноб киши эканлиги ва халқнинг унга ҳурмати юкори бўлганлигини кўрсатади:

Улушиб эран бўрлаю,
Йиртин јака урлаю,
Сикриб уни юрлаю,
Сигтаб кўзи ўртулур.

²⁰⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент, Фан, 1971. Б. 102.

²⁰⁷ Кошғарий М. Девону луғотит турк. 3-том. Тошкент, Фан, 1963. Б. 379.

Мазмуни: Алп Эр Тўнга ўлимига ачиниб одамлар бўридек увлашдилар, ёқа йиртишиб бакиришдилар. Баъзан чолгучилар чалгусининг чинқирғи каби бакиришадилар. (Улар шунча йиғлашдиларки, кўз ёшлари) кўзларини қоплади.

«Дунё беги» вафот этса-да, барча уни ёдида тутуди, эзгу сифатлар билан эслайди, фожиали мусибатдан қайгуради. Бутун тушкунликнинг, кўнгил чўкишининг сабаби – унинг бевакт дунёни тарк этиши. Умуман, Алп Эр Тўнгани доимий қўмсаш руҳи бутун марсия бўйлаб хукмронлик қилади:

Кўнглум ичун ўртади,
Етмиш яшиғ қартади.
Кечмиш узук иртади,
Тун-кун кечиб ирталур.

Мазмуни: тушган мусибат билан кўнглим ўртанди, битган ярамни тирнаб, янгилатди, ўтган кунларимни истатди, кеча-кундуз излатди.

Марсия бармоқ вазнида яратилган бўлиб, мураббаъ шаклидаги бандлараро а-а-а-б, в-в-в-б қофияланиш тартибига эга. Тўртликларнинг ҳар бир мисраси етти бўғиндан ташкил топган.

Қадимги туркий шеъриятнинг йирик билимдонларидан бири И.В.Стеблева Алп Эр Тўнга ҳақидаги марсиядан ташқари, яна 4 та тўртликни бирлаштиради ва унга «Номаълум қахрамон ҳақида марсия» деб ном кўяди²⁰⁸. Тўртликларда қахрамон жангчининг ўлимидан афсусланиш руҳи етакчидир. Демак, уларни бемалол марсия жанри намуналари дейиш мумкин. Муаллифнинг номаълум қахрамон деб аташи бежиз эмас. Чунки унинг кимлиги ҳақиқатан ҳам номаълум. Тўртликларнинг учтасида унинг ватанпарварлиги, мардлиги, баҳодирлиги, душманга нисбатан беаёвлиги тўғрисида гап боради:

Яғи ўтин ўчурган,
Тўйдин ани кўчурган,
Ишлар узуб кечурган,
Тегди ўки ўлдирур.

²⁰⁸ Стеблева И.В. Развитие тюркских поэтических форм XI века. Москва, Наука, 1971. С. 159-161.

Мазмуни: у уруш оловини ўчирувчи, уларни (душманларни) аскар сафидан хайдаб чиқарувчи, шу билан бирга, қийин ишларни бажарувчи эди. Унга ҳалок қилувчи замон ўқи тегди.

Марсиянинг иккинчи бандида қахрамоннинг сифатлари улуғланади. Олижаноблик, доимо эзгу ишларнинг бошида туриш, ижобий фазилатлар билан бошқаларга намуна бўлиш унинг ўзига хос хусусиятлари эканлиги эсланади ва ана шундай одамнинг ўлимига афсус ва надомат чекилади:

Турган улуғ ишлақа,
Тирки уруб ашлақа,
Тумлуғ қадир кишлақа,
Кўзти эриг умдуру.

Мазмуни: У одам улуғ ишларга чидам билан туриш берадиган эди. Дастурхони қаттиқ кишларда очик эди, одамларни ўзининг яхшиликларидан умидвор қилиб ташлаб кетди.

Марсиянинг вазни, кофияланиши, бўгинлар тизими Али Эр Тўнга марсиясига мос келади. Ҳар иккала марсиядаги лирик қахрамоннинг изтироби баёни Энасой битигларини ёдга солади. Чунки Энасой ёдномаларида ҳам кишининг изтироби баёни тасвири асосий ўрин тутади ва бу уларнинг йиғи жанри асосида юзага келганлигини кўрсатади. Энасой ёдномалари вафот этган кишининг таржимаи холи билан боғланган бўлиб, унда марҳумга хос бўлган хусусиятлар тасвири етакчидир²⁰⁹: «Авлодларим, сизлардан айрилдим. Оҳ, уйдаги хонзодаларимдан айрилдим. Саккиз ўғлимдан айрилдим-эй. Ҳоконим, элим хизматида бўлдим, доно ҳукмдоримга хизмат қилдим, дўстларимга хизмат қилдим. Бу мен учун шарафдир. Ҳоконим учун, Билга Чикшан ҳоконига хизмат қилдим, эй халким, йигитлик шарафим учун давлатимга хизмат қилдим. Танрига хизмат қилдим. Энди ажойиб дўстларимдан айрилдим. Бу мангу тошимдир. Мен аламли Чиксинман»²¹⁰.

«Чакўл ёдномаси» мазмунидан кўриниб турибдики, у марҳум ҳаётига алоқадор маълумотлар баёнидан иборат бўлиб, I шахс

²⁰⁹ Раҳмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. Тошкент, Халқ мероси, 2002. 5. 58.

²¹⁰ Қадимий ҳикматлар (Тузувчи: Насимхон Раҳмонов). Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1987. Б. 42-43.

тилидан ҳикоя қилиняпти. Энасой ёдномаларининг I шахс, яъни марҳум тилидан ҳикоя қилиниши, улар билан Урхун ёдномалари ўртасидаги уйғунликни келтириб чиқаради: «Турк бўдун қанин бўлмайин Табғачда адрилти, қанланти. Қанин кўдуб Табғачқа яна ичикди. Тангри анча тэмиш аринч: қан баргим, қанингни кўдуб ичикдинг, ичикдук учун тенгри ўл темиш, аринч. Турк бўдун ўлти, алқинти, йўк бўлти. Турк сир бўдун эринта бўд қалмади»²¹¹. Мазмуни: Турк халқи ўзининг хони билан бўлмай, Табғач хоқонлигига кўшилди, хонлик бўлди. Ўз хонини кўйиб, яна Табғач хоқонлигига кўшилди. Тангри шундай деган экан: Хон бердим. Хонингни кўйиб, таслим бўлдинг. Табғачга таслим бўлгани учун Тангри ўл, деган шекилли. Турк халқи ўлди, йўк бўлди, тугади. Турк сир халқи ерида бирорта ҳам уруғ қолмади.

Кул тигин битигидаги тасвир Тўннокук битигидан фарқли ўлароқ, Билга хоқон тилидан олиб борилади. Бу эса тасвирнинг I шахс тилидан ҳикоя қилиниши ҳодисаси барча Урхун ёдномаларига ҳам хос эмаслигини кўрсатади: «Ўгим катун улаю ўғларим, акаларим, калингуним, кунчуйларим бунча яма тириги кунг бўлтачи арти, ўлуги юртада йўлта яту қалтачи артигиз! Кул тигин йўк арсар, кўп ўлтачи артигиз! Иним Кул тигин қаргак бўлти, ўзим сақинтим; кўрур кўзим кўрмазтаг, билир билигим билмазтаг бўлти, ўзим сақинтим. Ўд тангри ясар, киси ўғли кўп ўлгали тўпимис. Анча сақинтим кўзда яш қалсар, атида кўнгулта сизит қалсар, янтуру сақинтим, қатиг ди сақинтим: аки шад улаю инию гуним ўғланам бегларим будуним кўзи қаши яблақ бўлтачи тип, сақинтим»²¹². Мазмуни: Онам хотун, кейинги оналарим, опаларим, келинларим, хонзодаларим, тиригингиз чўри бўлар эди, ўлигингиз чўлу биёбонда, йўлда ётиб қолар эдингиз! Кул тигин бўлмаса, бутунлай ўлар эдингиз. Иним Кул тигин вафот этди, вужудим алам чекди. Кўрар кўзим кўрмаётгандай, билар ақлим билмаётгандай бўлди (эс-хушимдан ажралдим), жоним азобда қолди. Дунёни тангри ясайди, инсон болалари ҳаммаси ўладиган қилиб яратишган. Шунчалик алам тортдимки, кўзга ёш келганда, кўнгилга йиғи келганда, қайта ҳам

²¹¹ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Москва – Ленинград, Наука, 1951. С. 61.

²¹² Малов С.Е. Ўша китоб. Б. 33.

чекдим, кайта кайгурдим. Икки шад, кейинги ини-жияним, ўғилларим, бекларимнинг кўзи, қоши ёмон бўлади, деб кайгурдим.

Мазкур парчани ўрганар экан, профессор Н.Рахмонов ундаги Кул тигин тасвирига эътиборни қаратади ва қаҳрамоннинг ғайри табиий фаолиятини халқ оғзаки ижодига хос хусусият сифатида баҳолайди²¹³. Дарҳақиқат, образлардаги муболағали тасвирнинг бошқа Урхун ёдномаларида ҳам учраши битигтошларнинг ёзма адабиёт сифатида шаклланишида фолклорнинг таъсири борлигидан далолат беради.

Урхун битигларидаги йиғи ёдномалар таркибида учрайди ва улар тўлиқ мазкур жанр асосига қурилмаган, балки тарихий қаҳрамонлик дostonларидир. Энасой ёдномаларининг асосини эса йиғи жанри ташкил этади. Бу жиҳатдан улар ўзаро фаркланади. Шуниси диққатга сазоворки, марсия Энасой ёдномаларида I шахс - мархум тилидан айтилади. Бу усул марсиянинг алоҳида шакли ҳисобланади. У қадимги шомонликча инонч тасаввурларнинг маҳсули бўлиб, мархумнинг руҳи тирикдир, деган қараш асосида шаклланган.

Йиғи жанри намуналари туркийларнинг таржима адабиётида ҳам мавжуд. Мазкур фикрнинг тасдиғини хитойчадан ўгирилган «Олтун ёруғ» дostonида кўриш мумкин. «Олтун ёруғ»даги «Шаҳзода ва барс» афсонасида кичик шаҳзода - Мағаствининг ўзини қурбон қилиши ушбу жанрни юзага чиқаради: “На ада арти адайим, кўрклакая ўгукум. Ўлмак амгак начукин, ўнгра калип арттурги. Синтида ўнгра ўлмакиг булайин ай кункаям. Кўрмайин арти мунитаг улуғ ачиғ амгакиг...”²¹⁴. Мазмуни: Қандай кулфат бўлди-я, кўзичоғим, жонимдан азиз эркатойим! Ўлмоқ азоби нима учун (сенга) барвакт келиб олиб кетди. Сендан олдин ўлимни (мен) топсам (бўлмасмиди), эй куёшим! (Шунда) кўрмас эдим бундай оғир, аччиқ азобни!

Кўринадики, парчадаги онанинг изтиробни баёни тасвири уни юкорида келтирилган намуналарга яқинлаштиради ва йиғи жанрининг туркий адабиётда ўзига хос шаклланиш йўлига эга эканлигини билдиради.

²¹³ Рахмонов Н. Урхун-Енисей ёдномалари ва туркий эпослар. ФФД илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1991. Б. 127.

²¹⁴ Олтун ёруғ (Нашрга тайёрловчи: Н.Раҳмон). 2-китоб. Тошкент, Мумтоз сўз, 2013. Б. 259

Йиғи жанрининг тараққиёти масалаларини тадқиқ этиш қадимги туркий адабиётда йиғи тасвирининг икки йўналишда амалга оширилганлигини кўрсатади:

1. Йиғи марҳум тилидан баён қилинган (Энасой ёдномалари).
2. Йиғи ўзга кишилар, асосан, марҳумнинг яқинлари томонидан баён қилинган (Кул тигин битиги, «Олтун ёруғ» достонидаги йиғи, Алп Эр Тўнга марсияси).

Лекин ҳар иккала ҳолатда ҳам йиғи жанрини эпиклаштириш ҳолати кузатилади. Бу жараён қадимги туркий адабиётда жанрлар тизимининг одат ва маросимлар билан боғлиқлигини кўрсатади.

Жанрнинг кейинги вақтлардаги такомили даврида аста-секин йиғининг марҳум тилидан айтилиши ҳодисаси йўқола борган ва унинг ўрнига бошқа ҳаётий шахслар томонидан ижро этилиши жанр мезонларидан бирига айланган.

Хулоса тарикасида шуни айтиш мумкинки, ёзма адабиётда йиғи соф жанр сифатида Энасой ёдномалари орқали юзага чиқди. Урхун ёдгорликларида эса бошқа жанрлар билан аралаш ҳолда яшади. Кейинги ривожланиш босқичларида шаклланиб, ўзига хос қодаларга эга бўлди ва марсия деган атама орқали номланди. Жанрнинг арабча номланиши исломдан аввалги даврларда адабиётшунослик илмининг тараққий этмаганлиги билан изоҳланади.

ҚАСИДА

Қасида лирик тур жанрларидан бири бўлиб, бу сўз арабчадан ўзбекчага ўгирилганда мақсад, ният каби маъноларни англатади. Унинг намуналарини Шарк адабиётида кенг тарқалган жанрлардан бири сифатида араб, форс, туркий тилда калам тебратган шоирлар ижодида ҳам учратиш мумкин. Манбаларда қасида ҳақида гап кетганда, у бирор тарихий шахс, машҳур арбоб ёки қаҳрамон, муҳим воқеа қабиларга бағишлаб ёзилган тантанали услубдаги асар эканлиги қайд этилади. Шунингдек, табиат, чолғу асбоблари, ижтимоий-фалсафий мавзулардаги қасидалар ҳам мавжудлиги алоҳида таъкидланади. Қасида ғазалга ўхшаб қофияланади. Ҳажм жиҳатидан катталиги билан ғазаллардан фарқланади. Қасидалар тузилишига кўра икки хил бўлади: қасидаи том ва қасидаи мужаррад (қасидаи маҳдуд ёки қасидаи муктазаб). Қасидаи том, яъни тўлиқ қасида таркибида насиб (кириш қисми), гуризгоҳ (асосий қисмга тайёрловчи бўлим), мадҳ (тасвирланаётган шахс, воқеа ёки нарса мақтови) ва қасд (муаллифнинг мақсади баёни) қисмлари мавжуд бўлади. Қасидаи мужаррад – тўлиқ бўлмаган қасидада эса юқоридаги қисмлардан айримлари (мадҳдан ташқари) бўлмаслиги мумкин.

Ҳар қандай жанрнинг ҳар бир халқ адабиётида ўзига хос шаклланиш тарихи мавжуд. Қасида ҳам туркий адабиётга ўз-ўзидан кириб келгани йўқ. Унинг илдизлари аввало туркий адабиётнинг ички имкониятлари асосида пайдо бўлган. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк” асарида “қўшуғ” атамасини “шеър”, “қасида”, “қўшиқ” сифатида ишлатганлиги маълум:

Туркан қатун қутунга,
Тегур мендин қўшуғ,
Айғил сизинг табуғчи,
Ўтнур йанги табуғ.

Малика (шоҳ) хотинга мендан мақтов, қасида (қўшиқ) еткур ва ходимингиз янги хизматларингизга тайёр, деб айг²¹⁵.

²¹⁵ Кошғарий М. Девону луғотит турк. I жилд. Тошкент, Мумтоз сўз, 2016. Б. 252.

Бу атама “Кутадғу билиг” достонида ҳам мавжуд эканлигига ўз вақтида мутахассислар эътибор қаратишган²¹⁶.

Қасидаларнинг асосий қисми моҳиятида машҳур кишиларни мадҳ этиш ётади. Мадр қадимги туркий адабиётда ҳам мавжуд бўлиб, уни Урхун ёдгорликлари матнида кузатиш мумкин. “Қадимги туркий ёдномалардаги мадр шахсларнинг ахлокий сифатларини, хизматларини мадр қилишдан ва идеаллаштиришдан иборат”²¹⁷ бўлган вазифани бажаради. Масалан, Кул тигин битиғида мадр қуйидаги кўринишда учрайди: “... Тангри йарлықазу, қутым бар учун улугим бар учун олтачи бодуның тиргуру игиттим, йаланг бодуның тонлыг, чығанй бодуның бай қылтим, аз бодуның окуш қилтым, ығар аллигда (ығар қағанлиғда йаг қылтым, торт булунгдаки) бодуның қоп баз қылтым, йағысыз қылтым, қоп манга корти. Мазмуни: ... Тангри ёрлақасин, бахтим бор учун, насибам бор учун ўлаётган халқни тирилтириб тарбият қилдим, яланғоч халқни кийимлик қилдим, камбағал халқни бой қилдим, оз халқни кўп қилдим. Панохталаб давлатлида, хоқонлиқда яхшилик қилдим. Тўрт жиҳатдаги халқни бутунлай эл қилдим, бир-бирига дўст қилдим, (ҳаммаси) бутунлай менга қаради”²¹⁸.

Кўриниб турибдики, мадр парчада хоқоннинг идеал тавсифи берилган бўлиб, тасвир усулига кўра ислом муҳитидаги мадрнинг тасвирига ҳамоҳангдир. Аммо қадимги туркий ёдгорликларда мадрнинг ифодаланиши туркий-исломий адабиёт намуналаридан тузилиши жиҳатдан фарқ қилади. Бироқ шахслар тасвиридаги ўхшашлик ҳар иккала муҳитдаги ёдгорликларни бир-бирига боғлаб туради. Мадр Урхун ёдномаларидан аста-секин исломий адабиётга ўтиб, ўзига хос кўринишга эга бўлди ва тараққий эта бориб, қасида, ғазал каби жанрларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнади. Мадрнинг кейинги даврдаги тараққиёт босқичида ташқи – бошқа халқлар адабиёти таъсири мавжудлигини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим. Бу хусусият, айниқса, “Кутадғу билиг” достонида яққол намоён бўлган. Маълумки, Юсуф Хос Ҳожиб “Кутадғу

²¹⁶ Раҳмонов Н. Урхун-Енисей ёдномалари ва туркий эпослар. ФДД илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1991. Б. 116. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг”и ва айрим жанрлар тақомили (маснавий, гўртлик, қасида). Тошкент, 2004. Б. 39.

²¹⁷ Раҳмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. Тошкент, Халқ мероси, 2002. Б. 56.

²¹⁸ Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари (Тузувчи: Н.Раҳмонов). 1-жилд. Тошкент, Фан, 2003. Б. 53-54.

билиг” асарини ёзиб тугатгандан сўнг уни ўз даври ҳукмдори Табғоч Буғраҳонга совға қилади ва дostonнинг кириш қисмидаги боблардан бирини Буғраҳон мактовига бағишлайди. Дostonнинг мазкур Буғраҳон мадҳига доир қисмини қасида деб аташ мумкин, чунки унда мазкур жанр қоидаларига тўлиқ риоя этилади, ҳатто бобда қасиданинг барча композицион қисмлари мавжуд²¹⁹. У фақат маснавийда қофияланганлиги билангина анъанавий қасидалардан фарқланади, холос.

“Қутадғу билиг”да, шунингдек, яна иккита қасида бор. Улар қасидаи мужаррад намуналари ҳисобланади. Иккала қасида ҳам бу жанрнинг туркий адабиётда ўзига хос тараққиёт йўлига кириб, мавзу жиҳатдан кенгая борганлигига далил бўла олади. Улардан бири “Йигитликка ачиниб, қариллик ҳақида айтади” қасидасидир. У таржимаи ҳоллик хусусиятига эга бўлиб, фалсафий йўналишда яратилганлиги билан ажралиб туради. Қасидада йигитликнинг ўтиб кетганлигига ачиниб, қарилликдан шикоят етакчилик қилса-да, унга ижтимоий мазмундаги фикрлар ҳам сингдириб юборилганлиги кузатилади. Бу хусусият, айниқса, шоирнинг навбатдаги “Замона бузуқлигини, дўстлар жафосини айтади” номли қасидасида янада яққолроқ юзага чиққан. Унда ҳаётнинг бевафолиги, ҳақиқий инсонларни топиш нақадар қийинлиги ҳақидаги қарашлар ифодаланган бўлиб, қасида ҳам мазмунан, ҳам бадий жиҳатдан муаллифнинг бу жанрни яратишдаги ўзига хос маҳоратидан далолат беради. Юсуф Хос Ҳожиб “... араб-форс адабиётида қонунлашган қасида жанрининг туркий моделини яратди”²²⁰. Бу эса қасиданинг кейинги даврлардаги тараққиётида муҳим омил сифатида хизмат қилганлиги шубҳасиз.

Қасидачиликнинг ривожда Сайфи Саройи, Гадоий қабиларнинг ўз ўрни бор, албатта. Сайфи Саройининг 24 байтли қасидаси Искандария подшосига бағишланган. Қасида табиат тасвири ҳақидаги гўзал образли ифодалар билан бошланадики, бу унинг насибга ҳам эга эканлигини билдиради. Ҳукмдорнинг идеаллаштирилиши эса мадҳнинг жанр талаблари асосида ёзилганлигидан далолат беради. Бизгача, Гадоийнинг битта тўлиқ бўлмаган қасидаси етиб келган бўлиб, унда ёш шаҳзода Халил

²¹⁹ Тўхлиев Б. “Қутадғу билиг”нинг поэтикаси масалалари // Ўлмас обидалар. Тошкент, Фан, 1989. Б. 358-359.

²²⁰ Тўхлиев Б. Ўша китоб. Б. 365.

Султон мадҳ этилади. Шоир шахзодани келажак ҳукмдори сифатида давлатни бошқаришини истайди ва халкнинг орзулари унинг раҳбарлигида амалга ошишига умид қилади.

Қасиданинг анъанавий жанр талабларига жавоб бера оладиган намуналари Ҳофиз Хоразмий ва Саккокийлар ижодида учрайди. Ҳофиз Хоразмий девонидан 9 та қасида ўрин олганлиги, шоирнинг мазкур жанрда баракали ижод қилганлигини билдиради. Шубҳасиз, ўзбек адабиётининг Навоийгача бўлган даврида қасида жанрининг моҳир устаси сифатида Саккокий тилга олинади. Бу бежиз эмас. Чунки шоирнинг бизгача 10 та қасидаси етиб келган бўлиб, улар бу жанрнинг адабиётимиз тарихидаги энг гўзал ва мукамал намуналаридан ҳисобланади. Саккокий қасидалари орасида Мирзо Улуғбекка бағишланганлари алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, бу қасидаларнинг мадҳ қисми тасвири Улуғбек образини адабий кахрамон даражасигача олиб чиқади. Чуқур мазмун, юксак бадиият уларни жанр талабларининг етук намуналарига айлантиради. Қасидалардан бирида улуғ ҳукмдорга нисбатан қўлланган “Сулаймони замон”, “Нўширавон”, “Мусотек шубон” тарзидаги талмеҳга қоришган ўхшатишлар, “хуршиди замон”, “Улус ҳаққида минг турли атодин меҳрибон” каби ифодалар образнинг идеал тасвирини яратишга хизмат қилади:

Бу кундин сўнгра кўп тинғой раиятлар риоятдин,
Улус ҳаққида минг турли атодин меҳрибон келди.
Кўнгуллар бўлди хуш равшан кўруб қолмади бир зарра,
Қоронғулик кетиб, холи чу хуршиди замон келди²²¹.

Мирзо Улуғбекдек маърифатпарвар ва халқпарвар подшо сиймоси, бу гўзал сиймони ифодаловчи ибратли фазилатлар мактови тасвири қасида марказида туради. Бундай хусусият шоирнинг Халил Султон, Арслон Хўжа Тархон, Хожа Муҳаммад Порсоларга бағишланган қасидаларида ҳам кўзга ташланади. Саккокий қасидаларининг ҳаммасида ҳам насиб қисмининг учрамаслиги, уларнинг айримлари қасидаи мужаррад намуналари эканлигини кўрсатади.

²²¹ Саккокий. Ғазаллар // Ҳаёт васфи. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1988. Б. 283.

Лутфий ўзбек қасидачилиги тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшган шоирлардан бири ҳисобланади. Унинг қасидаларидан бири соҳибкирон Амир Темурнинг набираси, Шохрух мирзонинг ўғли Бойсунғур мирзога бағишланган. Қасида насихат тарзида ёзилганлиги билан ажралиб туради:

Насихат аслини Лутфий санга этти вале,
Ани қабул килурға кўнгул керак қобил.

Масал турурким айтти бурунғи билгулар,
Маҳалли қобилу онки насихати қойил...

Шоирнинг кейинги қасидаси ҳажман биринчисига қараганда анчагина катта бўлиб, унда Бойсунғур мирзо ва унинг ўғли султон Алоуддавла улуғланади. Қасиданинг дастлабки қисмида “ҳомийи ислому дин”, “мулку миллат равнақи”, “шаҳзодаларнинг сарвари” каби фазилатлар эгаси сифатида макталган Бойсунғур мирзо яна, шунингдек, тасвир давомида Хотам, Нўширавон, Фаридун, Афросиёб қабилар даражасига кўтарилади. Қасиданинг 28-байтидан то сўнгигача “етти кишвар подшоҳининг севар фарзанди” бўлган султон Алоуддавла мадҳ этилади.

Қасида исломдан олдинги адабиётда мадҳ кўринишида бошқа жанрлар таркибида яшади. Жанрнинг Урхун ёдгорликлари матнларидаги содда, туркий адабиётнинг ўзигагина хос бўлган намуналари шу давр адабиётининг ички қонуниятлари асосида шакллана бошлаганлигидан дарак беради. Унинг “Қутадғу билиг” дostonида мустақил жанр сифатида ажралиб чиқишида туркий адабиётдаги мавжуд анъаналар билан бир қаторда ташқи таъсирларнинг ҳам роли катта бўлди. Ислom даври қасидаларида араб, айниқса, форс қасидачилиги билан ўхшаш бўлган хусусиятларнинг мавжудлиги адабиётлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожини белгилайди. Кейинги даврлардаги тараққиёт давомида қасидаларнинг мавзу жиҳатдан кенгая борганлиги, юксак бадииятнинг жанр мезонларидан бирига айланганлиги уларнинг ёзма адабиётда ўзига хос муқим ўринга эга бўла борганлигини кўрсатади. Ҳатто Ҳусайн Бойқаро замонасида ҳам қасида энг етакчи шоҳона жанр эканлиги Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида аниқ билиниб туради.

ҒАЗАЛ

Ўзбек мумтоз адабиётини бошқа Шарк халқлари адабиёти каби ғазал жанрисиз тасаввур қилиш қийин. Чунки бу жанр ХХ асргача бўлган адабиётимизда етакчи мавкелардан бирини эгаллаб келди. Қайси бир давр ёки замонда яшаганлигидан қатъий назар, ўтмиш шоирларининг ижод намуналари, девонлари кўздан кечирилса, албатта, уларнинг асосини ғазаллар ташкил этиши табиий бир ҳол. “Ғазал ёзишдан мақсад, - деб ёзади Шамсиддин Муҳаммад Қайс ар-Розий, - жонга роҳат ва дилга ҳаловат келтиришдир”. Дарҳақиқат, ғазал ижтимоий-сиёсий ҳаётга доир теран фикрларни, гўзал, жозибали инсоний туйғу ва кечинмаларни, инсон қалбининг барча мураккаблиklarини ифодалай олиши, шунингдек, турли мавзуларда фалсафий мулоҳазалар юрита олиш имкониятларига эгаллиги каби хусусиятлари билан қанчадан-қанча инсонларнинг кўнглини забт эта олди. Халқ ҳаётига шу қадар сингиб кетдики, мусиқага солиниб куйлана бошлади. Қачон яратилганидан қатъий назар, кўшиқ қилиб айтилувчи ғазаллар ҳамон кишиларни ўзига мафтун этиб, уларга эстетик завқ, қувонч бахш этиб келишда давом этмоқда.

Ғазал жанри дастлаб араб шеърлятида пайдо бўлган ва кейинчалик бошқа ажам халқлари адабиётида ҳам кенг тарқалган. Манбаларда ғазалнинг луғавий маъноси ҳақида фикр юритилганда, энг аввало, унинг аёлларга ошиқона муносабатда бўлмоқ, уларга дўст тутинмоқ каби маъноларни ифодалиши, адабий истилоҳ сифатида эса ишқ-муҳаббат мавзусидаги шеърлар тушунилиши баён этилади. Демак, дастлабки пайтларда фақат муҳаббат мавзусидаги яратилган шеърларгина ғазал деб аталган. Кейинчалик йиллар ўтиши мобайнида ғазал жанри сайқалланиб, такомиллаша бориб, ғоявий йўналиши, мавзу ва мазмун доиралари кенгайиб, Шарк лирикасининг энг севимли шеърлий жанрларидан бирига айланган.

Бу жанрни ўрганиш, унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритиш, ўтмиш адабиётшунослари ва шоирларининг ҳам эътиборини ўзига жалб этиб келган. Жумладан, Рашидиддин Ватвотнинг (XII аср) “Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” (“Сеҳр боғлари ва шеър нозикликлари ҳақида”), Шамсиддин Муҳаммад Қайс ар-Розийнинг “Ал мўъжам фи маъойири ашъор ул-Ажам” (“Ажам шеърлари ўлчовида ҳаракат белгилари”), Қабул

Мухаммаднинг “Ҳафт қулзум” (“Етти денгиз”) каби асарларида ғазал ва унинг хусусиятлари тўғрисида маълумотлар берилган. Шарқда адабиёт назарияси ва адабий танқидчилик ҳақидаги фикрлар бадиий матн “бағрида” яшаб келганидек, ўзбек адабиётида ҳам ғазал жанри борасидаги назарий-илмий қарашлар бадиий асарлар матни сирасида айтиб келинган. Ҳазрат Навоий ва Мирзо Бобурлар ғазал жанрининг ҳали очилмаган қирралари, яъни тарҳи (композицияси) ҳақида энг мукамал фикрларни баён қилганлар.

Ўзбек адабиётшунослигида наср ва назмнинг ўзига хос хусусиятларини (бундан ғазал жанри мустасно эмас – М.М.) Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” илмий асарида асослаб берди. Замонавий ўзбек адабиётшунослигида ҳам бу жанрга бағишланган бир қанча илмий тадқиқотлар яратилди²²².

Ғазал жанрининг ҳар бир халқ адабиётида ўзига хос шаклланиш йўли ва тараққиёт тарихи мавжуд. Мутахассисларнинг фикрича, форс-тожик адабиётида ғазал жанрининг дастлабки намуналари Рудакий ижодида кўрина бошлаган. Аммо уларни ғазал деб аташ қийин, чунки улар мазкур жанр талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Рудакийнинг бундай шеърлари кўпроқ “... қасиданинг насиб (муқаддима) қисмидан олинган шеърларга ўхшайдилар”²²³. Шу сабабли уларни шаклланиш босқичидаги ғазаллар деб аташ мумкин. Демак, X асрда ўзининг илк унсурларига эга бўлган “ғазал Рудакий ва унинг пайравлари вужудга келтирган замин асосида форс-тожик адабиётида XII асрда шаклланди ва такомиллашди”²²⁴.

Маълумки, ўзбек ғазалиётининг илк намуналари Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” ва Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асарлари таркибида учрайди. Бу асарлар орқали етиб келган ғазаллар ғазал жанри талабларига тўла жавоб бера олади. Ғазалшунос олимларнинг фикрича, “Қисаси Рабғузий” ва “Муҳаббатнома”

²²² Қаранг: Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1972; Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1976; Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожиди Навоийнинг роли // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1961, 3-сон; Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони. Асарлар. 6 томлик, 4-том. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1972; Пирназаров М. Поэтик жанрлар типологияси. Тошкент, Фан, 1989.

²²³ Шайхзода М. Асарлар. 6 томлик, 4-том. Тошкент, Фан, 1972. Б. 357.

²²⁴ Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожиди Навоийнинг роли // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1961, 3-сон. Б. 3.

асарлари орқали етиб келган ғазалларнинг бадиий савияси Рабғузий ва Хоразмийларгача бўлган даврларда ўзбек ғазалнавислигида катта тажриба тўпланганлигидан гувоҳлик беради²²⁵. Тадқиқотчилар томонидан илмий манбаларда бу давргача, яъни Рабғузий ва Хоразмийларгача яратилган ғазалларнинг бир қисми ҳали топишган эмас, бир қисми мўғуллар истилоси даврида йўқ бўлиб кетган деган фикр ва тахминлар билдирилади.

Хўш, ғазал жанри туркий халқлар адабиёти, хусусан, ўзбек адабиётига қайси даврда кириб келди, қайси давр ижодкорларида унинг илк куртаклари кўрина бошлади? Бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида “Ҳибат ул-хақойиқ” асарига мурожаат қиламиз.

“Ҳибат ул-хақойиқ” Шарқ халқлари адабиётига хос анъаналар Аллоҳга ҳамд, пайгамбар ва чаҳорёрларга наът билан бошланади. Сўнгра дoston бағишланган шахс – Дод Сипоҳсолорбек мадҳи ва китобнинг ёзилиш сабаби ҳақидаги боблар берилади. Профессорлар Н.Маллаев ва Қ.Маҳмудовларнинг эътироф этишларича, дostonнинг муқаддима қисми, яъни ҳамд, наът, Дод Сипоҳсолорбек мақтови ҳамда асарнинг ёзилиш сабаби хусусидаги боблари ғазал шаклида ёзилган²²⁶. Фитрат эса муқаддиманинг сўнгги бобини ғазал деб атайди²²⁷. Дарҳақиқат, дostonнинг муқаддима боблари шаклий-поэтик хусусиятларига кўра, ғазал жанрига яқин эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Албатта, бу бобларни том маънодаги ғазал деб аташ қийин, чунки улар ғазал жанри талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, уларда ғазал жанрига хос бўлган баъзи унсурлар мавжуд. Фикримизни далиллаш мақсадида дoston муқаддимасининг сўнгги “Бу китобнинг ёзилиши сабаби ва зарурати ҳақида” бобини кўздан кечирайлик:

²²⁵ Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожда Навоийнинг роли // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1961, 3-сон. Б. 8; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент, Фан, 1983. Б. 20; Жумаев Н. Ғазал композицияси ҳақида // Адабий мерос. 1989, 3-сон. Б. 64.

²²⁶ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1976. Б. 146; Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 1-том. Тошкент, Фан, 1978. Б. 139.

²²⁷ Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. Тошкент, Маънавият, 2000. Б. 50.

Дод Сипоҳсолорбек учун бу китоб,
Чикартим очунда оти қолсу теб.

Китобимни кўрган, эшитган киши,
Шоҳимға дуо бирла ёд қилсу теб.

Кединги келигли кишилар аро,
Анинг зикри тонгсук эдиз қолсу теб.

Анинг вудди бирла кўнгуллар тўлуб,
Анинг ёди бирла очун тўлсу теб.

Безадим китоби мавоиз масал,
Боқиғли, ўқуғли осиг олсу теб.

Белак эттим ани шоҳимға мен-ўқ,
Ҳаводорлиғимни тугал билсу теб.

Мазмуни:

Дунёда номи қолсин деб, Дод Сипоҳсолорбек учун бу китобни ёздим.

Китобимни ўқиган, кўрган, эшитган киши шоҳимға дуо ўқиб, уни ёд қилсин деб (ёздим).

Келгуси авлодлар орасида унинг хотираси юксак ва машҳур бўлсин деб ёздим.

Унинг муҳаббати билан кўнгуллар тўлиб, ёди билан дунё тўлсин деб ёздим.

Ўқимишли, саводли кишилар манфаат топсин деб, нодир сўзлар билан безадим.

Муҳаббатимни тугал билсин деб, мен уни шоҳимға совға қилиб юбордим.

Мазкур боб қофияланишига кўра оддий ғазалларга мосдир, яъни биринчидан, матлаъ мисралари ўзаро қофияланган, иккинчидан, кейинги байтларнинг жуфт мисралари матлаъ билан қофиядош бўлиб келган. Бу эса унинг шаклан ғазалларга хос бўлган элементларидан бири ҳисобланади. Демак, ғазал қофияланишига хос бўлган - жуфт мисраларнинг матлаъ билан қофияланиб келиш

ходисаси туркий-исломий адабиётда Адиб Аҳмад ижодидан бошланган.

“Ҳибат ул-ҳақойик” мукаддимасининг сўнгги боби композицион жиҳатдан текширилганда, унда якпора ғазалларга хос белгиларнинг мавжудлиги кўзга ташланади. Чунончи, матлада Дод Сипоҳсолорбек учун бу китобнинг ёзилганлиги хақида фикр билдирилса, кейинги байтларда бу мавзу изчил ривожлантирилади, яъни китобни ўқиган, кўрган ҳар бир киши шохни дуо билан ёд килсин деб ёзилганлиги, келажак авлодлар орасида унинг номи машҳур бўлсин деб ижод қилинганлиги, саводли кишилар манфаат топсин деб, нодир сўзлар билан безалганлиги ҳамда уни ҳукмдорга совға қилинганлиги қайд этилади.

Бу қисмни якпора ғазалнинг дастлабки намунаси деган фикрдан йироқмиз, албатта. Аммо байтларнинг яхлит бир мавзунини ёритишга хизмат қилиши, ўзаро бир-бирига мантқан боғланиб, мазмунни давом эттириши каби хусусиятлар ғазалларнинг якпора турига хос бўлган илк элементлар эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Достоннинг ҳамд, Муҳаммад алайҳиссалом ва тўрт халифа мадҳи ҳамда Дод Сипоҳсолорбек мактовига бағишланган боблари ҳам қофия шакли, композицион хусусиятлари жиҳатидан ўрганилса, уларда ҳам ғазал жанрининг дастлабки унсурлари мавжуд эканлиги кўзга ташланади.

“Ҳибат ул-ҳақойик”нинг дастлабки бобларида ғазал жанри унсурларининг мавжудлигини ҳисобга олиб, туркий адабиётда мазкур жанрнинг шаклланиш илдизлари Адиб Аҳмад яшаган даврга бориб такалади, дейиш мумкин. Албатта, ушбу бобларни том маънодаги ғазаллар сифатида қабул қилиш қийин, лекин уларнинг тузилишидаги ғазалларга хос бўлган баъзи белгилар ғазал жанри туркий адабиётда XII асрларда вужудга кела бошлаганлигидан далолат беради. Адиб Аҳмаддан сўнг ўтган авлодларда эса бу унсурлар мукаммаллашиб, алоҳида жанр сифатида шакллана бошлади.

Ўзининг жанр талабларига жавоб бера оладиган мукаммал шаклига эга бўлган ғазал туркий адабиётда XIV асрдан бошлаб, гуркираб ривожланиш босқичига кирди. Унинг тараққиётида шу асрда яшаган бир қанча шоирларнинг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, Рабғузий, Хоразмий, Саййид Аҳмад ва Юсуф Амирийлар

ижодида ғазал катта асарлар таркибида учраса, Сайфи Саройи лирикасида у алоҳида бир тараққиёт босқичига кўтарилди. Ғазалнинг етакчи мавкега эга бўлиб оммалашшида Мавлоно Қози Мухсин, Аҳмадхожа ас-Саройи, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имод Мавлавий, Туғлихожа каби шоирларнинг ҳам хизматлари бекиёс. Бизгача етиб келган Сайфи Саройи ва улар ўртасидаги мушоира намуналари шу давр адабиётида ғазалнинг алоҳида бир ўзига хос мавкеини белгилайди. Мушоирада айтилган ғазаллар жанр талабларига тўлиқ жавоб бера олиши билан характерланади. Ғазал Ҳофиз Хоразмий ижодида тўла тўкис шаклланиб бўлганлиги кузатилади. Балки шунинг учун ҳам у мен туркий шеърят пайғамбариман деб даъво қилгандир:

Турк жинсинда паямбар бўлмоқи бўлса раво,
Бўлғай эрдим ман паямбар, шеърларим - мўъжизот²²⁸.

Ёки:

Ҳофизни кўринг ушбу замон турк тилинда,
Гар кечди эса форсда ул Ҳофизи Шероз²²⁹.

Ғазалда асосан ошиқнинг ички кечинмалари тасвири етакчи ўрин тутади. Унинг қаҳрамони ошиқ ва маъшуқа ҳисобланади. Айрим ғазалларда рақиб образи ҳам учраб туради. Ғазалларда маъшуқа образига асосий эътибор қаратилиб, унга хос бўлган хусусиятлар баёни ошиқнинг ўй-фикрлари, мушоҳадалари ва дил изҳорлари тарзида акс эттирилади. Ошиқ учун маъшуқа висолига етиш – осон иш эмас. Бу йўлда у қанчадан қанча синов жараёнидан ўтиши керак. Синов даврида ҳақиқий ошиқ руҳан товланиб, маънан етуқлаша боради. Ошиқлик лирик қаҳрамонни ўзига хос руҳий изтироблар гирдобига ташлайди ва бу ҳолат натижасида пайдо бўлган қийинчиликлар азобида маъшуқа унга фақат салбий жиҳатлар билангина намоён бўлади. Гўёки, ошиқнинг тасаввурича, маъшуканинг иши фақат жабр кўрсатиш ва жафо қилишдан ибсрат:

²²⁸ Ҳофиз Хоразмий. Девон. 2-китоб. Тошкент, 1981. Б. 289.

²²⁹ Ҳофиз Хоразмий. Девон. 1-китоб. Тошкент, 1981. Б. 7.

Ғар бўлса санга жавру жафо хў вазифае,
Бўлди манга ҳам меҳру вафо пешау одат²³⁰.

Ҳақиқий ошиқ – меҳру вафо тимсоли. У маъшуқа дардида кўп машаққат чекишига қарамасдан унинг висолига ташна, ўз ишқига содиқ, сабру токат – унинг асосий шиори, вазифаси эса ўз мақсадидан асло чекинмаслик:

Манга васлинг қачон етсун, билурмен,
Вале ошиқ иши саъю талабдур²³¹.

Ошиқ қайғу аламларининг ортишида рақибнинг ҳам ўзига хос “хисса”си бор, албатта. Илк ўзбек ғазалиётида бу образнинг ит ёки тиканга қиёсланиши бежиз эмас. Чунки рақиб ошиқ ва маъшуқа орасидаги учинчи бир киши, яъни тўғаноқ сифатида вазифа ҳам бажарадики, бу эса унинг изтиробга солувчи, жабр-ситам кўрсатувчи сифатида намоён бўлишидан далолат беради. Ҳақиқий ошиқлик эса ҳар қандай рақибни ҳам йиғлатиши мумкинлиги манбаларда учрайди:

Йиғлади ҳатто рақибнинг раҳми келгандин манга,
Бори ул қаттиқ кўнгуллуқ чинму ёлғон йиғлади²³².

Ошиқнинг Фарход, Мажнун, Вомиқ кабиларга ўхшатилиши, маъшуқанинг эса Ширин, Лайли, Узро, гўзалликда Юсуф пайғамбарга қиёсланиши ҳам шу давр ғазалиётининг тараққиёти билан боғлиқ равишда шаклланганлигини кўрсатади. Бу эса кейинги даврларда ўзига хос бир аңъана сифатида давом эттирилди.

Илк ўзбек ғазалиёти намуналарини ўрганиш, ошиқона ғазалларнинг етакчилигини инкор этмаган ҳолда, улар билан бир қаторда бошқа мавзуларда ҳам ғазаллар шакллана бошлаганлигидан далолат беради. Хусусан, пейзаж ғазалларнинг дастлабки авлоди ҳам XIV аср адабиёти намуналарида учраши фикримизни тасдиқлайди. Рабғузийнинг машҳур

²³⁰ Атоий. Ғазаллар // Ҳаёт васфи. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1988. Б. 306.

²³¹ Атоий. Ўша китоб. Б. 353.

²³² Саккокий. Ғазаллар // Ҳаёт васфи. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1988. Б.

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзи,
Кечди баҳман замҳарир киш, қолмади кори бузи²³³

матлаъли ғазалида баҳор фасли, унинг гўзаллик олами ва таровати ифодаланган бўлиб, у табиат мавзусида яратилган. Шунингдек, бу давр адабиётида ижтимоий йўналишдаги махсус ғазаллар яратилмаган бўлса-да, бироқ ижтимоий мазмундаги мисра ёки байтларнинг анъанавий ғазаллар таркибига сингдириб юборилганлиги кузатилади. Ахлоқий-таълимий йўналишдаги мисра ва байтлар ҳақида ҳам шундай фикрга келиш мумкин.

Ғазалиётда дунёвий йўналишнинг етакчилиги кўриниб турса-да, айрим ғазалларда тасаввуф таълимотининг ҳам кучли таъсири сезилади. Ҳофиз Хоразмий, Атоий, Лутфий каби шоирлар ижодида мажозий ва ҳақиқий ишқнинг уйғунлашган кўринишдаги тасвири тасаввуфнинг бу давр адабиётидаги ўзига хос мавқеи ва таракқиётини белгилайди.

Илк ўзбек ғазалиётининг ривожидида халқ оғзаки ижоди ҳам муҳим манба сифатида хизмат қилди. Шоирлар оғзаки адабиётнинг илғор ва бой тажрибасидан унумли фойдаландилар. Айниқса, тил, содда ва раво услуб, мақол ва ҳикматли сўзлар, оғзаки ижодга хос сюжет ва образларга мурожаат қилишда бу хусусият яққол намоён бўлади.

Бу даврда яратилган ғазаллар юксак бадииятга эга эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Бадиий тасвир воситаларининг ўз ўрнида қўлланилиши шоирларнинг уларнинг имкониятидан унумли фойдаланганлигидан далолат беради:

Ул санамнинг юзиким гулзор эрур,
Юзининг гулзорина гул зор эрур²³⁴.

Ҳофиз қаламига мансуб ушбу байтда ўхшатиш, тақрир каби бадиий воситалар мавжуд. Байтнинг таъсирчанлигини таъминлашда тажниснинг ҳам алоҳида ўрни бор. Хусусан, биринчи мисрадаги гулзор сўзининг иккинчи мисрада гул зор тарзида алоҳида келиши

²³³ Рабғузий Носируддин Бурхониддин. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. Тошкент, Ёзувчи, 1990. Б. 103.

²³⁴ Ҳофиз Хоразмий. Ғазаллар // Ҳаёт васфи. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1988. Б. 67.

мазмунга ўзгача бир жозоба бағишлаган. Бу эса тажниснинг мураккаб тажнис турига мисол бўла олади.

Сўзнинг турли маъно англатиш хусусиятлари шеърятга ўзгача бир рух бахшида этади. Сўзларнинг маъно товланишларини ҳис қилиш ва мисра ёки байтлар замирига сингдириш ҳар қандай шоирга ҳам насиб этавермаган. Ийҳом санъати ижодкорга шундай имконият ярата олади. ХУ асргача бўлган ғазалиётда бу бадий тасвир воситасининг ажойиб намуналарини учратиш мумкин:

Кун тушта кўргали сени тушти заволга,
Ой тонгга қолди кеча бокиб ул жамолга²³⁵.

Дастлабки мисрадаги туш сўзи икки маънода (туш пайти ва уйқудаги туш) қўлланилган. Бу усул мисрани икки хил мазмунда тушувиш имкониятини беради: кун маъшуканинг гўзаллиги сабаб туш пайтида пастга туша бошлади – бу мисрадан англашилаётган биринчи маъно. Мисранинг кейинги маъноси эса қуйидагича: қуёш тушида маъшуканинг гўзаллигини кўриб, қуйилаша бошлади. Бундай хусусият байтнинг иккинчи мисрасига ҳам тааллуқли бўлиб, ундаги тонг сўзи икки хил маънони (тонг пайти ва ҳайрон қолмоқ) англатади. Демак, бу мисрани “Ой маъшуканинг жамолига бокиб, тонггача қолиб кетди” тарзида ҳам, “Ой маъшуканинг гўзаллигини кўриб, ҳайрон бўлиб қолди” мазмунида ҳам тушувиш мумкин. Мавлоно Лутфий ижодида ийҳомнинг бу каби гўзал намуналарининг кўплаб учраши, шоирнинг бу бадий тасвир воситаси имкониятидан моҳирона фойдаланганлигини билдиради.

Шеър таъсирчанлигини оширишда муболағанинг ҳам ўз ўрни бор, албатта. Ғазалиётда ошиқнинг ички кечинмалари, изтироблари, умуман, руҳий ҳолати тасвирида бу бадий усул кенг қўлланилганлиги билан ажралиб туради:

Ғофил ўлма кўзларимнинг ёшидинким, ногаҳон
Мавж урубон, етмасун ногаҳ бу тўфоним санга²³⁶.

²³⁵ Лутфий. Лутфий шеърятидан. Тошкент, 1985. Б. 55.

²³⁶ Гадоий. Ғазаллар // Ҳаёт васфи. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1988. Б.

Кўринадики, ошикнинг тинимсиз оққан кўз ёшларининг мавж уриб, тўфон ҳосил қилиши ва бу тўфоннинг севгилисигача етиб бориши унинг маъшуқа дардидаги азобларини кучайтиришга хизмат қиляпти. Бу бўрттириш муболағанинг ғулувв номли турига мансуб бўлиб, унда тасвирланаётган ҳодисага ақл ҳам ишониши кийин, у ҳаётда ҳам юз бериши амри маҳол. Бироқ тасвир жараёнидаги унинг вазифасидан кечиш мумкин эмас, чунки у байтга алоҳида бир эстетик завқ бағишлаб келмоқда.

Хуллас, ғазалнинг дастлабки куртақлари туркий адабиётда XII асрда вужудга кела бошлади. Адиб Аҳмад ижоди бунинг ёркин далилидир. Адибдан сўнг ўтган авлодларда бу унсурлар мукаммаллашиб, алоҳида жанр сифатида шакллана бошлади. Рабғузий ва Хоразмийлар ижодиётида ғазал ўзининг жанр талабларига жавоб бера оладиган илк намуналарига эга бўлган бўлса, Атоий, Саккокий, Лутфий, Ҳофиз Хоразмий каби шоирлар лирикасида такомиллашди, ҳазрат Навоий эса уни ҳар томонлама камолот чўққисига юксалтирди.

МАСНАВИЙ

Маснавий арабча сўз бўлиб, иккилик деган маънони англатади. Бадий ижоднинг алоҳида бир шакли сифатида эса ҳар банди ўзаро икки мисрадан кофияланидиган (а-а, б-б, в-в...) шеър тизими тушунилади. Маснавий Шарқда сюжетли, яъни воқеий шеърий асарларнинг асосий шакли ҳисобланади. Чунки “ҳеч бир шеър тури ҳаётни, воқеа ва ҳодисаларни, инсон характерини маснавийдагидек кенг ва чуқур ёритиб бера олмайди”²³⁷. Ҳазрат Навоий назм ҳақида сўз юритар экан, маснавийни шеъриятнинг энг афзали сифатида баҳолайди ва унинг тасвирдаги имкониятларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди:

Бўйла назм ичра ҳам эрур неча шик,
Фаҳм этар ул кишики, бўлса мудик.

Лекин ул барчадин дағи хуби,
Бор дурур маснавийнинг услуби.

Ўзгаларни гар этмадим мазкур,
Бок эмас, чун бори эрур машхур.

Маснавийким бурун дедим они,
Сўзда келди васиъ майдони.

Вусъатида юз ўлса маракагир,
Кўргузур санъатин бори бир-бир”²³⁸.

Бундай фикрлар шоирнинг “Садди Искандарий” достонида ҳам учрайди. Хусусан, унда Абдурахмон Жомий ижодига баҳо берилар экан, у яратган маънавий хазина мисолида маснавийнинг шеъриятда ўзга бир олам эканлиги алоҳида таъкидланади:

²³⁷ Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. Тошкент, Ўқитувчи, 1997. Б. 206.

²³⁸ Навоий А. Сабаи сайёр. Тошкент, Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. Б. 35.

Агар назмдин борча услуб анга,
Бори бир-биридин эрур хуб анга.

Вале маснавий ўзга оламдурур,
Ки таъбиға ҳоло мусалламдурур²³⁹.

Шу сабабли ўтмишда ижод қилинган эпик ва лиро-эпик асарларда мазкур шеърӣй шакл кенг қўлланилган. Бу ҳолни туркий-исломий ёзма адабиётнинг бизгача етиб келган илк намунаси ҳисобланмиш “Қутадғу билиг” асарида ҳам кўриш мумкин. “Қутадғу билиг”да схематик тарзда бўлса-да эпиклик, яъни воқеалар баёни мавжуд. Достонда “... воқеаларнинг эпик баёни қўйилган масалаларнинг бир-биридан ажраб қолмаслиги, уларни ўзаро боғлаб туриш учунгина келтирилади, холос”²⁴⁰. Бирок бу маснавийнинг имкониятларини чекламайди. Маснавий таркибида бошқа жанрларнинг қўлланилиш ҳодисаси ҳам айнан “Қутадғу билиг”да бошланади. Достондаги тўртлик ва қасида шундай хусусиятга эга. Масалан, асардаги тўртликлар маснавийдаги фикрларнинг тасдиғи вазифасини бажаради. Маснавий таркибида бошқа жанрлардан фойдаланиш нома жанрига мансуб асарларда ҳам учрайди. Ғазал, қитъа, фард каби жанрларнинг нома асосида яратилган достонлар таркибида қўлланилиши Юсуф Хос Ҳожиб тажрибасининг кейинги даврларда ўзига хос тарзда давом этганлигидан далолат беради.

Маснавий имкониятларидан мунозара жанрида ижод қилган шоирлар ҳам самарали фойдаланишган. Хусусан, назмда яратилган мунозаралар фикримизга далил бўла олади. Аҳмадийнинг “Созлар мунозараси”, Нишотийнинг “Боз ва булбул”, “Даф ва гул”, “Қушлар мунозараси” каби асарларида маснавийнинг шеърӣй шакл сифатида якка ўзи қўлланилиши унинг ўзбек адабиётидаги тараққиётини кўрсатади.

Маснавий ишкий йўналишдаги достонларнинг яратилишида ҳам муҳим рол ўйнади. “Сухайл ва Гулдурсун” достони билан бошланган бу мавзу кейинчалик “Гул ва Наврўз”, “Хусрав ва Ширин”, “Юсуф ва Зулайхо” каби асарларда муваффақиятли давом

²³⁹ Навоӣй А. Садди Искандарӣй. Тошкент, Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. Б. 48.

²⁴⁰ Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”и ва айрим жанрлар тақомили (маснавий, тўртлик, қасида). Тошкент, 2004. Б. 18.

эттирилди. Маснавий йирик, воқеабанд асарлардан ташқари кичик ҳажмли шеърларда қўлланилиши ҳам мумкин. Сайфи Саройи ижоди бунга мисол бўла олади. Шоирнинг “Васф ул-шуаро” номли шеъри етти байтдан иборат. У маснавий шаклида яратилган:

Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,
Кими булбулдурур сўзда, кими зоғ.

Кими тўти бикин чайнар шакарни,
Кими лафзи билан ўртар дурарни²⁴¹ ...

Кўринадики, шеърда шоирнинг адабий-эстетик фикрлари акс этган бўлиб, уни ўз даврининг назарий қарашлари сифатида баҳолаш мумкин. Шеърдаги булбул, зоғ, тўти образлари турли тоифадаги шоирлар гуруҳини англатса, кейинги мисралардаги фикрлар эса уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни очиқ баён қилишга қаратилган. Сайфи Саройи сўзни юксак қадрлайди. Умуман, бадий ижод “мавзунни ширин” ва “лойиқи таърифу таҳсин” бўлиши учун курашади. Демак, бу шеърда маснавий шоирнинг поэтик мақсадини тўлиқ юзага чиқара олганлиги билан эътиборни ўзига тортади.

Маснавий деганда шеърий шаклдан ташқари дostonларнинг тушунилиши – йирик ҳажмли воқеабанд асарларда маснавий шаклининг қўлланилиши билан боғлиқ тарзда юзага келган. Бироқ маснавий факат воқеабанд асарларда қўлланилади, дейиш тўғри эмас. У воқеабандлик тасвиридан ташқари ботиний ҳис-туйғуларни мукамал бера олиш имкониятига ҳам эга. Масалан, нома туркумидаги асарларнинг маснавийда ёзилганлиги фикримизга далил бўла олади. Чунки уларда воқеалар баёни мавжуд эмас:

Аё хуршидтек олам чароғи,
Мунаввар чеҳрангиз фирдавс боғи.

Қамуқ кўрклуқлар узра подшосен,
Масиҳ анфослик Юсуфликосен²⁴² ...

²⁴¹ Сайфи Саройи. Шеърлар. Гулистон. Тошкент, Бадий адабиёт, 1968. Б. 33.

²⁴² Хоразмий. Мухаббатнома // Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари (Тузувчи: Насимхон Раҳмонов). 2-жилд. Тошкент, Фан, 2007. Б. 108.

Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” достони учинчи номасидан олинган мазкур мисраларда маъшуканинг гўзаллиги ҳақида гап боради. Унда ошиқнинг ички кечинмалари тасвири етакчи ўринга эга.

Демак, маснавий XV асргача бўлган ўзбек адабиётида ўзига хос шаклланиш йўлини босиб ўтди. Дастлаб, дидактик йўналишдаги асарларда қўлланилган бу шаклдан кейинчалик бошқа, хусусан, фалсафий, ишқий мавзулардаги дostonларнинг яратилишида ҳам кенг фойдаланилди. Унинг такомилида Юсуф Хос Ҳожиб, Хоразмий, Хўжандий, Саййид Аҳмад, Саййид Қосимий, Қутб, Ҳайдар Хоразмий каби ижодкорларнинг муносиб хиссаси бор.

ТУЮК

Туркий адабиётнинг ички имкониятлари асосида шаклланган жанрлардан бири туюк ҳисобланади. Туюк сўзининг ўзагидаги туй сўзи омонимлик хусусиятига эга бўлиб, туй, хис қил, боғла каби маъноларни англатади. Адабий термин сифатида эса тўрт мисрадан иборат ўзига хос қонун-қоидаларга эга бўлган шеър тушунилади. Мутахассисларнинг фикрича, туюкнинг пайдо бўлиш илдизлари халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Туюкни китобхон учун бошқа тўрт мисрали шеърлардан ажратиб турадиган асосий хусусият — унда сўз ўйинларидан моҳирона фойдаланиш имкониятининг мавжудлигидир. Сўзнинг ўзига хос сеҳри, маъно товланишлари акс этган мисралар халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам кўпилаб учрайди. Айниқса, шаклдош сўзларнинг турли маъно англатиш хусусияти халқ дostonлари учун ҳам бир безак бўлиб келган:

Кўлингдан келганча чиқар яхши от,
Яхшилик қил, болам, ёмонликни от.
Насиҳатим ёд қилиб ол, ёлғизим,
Ёлғиз юрса, чанг чиқармас, яхши от²⁴³.

Тўртлик панд-насиҳат руҳига эга. “От” сўзининг турли маънолар ифодаланиши унга ўзгача жозоба бағишлаган. Бу ҳодиса мумтоз поэтикада тажнис деб аталади. Тажнис, яъни омоним сўзлардан фойдаланиш туюкнинг асосий жанрий белгиларидан бири ҳисобланади.

Тажнисдан моҳирона фойдаланиш илк туркий-исломий ёзма адабиёт намуналарида ҳам кузатилади. “Кутадғу билиг” билан махсус шуғулланган олим Боқижон Тўхлиев дастлабки туюк намуналаридан бири сифатида дostonдан бир тўртлик келтиради:

Қаю эрда бўлса уқуш бирла ўг
Ани эр атағил неча ўтса ўг.
Ўқуш, ўг, билиг кимда бўлса тугал
Явуз эрса қаз те, кичик эрса ўг²⁴⁴.

²⁴³ Эргаш Жуманбулбул ўғли. 2 жилдлик, 1-жилд. Равшан дostonи. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1971. Б. 73.

Қайси бир кишида заковат ва ақл бўлса,
Уни (ҳақиқий) киши деб атагин, қанча мактасанг макта.
Ёмон бўлса (ҳам) яхши де, кичик бўлса
(ҳам) катта деб бил (яъни улўгла).

Тўртлик мисралари сўнггидаги “ўт” сўзи тажнис кўрсаткичи ҳисобланади. У биринчи мисрада “ақл”, иккинчисида “мақта”, тўртинчи каторда эса “катта ёшли киши” маъноларини ифодалаган. Бироқ тўртлик мутақориб баҳрида яратилган. Аслида туюк рамал баҳрида ёзилиши керак.

Ҳар бир жанр шаклланиш жараёнида ўзига хос ўзгаришларни бошидан кечиради. Тараққиёт тарихи давомида жанрга хос бўлган мезонлар пайдо бўлади ва маълум бир қолишга келади. “Арузнинг ўзлаштирилган вазн эканлигини назарда тутсақ, туюқнинг дастлабки вазни аруз бўлмаганлиги, рамали мусаддаси максур эса жанр қонуниятларининг стандартлашган, маълум мезонга кирган шакли эканлиги маълум бўлади. Шунга кўра, юкоридаги тўртликни туркий ёзма адабиётда яратилган дастлабки туюқлардан бири деб дадил айтиш мумкин”²⁴⁵.

Ўтмиш адабиётшунослигида туюқ тўғрисидаги назарий маълумотларга ҳам эътибор қаратилган. Хусусан, ҳазрат Навоий “Мезон ул-авзон” асарида бу жанр ҳақида куйидагиларни кайд этади: “Яна турк улуси, батахсис чигатой халки аро шоеъ авзондурким, алар сурудларин ул вазн билан ясаб, мажолисда айтурлар. Бириси “туюқ” дурким, икки байтка муқаррардур ва саъй килурларким, тажнис айтилгай ва ул вазн рамали мусаддаси максурдур...”²⁴⁶. Демак, тўрт мисрадан иборат рамали мусаддаси максур вазнида ёзилган ва, албатта, тажнис қўлланган шеър тизими туюқ деб аталиши лозим.

Туюқнинг жанр талабларига жавоб бера оладиган мукаммал намуналари XIV аср адабиётида учрайди. Юсуф Амирий ижоди фикримизга далил бўла олади:

²⁴⁴ Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қуталғу билиг”и ва айрим жанрлар тақомиди (маснавий, тўртлик, қасида). Тошкент, 2004. Б. 34.

²⁴⁵ Тўхлиев Б. Ўша асар. Б. 35.

²⁴⁶ Навоий А. Мезон ул-авзон. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 16-том. Тошкент, Фан, 2000. Б. 91.

Гар десам доғи висолинг нори бор,
Олма деб аччиглаб айтур: нори бор.
Ишқ нахли кўз ёшимдин сув ичиб,
Баргу борини шарарлиғ нори бор²⁴⁷.

Туюк ишкий мазмунда яратилган бўлиб, ундаги тажнис “нори” сўзининг турли маъноларига асосланган. Дастлабки мисрада тажнис килинган сўз мажозан “азоб, қийинчилик” маъноларида ишлатилган бўлса, иккинчисидан “нарига кетгин” мазмуни англашилади. Демак, “ошиқ висол ғамининг азоблари ҳақида сўзлар экан, маъшуканинг аччиқланиб айтган сўзлари бирдек: нари бор”. Кейинги байтга шоир “нори” сўзининг “ўт, олов” маъносини усталик билан сингдирган: “Ишқ аталмиш бир дарахт ошиқнинг кўзларидан тинимсиз оққан сувларни ичса-да, натижа, яъни, унинг ҳосили – янада баттарроқ куйдурувчи олов”. Шеър ошиқ дарди изҳорининг баёнидан иборат, дейиш мумкин.

Туюк жанри ҳақида Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида келтирилган маълумотлар ҳам эътиборга молик. Тарозий туюкни рубоийнинг бир тури деб ҳисоблайди ва Муҳаммад Темур Буго деган шоир ижодидан бир шеър келтиради, у ўз даври адабиётидаги туюкнинг гўзал намуналаридан бири ҳисобланади:

Гар ҳавойи васли дилбар дори дер,
Йўлда тикмишлар муҳаббат дори дер.
Сен агар чун ошиқи содиқ эсанг,
Бу муҳаббат дорини бир дори дер²⁴⁸.

Бобур мирзо ҳам аруз рисоласида туюк ҳақида тўхталади. Шоирнинг кузатишича, икки, уч, тўрт мисраси тажнисли қофияланган ҳамда радифи тажнис бўлган туюқлар учрайди. Бобур туюкнинг навлари ҳақида қайд этар экан, икки тажнисли туюк турига алоҳида эътибор қаратади: “Яна бири улким китъадек бурунги байтнинг аввалги мисраёида қофия рифоъат қилмай байтларнинг қофиясида тажнис келтирурлар нечужким:

²⁴⁷ Ҳомидий Х., ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари луғати. Тошкент, Ўқитувчи, 1970. Б. 230.

²⁴⁸ Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. Тошкент, Хазина, 1996. Б. 42.

Берма дерлар ул вафосизга кўнгул,
Ким анинг нўшидин ортук неши бор.
Мен тамаъ узмасмен ўлсам лаълидин,
Жон менинг жонимдур элнинг неши бор²⁴⁹.

Қизиқ томони шундаки, Лутфий қаламига мансуб мазкур шеърдан Тарозий ҳам “Фунун ул-балоға” асарида мисол тарикасида фойдаланади. Бироқ шеър асарда қитъа намунаси сифатида келтирилган. Бундан ташқари Бобур Ҳожи Ақча Кандий исмли шоирдан келтирган туюк ҳам Тарозийда айнан қитъа дейилади²⁵⁰. Аҳамиятлиси бу шеърнинг иккинчи ва тўртинчи мисраларида тажнис қўлланган. Умуман, Тарозийда қитъа номи остида берилган тўртта ўзбекча шеърнинг барчаси сўз ўйинларига асосланган.

Бобур қайд этган туюк турлари орасида уч тажнисли туюклар етакчи бўлса-да, бироқ икки тажнисли жанр намуналарига ҳам дуч келиш мумкин. Хусусан, Гадей туюклари шундай хусусиятга эга. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, Гадей қаламига мансуб тўрт мисрадан иборат бўлган мустақил шеърлар турли манбаларда қитъа, тўртлик сифатида баҳоланиб келади. Аслида улардан айримларини соф туюк намунаси деб аташ мумкин. Чунки улар, биринчидан, Бобур келтирган икки тажнисли туюк талабларига жавоб берса, иккинчидан, рамал баҳрида яратилган. Учинчидан, шеърнинг ишқий мавзуда эканлиги ҳам туюкнинг табиатига мос келади:

Хисраво, усрук кўзунгнунг шавқидин,
Хуш сужуд айлар дамо-дам қўшқулок,
Жойи улдурким, санга хуршиду моҳ,
Қуллук этгайлар тутубон қўш қулок²⁵¹.

Қўшқулок – икки қулокли идиш. Ундан фойдаланиш жараёни шоирга завқ бағишламokban. Идишдан ҳар сафар май қуйилиши – унинг эгилиши образлилик касб этмокда. Гўё, у машуканинг гўзал сузилувчи кўзи орзусида доимо сажда билан машғул. Сўнгги

²⁴⁹ Бобур. Мухтасар. Тошкент, Фан, 1971. Б. 163.

²⁵⁰ Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Ўша асар. Б. 40.

²⁵¹ Гадей. Ғазаллар // Ҳаёт васфи. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1988. Б.

мисрадаги кўш кулоқ эса жуфт кулоқ маъносини билдиради. Бу ерда инсоннинг икки кулоғини ушлаб сажда қилиш ҳолати қуёш ва ойга кўчирилади, яъни маъшуканинг гўзаллиги олдида улар ҳам таъзимда.

Туюқ мавлоно Лутфий ижодида ҳам алоҳида ўрин тутади. Шoir туюқлари бадий баркамоллиги, мазмунан теранлиги билан ажралиб туради:

Гарчи курутмас кўзумнинг ёшини,
Ҳақ узун қилсун ул оининг ёшини.
Йиғлама кўп, бу вужудинг ишқ ўти,
Не куругин кўйгуси, не ёшини²⁵².

Кўриниб турибдики, туюқ “ёшини” сўзининг турли маъноларига асосланган. Биринчи байтда маъшуканинг жабру ситамларидан эзилган ошиқнинг қарашлари акс этган. У маъшука ҳақрида шунчалик кийналса-да, бироқ барибир уни дуо қилаверади: “Гарчи йиғидан тўхтамаётган кўз ёшларимнинг сабаби у бўлса-да, Яратган гўзал маҳбубамнинг умрини узун қилсин”. Бу ерда тажнис қилинган сўз “кўз ёши” ва “инсон умри” маъноларида қўлланган. Кейинги байтда ошиқ гўёки ўз-ўзига тасалли беради: “Ўрмонга ўт кетса ҳўлу курук баробар ёнганидек, ишқ ўти бутун вужудни куйдиради, бунинг учун кўп йиғлаш шарт эмас”.

Туюқ Навоийгача бўлган давр адабиётининг асосий жанрларидан бирига айланди. Бу жанрда ижод қилиш юксак истеъдодни ҳам талаб қилади. Айниқса, кофияда тажнис сўзнинг берилиши жанрнинг ўзига хос имкониятини юзага чиқаради. Туюқнинг кофияланиши рубойга ўхшайди. Жанрнинг а-а-б-а тарзида кофияланадиган кўриниши етакчи бўлса-да, бироқ бадий ижод оламида а-б-в-б шаклида китъа сингари кофияланадиган туюқлар ҳам учраб туради.

²⁵² Лутфий. Сенсан севарим. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1987. Б. 350.

ҚИТЪА

Қитъа лирик тур жанрларидан бири ҳисобланади. Асосан, унда фалсафий қарашлар, ахлоқ-одоб ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар ифодаланади. Бу жиҳатдан у кўпроқ дидактик характер касб этади. Мазкур жанр тўғрисида фикр юритган ўтмиш адабиётшунослари, шу жумладан, кейинги давр тадқиқотчилари ҳам унда матлаънинг бўлмаслиги, яъни дастлабки байтнинг ўзаро қофияланмаслиги хусусида маълумотлар беришган. Шундай фикрларни Фитрат ҳам кайд этади: “ғазалнинг биринчи байти бўлмаса, қолгани қитъа бўлади. Бошқача айтганда, қофияси ҳар байтнинг охирида бўлиб, биринчи мисраъи қофиясиз бўлган тизмаларга қитъа дейилади”²⁵³. Демак, қитъанинг қофияланиш системаси б-а, в-а, г-а... шаклига эга бўлиб, дастлабки байт ўзаро қофияланмаслиги билан ғазалдан фарқ қилади. Аммо манбаларда қитъанинг баъзан маснавийга ўхшаб, а-а, б-б, в-в... кўринишида қофияланиши ҳақида ҳам маълумотлар учрайди²⁵⁴.

Қитъаларнинг турли мавзуларда ёзилиши, ҳажм жиҳатидан чегараланмаслиги жанрга кенг имкониятлар яратади. Унинг намуналари ўзбек адабиётида XIV асрдан бошлаб кузатилади. Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” дostonи таркибидаги қитъа 10 мисрадан иборат бўлиб, асарнинг сўнгги номасидан кейинги якуний қисмида учрайди. Мазкур қитъа ҳасби ҳоллик хусусиятига эга:

Тамаъ доминда қолур қуш эмас мен,
Телим айвон уза учқон Ҳумомен.
Қиличтек тил била туттум жаҳонни,
Қаноат мулки ичра подшомен...²⁵⁵

²⁵³ Фитрат. Адабиёт қондалари. Тошкент, Ўқитувчи, 1995. Б. 5.

²⁵⁴ Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1976. Б. 20. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммаг. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1976. Б. 34. Пирназаров М. Поэтик жанрлар типологияси. Тошкент, Фан, 1989. Б. 90. Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърини жанрлари. Тошкент, Ўқитувчи, 1979. Б. 150.

²⁵⁵ Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари (Тузувчи: Насимхон Раҳмонов). 2-жилд. Тошкент, Фан, 2007. Б. 128.

“Чоғир ва Банг” мунозараси насрий йўлда ёзилган бўлса-да, унда ўзбек тилидаги китъаларга ҳам дуч келиш мумкин. Асарда Юсуф Амирий китъаларни мунозарага киришган образларнинг фикрлари тасдиғи сифатида ишлатади. Бу эса мунозара таркибида китъанинг ўзига хос яқунловчилик вазифасидан дарак беради.

Гадоий девони таркибида икки байтдан иборат бўлган қитъа жанри намуналари етиб келган:

Гарчи, шоҳо, дурри сероб ўзини
Қилди нисбат сўзунга билмай ярок.
Ўз камолинг бирла журмини кечур,
Тобуғинг-да чунки тутти қўшқулок²⁵⁶.

Қитъа муҳаббат мавзусида яратилган бўлиб, унда маъшуқанинг ширин сўзлиги хақида гап боради. Дастлабки байтдаги мазмун куйидагича: “Қимматбаҳо дур ўзини маъшуқанинг сўзларига киёслаб, гуноҳ қилди”. Шеър давомида маъшуқага мурожаат қилиниб, “дурри сероб”нинг айбини кечириш сўралмоқда: “Сен ўз камолинг билан унинг гуноҳидан ўтгин, чунки у хузурингга келиб бош эгиб турибди”.

Аслида жанр қондаларига кўра, китъаларда тахаллус қўйилиши шарт эмас. Бироқ айрим китъаларда шоирлар ўз тахаллусларини қўллаб келишган. Бу ҳодиса Гадоий учун ҳам бегона эмас. Шоир китъаларидан бирида тахаллуснинг қўлланилиши бу аъёнанинг ўзбек адабиётида ХУ асрдан бошланганлигини билдиради. Ҳофиз Хоразмийнинг айрим китъаларида ҳам тахаллуснинг берилиши фикримизни тасдиқлайди. Шоир қитъа жанрида анча сермахсул ижод қилган бўлиб, унинг 31 китъаси девонига киритилган. Ҳофиз китъаларининг кўпчилиги 3, 5 байтлик ҳажмда яратилган. Улар орасида 7, 9 байтли китъаларни ҳам учратиш мумкин. Жанр имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш Ҳофиз лирикасини юкори савияга олиб чиқади. Буни биз, биринчидан, қитъаларнинг турли мавзуларда ёзилганлигида, иккинчидан, ғоявий мукамалликда, учинчидан, бадийий етуқлик ва шаклий жиҳатдан жанр талаблари даражасида эканлигида кўраимиз:

²⁵⁶ Гадоий. Ғазаллар // Ҳаёт васфи. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1988. Б. 681.

Дўстлик қилма ул киши билаким,
Бўлди душманга маҳрами асрор.
Дўстким, бўлди дўст душманга,
Меҳрибон бўлмоғи эрур душвор.
Қўзини қайда сакласун итким,
Бўлди ёзида бўри бирла ёр²⁵⁷.

Кўринадики, қитъа 3 байтдан иборат бўлиб, б-а, в-а, г-а кофияланиш тизимига эга. Шеърнинг насиҳат тарзида ёзилганлиги ахлоқий-таълимий йўналишдаги фикрларнинг қитъа жанрида қай даражада ифодаланишини баҳолаш имкониятини яратади. Унда қандай одам билан дўстлашмаслик лозимлиги ҳақида фикр юритилади. Мазмуннинг мукамаллигига унинг композицион қурилиши ҳам ёрдам берган. Шеърни тузилишига кўра икки қисмга ажратиш мумкин. Дастлабки қисм, яъни 4 мисрада душман билан сирлашадиган кишининг ҳақиқий дўст бўлиши қийинлиги ҳақидаги қарашлар ифодаланган бўлса, сўнгги байтдаги фикрлар қитъада кўтарилган поэтик ғоянинг ҳаётий далили вазифасини ўтаган: душманга дўст тутинган кишига ишониш - чўлу биёбонда бўри билан ошно бўлган итга қўзини ишониб топширишдай гап.

Қитъанинг ғоявий-бадиий жиҳатдан янги ва юқори босқичга кўтарилишида мавлоно Лутфийнинг ҳам хизматлари бекиёс. Шоир қитъа жанри имкониятларидан унумли фойдаланиб, бу жанрда ҳам баракали ижод қилган:

Аклу жоннинг офати, дин ғорати,
Ҳар не бор ул кўзи бирла қошдадур.
Кетмади савдоси ҳаргиз боштин,
Рост айтурлар, ки “Давлат бошдадур”²⁵⁸.

Қитъа тўрт мисрадан иборат бўлиб, кофияланиши ҳам (б-а-в-а) жанр мезонларига тўғри келади. У ишқ-муҳаббат мавзусида ёзилган. Шеърда маъшуканинг гўзаллиги васфи ўзига хос образли тасвир орқали ифодаланган. Ошиқ учун гўёки диннинг оёғости бўлиши ҳам, ақлни ўғирлайдиган ҳам, жонга бало келтирадиган ҳам

²⁵⁷ Ҳофиз Хоразмий. Девон. 2-китоб. Тошкент, 1981. Б. 293.

²⁵⁸ Лутфий. Сенсан севарим. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1987. Б. 351.

– нимаики ёмонлик бўлса, унинг сабабчиси – мафгун килувчи шу кўз ва кошлар. Бу гўзаллик олдида у барча нарсани унутади ва ҳамма нарса килишга тайёр. Учинчи мисрада ошиқ ишқ савдосига йўлиққанидан афсуслангандек таассурот уйғотади. Сўнгги мисра эса ўзига хос якунловчилик хусусиятига эга. Ундан англашилишича, лирик қаҳрамон ўз-ўзига тасалли бергандек.

Қитъа ўзбек адабиётида ўзига хос шаклланиш жараёнини босиб ўтди. Қитъанинг илк намуналари нома ва мунозара жанридаги асарлар таркибида учраса-да, бироқ у Гадоий, Лутфий каби шоирлар ижодида алоҳида мустақил жанр сифатидаги кўринишларга эга бўлди. Айниқса, қитъанинг ғоявий-бадий, шаклий миқёсдаги такомили Ҳофиз Хоразмий лирикасида юкори боскичга кўтарилди.

ФАРД

Ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос шаклланиш жараёнига эга бўлган лирик жанрлардан бири фард ҳисобланади. Фард арабча сўз бўлиб, яққа, ёлғиз деган маъноларни англатади. Жанр атамасининг луғавий маъноси унинг тузилиши жиҳатдан ихчамлиги, яъни айнан мустақил бир байтдангина иборат эканлигига ҳам ишора қилади. Фарднинг ҳар иккала мисраси ўзаро қофияланади. Бироқ ўтмиш адабиётимизда қофияланмаган фард жанри намуналари ҳам учрайди.

Фарднинг вазни тўғрисида шуни айтиш мумкинки, у анчагина эркин жанр ҳисобланади. Чунки унинг илк намуналари асосан бармоқ вазнида яратилган бўлса, ёзма адабиётнинг кейинги тараққиёт давларида аруз фарднинг асосий вазнига айланди. Арузнинг фардни юзага келтиришда доимо қўлланадиган махсус баҳри йўқ. У вазннинг турли баҳрларида ёзилиши мумкин.

Фардларга хос бўлган қисқа, лўнда ва ихчамлик уни мақол жанрига яқинлаштиради. Энг асосийси, фардларда ҳам калк мақолларидаги каби ибратли фикр мавжуд. Бу эса дидактик характер фарднинг илк шаклланиш боскичларидаёқ жанр мезонларидан бирига айланганлигидан далолат беради. Бу хусусият айрим фардларнинг афоризм даражасига кўтарилишига ҳам хизмат қилади.

Фарднинг адабиётимиз тарихидаги илк намуналари ҳақида гап кетганда, мутахассислар томонидан “Девону луғотит турк” асари тилга олинади. Дарҳақиқат, “Девон”да иккиликлар шаклидаги анчагина шеър намуналари ҳам учрайди. Улар асардаги туркий сўзларнинг изоҳи сифатида келтирилганки, бундан иккилик тарзидаги шеърлар туркий адабиётда қадимдан мавжуд эканлигини сезиш кийин эмас.

Фарднинг кейинги намуналари нома жанри асосида яратилган асарлар таркибида учрайди. Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”сида гарчи ёлғиз битта фардни учратиш мумкин бўлса-да, бироқ Юсуф Амирий бу жанрда анчагина самарали ижод қилганлиги кўринади:

Вафосин соғиниб журмин унутқин,
Иноят кўзин онинг сори тутқин²⁵⁹.

“Дахнома” асаридан олинган мазкур мисралар ишқий мазмунга эга. Шунингдек, унда дидактик руҳ ҳам мавжуд. Байтнинг ўзаро кофияланиш усули ҳам фардларга хос.

Фард жанрининг тараққиётида насрий асарлар ҳам муҳим рол ўйнади. Хусусан, бу борада мунозара жанридаги асарлари билан машҳур бўлган Яқиний ва Юсуф Амирийларнинг номларини алоҳида таъкидлаш лозим. “Ўқ ва ёй” ҳамда “Чоғир ва банг” мунозараларида “байт”, “назм” номлари остида келтирилган икки мисрадан иборат бўлган шеърларда кўпроқ иктибос фардларга хос хусусиятларни кузатиш мумкин.

Фарднинг мустақил ижод қилиниши ва алоҳида жанр сифатида девон таркибида махсус учраши мавлоно Лутфий лирикаси билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Шоир қаламига мансуб бўлган фардлар жанрининг шаклий ва ғоявий-бадий имкониятларини тўлиқ юзага чиқара олган. Лутфий фардлари гарчи мавзу жиҳатдан ранг-баранглик касб этмаса-да, бироқ улар жанрнинг кейинги даврлардаги ривожини учун муҳим тажриба мактаби вазифасини ўтаганлиги сир эмас:

Ман шикаста агар жодуликни билсам эди,
Ўзумни нома қилиб хидматингга боргай эдим²⁶⁰.

Кўринадики, мазкур мисралар анъанавий мавзуда ёзилган. Унда ошиқ ботиний оламига хос хусусиятлар намоён. Ўзини бечораҳол, кўнгли қаттиқ озор чеккан киши сифатида кўриш - мумтоз адабиётдаги ошиқ образига хос белгилардан бири саналади. Бу борада Лутфий ишқ тасвирининг анъанавий жиҳатларига содиқ қолган. Бироқ шоирнинг новаторлиги шундаки, у ошиқнинг орзуси тасвирида ўзига хос янгилик яратади. Лирик қаҳрамон сеҳргар бўлишни орзу қилмоқда. Сеҳргарлик унга қандай ёрдам бериши мумкин? Бу – маъшуқа висолига интилишнинг бир йўли: яъни, агар

²⁵⁹Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари (Тузувчи: Насимхон Раҳмонов). 2-жилд. Тошкент, Фан, 2007. Б. 242.

²⁶⁰Лутфий. Сенсан севарим. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1987. Б. 343.

мен “жодуликни” билганимда эди, ўзимни мактубга айлантириб хизматингга борган бўлардим.

Лутфий сўз ўйинларидан фойдаланиш имкониятини фард жанрида ҳам синаб кўради. Бунинг натижаси ўлароқ ижод оламида тажнисли фардлар юзага келади. Жанрнинг кейинги ривожланиш босқичларида тажнисли фардлар ёзиш бошқа ижодкорлар томонидан ҳам муваффақиятли давом эттириладики, Лутфий ўзбек адабиётида мазкур гўзал бир анъананинг илк бошловчисига айланади. Ҳақиқатан ҳам тажнис фардларга ўзгача бир жозиба бағишлайди:

Кўнглум қарори қолмади, бир оқча юз тилар,
Ул оқча юзки мен тиларам, оқча юз тилар²⁶¹.

Лутфий фардларига хос бўлган яна бир хусусият унинг мақол ва ҳикматли сўзлардан унумли фойдаланишида ҳам кўринади. Шоир айрим фардларнинг иккинчи мисрасида халқ донишмандлиги намуналарига муружаат этади. Бу билан мисраларда илгари сурилаётган фикрларни тасдиқлашга ҳаракат қилади:

Шамъи мажлисга берур нур ул сафолик оразинг,
Бул масал равшандурур, ореки, ёғ ёғқа томар²⁶².

Хуллас, махсус ёзилган кичик лирик асар сифатида машҳур бўлган фард адабиётимиз тарихида алоҳида тараққиёт босқичига эга. Жанрга хос бўлган айрим белгилар оғзаки адабиёт маҳсули бўлган халқ мақолларида учраса-да, бироқ унинг ёзма адабиётдаги намуналари ХУ асргача нома ва насрий асарлар таркибида яшаб келди. Фарднинг алоҳида жанр сифатида махсус яратилишида мавлоно Лутфийнинг хизматлари бекиёсдир.

²⁶¹ Лутфий. Ўша китоб. Б. 340.

²⁶² Лутфий. Ўша китоб. Б. 342.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ	13
Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" асари	20
Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунуну-л-балоға" асари	28
Темурийлар даври ўзбек адабиётида нома жанри тараккиёти	38
Мунозара ҳақида маълумот	58
Юсуф Амирийнинг "Чоғир ва Банг" мунозараси	66
Яқинийнинг "Ўқ ва Ёй" мунозараси	84
Ахмадийнинг "Созлар мунозараси" асари	106
"Юсуф ва Зулайҳо" дostonи ва шу туркумдаги дostonлар	114
Ҳайдар Хоразмий ижоди	133
Лутфий	149
Гадоий	161
Саккокий	169
Атойи	181
Саййид Қосимий ижоди	186
ХУЛОСА	196
ИЛОВА	197

Насимхон Раҳмонов

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ

(Энг қадимги даврлардан XV асрнинг биринчи ярмигача)

Ўқув қўлланмаси

Ҳажми 3

Формат 60x100 1/16

Тығыздығы 80 гр./м². Қағаздың ақтығы 95%.

Қағазы офсеттік. РИЗО басылымы.

Көлемі 88 бет. Басылған беттердің шарттары 5.5.

ЭСПИ

«ЭСПИ» баспасында басылымға
дайындалды және басып шығарылды
ҚР, Алматы, Төле би к., 292
тел.: 8 727 364 84 13
e-mail: espi20@mail.ru
